Тўхлиев
Ҳақбердиев
. Эрмаматов
Холматов

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ



УЗМ

Н.Тўхлиев
Қ.Ҳақбердиев
Ш.Эрмаматов
Н.Холматов

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ

«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти

Тошкент–2006

65.9(5У)
О'-24

Ўқув қўлланмаси китобхонлар кенг оммасини мамлакатимиз иқтисодиётининг тузилиши ва ривожланиши билан таништиради. Китобда Ўзбекистоннинг бекнёс меҳнат, табиат ва ишлаб чиқариш ресурслари, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, алоқа, инвестиция, инновация, экспорт салоҳияти, хизмат кўрсатиш, савдо, молия ва банк соҳалари, миллий давлатнинг иқтисодий роли, институционал ўзгаришлар ва бошқа муаммолар ёритилган.

Тўхлиев Н. ва бошқ.
Ўзбекистон иқтисодиёти асослари./Н.Тўхлиев, К.Ҳақбердиев, Ш.Эрмаматов, Н.Ҳолматов. – Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.

ББК 65.9(5У)

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 439030

О' $\frac{4602030000}{358-2006}$

ISBN 5-89890-123-X

© *«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»*
Давлат илмий нашриёти, 2006

МУНДАРИЖА

Кириш 5

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси 7
1.2. Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш шарт-шароитлари 12
1.3. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар 15
1.4. Асосий макроиқтисодий пропорциялар 17
1.5. Миллий хўжалик тизими турлари 20

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ

2.1. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти тушунчаси 25
2.2. Аҳоли ва меҳнат ресурслари 27
2.3. Минерал-хом ашё ресурслари 35
2.4. Ёқилғи-энергетика ресурслари 39
2.5. Ер ва сув ресурслари 41
2.6. Илмий-техника ва инновация ресурслари 49

III БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

3.1. Макроиқтисодий барқарорлик тушунчаси 54
3.2. Иқтисодий ўсиш 56
3.3. Иқтисодий ўсишнинг омиллари 58
3.4. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш динамикаси 60
3.5. Иқтисодий ўсишни моделлаштириш 67

IV БОБ. МИЛЛИЙ ХЎЖАЛИК МАЖМУАЛАРИ: РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

4.1. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ва хўжалик мажмуаларининг шаклланиши 73
4.2. Саноат мажмуаси 77
4.3. Агросаноат мажмуаси 90
4.4. Қурилиш-инвестиция мажмуаси 99
4.5. Транспорт ва алоқа 102
4.6. Ижтимоий соҳа 109
4.7. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий мажмуалар 112

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. Бозорга ўтишнинг ўзбек модели 121
5.2. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни 124
5.3. Рақобат муҳитини шакллантириш 129
5.4. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши 137
5.5. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши 146
5.6. Инвестиция сиёсати 155

VI БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

6.1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти ва зарурияти 164
6.2. Пул тизими ва пул-кредит сиёсати 170
6.3. Молия-бюджет ва солиқ тизими 183
6.4. Валюта тизими ва назорати 195
6.5. Божхона тизими ва назорати 201

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ

7.1. Халқаро савдонинг моҳияти ва зарурияти 210
7.2. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти 217
7.3. Импорт таркибини такомиллаштириш 227
7.4. Хорижий инвестицияларни жалб этиш 230

VIII БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ

8.1. Глобаллашув жаҳон хўжалиги ривожланишида янги босқич 237
8.2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг омиллари ва тенденциялари 239
8.3. Интеграциянинг шакллари ва механизми 244
8.4. Ўзбекистон ва Марказий Осиё 248
8.5. Ўзбекистон ва МДХ 255

IX БОБ. ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

9.1. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва асосий йўналишлари 260
9.2. Меҳнат бозори ва бандлик 264
9.3. Аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари ... 269
9.4. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва харажатлари 270
Глоссарий 277

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиёт қарор топди. Тўла давлатлаштирилган социалистик иқтисодиёт ўрнига, боскичма-боскич, хўжалик юритишнинг эволюцион тараққиётни таъминлаб берадиган бозор моделига ўтиш Шарқий Европа ва постсовет майдонида иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос моделларини келтириб чиқарди. Бу моделлар давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви, эркинлаштириш ва хусусийлаштириш, иқтисодий ўсиш динамикаси ва халқнинг турмуш фаровонлиги даражалари билан бир-бирларидан фарқ қилади. Ҳаётнинг ўзи иқтисодий назариянинг ҳозирги замон жаҳон ютуқлари, ўзбек иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг менталитети ва глобаллашув жараёнлари билан уйғунлашган дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишни кўндаланг қўйди. Бу талабни ҳисобга олган ҳолда бундан 10 йил муқаддам Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Ўзбекистон иқтисодиёти» ўқув курси жорий қилинган эди. Бизнинг фикримизча, иқтисодий олий ўқув юрти битирувчилари, айниқса, минтақашунослик, халқаро иқтисодий алоқалар бўйича тайёрланаётган мутахассислар иқтисодий назария асосларини пухта эгаллашлари билан бирга, уларни амалиётга қўллай билиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш шарт-шароитлари, омиллари ва механизмларини, шу билан бирга, унинг бугунги муаммоларини тезда илғаб олиши ва таҳлил эта билиши лозим. Ана шу мақсадларга эришишни муаллифлар ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйди.

Ўқув қўлланмаси китобхонлар кенг оммасини, биринчи навбатда талабалар, мутахассислар, умуман иқтисодиёт илми билан қизиқувчиларни мамлакатимиз иқтисодиёти тузилиши ва ривожланиши билан яқиндан, батафсилроқ таништиришни кўзлаган. Унда Ўзбекистоннинг бекиёс меҳнат, табиат ва ишлаб чиқариш ресурслари, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, алоқа, инвестиция, инновация, экспорт салоҳияти, хизмат кўрсатиш, молия ва банк соҳаларини, шу билан бирга улардаги мавжуд муаммоларни очиб беришга ҳаракат қилинди.

Китобда миллий давлатнинг иқтисодий ролини, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш механизмини, бозор ислоҳотлари шароитида институционал ўзгаришларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳар бир мавзуни ёритишда назарий билимлар ва жаҳон тажрибасини миллий иқтисодиёт амалиёти билан боғлашга, унинг мазмунига миллий иқтисодиёт ғоясини сингдиришга ҳаракат қилинди. Шу мақсадда мустақиллик йилларида қабул қилинган иқтисодиётга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларидан, ҳукумат қарорлари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Давлат статистика қўмитасининг даврий статистик тўпламларидан кенг фойдаланилди.

Ўқув қўлланмасини ёзиш жараёнида муаллифлар унинг мазмунини мамлакатимизда амалда бўлган олий ўқув юртлари таълим стандартларига имкон даражасида мувофиқлаштиришга ҳаракат қилишди. Қўлингиздаги китоб миллий иқтисодиёт бўйича республикамиздаги илк ўқув қўлланмаларидан бўлганлиги сабабли, унинг айрим камчиликлардан ҳам ҳоли бўлмаслиги, табиий. Шунинг учун муаллифлар китобнинг тузилиши ва мазмуни бўйича билдириладиган барча холисона мулоҳаза ва таклифларни бажони дил қабул этади ва уларни китобнинг келгуси нашрларини тайёрлашда албатта эътиборга олади.

1-боб 1-,2-,3-§, 2-боб 1-,2-,3-,4-,5-§, 3-боб 1-,2-,3-§, 5-боб 1-§ иқтисод фанлари доктори, профессор **Н.Тўхлиев**, 5-боб 2-,3-,4-§, 6-боб, 9-боб 3-§ иқтисод фанлари номзоди **Қ.Ҳақбердиев**, 1-боб 4-§, 3-боб 4-§, 4-боб 1-,3-,6-,7-§, 5-боб 5-,6-§, 7-боб, 8-боб 4-,5-§, 9-боб 4-§ иқтисод фанлари номзоди **Ш.Эрмаматов**, 1-боб 5-§, 2-боб 6-§, 3-боб 3-§, 4-боб 1-,2-,4-,5-§, 8-боб 1-,2-,3-§, 9-боб 1-,2-§ иқтисод фанлари номзоди **Н.Холматов** томонидан ёзилган.

Бизнинг манзил:
700129, Тошкент, Навоий 30, «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти.

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Миллий иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётининг фаолият кўрсатиш шакли бўлиб, мамлакат ҳудудида яшовчи асосий миллат(халқ)нинг тарихан шаклланган ва ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан белгиланадиган, маҳаллий, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган хўжалик тармоқлари, корхоналари, меҳнат уюшмалари, ҳудудлари ва минтақалари тизимидир.

1.1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси

Миллий иқтисодиёт капитализмнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, энг аввало, XVII асрнинг ўрталарида Англияда қарор топди. Ҳозирги пайтда унинг **капиталистик, социалистик, постсоциалистик** ва **кам ривожланган мамлакатлардаги капиталистик** шакллари мавжуд. Масалан, капиталистик миллий иқтисодиётга унинг америкача, немисча, японча **шакллари** ва **моделлари** тўғри келади. Социалистик миллий иқтисодиёт эса Хитой, Вьетнам ва Кубада мавжуд бўлиб, асосий соҳа ва тармоқларда давлат мулкини ва корхоналарини сақлаб қолган ҳолда, хусусий мулкчилик, товар-пул муносабатларига асосланган ўрта ва кичик хўжаликларга ва бошқа бозор муносабатларига кенг йўл очилаётган иқтисодий фаолият шаклларини киритиш мумкин.

Шарқий Европа мамлакатларида ва собиқ СССРда ўта марказлашган **маъмурий-давлат социализмининг** инқирозга учраши натижасида вужудга келган янги мустақил давлатларда **постсоциалистик миллий иқтисодиёт** қарор топди.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бозор муносабатларига асосланган, ўзига хос демократик миллий иқтисодиётни шакллантира бошлади. Ўтган ўн йилликда мамлакатда давлат ва хусусий мулкчиликка асосланган, кўп укладли, аралаш миллий иқтисодиёт вужудга келди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий қисмини шахсий, гуруҳ, ширкат, жамоа, акциядор корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2004 йилда 75,8 фоизни ташкил этди.

Нодавлат корхоналарининг ЯИМ даги улуши 2004 йилда 75,8 фоизни ташкил этди

Шўролар даврида Ўзбекистон иқтисодиёти ягона **халқ хўжалик мажмуасининг** таркибий қисми эди. СССРнинг тарқалиши билан миллий хўжалик тизими аста-секин суверен ўзбек давлати доирасида ягона хўжалик организми белгиларига эга бўла бошлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон янги давлатчиликни шакллантириш, истиқлолни реал мазмун билан тўлдириш, Совет Иттифоқининг қулаши туфайли вужудга келган ялпи ижтимоий – иқтисодий инқироз шароитида бозор муносабатларига ўтишнинг қийин ва машаққатли

йўлини босиб ўтди. Ўтган давр собиқ ягона халқ хўжалик мажмуаси харобалари ўрнида миллий иқтисодиётнинг тамал тошини қўйиш даври ҳамдир. Бугун мамлакатда янги иқтисодий тизимнинг асосий унсурлари шакллантирилган - янги иқтисодий ҳокимият органлари, миллий молия, ички ва ташқи бозор, бозор институтлари тизими, хўжалик қонунчилиги меъёрлари яратилган.

"Миллий иқтисодиёт" атамаси кейинги йилларда "мамлакат иқтисодиёти", "республика иқтисодиёти", "миллий хўжалик", "халқ хўжалиги", "ижтимоий ишлаб чиқариш" тушунчаларининг синоними сифатида илмий адабиётга, бошқариш ва хўжалик амалиётига кириб келди.

Миллий иқтисодиётнинг қуйидаги характерли белгилари ва шарт-шароитлари мавжуд:

- миллий ва давлат суверенитети;
- ҳудудий яхлитлик;
- иқтисодий майдон ва ҳуқуқий муҳит бирлиги;
- ягона тўлов воситаси – миллий пул бирлиги, молия тизими яхлитлиги;
- ички бозорнинг ривожланганлиги, ташқи иқтисодий ва геополитик муносабатларнинг барқарорлиги ва бошқалар.

Миллий иқтисодиёт мураккаб тизим сифатида ташкилий, тузилмавий, ресурс, институционал ва бошқа кичик тизимлар, компонентлардан таркиб топади.

Ташкилий жиҳатдан – хўжалик юритиш субъектлари йиғиндиси - ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, ишлаб чиқариш турлари, тармоқлар, минтақалар, уларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатларидан иборат.

Таркибий жиҳатдан – хўжалик мажмуалари - саноат, агросаноат мажмуаси, ёқилғи-энергетика мажмуаси, қурилиш мажмуаси ва бошқалардир.

Ресурслар бўйича – имкониятлар йиғиндиси - табиий – хом ашё, демографик ва меҳнат, илмий ва инновацион, ишлаб чиқариш, экологик ресурслардан иборат.

Институционал жиҳатдан – бозор институтлари ва миллий бозор сегментлари йиғиндиси – ишлаб чиқариш воситалари бозори, товар ва хизматлар бозори, капитал бозори, ипотека бозори, қимматли қоғозлар бозори, фонд бозори, меҳнат бозори, интеллектуал мулк объектлари бозори, уй-жой бозори ва бошқалардан иборат.

Ҳаракат қилиш ва бошқариш даражаси бўйича миллий иқтисодиёт макродаража (бутун иқтисодиёт) мезодаража (тармоқлар, минтақалар) ва микродаражада (корхона, бирламчи ишлаб чиқариш) таҳлил қилинади.

Миллий иқтисодиёт имкон даражасида ташқи бозор таъсиридан холи бўлган миллий хўжалик тизимидир. Маълумки, миллий иқтисодиётни вужудга келтириш ва

ривожлантириш ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш орқали мамлакатнинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиради. Узоқ йиллар давомида қарор топган иқтисодиётнинг қиёфаси аграр, мустамлака тузилмадан кам фарқ қилиб, бир томонламаликка, марказий саноат районларига хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб беришга асосланган эди.

Натижада, Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа республикалардан келтириладиган ишлаб чиқариш ва истеъмол моллариға боғлиқлиги кучайиб борди. Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларга боғлиқлиги якунловчи ишлаб чиқариш босқичлари аҳамиятининг ҳаддан ташқари ошувига, миллий саноатнинг заифлашувига олиб келди. Мустақилликгача барча саноат маҳсулотлари таркибида машинасозликнинг ҳиссаси 20 фоизга ҳам етмасди. Бунинг оқибатида ташқаридан маҳсулот киритишнинг асосий йўналиши саноат асбоб-ускуналари ва технологиядан иборат бўлиб қолди. Машинасозликнинг суяги ҳисобланадиган дастгоҳсозлик ҳаддан ташқари сўст ривожланди. Бундай номутаносибликларга барҳам бермасдан туриб, мустақил, ҳозирги замон иқтисодиётини барпо этиб бўлмас эди. Мустақиллик йилларида қуриб ишга туширилган, реконструкция ва модернизация қилинган юзлаб янги завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, ташқи бозорга қарамликка барҳам беришда дадил қадамлардан бўлиб ҳисобланади. Илгари автомобил ҳам, нефть маҳсулотлари ҳам, ғалла ва ҳатто спирт ҳам ташқаридан келтирилар эди.

Мустақилликгача саноат маҳсулотлари таркибида машинасозликнинг ҳиссаси 20 фоизга ҳам етмасди

Аммо мустақиллик – **маҳдудлик** эмас. Бугунги кунда **автаркизмни**, ўз эҳтиёжларини фақат ўз ички ресурслари ҳисобига ўзи таъминлашни даъво қилиш қалтабинликдан бошқа нарса эмас. Ўзбекистон **очиқ иқтисодиёт** тарафдори. Халқаро ва ички бизнесни, тадбиркорлик ҳамда рақобатни ривожлантириш борасида қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар бунинг исботидир. Бозор иқтисодиёти гўё икки томонлама қатновли кўча бўлиб, товарларнинг кириши ва чиқиши учун бир хил имконият яратишини тақозо этади. Ташқарига мол чиқмаса, мол кириши ҳам қийин. Бугун ер юзида айрим, ярим ёввойи қабилаларни ҳисобга олмаганда, ёпиқ, ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат қолмаган. Ҳозир Ўзбекистоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар олиб бораётганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Ўзбекистон **ташқи савдо айланмаси**, иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллари орқали жаҳон хўжалигига тобора **интеграциялашиб** бормоқда, халқаро бозорда ўз ўрнини топмоқда. Автаркизм, маҳдуд ёхуд ёпиқ иқтисодиётга келадиган бўлсак, бу хўжалик юритишнинг табиий, соғлом ҳолати эмас. Тўғрироғи, у маълум тор

мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсат. Бундай сиёсатнинг мамлакатда шаклланаётган миллий иқтисодиётга хеч қандай алоқаси йўқ. Амалда маҳдудлик мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдо айирбошлаш алоқаларидан ҳоли бўлган, ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган иқтисодий тартиботни англатади. Бу ерда гап барча мавжуд ички ресурсларни сафарбар этиш, бозорни қатъий **регламентлаш**, мамлакатдаги эҳтиёжларни фақат ўз ички воситалари ҳисобига қондириш орқали иқтисодий ҳаётни ташкил этиш ҳақида бормоқда. Техник жиҳатдан бундай сиёсат сунъий, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг кўламларда ўтишни билдиради.

Иқтисодий маҳдудлик йўлини танлаш амалда **буйруқбозлик** ва **тоталитар тузилмаларни** яратиш билан кечади. Хом ашёдан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва айирбошлаш устидан қатъий назорат ўрнатиш, **фондлар** ва **лимитлар** бўйича тақсимлаш бундай сиёсатга хос белгилардир.

Ҳозирги замонда истеъмолчилар ва улар эҳтиёжларининг ўта турфа хиллиги ва хом ашё материалларининг тарқоқлиги туфайли автаркизм кенгайган шакл ёки бўлмаса иқтисодиётнинг айрим қисмини ўз ичига олиши мумкин.

Урушдан олдин Германия ва Италия автаркизм йўлидан борганди. Бундан мақсад миллий қувватларни тўла сафарбар этиш ва ўз иқтисодиётини чет эллик мол етказиб берувчилардан холос қилиш эди. Урушга бевосита тайёргарлик даврида улар табиий хом ашёларнинг ўрнини босадиган товарлар ва сунъий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирдилар: ташқаридан мол киритиш тўхтатилди, валюта айирбошлаш устидан назорат ўрнатилди, **тўла бандлик** таъминланди. Бу сиёсат аввал миллий доирада амалга оширилди. Аммо миллий ресурслар чекланган, савдо-сотиқ йўли орқали мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни олишдан воз кечилган эди. Нима қилиш керак? Мана шундай шароитда **"Ҳаётий макон** (майдон)" доктринаси илгари сурилди. Ички эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ресурсларни **экспансия**, босиб олиш йўли билан амалга ошириш бошланди. Бу эса қўшимча хом ашё манбалари, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучига эга бўлишни англатарди. Германия томонидан босиб олинган мамлакатлар автаркия характеридаги ягона "немис майдони"га интеграциялаштирилган эди.

Собиқ Иттифоқ ҳам социалистик иқтисодиёт барпо этиш мақсадида амалда ташқи дунёдан ажралиш йўлига ўтди. Масалан, сталинчилик даври экспансиявий маҳдудликдан бошқа нарса эмасди. "Социалистик майдон" ана шу йўл билан вужудга келтирилди.

Булардан ташқари, тўла бандликка эришиш шиорлари билан иқтисодий блокларга бирлашиш, миллий хўжаликни

жаҳон хўжалик тизимидан сунъий девор орқали ажратишга уринган ҳоллари учраб туради. Бу сиёсат гўё ташқи таъсирни ўтказмайдиган "саклагич қопқоқ" вазифасини ўташи керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида **иш кучи, капитал, товар** ва **хизматлар** ҳаракати учун **иқтисодий макон** қанчалик кенг бўлса, шунчалик яхши. Агар уларнинг йўли турли хил иқтисодий блоклар, сунъий иттифоқлар билан тўсиладиган бўлса, шунчалик зararлидир. Тўғри, бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларида қулай шароитга эришиш ва ўзаро божхона имтиёзларига эга бўлиш учун давлатларнинг регионал уюшмалари тузилиши мумкин. Шундай уюшмалардан бири – **"Бенилюкс"** (Бельгия, Люксембург ва Нидерландия) 1921 йилдаёқ ташкил топган эди.

Унинг асосий мақсади **божхона иттифоқи**, қишлоқ хўжалиги ва металлургия соҳаларида бир-бирига ўзаро имтиёзлар беришдан иборат эди. Кўриниб турибдики, бу иқтисодий уюшма ҳам, Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳам, нефть ишлаб чиқарувчи араб давлатлари ёки каучук ишлаб чиқарувчи Лотин Америкаси давлатлари ҳалқаро иқтисодий иттифоқлари ҳам икки асосий тамойилга – территориал ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бир-бирларига якинлигига асосланади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтисодий интеграцияси ёки умумий бозори тўғрисида гап кетганда эса, яна умумий менталитет, тарих, тил, анъаналар ва дин бирлиги каби қўшимча омиллар ҳақида ҳам гапириш мумкин. Булардан ташқари, регионда кўплаб бир хил турдаги маҳсулотлар: нефть, кўмир, олтин, пахта, ғалла ва бошқалар жуда катта миқдорда ишлаб чиқарилади. Бу ерда мавжуд сув, темир йўл, электр қуввати ишлаб чиқариш, моддий ва ижтимоий инфратузилма шундай шаклланганки, улардан фақат биргаликда фойдаланганда гина юқори самараларга эришиш мумкин.

Миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш мамлакат ресурслар имкониятидан оқилона фойдаланишни, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ўстириб боришни тақозо этади. Бу ўз навбатида товар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарур миқдор ва сифатларда бўлишини, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида мақсадга мувофиқ нисбат таъминланиши, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, замонавий ва унумли технологияларни қўллаш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, иш билан бандликни яхшилаш каби қатор шарт-шароитлар билан боғлиқ. Энг аввало, моддий ишлаб чиқариш соҳасини юқори суръатларда ривожлантириш, маҳсулот ҳажмини сарф-харажатлар ва аҳоли ўсишига нисбатан устунроқ ўстириш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва

бошқа тармоқлари ичида ҳамда шу тармоқлар ўртасида барқарор, ўсувчан таркибий ўзгаришлар ва мақсадга мувофиқ нисбатлар, мутаносибликлар бўлиши муҳимдир.

Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг асосий қисми, аввало, ички бозорни сифатли ва арзон миллий товарлар билан тўйинтириши лозим. Шу билан бирга ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш, жаҳон хўжалиги тизимига борган сари интеграциялашув объектив зарурат. Хўжалик субъектларининг эркинлигини кенгайтириш, уларга ва аҳолига солиқ юкини енгиллатиш, давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмини мақсадга мувофиқ меъёрда ушлаб туриш, инфляцияни кескин пасайтириш ва бошқа омиллар миллий иқтисодиётни ривожлантиришга жиддий ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг **трансформацияси** (янги босқичга ўсиб ўтиш) ва ривожланиши мураккаб кечмоқда. Бу жараён қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

– мустақил давлат иқтисодий тизимининг барча унсурлари, **институтлари** ва ўзига хос хусусиятларини тўла шакллантириш;

– ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигининг амалдаги ва янгидан яратилган институтларини такомиллаштириб бориш;

– хўжалик ҳаётининг **глобаллашуви** жаҳон тенденцияси, самарали халқаро меҳнат тақсимоти, янги юқори технологиялар асосида иқтисодиётнинг тузилишини чуқур қайта қуриб бориш.

Бу жараёнларнинг барчаси, табиийки, узлуксиз фаолият кўрсатиш ва ривожланиш доирасида амалга ошиб боради. Чунки, хўжалик ҳаётининг тўхтаб туриши, танаффус қилиши мумкин эмас.

Юқорида қайд этилган трансформацион жараёнларни муваффақиятли амалга ошириш учун етарли замин, шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим. Худди шу пойдевор, шарт-шароитларгина иқтисодий тизимга ривожланган миллий иқтисодиёт сифат ва миқдор тавсифини беради (мустақиллик, яхлитлик, ижтимоийлик, бозор механизмига асосланганлик, самарадорлик, миллий йўналтирилганлик, очиқлик). Бу шарт-шароитларни шартли равишда **уч қисмга** ажратиш мумкин:

– умумтартиб, яъни конституцион;

– ҳуқуқий, дунёқараш, мафкуравий ва сиёсий мазмундаги шарт-шароитлар;

– тизимли, яъни **иқтисодий, институцион-ҳуқуқий майдон**, хўжалик институтлари характери, ташқи муҳит билан алоқага киришув механизми ва меъёрларининг умумийлиги;

– тизим ичидаги мақсадга мувофиқ хўжалик юритиш қоидаларига риоя қилиш асосида миллий иқтисодиётнинг **рақобатбардошлиги** ва **самарадорлигини** таъминлаш.

Агар биз бозор иқтисодиёти **эволюциясини** таҳлил қиладиган бўлсак, унда кўпчилик бугунги илғор мамлакатларнинг Европа тараққиёт ҳояси таъсирида ривожланганлигини кўрамиз. Бу ҳоя тез ривожланаётган фан ва техникага таянган ҳолда инсоннинг атроф-муҳит устидан назоратининг узлуксиз кенгайиб бориши, **хусусий мулкчилик ҳуқуқи, эркин соҳибкорлик, рақобат, пулдан капитал ва кредит сифатида** фойдаланишни тақозо этади. Шунингдек, замонавий бошқариш технологияси, кооперативликнинг турли шакллари, ёлланма меҳнатни суғурта қилиш ва бошқалар ҳам тараққиётнинг **европача модели** маҳсули ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг сифат ва миқдор тавсифи – мустақиллик, яхлитлик, ижтимоийлик, бозор механизмига асосланганлик, самарадорлик, миллий йўналтирилганлик, очиқлик ҳисобланади

125 йил давомида Россия таъсирида бўлиш, кейинги бир неча ўн йил давомида ташқи дунё, биринчи навбатда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар билан алоқаларнинг кенгайиши Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Унинг иқтисодиётида ҳам Осиё, ҳам Европа анъаналари сезилади. Халқнинг узоқ ўтмиши, географик жойлашуви, анъаналари жиҳатидан кўпроқ **осиёвий** (мусулмон) хўжалик тамойиллари ўз кучини йўқотмади. Шунинг учун ҳам ташқаридан тиқиштирилган **совет турмуш тарзи** юртимизда чуқур илдиз отмади. Чунки ислом ҳар бир ўзбек учун нафақат дин, шу билан бирга унинг турмуш тарзи ҳамдир. Бу ижтимоий адолатда, жамоа мулкчилигида, ижтимоий қадриятларнинг индивидуал қадриятлардан устунлигида ўз аксини топади.

Шариатда иқтисодиётнинг бош масаласи – мулк масаласи: "Яйловлар, манбалар, сувлар, олов ва туз барчаники... ер ва осмон Аллоҳники", деб кўрсатилган.

Бугунги Ўзбекистонда ер, ер ости ва усти бойликлари, сув манбалари, унинг объектлари давлат ихтиёрида қолдирилганлиги тасодифий эмас.

Бу омилларни ҳар томонлама эътиборга олиш, шунингдек, Ўзбекистонга хос геосиёсий, географик, ижтимоий-иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа хусусиятлар ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари, модели ва механизмларини танлашда муҳим методологик шарт-шароитлар бўлиб ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг очиқлиги, халқаро иқтисодий ҳамкорликда стратегик устунликларнинг барқарорлиги, ташқи бозор конъюнктурасини ўрганиш ва башорат қилишни чуқур билиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ташқи шарт-шароитларини ташкил

этади. Ўзбекистон ноёб қазилма бойликларнинг хилма-хил ва улкан манбаларига эга. Бу ерда қишлоқ хўжалик хом ашёси (пахта, ипак, тери, жун) ва ҳўл мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари сероб. Ўлка меҳнат ресурсларига бой. Табиийки, бу бойликлар нафақат ички истеъмолни тўла қондиради, балки катта миқдорда экспорт қилиш имконини ҳам беради. Шу билан бирга янги, юқори технологиялар, металл, бутловчи қисмлар, асбоб-ускуналарсиз мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришни тасаввур қилиш қийин. Ташқи бозорда товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўллари ва истиқболини белгилашда бу ўта муҳим хусусиятлар ҳисобга олинмоқда.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ички шарт-шароитларига ижтимоий йўналтирилган, **аралаш бозор иқтисодиётини** қуриш, таркибий қайта қуришларни такомиллаштириб бориш, бозор тан олмайдиган ишлаб чиқариш соҳа ва турларига барҳам бериш, иш ўринлари яратишни кенгайтириб бориш йўли билан **бандликни яхшилаш, барқарор иқтисодий самарадорлик** ва **экологик хавфсизликни** таъминлашга эришиш ва бошқалар киради.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланиш самарадорлиги тизимли шарт-шароитлар ва тамойиллар туркуми билан таъминланади. Улар қаторига мамлакат, унинг минтақалари ва иқтисодий секторлари учун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида мулкий муносабатларни, хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини, **реал секторнинг** фаолият кўрсатишини, молиявий тизимни бозор институтларини бошқаришни тартибга солиб, ягона **институционал-ҳуқуқий муҳитни** яратиш киради.

Бундай институтлар, ҳуқуқий меъёр ва механизмлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Банк, Солиқ, Божхона, Меҳнат ва бошқа кодекслар ҳамда қонунлар билан белгиланади.

Тизимли шарт-шароитларга иқтисодий соҳада мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини тўла ҳисобга олиш киради. Ўзбекистон ривожланишнинг истиқболли омилларига эга. Улар қаторига юқори малакали кадрлар, улкан илмий-техник, саноат ва агросаноат имконияти, минерал-хом ашёларнинг катта ресурслари киради. Шу билан бир қаторда миллий иқтисодиётимиз бир қатор ўзининг заиф томонларига ҳам эга. Улар ҳали такомилига етмаган иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, минтақавий технологик тузилмаси, жисмоний ва маънавий

жиҳатдан хийла эскирган технология ва асосий фондлар, ишлаб чиқаришнинг товар ва истеъмол тузилиши ўртасидаги номувофиклик, ялпи ички маҳсулотда хизматларни ишлаб чиқаришнинг, кўпгина товар ва хизматларнинг нисбатан паст даражаси ва рақобатбардош эмаслиги, **чуқур қайта ишлаш** соҳаларининг юқори даражада ривожланмаганлиги, мамлакатнинг сув йўлларидан узоклиги ва бошқалар. Булар миллий иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларини шакллантиришда ва кенгайтиришда обьектив баҳоланиши лозим.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланиш асослари ва шарт-шароитлари гуруҳини аниқлаш ва уларни тўла ҳисобга олиш иқтисодиётнинг **инновацион, юқори технологияли, фан сиғими юқори бўлган** ривожланиш турига ўсиб ўтишида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам улар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига киритилиши зарур.

Иқтисодий тараққиёт (ўсиш) бир қатор **макроиқтисодий кўрсаткичларда** ифодаланади. Амалдаги ва солиштирма баҳо(нарх)лардаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг яхшилана бориши, макроиқтисодий барқарорлик таъминланаётганини англатади.

Макроиқтисодий барқарорлик қуйидаги кўрсаткичларнинг ўсишида ўз аксини топади: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), миллий даромад (МД), ялпи саноат маҳсулоти, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти (деҳқончилик ва чорвачилик) истеъмол товарлари, асосий капиталга инвестициялар, қурилиш ишлари, юк ва йўловчи айланмаси, чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш миқдори, ташқи савдо айланмаси (экспорт, импорт) ва бошқалар. Бу кўрсаткичлар иқтисодий индикаторлар деб ҳам аталади.

Юқорида тилга олинган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар орасида учта асосий, мезон кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, улар сирасига **ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад** киради.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр (ой, чорак, йил) давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган кўрсаткич. ЯИМ мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар (чет эл ва қўшма корхоналар ҳам шу ҳисобга киради) томонидан жами ишлаб чиқариш омиллари билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор қийматларидаги ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисоблаб чиқилади. Бу кўрсаткичдан мамлакат

иқтисодиётнинг ривожланишини макродаражада тавсифлаш ва таҳлил этишда фойдаланилади. Ўзбекистонда 2004 йилда амалдаги нархларда 12189,5 млрд. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилди. Бу 2003 йилга нисбатан 7,7 фоизга кўп демакдир. Яратилган ЯИМнинг тармоқ тузилиши қуйидагича: унинг 48,6 фоизи товарлар ишлаб чиқариш (унинг 17% саноатда, 26,8% қишлоқ хўжалигида, 4,5% қурилишда) ва 37,4 фоизи хизматлар кўрсатиш (унинг 9,8% транспорт ва алоқада, 9,0% савдо ва умумий овқатланишда, 20,2% бозор ва нобозор хизматларда)га 14,0 фоизи маҳсулот ва **экспорт-импорт** операциялари соф солиқларига тўғри келди. Миллий статистикада асосий макроиқтисодий кўрсаткич сифатида ЯИМ ёки **ялпи миллий маҳсулот** (ЯММ), ҳатто **ялпи миллий даромад** (ЯМД) ҳам қабул қилиниши мумкин. Масалан, АҚШ ва Японияда ЯИМ эмас, балки ЯММ асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо БМТнинг **миллий ҳисоблар тизимида** ЯИМ бирламчи иқтисодий кўрсаткич сифатида қабул қилинган. Миқдор жиҳатдан бу кўрсаткичлар ўртасидаги тафовут унчалик катта эмас: ривожланган мамлакатларда бу тафовут бир фоиздан ошмайди. Чет элларда ишловчи фуқаролардан тушадиган даромадлар салмоқли бўлган мамлакатларда бу тафовут каттароқ бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда 2004 йилда амалдаги нархларда 12189,5 млрд. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилди.

Ялпи миллий маҳсулот (даромад) (ЯММ ёки ЯМД) – мамлакатнинг маълум муддат (ой, чорак, йил) ичида умумий иқтисодий фаолиятини тавсифловчи якуний макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири. ЯММ давлатнинг бозор нархларида ифодаланган барча бирламчи даромадлари (уларнинг мамлакат ҳудудида ёки унинг ташқарисидаги ишлаб чиқариш омиллари туфайли юзага келишидан қатъий назар) жами йиғиндисини кўрсатади. ЯММ **миллий ҳисоблар тизими** асосида ҳисобланади.

Ҳозирги замон иқтисодиётида мамлакатлар ўртасида капитал ҳаракатчанлиги даражаси ғоят юқори. Натижада бир мамлакат капиталининг муайян бир қисмидан бошқа бир мамлакатда фойдаланилади. Айни пайтда эса мамлакатнинг баъзи активлари (корхоналар, кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар) хорижий фуқаролар ва фирмалар (норезидентлар)нинг эгалигида бўлади. Норезидентлар ўз мулкларидан олган даромадларининг бир қисмини ватанларига ўтказиб туришлари натижасида ялпи ички маҳсулот миқдори билан тегишли мамлакат ихтиёридаги амалдаги ялпи миллий даромад (ЯММ) миқдори бир-бирига тенг келмай қолади. Шу боис ЯММ ҳажмини тўғри аниқлаш учун ялпи ички маҳсулотга мамлакатга унинг чет элларидаги ўз фуқаролари мулкидан тушган даромадлар билан мамлакатдан чиқиб кетган чет элликлар даромадлари ўртасидаги фарқни қўшиш керак. Чет элдаги мулклардан тушган даромадлар сальдоси

ижобий бўлса ЯММ ҳажми ялпи ички махсулотдан кўп, аксинча ҳолатда кам бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан бир йил давомида моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган **соф махсулот, ялпи махсулот** ҳажмидан уни ишлаб чиқариш учун сафрланадиган меҳнат воситалари ва буюмларини қоплайдиган махсулот миқдорини – **қоплаш фондини** чегириб ташлагандан кейин қоладиган махсулот мамлакатнинг **миллий даромадини** ташкил этади.

У қуйидаги формулада ўз аксини топади:

$$T = C + V + M$$

Бу ерда v+m янгидан яратилган қиймат, яъни жамиятнинг миллий даромади.

Мамлакатдаги моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган соф махсулотдан иборат бўлган миллий даромад миллий иқтисоднёт тараккиётини таъминлашнинг, ахоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий манбаидир. Аммо миллий даромад моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф махсулотнигина қамраб олади. Шунинг учун ҳам миллий ҳисоблар тизимига ўтиш муносабати билан халқаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш учун БМТнинг тавсиясига биноан миллий даромад ўрнига ялпи миллий махсулот. 1993 йилдан бошлаб эса ялпи миллий даромад кўрсаткичи қўлланила бошлади.

1.4. Асосий макроиқтисодий пропорциялар

Миллий иқтисодий тизим компонентларининг тузилиши соҳа, тармоқ, ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этса, улар ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро таъсири миллий иқтисодиёт таркибини ифодалайди. Таркибий нисбатлар пропорцияларни ташкил этади.

Тараккиёт давомида мазкур пропорцияларни окилона даражада саклаб туриш миллий иқтисодиётнинг муҳим **таркиб ҳосил қилувчи** омили ҳисобланади. Иқтисодий тизим компонентлари ривожланишида мутаносибликка амал қилиш ушбу тизимнинг бир бутунлигини, яхлитлигини таъминлайди. **Мутаносиблик** – ҳар қандай тизим (техник, иқтисодий, ижтимоий) ривожланишининг қонуни ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг макротаркиби ўз ичига қуйи тизимлар, компонентлар мажмуасини олади. Бу қуйи тизимлар кўп йиллик хўжалик амалиёти давомида турли таснифий белгилар асосида таркибий тузилмаларга интеграциялашадилар. Бундай таснифий белгилар жумласига: [illegible] тармоқ, институционал [illegible] бўлинишлар киради.

Миллий ҳисоблар тизими амалиётига кўра, иқтисоднёт тармоқларини учта сектор бўйича таҳлил қилиш лозим:

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

– бирламчи (бу секторга табиий ресурсларни ишлаб чиқариш, қазиб олиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ тармоқлар киради);

– иккиламчи (саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари киради);

– учламчи (транспорт хизматлари, коммунал хўжалик, қурилиш, савдо, мудофаа, давлат бошқаруви ва бошқалар).

Илмий адабиётларда ва хорижий амалиётда иқтисоднётнинг **реал сектори** ва **пул (молия) сектори** тушунчаларидан фойдаланилади. Иқтисодиётнинг реал сектори ЯИМ ҳажми билан аниқланса, пул сектори ички товар алмашинуви учун зарур бўлган пул миқдори билан аниқланади. Бу секторлар субъектлар ва пул оқимлари ўртасидаги барқарор боғлиқликни ифодалаб, биргаликда даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланишини ўзида акс эттиради.

Мутаносиблик – ҳар қандай тизим (техник, иқтисодий, ижтимоий) ривожланишининг қонунидир

Миллий иқтисоднёт таркибини ўрганишда унинг такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, технологик, минтақавий, институционал, ижтимоий таркибини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби макродаражада ЯИМ такрор ишлаб чиқариш босқичлари ўртасидаги ўзаро нисбатларни таҳлил қилиш учун илмий муомалага киритилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари ўзгаришларининг йўналишларини ўзида акс эттиради. Бу ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий йўналганлик даражаси тўғрисида, ишлаб чиқаришнинг ортиқча ресурс сиғимлигига барҳам бериш, истеъмол ва жамғариш динамикаси ва шунга мувофиқ равишда миллий иқтисодиётни янгилашнинг инвестиция имкониятлари ва экспортга йўналганлик даражаси ҳақида тасаввур беради.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби тармоқлараро нисбатлар динамикаси, устувор тармоқларнинг самарадорлик нуктаи назаридан ўсиши, ижтимоий йўналганлиги, илмталаблиги, ресурсларни тежаш, аҳолининг экологик ҳимояланганлигини кузатиш имконини беради.

Иқтисодиётнинг технологик таркиби ушбу устувор йўналишларни анъанавий ва энг янги технологиялар ўртасидаги ўзаро нисбат динамикаси тўғрисидаги, илмталаб юқори технологияларнинг иқтисодиётга жорий этилиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар билан аниқлаштиради, тўлдиради.

Миллий иқтисодиётнинг минтақавий (ҳудудий) таркиби ишлаб чиқаришни, айниқса, ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш ва комплекс ривожлантиришда муҳим пропорцияларни ўзида акс эттиради.

Институционал таркиб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шаклларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳатти-ҳаракатининг маданий қадриятлар меъёрлари ва стереотипларини тавсифлайди.

Иқтисодиётнинг ижтимоий таркиби муҳим иқтисодий белгилар (мулк, даромадлар, малака ва бошқалар) бўйича гуруҳлаштирилган ижтимоий гуруҳлар тўпламини, шунингдек, уларнинг нисбий динамикасини ўзида акс эттиради.

Юқорида келтирилган барча иқтисодий таркиб гурлари иқтисодиётнинг бир бутунлигини шакллантиради, унинг унсурларининг ўзаро таъсирини ифодалайди. Бу унсурлар ўз характерига кўра табиий, технологик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, психологик, сонно-маданий, тарихий, конфессионал бўлади.

Иқтисодий тизимнинг таркибий унсурлари унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши жараёнида зарурий пропорцияларни сақлаб туради. Оқилоналик (оптималлик) мезонлари бўйича макроиқтисодий пропорцияларга баҳо бериш мамлакат иқтисодий фаолиятининг самарадорлиги ва иқтисодиёт таркибида юз бераётган ўзгаришлар йўналишлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, асосий макроиқтисодий пропорциялар миллий даражада шаклланади. Улар ЯИМ ва унинг унсурлари: пировард истеъмолга сарфланган харажатлар, **ялпи жамғариш** ва **ташқи савдо сальдоси** харакатини тавсифлайди. Агар такрор ишлаб чиқариш нисбатлари **пировард истеъмол** фойдасига ўзгарса, у ҳолда асосий капиталга, уни янгилашга киритиладиган инвестициялар ҳажми камаяди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг технологик базаси ривожланишининг пасайишига, истиқболда эса ишлаб чиқариш салоҳиятининг пасайишига олиб келади. Бунинг оқибатида пировард истеъмол ҳажми қисқаради.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мўътадил ҳаракати, экспорт ва импортга мўлжалланган тармоқлар ривожланиши динамикаси экспорт ва импорт ўртасидаги нисбатга, уларнинг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларидан бири экспортга йўналганлик бўлиши лозим.

Миллий иқтисодиёт, иқтисодий сиёсат учун ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги пропорциялар муҳим аҳамиятга эга

Миллий иқтисодиёт, иқтисодий сиёсат учун **ишлаб чиқариш таркиби ва истеъмол таркиби** ўртасидаги, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги пропорциялар муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқариш воситаларининг устун ўринга эга бўлиши натижасида вужудга келадиган номутаносиблик, собиқ Иттифоқ тажрибаси кўрсатганидек, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Юқори технологияли тармоқларга нисбатан прогрессив пропорцияларга амал қилиш лозим, чунки, иқтисодиёт таркиби материал ва энергия сиғими юқори ишлаб чиқариш турлари эвазига оғирлашмоқда. Истеъмол таркиби

товарлар, хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг оқилона истеъмол меъёрлари талаблари асосида ўзгариб бориши лозим.

Макроиқтисодий даражада реал ва пул сектори ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этиб, улар бир-бирига нисбатан қарама-қарши бирликда жойлашган бўлади. Ушбу секторларнинг бирига етарли даражада баҳо бермаслик ёки аҳамиятининг пасайтирилиши таркибий номутаносибликларга ва аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. **Жами талаб** ва **жами таклиф** ўртасида мувозанатли нисбатга эришиш зарурияти айнан шу ҳолат билан тушунтирилади.

Бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлар ўртасидаги, шунингдек, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги номутаносибликлар миллий иқтисодиёт учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Иқтисодиёт таркибида хизматлар улушининг ўсиб бориши бугунги кунда ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Бозор ислоҳотлари жараёнида илғор бозор ва анъанавий институтлар ўртасидаги нисбатларни, иқтисодиётнинг институционал таркибида меъёрларга амал қилишни, шунингдек, кучли ижтимоий табақаланишга йўл қўймаслик мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий таркибида турли ижтимоий қатламлар турмуш фаровонлигини оқилона даражада сақлаб туриш ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўрсатилган макроиқтисодий пропорциялар давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу пропорцияларни оқилона нисбатда сақлаб туриш миллий иқтисодиёт, бошқарув тизими ҳамда мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиш самарадорлигига баҳо бериш мезони ҳисобланади.

1.5. Миллий хўжалик тизими ва унинг турлари

Миллий хўжалик бу алоҳида олинган мамлакат иқтисодиёти бўлиб, мураккаб, бир-бирини тақозо этувчи иқтисодий-ижтимоий, ишлаб чиқариш, техник, интеллектуал ва бошқа муносабатларнинг ўзига хос тизимидан ташкил топади.

Миллий хўжалик тизимлари муайян мамлакатларнинг узоқ тарихий давр давомида ривожланиши ва ижтимоий-иқтисодий тизим унсурларининг ўзаро боғлиқ муносабатлари шаклланиши жараёнининг натижасидир. Маълумки, миллий хўжаликларда шаклланган иқтисодий муносабатлар тизими ривожланиб, такомиллашиб бориш тенденциясига эга. Шу билан бирга, жаҳон мамлакатлари иқтисодиётларида хўжалик юритишнинг умумий, бир-бирига ўхшаш усуллари ва шакллари яратилганки, уларни умумлаштириб, алоҳида иқтисодий моделлар ёки иқтисодий типларга гуруҳлаш мумкин. Мазкур гуруҳларга кирувчи хўжалик

тизимларининг ривожланишидаги умумийликлар иқтисодий тараққиёт конуниятлари ва тенденциялари билан тавсифланади.

Миллий хўжалик тизимларини тавсифлашда муайян мезонлар ва ёндошувларга асосланиб, бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Жумладан, бозор муносабатларининг ривожланганлик микёси ва даражаси, жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиш йўналишлари ва даражаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, иқтисодиётнинг техник-технологик ривожланиш даражаси, хўжаликнинг таркибий, хусусан, тармоқ ва ҳудудий тузилиши, мамлакат ҳудудининг микёси, этник ва миллий таркиби ва минтақавий хусусиятларига қараб миллий иқтисодиётларни тавсифлаш ва таснифлаш мумкин.

Миллий хўжалик тизимлари хусусиятларининг шаклланиши ва ўзгариши бир томондан, ички омиллар таъсирининг натижаси бўлса, иккинчи томондан ташқи омиллар ҳам мазкур тизимлар шаклланишига ва ривожланишига жиддий салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади.

Миллий хўжалик тизимининг хусусиятлари маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларнинг шакл ва мазмунини белгилаб берадиган, амалдаги тамойиллар, қондалар ва меъёрлар билан ҳам тавсифланади. Хўжалик тизимларининг амал қилиши мулк муносабатлари, **монетар ва фискал тизим**, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти, **инвестицион ва ҳудудий сиёсат** кабиларга ҳам боғлиқдир.

Миллий хўжалик тизимлари аксарият илмий ёндошувларда ажратиб кўрсатиладиган иқтисодий тизимларнинг уч типи – **анъанавий, бозор** ва **маъмурий-буйруқбозлик** шаклларидан бирига мансуб бўлади.

Жаҳон хўжалиги иқтисодий тараққиётида хўжалик тизимларининг америка, немис, япон, швед моделлари алоҳида ўрин тутади. Европа хўжалик тизимларида Германия, Англия, Франция, Италия ва Швецияда шаклланган моделларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга таъкидлаш ўринлики, Европа Иттифоқининг шаклланиши мазкур хўжалик тизимлари ривожланишидаги умумий жиҳатларнинг ортиб бориши натижасидир. Жумладан, ягона бозорнинг шаклланиши, иқтисодий ва валюта бирлигининг таъминланганлиги, молиявий сиёсатлардаги яқинлашув, ижтимоий тизимнинг ўхшашлиги, рақобат муҳити ва тадбиркорлик фаолияти шарт-шароитларининг такомиллашганлиги кабилар. Бу моделларда хўжалик тизими ўзига хос усуллар ва йўналишларда ривож топган ҳамда натижада юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий фаровонлик таъминланган.

Америка хўжалик тизимига хос асосий хусусиятлар **эркин тадбиркорликка** кенг йўл берилганлиги, **акционер-**

лик капиталини тақсимлаш тизими такомиллашганлиги билан белгиланади.

Хўжалик тизимининг япон шакли жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан тараққий топганлиги, япон миллий анъаналарининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча поғоналарида сақланганлиги, меҳнат мотивациясининг юқори даражада ташкил этилганлиги кабилар билан тавсифланади.

Хўжалик тизимларида саноат ва хизматлар соҳаси ривожланиш суръатлари ва миқёслари муҳим тавсифловчи кўрсаткич ҳисобланади. Дунё мамлакатларининг **саноатлашган, саноатлашаётган** *ёки* **аграр** *мамлакатлар* гуруҳига ажратилиши уларда саноат ишлаб чиқаришнинг миллий хўжаликдаги роли ва ўрнининг турличалигидан келиб чиқади. Юқори даражада саноатлашган мамлакатлар **постиндустриал** ривожланиш босқичига ўтган давлатлардир. Бу хўжалик тизимида хизматлар соҳасининг нафақат иқтисодий тараққиётда, балки ижтимоий фаровонликни оширишдаги аҳамияти юқори ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилганлиги, бозор иқтисодиёти тамойиллари ва қонуниятларининг амал қилиши, иқтисодиётда хусусий мулк ва эркин тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражаларига кўра ҳам хўжалик тизимлари бир-биридан фарқ қилади. Бу кўрсаткичларга асосан, жаҳон хўжалик тизимларини **бозор иқтисодиёти, аралаш иқтисодиёт** ва **ўтиш даври иқтисодиёти** *гуруҳларига ажратиш мумкин.*

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига баҳо беришда асосий мезон **аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар** даражаси ҳисобланади. Бу мезондан келиб чиқиб, дунё мамлакатларини юқори, ўрта ва паст даромадли гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори миллий иқтисодиётда яратилган ЯИМ миқдорини аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ўзбекистон хўжалиги бозор муносабатлари шаклланиб, ривожланаётган, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги мавқеи мустаҳкамланаётган, аграр-индустриал ишлаб чиқариш хос бўлган хўжалик ҳисобланади.

Кейинги 10-15 йил ичида миллий хўжалигимизда туб ислоҳотлар амалга оширилиб, иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ўзгармоқда.

Миллий хўжаликлар таснифига кўра дунёнинг ҳар қандай мамлакати иқтисодиётини тавсифлаш мумкин. **Глобаллашув** босқичига хос замонавий тенденциялардан бири умумевропа хўжалик тизимининг шаклланаётганлиги ҳисобланади. Бу хўжалик тизими ягона бозорнинг барпо

этилганлиги ва кенгаяётганлиги, иқтисодий ва валюта иттифоқи шаклланганлиги, миллий давлатлар молия тизимининг ўзаро мувофиқлаштирилаётганлиги, ягона ижтимоий тизимлар юзага келаётганлиги, ягона федератив тузилманинг такомиллашаётганлиги ва иқтисодий фаолиятни бошқариш тамойиллари ва қоидаларнинг умумийлашаётганлиги кабилар билан тавсифланади.

XX асрнинг 20-90 йилларида асосан Шарқий Европа мамлакатлари, собиқ Иттифоқ ва Хитой ҳудудида ижтимоий (давлат) мулк ва хўжалик юритишнинг режали тизими ҳукмрон бўлган иқтисодиёт амал қилди. Кейинчалик Хитойда XX асрнинг 80-йилларида, Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқда 90-йилларида ўтиш даври иқтисодиётлари юзага келиб, иқтисодий ислоҳотлар натижасида 20 дан ортиқ турли хўжалик тизимлари шаклланди.

Ҳозирги пайтда МДҲ мамлакатларида либерал, ижтимоий йўналтирилган ва ижтимоий демократик хўжалик моделлари фаолият кўрсатмоқда

Агар XX асрнинг охирига келиб, ислоҳотлар натижасида Хитойда, Белорусда бозор механизми ва нодавлат мулкининг мавқеи мустаҳкамланиш билан бирга давлатнинг кенг бошқарув вазифаси, меҳнат ва ижтимоий кафолатларнинг давлат томонидан таъминланиши билан характерланувчи **аралаш иқтисодиёт** ривожланган бўлса, Шарқий Европа мамлакатлари ва Россияда **эркин бозор** иқтисодиётига асосланган хўжалик тизими ривожланмоқда. Шундай қилиб, бугунги кунда айрим МДҲ мамлакатларида **либерал,** баъзиларида **ижтимоий йўналтирилган** ва яна бошқаларида **ижтимоий-демократик** хўжалик моделлари шакллантирилмоқда.

Ҳар бир хўжалик тизими бир-биридан мулкчилик шаклларининг мавқеи, бозор муҳитининг ривожланганлик даражаси, иқтисодиётга давлат аралашувининг даражаси, иқтисодий сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабат, иқтисодиётни бошқариш усуллари, давлат секторининг ўрни ва роли, иқтисодий фаолиятни молиялаштириш манбалари ва миқёслари, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш тизими, ташқи иқтисодий стратегия ва ижтимоий тизимнинг хусусиятларига кўра фарқланади.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳам (ЯИМ ҳажми, динамикаси ва тузилиши, жон бошига ЯИМ, истеъмол нархлари индекси, меҳнат унумдорлиги) хўжалик тизимини тавсифлашда муҳим рол ўйнайди.

Хўжалик тизимлари типларини тавсифлашда қуйидаги беш мезонга асосланиш мақсадга мувофиқ:

– сиёсий тизим (ҳокимиятнинг ғоявий асослари);
– мулкчилик ҳуқуқлари тақсимоти;
– бошқарув механизмлари йиғиндиси;
– иқтисодий субъектларнинг ҳатти-ҳаракати;
– иқтисодиётнинг бошқа хусусиятлари.

Шу жиҳатдан, ривожланган бозор ва шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитидаги хўжалик тизимларининг қиёсий тавсифини қуйидагича ифодалаш мумкин (чизма).

1.1-чизма

Бозор иқтисодиётининг ривожланиш даражасига кўра хўжалик тизимларининг қиёсий тавсифи

ривожланган бозор	қиёсий тавсиф мезони	шаклланаётган бозор
хусусий мулк манфаатларини устун ҳимоя қилувчи сиёсий ҳокимият	**сиёсий тизим**	давлат ва нодавлат мулк шакллари манфаатларининг уйғунлиғини таъминлашга йўналган ҳокимият
хусусий мулкнинг устунлиги	**мулкчилик муносабатлари**	хусусий ва давлат мулки мавқеининг юқорилиги
бозор бошқарувининг устунлиги	**бошқарув механизми йиғиндиси**	маъмурий-буйрукбозлик тизими заифлашиши ва иқтисодий тамойилларнинг амал қилиши
қатъий бюджет чекловлари, нархлар ўзгаришига кескин муносабат, иқтисодий субъектлар эркинликларнинг таъминланганлиги	**иқтисодий субъектлар хатти-ҳаракати**	бюджет жараёнларининг такомиллашиб бориши, иқтисодий субъектлар эркинликларининг етарли эмаслиги нарх ўзгаришига кучсиз муносабат
дефицитнинг йўқлиги, харидор бозори устун, доимий ишсизлик	**иқтисодиётнинг хусусияти**	дефицитнинг камайиб бориши, сотувчи бозори устун, доимий ишсизлик

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг тарихий босқичларида ҳар бир мамлакатда хўжалик тизимининг турли типлари амал қилиб келган. Муайян ривожланиш босқичида дунёнинг алоҳида олинган мамлакатларида хўжалик тизимини муваффақиятли ислоҳ қилишга ва миллий модел яратишга эришилган. Масалан, XX асрнинг 70-йилларида **немис** ва **япон иқтисодий модели**, 80-йилларида эса **янги индустриал мамлакатлар** модели шаклланди.

Бироқ, айтиш керакки, ҳар бир мамлакатнинг тарихий жиҳатдан йиллар давомида шаклланадиган, мавжуд меҳнат, моддий, бошқарув ва иқтисодий ресурсларга асосланган хўжалик тизими юзага келади. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида 10-15 йил ичида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизими шаклланди (қаранг: Бозорга ўтишнинг ўзбек модели, 5-боб, 1-параграф).

Ш БОБ
ЎЗБ
НИН
ДИЙ
ЯЛП

Салоҳият тушунчаси (иқтисодиётда) ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган барча манбалар, имкониятлар, воситалар ва захираларни англатади. Макродаражада ялпи иқтисодий салоҳият деганда, ички ва ташқи бозорлар талабига мувофиқ миллий иқтисодиётнинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш максимал мумкин даражадаги қобилияти тушунилади.

2.1.
Мам
ик
хия

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг техник даражаси, ҳажми ва таркиби, миллий иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг сифати, шунингдек, мамлакат ҳудуди ва чет элларда жамғарилган қийматлар, меҳнат ва табиат ресурслари мамлакат **ялпи иқтисодий салоҳиятининг** ривожланиш даражасини белгилайди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларининг ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва экологик инфратузилма, меҳнат ресурслари, шу жумладан, малакали кадрлар иқтисодий салоҳиятни белгиловчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ялпи иқтисодий салоҳиятини ташкил этувчи муҳим омиллар қуйидагилардир:

– табиий ресурслар;
– аҳоли ва меҳнат ресурслари;
– илмий, илмий-техника ва инновацион ресурслар;
– ишлаб чиқариш ресурслари;
– инвестиция ресурслари;
– ташқи иқтисодий ресурслар;
– экологик ресурслар.

Мамлакатнинг ялпи иқтисодий салоҳиятини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткич – индикаторлардан фойдаланилади:

– аҳоли сони, унинг ёш таркиби, аҳолининг табиий ва механик ҳаракати;

– меҳнат ресурслари, уларнинг таркиби, бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти талабларига мувофиқ ишчи кучи ва малакали кадрлар билан таъминланганлик;

– инсон салоҳиятининг ривожланиш индекси;

– асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, таркиби, уларни такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари;

– ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, уларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш (ривожланган мамлакатлар билан таққослаш);

– саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари, ишлаб чиқариш, юк ва йўловчилар ташиш ҳажмларининг ўсиш имкониятлари;

– илмий асосланган меъёрлар ҳамда ривожланган мамлакатлар билан таққосланганда аҳоли жон бошига

моддий неъматлар ва хизматларни истеъмол қилиш даражаси;

– минерал-хом ашё, ёқилғи-энергетика, сув ва ер ресурсларининг захиралари ва улардан фойдаланиш даражаси;

– экотизимнинг экологик сиғими, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси.

Иқтисодий салоҳият нафақат ресурс ва ишлаб чиқариш қувватларининг мутлоқ миқдорига боғлиқ, балки, шу билан бирга, улардан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ. Ялпи иқтисодий салоҳиятнинг юқори даражасига ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва бозор иқтисодиётига эришган мамлакатларгина эга.

Ялпи иқтисодий салоҳият ривожланишининг асосий қонунияти унинг барча қисмларини мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама қўшиб олиб боришдир, қайсиким бу ҳолат аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ўзбекистон жаҳонда табиий ресурсларга бой мамлакатлардан бири ҳисобланади

Ялпи иқтисодий салоҳият таркибида **табиий-ресурс имкониятлари** алоҳида ўрин тутади. Табиий шарт-шароитлар ва ресурслар иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Ернинг табиий ҳолатидан, тупроқ унумдорлиги, иқлим хусусиятлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, дарёлар, кўллар, денгиз ва океанлар, ер ости бойликлари, ҳавонинг тозалиги кўп жиҳатлардан ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишини, кишиларнинг турмуш фаровонлигини белгилайди.

Табиат, ёки табиий ресурслар табиат оламининг компонентлари бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги босқичида улардан **ишлаб чиқариш воситалари** ва **истеъмол предметлари** сифатида фойдаланилади ёки фойдаланиш мумкин. Ўзининг моддий шаклига кўра улар табиатнинг танаси ва кучини ташкил этади.

Табиат ресурслари мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг табиий асоси бўлиб хизмат қилади, шунинг учун ҳам табиий ресурс имкониятларининг моҳиятини очиб бериш ва уларни иқтисодий баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Табиий ресурс имкониятлари деганда, ҳозирги техник ва ижтимоий-иқтисодий имкониятлар доирасида фойдаланилаётган ёки хўжалик фаолиятига тортилиши мумкин бўлган мамлакатнинг жами табиий ресурслари тушунилиши лозим.

Табиий ресурс имкониятларининг ҳажми – бу табиий ресурслар алоҳида турлари – **ер, сув, минерал-хом ашё** ва бошқаларнинг умумий суммаси билан белгиланади. Бунинг учун балл тизими, қиймат кўрсаткичлари ва мутлоқ энергетик имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Бозор иқтисодиёти қарор топаётган шароитда қиймат (пул) ёки

табиий ресурс имкониятларни иқтисодий баҳолаш муҳимроқ аҳамиятга эга. Аммо, табиат ресурсларининг барча турларини ягона методология асосида иқтисодий баҳолашни амалга ошириш мураккаб масала. Шунинг учун ҳам табиий ресурс имкониятлари ҳажмини кўпгина натурал – моддий кўрсаткичлар (захиралар миқдори, майдоннинг маҳсулдорлиги) миқдор жиҳатидан тўлиқроқ тавсифлайди.

Табиий ресурс имкониятлари – мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисмидир. МДҲ давлатлари билан таққосланганда Ўзбекистоннинг ҳудуди табиий ресурсларга анча бой.

2.2. Аҳоли ва меҳнат ресурслари

Аҳолининг табиий ўсиши. Аҳоли ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон ноёб минтақалар жумласига киради. **Демографик**, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хослиги мамлакатнинг регионал хусусияти бўлиб, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тез суръатларда ўсаётганлиги билан тавсифланади (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши (минг киши)

Йиллар	Аҳоли сони	Йиллар	Аҳоли сони
1865	3320	1970	11799
1897	3730	1980	15757
1913	4366	1986	18423
1918	4366	1990	20322
1924	4258	1995	22562
1939	6440	2000	24654
1950	6264	2004	25857
1959	8119	2005	26100

XIX асрнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида 3730 минг аҳоли яшаган. Демографик вазиятга урушлар жуда катта таъсир кўрсатади. 1924 йилда бу ерда 1913 йилга нисбатан кам аҳоли истиқомат қилди. Аҳоли сони бўйича 1939 йил даражасига эса фақат 1950 йилнинг ўрталарига келиб эришилди. Аҳоли табиий ўсишининг урушгача суръатлари билан (йилига 2,5 фоиз) унинг сони 1950 йилларда 10 миллион кишига етиши керак эди. Аммо бунга *60-йилларнинг иккинчи ярмида* эришилди. Аҳоли сони 1959-1970 йилларда 15,3 фоизга ўсди. Кейинги йилларда ҳам аҳолининг ўсиш суръати юқори бўлди. 1970-1979 йилларда республика аҳолисининг ўсиши 30,4 фоиз, ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,0 фоиздан иборат бўлди.

Бундай йўналиш ўтган ўн йилликда ҳам тўла сақланди. Аҳоли умумий ўсиши 29,0 фоиз бўлиб, ўртача йиллик суръатлари 3,0 фоизга яқин бўлди.

2005 йилнинг бошида Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 26,1 млн. кишини ташкил этди. Шундан 9,5 млн. киши (36,4%) шаҳарда, 16,6 млн. киши (63,6%) қишлоқда яшайди.

моддий неъматлар ва хизматларни истеъмол қилиш даражаси;

– минерал-хом ашё, ёқилғи-энергетика, сув ва ер ресурсларининг захиралари ва улардан фойдаланиш даражаси;

– экотизимнинг экологик сиғими, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси.

Иқтисодий салоҳият нафақат ресурс ва ишлаб чиқариш қувватларининг мутлоқ миқдорига боғлиқ, балки, шу билан бирга, улардан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ. Ялпи иқтисодий салоҳиятнинг юқори даражасига ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва бозор иқтисодиётига эришган мамлакатларгина эга.

Ялпи иқтисодий салоҳият ривожланишининг асосий қонунияти унинг барча қисмларини максадга мувофиқ ва ҳар томонлама қўшиб олиб боришлир, қайсиким бу ҳолат аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ўзбекистон жаҳонда табиий ресурсларга бой мамлакатлардан бири ҳисобланади

Ялпи иқтисодий салоҳият таркибида **табиий-ресурс имкониятлари** алоҳида ўрин тутади. Табиий шарт-шароитлар ва ресурслар иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Ернинг табиий ҳолатидан, тупроқ унумдорлиги, иқлим хусусиятлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, дарёлар, кўллар, денгиз ва океанлар, ер ости бойликлари, ҳавонинг тозалиги кўп жиҳатлардан ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишини, кишиларнинг турмуш фаровонлигини белгилайди.

Табиат, ёки табиий ресурслар табиат оламининг компонентлари бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги босқичида улардан **ишлаб чиқариш воситалари** ва **истеъмол предметлари** сифатида фойдаланилади ёки фойдаланиш мумкин. Ўзининг моддий шаклига кўра улар табиатнинг танаси ва кучини ташкил этади.

Табиат ресурслари мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг табиий асоси бўлиб хизмат қилади, шунинг учун ҳам табиий ресурс имкониятларининг моҳиятини очиб бериш ва уларни иқтисодий баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Табиий ресурс имкониятлари деганда, ҳозирги техник ва ижтимоий-иқтисодий имкониятлар доирасида фойдаланилаётган ёки хўжалик фаолиятига тортилиши мумкин бўлган мамлакатнинг жами табиий ресурслари тушунилиши лозим.

Табиий ресурс имкониятларининг ҳажми – бу табиий ресурслар алоҳида турлари – **ер, сув, минерал-хом ашё** ва бошқаларнинг умумий суммаси билан белгиланади. Бунинг учун балл тизими, қиймат кўрсаткичлари ва мутлоқ энергетик имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Бозор иқтисодиёти қарор топаётган шароитда қиймат (пул) ёки

табиий ресурс имкониятларни иқтисодий баҳолаш муҳимроқ аҳамиятга эга. Аммо, табиат ресурсларининг барча турларини ягона методология асосида иқтисодий баҳолашни амалга ошириш мураккаб масала. Шунинг учун ҳам табиий ресурс имкониятлари ҳажмини кўпгина натурал – моддий кўрсаткичлар (захиралар миқдори, майдоннинг маҳсулдорлиги) миқдор жиҳатидан тўлиқроқ тавсифлайди.

Табиий ресурс имкониятлари – мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисмидир. МДҲ давлатлари билан таккосланганда Ўзбекистоннинг ҳудуди табиий ресурсларга анча бой.

2.2. Аҳоли ва меҳнат ресурслари

Аҳолининг табиий ўсиши. Аҳоли ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон ноёб минтақалар жумласига киради. **Демографик**, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хослиги мамлакатнинг регионал хусусияти бўлиб, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тез суръатларда ўсаётганлиги билан тавсифланади (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши (минг киши)

Йиллар	Аҳоли сони	Йиллар	Аҳоли сони
1865	3320	1970	11799
1897	3730	1980	15757
1913	4366	1986	18423
1918	4366	1990	20322
1924	4258	1995	22562
1939	6440	2000	24654
1950	6264	2004	25857
1959	8119	2005	26100

XIX асрнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида 3730 минг аҳоли яшаган. Демографик вазиятга урушлар жуда катта таъсир кўрсатади. 1924 йилда бу ерда 1913 йилга нисбатан кам аҳоли истиқомат қилди. Аҳоли сони бўйича 1939 йил даражасига эса фақат 1950 йилнинг ўрталарига келиб эришилди. Аҳоли табиий ўсишининг урушгача суръатлари билан (йиллига 2,5 фоиз) унинг сони 1950 йилларда 10 миллион кишига етиши керак эди. Аммо бунга 60-йилларнинг иккинчи ярмида эришилди. Аҳоли сони 1959-1970 йилларда 15,3 фоизга ўсди. Кейинги йилларда ҳам аҳолининг ўсиш суръати юқори бўлди. 1970-1979 йилларда республика аҳолисининг ўсиши 30,4 фоиз, ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,0 фоиздан иборат бўлди.

Бундай йўналиш ўтган ўн йилликда ҳам тўла сақланди. Аҳоли умумий ўсиши 29,0 фоиз бўлиб, ўртача йиллик суръатлари 3,0 фоизга яқин бўлди.

2005 йилнинг бошида Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 26,1 млн. кишини ташкил этди. Шундан 9,5 млн. киши (36,4%) шаҳарда, 16,6 млн. киши (63,6%) қишлоқда яшайди.

Туғилишнинг ўсиши республиканинг барча вилоятларида кузатилмоқда (Қашқадарё бундан мустасно). Нисбатан юқорироқ ўсиш Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига мувофиқ келади. Туғилишнинг энг паст даражаси эса Тошкент шаҳрига тўғри келади (15,9 промилле).

Мамлакат аҳолисининг 36,4 фоизи шаҳарда, 63,6 фоизи эса қишлоқда истиқомат қилмоқда

Ўзбекистонда аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари **аҳоли зичлиги** (1 кв.км. ҳудудга тўғри келадиган аҳоли сони) кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топади. Ўзбекистонда аҳоли зичлигининг ўсиши унинг барча маъмурий-ҳудудий бирликларида кузатилмоқда. Айниқса, бу кўрсаткич Фарғона водийси вилоятларида, Хоразм ва Тошкент вилоятларида анча юқори. Республика бўйича кейинги 25 йилда аҳоли зичлиги 1,6 мартага ошди. Ҳозирги пайтда мамлакат бўйича 1 кв. км.га 56,1 киши тўғри келади.

Ўзбекистон аҳолисининг юқори суръатларда ўсиши қатор омиллар билан белгиланади. **Туғилишнинг юқорилиги, ўлимнинг нисбатан пасайгани, никоҳнинг кўплиги, ажралишнинг нисбатан камлиги, республикаларо миграция** ва бошқалар шу омиллар жумласига киради.

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши ижтимоий-иқтисодий ва демографик характердаги қатор тадбирлар билан рағбатлантириб келинди, албатта.

Аҳолининг табиий ўсиши асосан қишлоқ аҳолиси ҳиссасига тўғри келмоқда. Қишлоқ жойларда яшовчилар мамлакат аҳолисининг 63 фоизини ташкил қилгани ҳолда аҳоли табиий ўсишининг 73,1 фоизини бермоқда.

2.1-диаграмма

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси (1 январ ҳолати, млн. киши)



Аҳоли республика бўйлаб **нотекис** жойлашган. Аҳолининг асосан воҳаларда тўпланиши сабабларини тоғ, чўл, адир иқлими, табиий шароитнинг ўзига хослиги билан изоҳлаш мумкин. Чўл зоналарида аҳоли ниҳоятда таркоқ. Ўзбекистондаги баъзи районлар (масалан, Андижон вилояти) аҳолисининг зичлиги жиҳатидан кўплаб мамлакатлардан олдинда туради.

Ўзбекистонда 1 кв/км майдонга 56,1 киши тўғри келади

Урбанизация жараёни жуда суст бўлиб, 1980 йилдан бошлаб шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги нисбат деярли ўзгармасдан келмоқда. Мамлакатнинг асосий аҳолиси ҳисобланадиган ўзбеклар қадимдан ўтроқ халқ, шу сабабли ҳам аҳолининг табиий ўсишида **миграция** ва **эмиграциянинг** ўрни унча катта эмас.

2.2-жадвал

Туғилиш, ўлим ва аҳолининг табиий ўсиши

(минг киши)

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табиий ўсиши	Ҳар 1000 аҳоли ҳисобига		
				туғилганлар	ўлганлар	табиий ўсиш
1980	540,0	118,9	421,1	33,9	7,5	26,4
1985	679,1	1317	547,4	37,4	7,3	30,1
1986	708,7	132,2	576,5	37,9	7,1	30,8
1987	714,4	133,8	580,6	37,3	7,0	30,3
1988	694,1	134,4	559,4	35,3	6,8	28,5
1989	668,8	126,9	541,9	33,3	6,3	27,0
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
2000	531,0	136,3	394,7	21,5	5,5	16,0
2003	508,4	135,9	372,5	19,8	5,3	14,5
2004	533,1	130,0	403,2	20,5	5,0	15,5

Демографик вазиятга таъсир кўрсатадиган омиллардан яна бири аҳоли орасидаги ўлим даражасидир. Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффициенти ҳар минг аҳоли ҳисобига 5 киши. Бу МДҲга кирувчи давлатлар орасида энг паст кўрсаткичлардан бири. 1 ёшгача болалар ўлимининг жиддий камайтирилиши, бу кўрсаткичга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда 1 ёшгача болалар ўлими ҳар 1000 кишига нисбатан 16,2 га тенг бўлиб турибди.

Туғилиш ва ўлим ўртасидаги тафовут аҳолининг **табиий ўсиш** даражасини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳозир 15,5 промиллега (ҳар 1000 аҳолига ҳисоблаганда) тенг.

Аҳоли ўсишига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан яна бири **оила муносабатларининг** мустаҳкамлигидир. Бу омил маҳаллий халқ хусусиятларидан келиб чиқади. 2004 йилда Ўзбекистонда 155,4 минг никоҳ қайд этилди. Бу юқори кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга 17,5 минг ажралиш рўй бердики, бу ривожланган мамлакатларга нисбатан олганда энг паст кўрсаткичдир. Ҳозирда 8,9 никоҳга бир ажралиш тўғри келмоқда. Аммо

буни ҳам табиий ҳол деб бўлмайди. Ҳар бир никоҳнинг бузилиши оилавий фожиадир.

Аҳоли сонининг ўсишига акс таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам бор. Бу **эмиграция**дир. Ўзбекистондан чет элга доимий яшаш учун кетганлар сони катта эмас, шунинг учун ҳам бу омил аҳоли умумий ўсишига жиддий таъсир кўрсата олмайди. Маҳаллий аҳоли киндик қони тўкилган жойга мехрли, узоқ манзилларга кўчиб боришга мойил эмас. Бу ҳолат умуман Марказий Осиё халқларининг анъанавий хусусиятларига мос тушади.

Халқ турмуш даражасини кўтариш **фаол демографик сиёсатсиз** мумкин эмас. Бундай сиёсат республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашни, соғлом ҳаёт тарзини рағбатлантиришни кўзда тутади. Демографик сиёсатнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш, оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, республика ичида маҳаллий аҳолининг миграцион ҳаракатчанлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, иш билан бандликнинг ижтимоий-демографик томонларини шакллантиришни тақозо этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш, саломатлик ва ҳомийлик дастурларининг қабул қилиниши ва бошқа тадбирлар ана шу мақсадларни кўзда тутади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ҳар йили 155 мингдан зиёд никоҳ қайд этилади

Аҳоли таркиби турли томондан: ёши, жинси, қайси ижтимоий қатламга мансублиги, миллати, маълумоти бўйича ўрганилади.

Аҳоли жинсий таркибига урушлар жиддий ўзгаришлар киритади. 1917 йил арафасида Ўзбекистон аҳолиси таркибида эркаклар - 52,9, аёллар - 47,1 фоиз эди. Деярли шундай нисбат то урушга қадар сақланди. Уруш йилларида эркаклар ва аёллар нисбати бўйича номутаносиблик бошқа томонга ўзгарди. Урушнинг акс-садоси у тугагандан кейин ҳам давом этди. 1959 йилга келиб республика аҳолиси таркибида аёлларнинг улуши 52,0, эркакларники эса 48,0 фоизни ташкил этди. Кейинги йилларда аҳоли таркибида эркаклар ва аёллар нисбатининг бараварлашуви жараёни бормоқда. 2004 йилда аҳоли тузилмасида эркаклар - 49,5, аёллар 50,5 фоизни ташкил этди.

Мамлакат аҳолиси таркибида 14 ёшгача бўлганлар (14 ёш ҳам шунга киради) сони ва улуши ўсмоқда. Агар 1926 йилда шу ёшдаги гуруҳнинг аҳоли таркибидаги улуши 34,4 фоиз бўлган бўлса, 1980 йилга келиб 45 фоизга етди. Бу ҳолат аҳолининг ёшараётганидан далолат беради.

Аҳоли умумий сонининг 40,8 фоизи болалар ва ўсмирлар(0-14 ёшлилар)дан, 28,3 фоизи эса ёшлар(15-29 ёшлилар)дан иборат. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг умумий салмоғи тахминан 70 фоизни, яъни республика аҳолисининг 2/3 қисмини ташкил этади.

Аҳоли таркибига жинс ва ёш жиҳатидан ёндошиш катта аҳамиятга эга. Чунки, меҳнат ресурслари ва аҳолини такрор ишлаб чиқариш худди ана шу жиҳатларга боғлиқ.

Аҳоли таркибини уларнинг турар жойларига қараб ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2004 йилнинг бошида Ўзбекистонда 36,4 фоиз аҳоли шаҳарларда истиқомат қилди. Бу кўрсаткич, айниқса, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида юқори. Аммо кейинги йилларда республикамизда бу кўрсаткич анча барқарорлашди. Бу шундан далолат берадики, маҳаллий аҳоли **урбанизация**(шаҳарлаштириш)га унчалик мойил эмас. Аҳолининг асосий қисми тарихан қишлоқда яшаб келмоқда. Бу амалиёт ҳозир ҳам давом этмоқда.

Болалар, ўсмирлар, ёшлар мамлакат аҳолисининг 2/3 қисмини ташкил этади

Аҳолининг **ижтимоий табақаси** ва **иш билан таъминланиш** муаммоси ўртасида яқин боғлиқлик бор. 1917 йил арафасида Ўзбекистон ҳудудларида аҳоли умумий миқдорида ишчи ва хизматчилар 5 фоиз, деҳқонлар – 74,6, қолган ижтимоий гуруҳлар – 20,4 фоиз эди.

Агар 1940 йилда иқтисодиётда банд бўлганлар умумий миқдорининг 34,2 фоизини ишчи ва хизматчилар ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 80 фоизга етди. Шу йиллар ичида ишчи ва хизматчилар сони 8,0 марта ошди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони эса жиддий камайди.

Аҳолининг **таълим** (маълумот) бўйича тузилиши ҳам такомиллашмоқда. Иш билан банд бўлган кишиларнинг умумтаълим даражаси ўсмоқда. Ҳозир банд аҳолининг ҳар тўрттасидан бири олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Мутахассисларнинг ярмидан кўпроғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.

Агар аҳолининг **миллий** тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг асосий қисмини (80%) ўзбеклар ташкил этади. Ундан кейинги ўринларда руслар, қозоқлар, тожиклар, қорақалпоқлар туради. Ҳаммаси бўлиб республикада 100 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади.

Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш. Меҳнат ресурсларининг манбаи мамлакат аҳолисидир. Аҳолининг фақат меҳнатга ярокли қисмигина меҳнат ресурслари ҳисобланади.

2.3-жадвал

Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги (2004 й., минг киши)

Аҳоли умумий сони	Меҳнат ресурслари	Иқтисодий фаол аҳоли	Иқтисодиётда банд аҳоли
25857,1	14021,0	9945,5	9910,6
Аҳоли умумий сонига нисбатан фоиз	54,2	38,5	38,3

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига 16 дан 59 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 дан 54 ёшгача аёллар киритилади. У мамлакат аҳолисининг тахминан ярмини ташкил этади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолатини ижтимоий ва иқтисодий таҳлил қилиш мақсадида жами аҳоли қуйидагича таснифланади:

1. ***Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли*** ёки ишчи кучидан ташқаридагилар. Улар қуйидагилар:

– мактабгача ёшдагилар, ўқувчилар ва кундузги таълим олувчи талабалар;

– нафақадагилар (қарилик ва бошқа сабабларга кўра);

– уй-рўзғор ишларида банд бўлганлар (бола боқувчилар, касалга қаровчилар ва бошқалар);

– меҳнат қилиш истагида бўлмаганлар;

– меҳнат қилиш зарурияти бўлмаганлар (доимий даромад билан таъминланганлар).

2. ***Иқтисодий фаол аҳоли***, яъни жамиятнинг жами иш кучи. Бу гуруҳга аҳолининг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ўз ишчи кучини бозорга таклиф қилаётган меҳнатга лаёқатли қисми киради.

Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоиздан зиёдроғини ўзбеклар ташкил этади

Иқтисодий фаол аҳолининг миқдори ва сифати, унинг йиллар давомидаги ўзгариши мамлакатнинг иқтисодий қудратини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардандир. Мамлакатдаги иқтисодий фаол аҳоли даражаси нисбий кўрсаткич бўлиб, у қуйидагича ҳисобланади:

$$I = \frac{FA}{A} \cdot 100\%$$

Бу ерда, I – иқтисодий фаол аҳоли даражаси;
FA – иқтисодий фаол аҳоли сони;
A – жами аҳоли.

Иқтисодий фаол аҳоли даражасининг ошиб бориши ижобий ўзгариш бўлиб, бу жамиятдаги иқтисодий муҳитнинг соғломлашаётганини кўрсатади.

Ўзбекистонда жиддий муаммолардан бири ўсаётган меҳнат ресурсларини иш билан тўла таъминлашдир. Бу, бир томондан, аҳолининг иш жойига бўлган талабини, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қондиришни тақозо этади. Аҳолини меҳнат фаолиятига тортиш иқтисодиётнинг барча тармоқларида бир хил кечмайди. Бир тармоқда ишлаб чиқариш ходимлари сони ўсса, иккинчи бир соҳада ходимлар сони камайиши мумкин.

Ижтимоий ишлаб чиқариш меҳнатга қобилиятли аҳолининг барчасини қамраб олиши қийин. Натижада меҳнат ресурсларининг бир қисми **шахсий** ва **уй меҳнати** доирасида қолиб кетмоқда. Меҳнат ресурслари ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлик ўртасидаги фарқнинг бош сабаби такрор ишлаб чиқариш жараёнининг моддий ва шахсий омили, меҳнат ресурсларининг ўсиши ва уларга иш жойларини ҳозирлаш ўртасидаги номувофиқликдир. Шунингдек, ижтимоий

ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби, ижтимоий соҳанинг ривожланиши ҳам иш билан бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Уй-жой ва коммунал, маиший хизмат кўрсатиш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларнинг устун ривожланиши меҳнатга ярокли аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг 60 фоиздан зиёдроғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд

Бу муаммо, айниқса, қишлоқ жойларида кескин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ишчи кучи билан керагидан ҳам ортиқ таъминланган. У ҳозирча қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг бош ва амалда ягона соҳаси бўлиб қолмоқда. Қишлоқда меҳнатни ташкил этиш тармоқларининг нисбатан торлиги шунга олиб келмоқдаки, натижада ёшлар асосий қисмининг миллий хўжаликнинг ана шу тармоғида жойлашишдан бошқа иложи йўқ. Қишлоқ аҳолисининг 60 фоизи қишлоқ хўжалигида банд. Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич янада юқори. Қишлоқ жойларида бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш керак бўлади. Саноат корхоналарининг филиал ва цехларини очиш, номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш ана шундай ишлардандир.

Маҳаллий аҳолини ижтимоий меҳнат соҳасига тортиш, айниқса, индустриал тармоқларда малакали миллий кадрларни шакллантириш ҳамон муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Муҳим масалалардан яна бири аёлларни ўзларига мувофиқ иш билан таъминлашдир. Уйда ишлаш ва бошқа ноанъанавий қисқартирилган иш куни шакллари заиф ривожланганлиги, бир томондан, аёлларнинг хаддан ташқари иш билан бандлиги, иккинчидан, бир киши ишлайдиган оилаларда паст турмуш даражасининг сақланиб қолинишига олиб келади. Аёллар меҳнати анъанавий касб соҳаларида, яъни номоддий ишлаб чиқариш ҳисобланадиган соғлиқни саклаш, кредит ва суғурта муассасалари, халқ таълими ва маданиятда баландлигича қолмоқда. Аёлларни миллий хўжаликка жалб қилиш республика бўйича ҳам бир текис кечмаяпти. Масалан, ишчи ва хизматчиларнинг умумий миқдорида аёлларнинг улуши Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 40 фоизга ҳам етмайди, Хоразм, Сирдарё, Наманган, Бухоро ва Андижон вилоятларида ҳам уларнинг ҳиссаси паст. Фақат Тошкент шаҳрида аёллар улуши ишловчилар умумий миқдорида 50 фоиздан баланд.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун **кичик** ва **қўшма корхоналар** каби меҳнатни ташкил этишнинг янги самарали шаклларига катта эътибор берилиши керак. Келгусида бу турларни янада кенгайтириш имкониятлари ва истиқболлари бор.

Кичик корхоналар ҳозир халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, умумий

овқатланиш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, савдо-тайёрлов, ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги маҳсулотлар чиқариш, илмий-техника, бадиий безаш, спорт, соғломлаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти хизмати кўрсатиш, дам олишни ташкил этиш ва бошқа соҳалар бўйича фаолият кўрсатмоқда.

Меҳнат ресурсларининг иш қидириб мамлакат ичида ёки ташқарисида ҳаракатланишига ***ишчи кучи миграцияси*** дейилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучининг миграцион ҳаракати жадал тус олади. Чунки, минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб доимо ўзгариб туради.

Ишчи кучининг бир мамлакат ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиши ***ишчи кучи ички миграцияси*** ҳисобланади. Бу жараёнга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Мамлакат минтақаларининг иқтисодий ривожланишидаги тафовутлар, урбанизация жараёнлари, табиий-иқлим шароитларининг ўзгариши, табиий офатлар ва давлатнинг демографик сиёсати шулар жумласидандир.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган

Ишчи кучининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ҳаракатланиши ***ишчи кучи ташқи миграцияси*** дейилади. Ишчи кучи ташқи миграциясининг асосий сабаби меҳнат баҳосининг мамлакатлар бўйича фарқ қилишидир. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларининг ривожланиши ишчи кучи ташқи миграциясининг жадаллашувига олиб келади. Бу ўз навбатида халқаро меҳнат бозорининг ривожланишини таъминлайди.

Бир мамлакат фуқаросининг давлат ёки меҳнат ташкилоти томонидан манфаатли шартлар асосида жўнатилиши ***ишчи кучи экспорти*** дейилади. Бундай сиёсат одатда ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилади. Чунки, бундай мамлакатларда ишчи ва ходимлар малакасини ошириш, илғор технологияларни бошқаришни ўзлаштириш ва иқтисодиётни жадал ривожлантиришга бўлган эҳтиёж катта.

Манфаатли шартлар асосида ишчи кучининг мамлакатга ташқаридан қабул қилиниши эса ***ишчи кучи импорти*** ҳисобланади. Ишчи кучи импорти кўпинча иқтисодий тараққиёт жадал бораётган, лекин меҳнат ресурслари танқислиги сезилаётган мамлакатлар томонидан амалга оширилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тез ривожланган Германияда шундай ҳолат кузатилган. Немис давлати 1960-йилларда Туркиядан ишчи кучининг оммавий равишда мамлакатга кириб келишини рағбатлантирган.

Дунё мамлакатларида содир бўлиб турадиган чуқур иқтисодий инқрозлар, урушлар ишчи кучи ташқи миграциясининг жадаллашишига сабаб бўлади. Ишчи кучи миграциясига миллий хусусиятлар, урф-одатлар ҳам таъсир кўрсатади.

2.3. Минерал-хом ашё ресурслари

Минерал-хом ашё ресурслари, ёки ер ости қазилма бойликлари ҳозирги замон индустриясини ва фан-техника тараққиёти қатор йўналишларини ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Минерал-хом ашё ресурслари – энергия, хом ашё ва материаллар ажратиб олиш учун фойдаланиладиган, келиб чиқиши жиҳатидан минераллардан иборат табиий моддалардир.

Минерал ресурсларидан **меҳнат предмети** сифатида товар-лар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг моддий асоси ва фаол унсури бўлиб хизмат қилади. Фаннинг ривожланиши, меҳнат воситаларини такомиллаштириш билан минерал ресурсларнинг **ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш** ва **жойлаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш** ва **йириклаштиришнинг** муҳим омили сифатида аҳамияти ошиб боради.

Ўзбекистон жаҳонда олтин заҳиралари бўйича тўртинчи, уни қазиб олиш даражаси бўйича саккизинчи ўринни эгаллайди

Минерал-хом ашё ресурслари иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутади, у мамлакат иқтисодий қудратининг асосий ўлчовларидан бири бўлиб хизмат қилади. Кейинги ўн йилликда бутун дунёда углеводород ва алюминий хом ашёси, олтин ва нодир металлар, легирловчи металлар, марганецли ва хромли рудалар, платиналар гуруҳига кирувчи металлар, агросанаоат мажмуаси учун хом ашё қазиб олиш ва истеъмол қилиш юқори суръатларда ривожланди. БМТ экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, яқин ўн йилликда бу анъана сақланади. Ўзбекистонда 2500 дан ортиқ конлар, 100 га яқин хом ашё турлари очилган. Мамлакатимиз айрим минерал-хом ашё турлари бўйича жаҳонда кўзга кўринган ўринлардан бирини - олтин заҳиралари бўйича тўртинчи, уни қазиб олиш даражаси бўйича саккизинчи, мис бўйича ўнинчи-ўн биринчи, кумуш, табиий газ заҳиралари бўйича эса етакчи ўринни эгаллайди.

Топилган ва саноат ўзлаштиришига тайёрланган рангли, нодир ва асл металлар, ёқилғи-энергетика, тоғ-руда, тоғ-кимё, рангли тош хом ашёси, қурилиш материаллари ва ер ости сувлари заҳиралари асосида республикада юзлаб нефть-газ саноат корхоналари, конлар, шахта ва карьерлар, сув билан даволайдиган шифохоналар ишлаб турибди. Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия, Шўртан газ-кимё, Оҳангарон, Навоий, Бекобод цемент, Ангрен кўмир кони ва бошқа қудратли саноат мажмуалари ишлаб турибди.

Металл минерал-хом ашё ресурслари. Минераллар хом ашё таркибига кириб, саноатнинг "нони", мамлакат иқтисодий қудратини юксалтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Маълумки, хом ашёга

минераллардан ташқари қишлоқ хўжалигида, саноатда қайта ишлаш учун етиштириладиган материаллар ҳам киради. Барча минерал-хом ашё ресурсларини икки катта гуруҳга - металлардан иборат минерал-хом ашё ва нометалл минерал-хом ашёга ажратиш мумкин. Металлнинг ўзи ҳам асл металлар, рангли, нодир ёки кам учрайдиган ва қора металларга бўлинади.

Ўзбекистон МДҲ да олтин заҳиралари бўйича иккинчи, кумуш, мис, қалай, қўрғошин ва вольфрам бўйича учинчи ўринда туради

Ўзбекистоннинг ер ости турли-туман қазилма бойликларга сероб. Бу ерда минерал-хом ашёнинг юзга яқин тури топилган. Олтин заҳиралари бўйича мамлакатимиз МДҲ давлатлари орасида иккинчи, кумуш, мис, қалай, қўрғошин ва вольфрам бўйича учинчи ўринда туради. Газ, кўмир, каолин тупроғи, калий тузлари, алюминий хом ашёси, хашам ва ишлов бериладиган ҳамда қимматбаҳо тошлар ва бошқа маъданларнинг бой заҳиралари бор.

Асл металлар. Олтин ва кумуш ана шундай металлар жумласига киради. Ўзбекистонда 30 дан ортиқ таркибида олтин ва кумуш мавжуд бўлган руда конлари аниқланган.

Ўзбекистонда олтин қазиб олиш ишлари жуда узоқ вақтлардан буён маълум. Қадимги Бухорода зарб этилган олтин тангалар ва турли-туман заргарлик буюмлари хорижий юрт бозорларида алмашув воситасини ўтаб келган. Мовароуннаҳрдаги беҳисоб олтин конларидан араблар, юнонлар, кейинчалик руслар ҳам хабардор бўлишган. Тарихнинг отаси Ҳеродот бу ҳакда шундай деб ёзгани маълум: "Улар (икки дарё оралиғида яшовчи халқлар) олтин сероблигидан темир ва кумушни асло ишлатмайдилар".

Республикамизда Олтинтепа, Олтинтопган, Зарафшон деган ном ва манзилларнинг ўзи ҳам бу жойларнинг олтин қазиб олиш марказларидан бири эканлигидан дарак беради.

Олтин – ноёб металл. У ер остида ҳам, намликда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Олтинни излаб топиш, уни бошқа тоғ-кон жинсларидан ажратиб олиш жуда кўп меҳнат сарфини талаб этади. Улар кўпинча қотган шағал тошлар, қумлар орасида учрайди. Олтин конлари бир неча юз миллион йиллар олдин ҳосил бўлган, деган тахминлар бор. У **уран** каби бошқа кон рудалари билан устма-уст ёки ёнма-ён учрайди. Олтин кейинги даврларда, пул ва заргарлик, тиш протези соҳасидан ташқари, электроника-компьютер ишлаб чиқаришда ва атом реакторларида қўллана бошлади.

Қурама тоғ тизмаларида йирик кумуш конлари топилган. Тошкентолди районида кумуш ҳозир катта миқдорда ажратиб олинмоқда. Қизилқумда кумуш ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Олтиндан кейин турадиган бу асл минерал-хом ашёнинг саноат ва истеъмол аҳамияти ҳаммага маълум.

Рангли ва нодир металлар. Улар жумласига мис, қалай, қўрғошин, вольфрам, литий, алюминий хом ашёси,

алунитлар, каолинлар, стронций ва уранни киритиш мумкин. Ўзбекистонда бу минерал-хом ашёларнинг йирик захиралари мавжуд.

Ўзбекистонда **мис** чиқарувчи асосий корхона Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатидир. Мис конлари мис-порфир формациясига мансуб бўлиб, Ўрта Тяньшан, айниқса Қурама тоғлари учун хосдир. Олмалиқда унинг Қалмоққир, Саричека, Дальний, Қизота конлари бор.

Вольфрам молибден, қалай, висмут, симоб ва сурманинг Жанубий Тяньшан ва Ўрта Тяньшан тоғ тизмаларига кирадиган Коратепа, Лангар, Қўйтош, Ингичка, Яштон, Саргардон ва бошқа конлари бор. 20 та молебденли формация ва уларнинг турлари аниқланган.

Висмут руда конлари Чоткол-Қурама тоғларида топилган. Мишьяк-висмут, мис-висмут формациялари Ўртасарой, Бурчмуллада топилган. Симоб-сурма саноат-рентабель конларининг учрамаганлиги учун қазиб чиқарилмас эди. Уларнинг кўп конлари аниқланган. Улар келгусида саноат объекти бўлиши мумкин. Истиқболли конлар Жанубий Фарғонада топилган. У ерда 100 дан ортиқ симоб ва 10 дан ортиқ сурма турлари бор.

Ўзбекистонда минерал хом ашёнинг юзга яқин тури топилган

Қора металлар асосан темир, титан, марганец ва хромдан иборат бўлиб, уларнинг бир неча юз конлари мавжуд. Турли генетик типдаги темир конлари ва руда тўпламлари, магнит аномалиялари бор. Улар Тепабулоқ титан-магнетик кони, Суренота, Шабрез, Мингбулоқ ва бошқа конлардир. Марганецнинг чўкинди конлари Зарафшон, Зирабулоқ, Коратепа, Лолабулоқ ва бошқа тоғларда, республиканинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмида, гидротермал тўпламлари Чоткол тоғларида жойлашган. Хром конлари офиолит минтақалари билан боғлиқ бўлиб, Қизилқум Фарғона офиолит белбоғида, Томдитоғ ва Султон-Увайс районларида кўпроқ учрайди.

Ўзбекистонда **темир** ва **марганец**нинг катта миқдордаги захиралари маълум. Аммо фойдаланишга топширилган конлари ҳали йўқ. Тайёр маҳсулот (станоклар, машиналар, трубалар ва металлпрокат ва бошқа) кўринишдаги қора металларга республиканинг 90 фоиз эҳтиёжи собиқ иттифоқдош республикалар ҳисобига қондирилган. Бекободдаги металлургия заводи металлолом ҳисобига ишлайди. Мустақиллик туфайли республиканинг ўз темир руда базасига эга бўлиши тақозо этилмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда Самарқанд, Қорақалпоғистон ва Марказий Қизилқум геологик-иқтисодий районларида темир ва марганец руда конларини қидириб топиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Нометалл қазилма бойликлар. Бу турдаги минерал-хом ашёларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тоғ-руда хом ашёси, тоғ-кимё хом ашёси, қурилиш материаллари, ер ости сувлари.

Тоғ-руда хом ашёси ўз навбатида эритувчан шпат, дала шпати-кварци (чақмоқтош) хом ашёси, қолиплайдиган хом ашё, волластонит, асбест ва бошқалардан таркиб топади. Эритувчан шпатнинг Ўзбекистонда 30 га яқин конлари ва кўринишлари аниқланган. Улар, асосан, Тошкентолди геология-иқтисодий районида жойлашган бўлиб, Қурама ва Чоткол минтақаларида ҳам қидирув ишлари олиб бориш кўзда тутилган. Дала шпати кварци хом ашёсининг заҳиралари Навоий вилоятида (Лангар, Кармана) жойлашган. Улардан керамика, форфор, шиша, фаянс, эмал идишлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Суренота тизмасида Чанги глауконитли қумтошлар кони бор. Чотколда магматик, Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғлари, Қоржонтовда чўкинди конлари маълум. Волластонит республиканинг скарн-руда майдонида учрайди. Оҳангарон каолин кўмир конида оловбардош материаллар, Фарҳод қоялари конида доломитлар, Султон-Увайс тоғида тальк ва тальк тошининг саноат аҳамиятидаги қотишмалари учрайди.

Ўзбекистонда қурилиш материалларининг 370 дан ортиқ конлари мавжуд

Устюрт, Жанубий Орол бўйи, Султон-Увайс, Марказий Қизилқумда ва Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларидаги бўр ва палеоген ётқизиқларида бентонит гиллари конлари топилган. Қимматбаҳо ва безак тошлардан топаз, феруза, аметист, тоғ хрустали, халцедон, яшма, нефрит, амазонит, родонит, агальматолит, мармар оникси ва бошқалар учрайди.

Каолин йиғиндилари оловбардош материаллар жумласига кириб, У Ангрен каолин-кўмир конида жойлашган. Унинг базасида кулолчилик буюмлари комбинати қурилган.

Тоғ-кимё хом ашёси жумласига фосфоритлар, табиий туз, сода, агрокимё хом ашёси киради. Сульфат, калий, ош тузи конлари топиб ишга туширилган. Борсакелмас, Бойбичакон ва Хўжаиконда ош тузининг битмас-тугамас заҳиралари жойлашган.

Қурилиш материалларининг 370 дан ортиқ конлари ҳисобга олинган. Уларнинг 31 таси цемент хом ашёси, 29 таси қоплама тош, 13 таси керамзит хом ашёси, 39 таси қурилиш тошлари, 175 таси ғишт хом ашёси, 67 таси қум-гравил материаллари, 22 таси бетон учун қум ва силикат буюмлари, 3 таси шиша хом ашёси ва бошқа конлардир.

Ер ости сувларининг ичимлик суви, минерал сув, термал сув ва саноат суви турлари мавжуд. Ер ости ичимлик сувининг тахминий ресурслари суткасига 22,5 млн.куб/метр. Ўзбекистонда термал (иссиқ) сувларнинг конлари Оқтов тоғ олдида (Самарқанд), Қурама тоғ тизмасида (Наманган), Сирдарё водийсида (Фарғона водийси ва Мирзачўл), Зарафшон дарёси бўйларида кўплаб учрайди. Термал сувлардан бальнеологик мақсадларда, шифобахш ичимлик сифатида ва иссиқхона хўжаликлари ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд қилинган конларнинг кўпчилиги 50-йилларда очилиб ишга туширилган

эди. Табиийки, уларнинг айримлари ўз хўжалик аҳамиятларини бугун йўқотган. Лекин ҳали очилмаган конлар ҳам анчагина. Ўзбекистон минерал-хом ашёнинг хилма-хил турларини етказиб берувчи йирик республикалардан бўлиб келди. Шунга қарамасдан, улар ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромадни шакллантиришда катта ўрин тутмасди. Тоғ-саноат мажмуаси маҳсулотларининг ҳиссаси умумий саноат маҳсулоти миқдорида расмий ҳисоб-китоб маълумотларига кўра 5 фоиздан ҳам ошмасди. Чунки, Ўзбекистон тоғ-саноат мажмуаси маҳсулотлари хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар сифатида республика ҳудудидан чиқиб кетарди ва ундан узоқда чуқур қайта ишланиб, тайёр товар шаклини оларди.

Ўзбекистон минерал ресурслари, биринчи навбатда, ўзининг бой заҳиралари ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Тоғ-саноат мажмуаси ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, унинг тармоқ ва ҳудудий тузилишининг такомиллашуви ҳам давом этмоқда. Мажмуада асосий ўринни рангли металлургия эгаллайди. Бу Ўзбекистон тоғ-саноат мажмуасининг яна бир ўзига хос хусусиятдир. Мажмуада унинг ҳиссаси ялпи маҳсулот ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати бўйича 80 фоиздан ошиқроқ, саноат ишлаб чиқариш ходимлари бўйича эса 70 фоиздан кам эмас. Ундан кейинги ўринни қора металлургия эгаллайди. Нометалл-руда саноат мажмуаси ялпи маҳсулоти, асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати бўйича 1 фоиз атрофида бўлиб, мажмуа саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг 2 фоизини ташкил қилади. Улар ўртасида нисбат халқ хўжалиги эҳтиёжларига боғлиқ. Мажмуанинг ҳудудий тузилиши эса янги кон ва шахталарнинг очилиши билан ўзгариб турибди.

Тоғ-саноат мажмуаси хом ашё ва ишлаб чиқариш базаси иқтисодий тараққиётнинг боришини кўп жиҳатдан белгилайди. Албатта, фан-техника тараққиёти минерал-хом ашёлар ўрнига ва уларга бўлган талаб даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Бир томондан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал сиғими камаяди, сунъий материаллар ва иккиламчи ресурслар ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор берилади. Аммо, бу минерал ресурслар аҳамияти пасаяди, деган сўз эмас. Уларнинг аҳамияти ошиб боради. Ҳеч қандай сунъий материал табиий минерал-хом ашёнинг ўрнини боса олмайди.

2.4. Ёқилғи-энергетика ресурслари

Асосий ёқилғи-энергетика ресурслари нефть, газ, кўмир ва электроэнергия ҳисобланади.

Кейинги йилларда қатор **нефть-газ** конлари топилди. Фарғона вилояти ҳудудида йирик конлардан Шимолий Сўх, Чунғара, Чимён, Шўрсув, Андижон вилоятида Жанубий Оламушук, Полвонтошни кўрсатиш мумкин.

Фарғона водийсидаги конларда асосан нефть учрайди. Улар бир неча ўн йиллардан бери халқ хўжалигига хизмат қилиб келмоқда. Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида Мингбулоқ нефть кони очилди. Фарғона нефти асосан енгил, олтингугурти кам, парафини кўпроқ. Жанубда нефть конлари Сурхондарё вилоятида жойлашган.

Нефть конларининг катта заҳиралари Устюртда топилган. Булардан ташқари нефть-газ конденсат конлари Муборак, Шўртан, Ўртабулоқда жойлашган. Қашқадарё вилоятидаги Кўкдумалоқ кони айниқса беқиёсдир.

Ўзбекистонда газнинг аниқланган заҳиралари 2 триллион кубометрни, кўмирники 2 миллиард тоннадан зиёдроқ ташкил этади. Мамлакатда топилган конларнинг заҳиралари нафақат ички эҳтиёжларни тўла қондиришга қодир, балки энергия манбаларини ташқарига экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Республикада газнинг аниқланган заҳиралари 2 трлн. кубометрдан, кўмирники 2 млрд. тоннадан зиёдроқ

Нефть ва газга бой **бешта минтақа** аниқланган: Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона. Газнинг ҳозирги аниқланган заҳиралари мамлакат эҳтиёжларини 35, нефтники 30 йил мобайнида қоплашга етади. Аммо, Ўзбекистонда газ ва нефть заҳираларини излаб топиш даражаси ҳозир 30–32 фоиздан ошмайди.

Газ қазиб олиш саноати ва уни ишлаб чиқариш, табиий газ ва газ конденсатини қайта ишлаш истиқболлидир. Газнинг таркибида этан, пропан ва бутан бўлиб, улардан полимер материаллари олинади. Шўртан газ-кимё мажмуидан олинаётган пропандан келгусида нитрон толаси ишлаб чиқариш мумкин.

2.4-жадвал

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

	2000 й.	2004 й.
Нефть ва газ конденсати, млн. т.	7,5	6,6
Газ, млрд куб.м.	56,4	59,8
Бензин, минг т.	1709,4	1359,5
Дизель ёқилғиси минг т.	1971,9	1555,1
Электр энергияси млрд. Квт.с.	46,8	49,6
Кўмир, минг т.	2500	2700

Ўзбекистонда турли йилларда 3 та йирик **кўмир кони** аниқланган. Улар Ангрен (Тошкент вилояти), Шарғун ва Бойсун (Сурхондарё вилояти) конларидир. Ангрен кони Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган бўлиб, бу ерда қўнғир кўмир **очиқ усулда** қазиб олинади. Унинг асосида Ангрен ГРЭСи ишлайди. Шарғун кони 600–800 метр баландликдаги тоғликда жойлашган. Кўмир қазиб олиш жараёнида қимматли минерал-хом ашё ресурслари ҳам ажратиб олинади. Улар каолин, кварц қумлари ва бошқалар бўлиб, кўплаб янги замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда хом ашё базаси бўлиб хизмат қилади.

Ер ресурслари. Ер ҳар қандай жамият, ҳар қандай мамлакатнинг бекиёс бойлигидир. Ер – бу битмас-туганмас хазина, оталар юрти, келгуси авлодга қоладиган асосий мерос. Ер – бу қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси.

Ерга икки жиҳатдан, биринчидан, ҳудуд, иккинчидан, тирикчилик манбаи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаёти учун зарур бўлган тупроқ, инсон учун озиқ-овқат, саноат учун хом ашё етиштириб берадиган экин майдонлари сифатида қараш лозим.

2005 йилнинг бошида Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 44890,0 минг гектарни ташкил этди. Ана шундан 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ хўжалигига тегишли майдонлардир. Қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларнинг 3691,5 минг гектари, 10 фоизга яқини ҳайдаб экин экиладиган ерлар, қолган ерлар пичанзор ва яйловлардан иборат.

Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 448,9 минг квадрат километрдан иборат

Кейинги йилларда ерга эгалик шакллари кенгайди. Илгари қишлоқ хўжалиги корхоналари қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларнинг 90 фоиздан фойдаланарди. Қолган ерлардан қишлоқ хўжалик кооператив корхона ва ташкилотлари, хўжаликлараро корхоналар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар фойдаланардилар. Деҳқон, фермер хўжаликларининг ер майдонларидаги улуши муттасил кенгайиб бормоқда. Аммо республикада ер хусусий мулк бўла олмайди. Унинг ҳақиқий эгаси давлат бўлиб, у бу ерларни фермер ва деҳқон хўжаликларига, шахсларга фойдаланиш учун бериб қўйган. Бу хўжаликлар, шахслар ўзлари фойдаланиб турган ерларни сотиши ёки сотиб олиши мумкин эмас. Фақат узоқ ёки қисқа муддатли ижарага беришлари мумкин. Ердан бундай фойдаланишнинг сабаби Ўзбекистонда, умуман Марказий Осиёда экин майдонларининг чекланганлигидир. Чунки, деҳқончилик тарихан суғориш маданиятига асосланган. Сув ресурсларининг чекланганлиги ўзлаштиришга яроқли ер фондидан тўла фойдалана олмасликнинг асосий сабабидир.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экин майдони ўсмади, балки камайди. Экин майдонларини бундан кейин ҳам кенгайтириш қийин. Экстенсив тараққиёт ўз имкониятларини тугаллаб бормоқда. Кейинги йилларда дон ва техника экинлари, шу жумладан, пахта майдонлари анча қисқарди. Гарчи дон экин майдонлари ўсишига қарамасдан, барча қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ўсишида жиддий силжиш бўлмади. Чунки, бошқа барча экин майдонлари улуши қисқарди.

Ўзбекистоннинг ер ресурслари хилма-хил. Қизилқум ва бошқа чўлларда **чўл-қум тупроқлари** катта майдонни эгаллайди. Бундай тупроқлар асосан қумдан иборат бўлиб,

зич қатлам ҳосил қилмайди, чиринди (гумус) қисми 1 фоизга ҳам етмайди. Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги чўл зонасида сур-қўнғир, чўл-қум, тақир тупроқли ерлар учрайди.

2.5-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экин майдони
(барча хўжалик турларида, минг га)

Кўрсаткичлар	1980 й.	1985 й.	1990 й.	1991 й.	2004 й.
Барча экин майдони, шу жумладан:	3994,6	4080,2	4194,2	4200,3	3691,5
– дон экинлари	1173,8	969,3	1008,1	1079,9	1666,5
– техника экинлари	1912,1	2027,0	1876,3	1760,4	1516,8
шундан пахта	1877,7	1989,8	1830,1	1720,5	1455,7
– картошка ва сабзавот-полиз	186,3	196,3	270,1	294,3	225,0
– озуқа экинлари	722,4	887,6	1039,7	1065,7	284,3

Ўзбекистонда суғориб экин экиладиган ерлар 4 млн. гектарга яқин бўлиб, мамлакат умумий ер майдонининг 9 фоизини ташкил этади

Энг характерли тупроқ **бўз** тупроқдир. У уч хил – оч тусли, типик ва тўқ тусли бўлади. Типик ва тўқ тусли тупроқнинг чириндиси кўпроқ –3-4 фоиз. Устюрт, Қизилқум, Қарши чўллари асосан сур-қўнғир тупроқлардан иборат бўлиб, уларда чиринди жуда ҳам кам. Шунингдек, **тақир тупроқли** ерларда ҳам чиринди кам. Қумли чўлларнинг пастқам текисликларида тақирлар учрайди. Бўз тупроқли минтақадан юқорида, денгиз сатҳидан 1200-2800 м баландликда жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари, ундан ҳам баландроқ қисмларда эса оч тусли қўнғир ўтлоқи дашт тупроқлари учрайди. Тоғ олдиларидаги текисликларда ва дарё водийларида шўрхоклар, ўтлоқи тупроқлар, ўтлоқи ботқоқ тупроқлар ва ботқоқ тупроқлар учрайди.

Ўзбекистоннинг **чўл яйловлари** 22,8 миллион гектар майдонни эгаллайди. Бу чўл яйловлари сур-қўнғир, қум ва қумли тупроқлардан иборат. Бу ерларнинг тахминан ярми суғорилишга яроқли ерлардир.

Суғориладиган маданий тупроқлар алоҳида типни ташкил этади. Республика умумий ер майдонининг 5 миллион гектардан ортиқроғидан деҳқончиликда фойдаланилади. Бу асосан суғориладиган ва лалми ерлардир. Қолган қисми яйлов ва озроқ қисми тоғ ўрмонзорларидан иборат.

Суғориладиган ерлар 4 миллион гектарга яқин бўлиб, шулардан 1,6 млн. гектари дашт зоналарда, қолганлари бўз ерларда. Суғориладиган ерларнинг 60 фоизини **автоморф** тупроқлар ташкил этади. Улар йирик дарёларнинг дельталари ва ўзлаштирилган водийлар, шунингдек тоғ олди текисликларидан иборат. Мирзачўл ва бошқа зоналарда суғориш натижасида ер ости сувлари кўтарилиб, ҳозир тупроқ **гидроморф** ҳолатидадир.

Суғориладиган ерларнинг катта қисми Фарғона водийсида, Зарафшон водийсида ва Амударё қуйи оқимини эгаллаган. Лалми ерларнинг катта майдонлари Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида жойлашган.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ер ресурсларини уч тоифага бўлиш мумкин: 1) текисликдаги тупроқлар - сув-қўнғир, чўл-қум тақирлар, тақир тупроқлар, ўтлоқи тупроқлар, ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар, шўрхоклар, ўтлоқи воҳа; 2) тоғ тупроқлари - кул ранг (бўз) ерлар, жигар ранг тупроқлар, кора-қўнғир тоғ ўрмон тупроқлари, рангли-қўнғир ўтлоқи чўл-тоғ тупроқлари, рангли-қўнғир баланд тоғ тупроқлари; 3) суғориладиган маданий тупроқлар.

Сув ресурслари. Ўзбекистоннинг **сув ресурслари** дарёлар, сел оқими, каналлар, кўл ва сув омборларидаги сувлардан таркиб топади. Унинг асосий сув манбаи-**дарёлардир.** Дарёлар тоғлардан бошланади. Тоғларда ёғингарчилик кўп, буғланишга кетадиган йўқотишлар эса кам.

Ўзбекистоннинг бош сув ўзанлари Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Улар ҳар иккаласининг суви ҳам республика ҳудудидан ташқарида ҳосил бўлади. Улардан ташқари, Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шероботдарё йирик дарёлар жумласига киради. Бу дарёларнинг кўпчилиги ўзларининг ўрта ва қуйи оқимлари бўйича Ўзбекистон ҳудудидан оқиб ўтади. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 50 га яқин дарё бўлиб, улардан 10 тасининг узунлиги 150 кмдан ошади. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди районларида сел оқими (тошқини) кўплаб содир бўлиб туради. Ўзбекистонда сел хавфи кучлироқ район бу Фарғона водийси. Бу ерда ҳар йили, баъзан йилига бир неча марта сел бўлади. Кўпчилик сел тошқинлари апрель ва май ойларига тўғри келади, чунки бу ойларда тоғда жуда кўп ёғин-сочин бўлади. Сел оқими ҳар йили минглаб гектар экин майдонларини вайрон этади. Шунинг учун ҳам тошқин хавфи кучли тоғ олди районларида сел оқимини ушлаб қоладиган қурилмалар (сув омборлари) қурилган. Ҳосил бўлган сув заҳираларидан кейинчалик экинларни, айрим яйлов-майдонларини суғоришда фойдаланилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги суғориш маданиятига асосланганлиги учун бу ерда **каналлардан** фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Улар учга бўлинади: умумий, яъни республика аҳамиятига эга бўлган каналлар, хўжаликлараро ва ички хўжалик каналлари. Йил давомида бу каналлар ўз суғориш манбаларидан сув олиб, уни истеъмолчиларга узатади. Каналлардан асосан суғоришда, шунингдек, электр энергияси олишда фойдаланилади.

Ўзбекистоннинг энг катта канали Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналидир. У 1940 йилда ишга туширилган, узунлиги 270 километр, 317 минг гектар ерни суғориш имконини беради. Энг қадимийси Сурхондарё вилоятдаги Занг канали бўлиб, у 1912 йилда казилган. Кейинги йилларда Жанубий Мирзачўл, Аму-Қоракўл, Аму-Бухоро, Аму-Занг, Катта Андижон, Катта Наманган

каналлари ишга туширилди. Улар сувларини асосан Аму ва Сирдарёлардан олади.

Сирдарё ва Амударё йўналишида 56 та турли хил **кўллар** бўлиб (Оролдан ташқари), уларнинг умумий майдони 3705 кв.км. Энг йирик кўл Орол денгизидир. Орол ҳам ўз сувини Аму ва Сирдарёдан олади. Орол денгизи 1960 йилгача 66 минг кв. км майдонни эгаллар эди. Аммо 1962 йилдан бошлаб денгиз сатҳининг пасайиш жараёни бормоқда. Оролга сув берадиган дарёларнинг имконияти хўжалик эҳтиёжларидан ортмаяпти, натижада уларнинг қуйи оқимига жуда кам миқдорда сув етиб боряпти. Орол сув сатҳининг кескин пасайиши сабабли унинг ўрнида туз ҳосил бўлиб, экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, Орол балиқчиликдаги аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Ҳозир минтақадаги илмий-лойиҳа муассасалари, олимлар ва мутахассисларнинг диққат марказида Оролни қутқариш муаммоси турибди. Бу мураккаб ва катта маблағталаб ишдир.

Ўзбекистонда 50 га яқин дарё, 5 мингдан зиёд катта ва кичик кўллар бор

Кўлларнинг кўпчилиги 2000-3000 метр баландликдаги тоғда жойлашган. Тоғ кўлларининг майдони одатда 1,0 кв/км дан ошмайди. Текисликдаги кўллар дарё ва ирригация тизимлари оқаваларидан ҳосил бўлган кўллардан иборат. Уларнинг умумий сони 5 мингдан ошади. Дарё кўллари кўпинча Аму ва Сирдарё қайирларида учрайди. Ирригация тизимларидан чиқариб юборилади ган ташлама кўллар коллектор-дренаж ишларининг яхшиланиши билан барҳам топиб кетмоқда.

Республиканинг текислик қисмида жойлашган йирик кўллар жумласига Амударё делтасида жойлашган, Судочье кўли ва Чордара сув омборидан чиқариб турилади ган, ташлама сувлар натижасида ҳосил бўлган Арнасой кўли киради. Биринчи кўлнинг майдони Амударё сувига боғлиқлиги туфайли борган сари қисқариб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда сунъий кўллар – **сув омборлари** пайдо бўлди. Фойдаланишда бўлган барча сув омборлари фақат мавсумий сувларни тартибга келтиришга ва улар орқали янги ўзлаштирилган кўриқ-дашт ерларга сув чиқаришга, бу билан дарё, канал, сел сувларидан самарали фойдаланишга мўлжалланган. Булардан ташқари Фарғона, Самарқанд вилоятларида, Чотқолда бир қатор сув омборлари ишга туширилган.

Ўзбекистон ҳудудидаги сув ресурслари тоғ районларида ва қисман ер ости сувларидан ҳосил бўладиган сув манбалари ҳисобига вужудга келади. Суғориш учун ер ости сувларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Суғориладиган ерларнинг сувга эҳтиёжи йил давомида бир хил эмас. 80 фоиз сув вегетация даврида суғориш учун сарф қилинади. Сувнинг қолган қисми кузги-қишги юмушлар ва суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш мақсадида фойдаланилади. Сув ресурсларининг энг катта истеъмолчиси деҳқончиликдан ташқари саноат корхоналари ва аҳолидир.

2.6-жадвал

Ўзбекистоннинг асосий сув омборлари

Номи	Қайси дарё сувн қуйилади	Майдони, кв/км	Ҳажми млн. метр/куб
Чордара	Сирдарё	900	5700
Қайроққум	Сирдарё	5,3	4200
Чорвоқ	Чирчиқ	40	2000
Каттақўрғон	Зарафшон	83,5	845
Жанубий Сурхон	Сурхондарё	65	800
Чимқўрғон	Қашқадарё	49,2	500
Қуйимозор	Зарафшон	16,2	280
Пачкамар	Ғузордарё	13,8	280
Каркидон	Исфарасой	9,5	218
Андижон	Қорадарё	55,5	1900
Косонсой	Косонсой	5,65	100
Жиззах	Сангзор	12,7	87,5
Туябўғиз	Оҳангарон	185,0	250

Республикада кўплаб сувни кочириш-суғориш иншоотлари курилган. Суғориш ўзанлари тақсимлаш ва хўжалик шохобчаси 100 минг км.дан ошиб кетади. Янги ўзлаштирилган сувсиз ёки кам сувли районларни сув билан таъминлаш учун гидроэлектр станциялари билан бирга гидроузеллар мажмуаси ва сув омборлар курилди.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда кудратли замонавий сув хўжалиги вужудга келди. Унга йирик давлат суғориш тизими, сув омборлар, сел сувини тўплаш омборлари, сув кўтариб узатиш, бош сув тўплаш курилмалари, улкан электр насос станциялари ва 150 минг турли хил иншоотлар кирган.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш. Ўзбекистон катта ер-сув ресурсларига эга. Улар қишлоқ хўжалигининг ривожланишига кенг имкониятлар яратиб беради. Аммо, ер-сув ресурсларидан фойдаланишни максадга мувофиқ деб бўлмайди. Ўлка ўзининг иссиқ ва курук, кескин ўзгарувчан иклими билан ажралиб туради. Унинг текислик кисмида ўртача йиллик ёғин микдори 120-200 мм, тоғли районларда 1000 мм гача. Иссиклик ва ёруғликнинг сероблиги пахта, каноп, узум, турли хил мевалар, полиз-сабзавот етказишга кулай. Қолаверса, бу ердаги тупроқ-иклим шароити йил давомида бир неча марта хосил йиғиштириб олиш имкониятини беради.

Лекин ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бетартиб ва максадга мувофиқ бўлмаган ҳолда кечди. 1980-1990 йиллар давомида экин майдонлари 5,1 фоизга ўсди. Бу асосан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига амалга ошди. Ўзлаштирилган ерларга сувталаб пахта экини экилди.

Ўзбекистон ер-сув фондидан экстенсив фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни муттасил

оширишга қаратилган эди. 80-йилларга келиб парадокс вазият вужудга келди: ҳосилдор ерлар кўп, аммо озиқ-овқат камчил.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кимёвий ўғитларни кўплаб қўллаш ҳосилдорликка ижобий таъсир қилса-да, шу билан бирга тупроқ таркибини бузди, оқибатда унинг ҳосилдорлигига путур етказди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган хлор бирикмалари жуда заҳарли бўлиб, сув ҳавзаларига тушиб, флора ва фаунага ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг кенгайтирилиши атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказди. Айрим мутахассислар қишлоқ хўжалигининг устун экстенсив йўлдан ривожланишини зарурий шарт деб ҳисоблаб, уни демографик аҳвол, яъни аҳолининг табиий ўсиши билан боғладилар. Аммо сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик Оролнинг, Амударё, Сирдарё ва бошқа сув манбаларининг кескин қисқаришига олиб келди, экологик тангликни келтириб чиқарди. Озиқ-овқат муаммоси эса тўла ҳал бўлмади, кўп миқдорда гўшт, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқаридан келтирилди.

Олдимиздаги муҳим муаммолардан бири Оролни сақлаб қолиш ва унинг атрофининг экологиясини яхшилашдан иборат

Ўзбекистонда сув ресурсларининг миқдор ва сифат танглиги бундан кейин ҳам кучайиб боради. Бунинг устига дарёлар ишлаб чиқариш, маиший тармоқ оқавалари, химикатлар билан заҳарланган ташламалар билан ифлосланмоқда. Натижада мамлакатнинг асосий сув томирлари – Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар **ичимлик суви** билан таъминлашда амалда яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Орол денгизи сув режимининг бузилиши, сатҳининг кескин пасайиши Оролбўйи табиий-иқлим шароитига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Бу ерда юзага келган аҳвол ердан кўп йиллар давомида экстенсив фойдаланишнинг бевосита оқибатидир.

Ҳолбуки, сув ресурсларининг тақчиллиги туфайли Ўзбекистонда экин майдонларининг кенгайиши имкониятлари чекланган. Аҳоли сони кўпаймоқда, республиканинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига экин майдони миқдори эса қисқармоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ўстириш фақат интенсив тараққиёт ҳисобига, яъни ер майдони бирлигидан маҳсулот чиқишини кўпайтириш ва чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш ҳисобига амалга ошади. Аҳволни яхшилаш учун инвестиция сиёсатини кескин ўзгартириш, қишлоқ хўжалигида капитал маблағларнинг асосий қисмини сувни тежовчи тадбирлар ўтказиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш лозим.

Эрозия жараёни мамлакат ер бойлигига жиддий зарар етказади. Тупроқни ҳимоя қилиш тадбирларига алоҳида

эътибор бериш, унинг ювилиб кетишига йўл қўймаслик, гумус қисмини асраш керак.

Сув омборлари ва туғонларнинг кўплаб қурилиши, шоли ва бошқа кўп сув талаб қилувчи экинларнинг экилиши, сувнинг тежалишини таъминлайдиган технологияларни (томчилаб суғориш) ўзлаштирмаслик сув заҳираларининг янада камайишига олиб келди.

Сувларнинг кимёвий моддалар билан ифлосланиши тоза ичимлик суви муаммосини келтириб чиқарди. Деярли барча дарёларга саноат чиқиндилари бориб тушади. Республика олдида мураккаб муаммо: бир томондан, сув ресурсларига эҳтиёжнинг тўхтовсиз ўсиши, иккинчи томондан эса, сув ресурслари имкониятларининг тез камайиши вужудга келди.

Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари олдидаги муҳим муаммолардан бири Оролни сақлаб қолиш ва атрофининг экологиясини яхшилашдир. Денгиз кема қатнови, балиқчилик ва мўйначилик аҳамиятини бутунлай йўқотди. Туз силжиши жараёни фаоллашди. Бундай салбий оқибатларни ҳисобга олиб зудлик билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиш стратегияси қайта кўрилиши-экстенсив хўжалик юритишдан воз кечиб, интенсив хўжалик юритишга ўтилмоғи, миллий хўжалик мажмуасининг тармоқ тузилмаси ўзгартирилиб, саноатнинг кам сув талаб этадиган ва сувсиз ишлайдиган тармоқларини ривожлантиришга устунлик берилмоғи, миллий хўжаликнинг барча соҳаларида сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишнинг кенг қамровли тадбирларини амалга ошириш лозим.

Ўзбекистоннинг табиати бой ва хилма-хил. Гуллаётган боғлар, қумли барханлар, пахта далалари, қорли тоғлар, суғориш каналлари, маъдан манбалари, тоғ ўтлоқлари – республиканинг ландшафти ана шундай ранг-баранг.

Ўлка бой **флора** ва **фауна**га (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) эга.

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос вазифаларидан бири ана шу ажойиб флора ва фаунани сақлаб қолиш, уларни оммавий қирилиб кетишдан сақлашдир. Сув ресурсларининг камайиб бораётганлиги, тоғолди ва дарё бўйи зоналарининг экстенсив хўжалик юритиш натижасида кўплаб ўзгартирилиши, пестицидлар миқдорининг ер ва сув таркибида ошиб бораётганлиги улар ҳаётига жиддий хавф туғдирмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат қўмитаси, парламентда экология бўйича махсус депутатлар комиссияси, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича республика жамияти иш олиб бормоқда. Глобал экологик жамғарма агентлиги, Оролни қутқариш

жамғармаси тузилган. "Экосан" халқаро жамғармаси ишлаб турибди.

Аммо табиатни асраш, ундан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тузилмаси билан яқиндан боғлиқ ҳодисадир. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши табиат ресурсларидан фойдаланишнинг прогрессив усул ва технологиясига секин ўтказилаётган ва бошқа бир қатор сабаблар, ишлаб чиқариш жараёнларининг охирига етказилмаганлиги билан тавсифланади. Нафақат пахтанинг асосий қисми, балки жун, пилла ва бошқа қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам хом ашё сифатида экспорт қилинади. Минерал-хом ашёлар ва ёқилғининг барча турларини, рангли металларни қазиб олиш анча ўсди. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг жадаллашуви ҳудуд ресурслари ва экологик дунёдан фойдаланишни кучайтирди.

Ўзбекистон суғорма деҳқончилик маданиятига асосланган бўлиб, сув ресурсларининг асосий қисми экинзорларни суғоришга сарфланди

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг жадаллашувини ишланадиган ер майдонларининг тез кенгайиши ҳам кўрсатади. Республикада сув хўжалик қурилиши кенг миқёсда амалга оширилди ва янги ерлар ўзлаштирилди. Ерларни ўзлаштириш ҳажмларини кўпайтиришда капитал маблағларнинг асосий қисми – 80-90 фоизи янги қурилишга, оз қисми эса эскидан суғорилиб келинаётган экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини ушлаб туриш ва яхшилашга қаратилди.

Ўзбекистон суғориладиган майдон, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қиймати, сувдан фойдаланиш бўйича минтақада етакчи ўринни ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси - ҳар гектар ердан олинадиган фойда, фонд самарадорлиги, сарфланган сувнинг ҳар 1000 куб метри ҳисобига фойда бўйича эса охирги ўринни эгаллаб келди. Янги ерларни ўзлаштиришга ва сув хўжалиги қурилишига берилиб кетиш ишлаб чиқариш фондларини кескин ўстиришга олиб келди; 1 гектар ер ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ошди, лекин фонд самарадорлиги камайди.

Маълумки, ишланадиган ер майдонларининг ўсиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш маъносида маълум ижобий самара берди. Аммо, у шу билан бирга тупроққа ўз салбий таъсирини кучайтирди, деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигидаги ер майдонлари ўсишидан паст бўлиб қолди. Узоқ йиллар мобайнида асосий эътибор ерларнинг сифат ҳолатини яхшилашга қаратилмади, натижада қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди: ерлар ботқоқлашди, шўр босди, эрозия кучайди, тупроқ унумдорлиги пасайди.

Бунга кўп жиҳатдан пахта яккаҳокимлиги сабабчидир. Мустақилликгача пахта майдонларини энига ва бўйига кенгайтириш давом этди. Натижада республикада сув

тақчиллиги муаммоси пайдо бўлди. Ўзбекистон суғорма деҳқончилик маданиятига асосланган бўлиб, сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш ва суғоришга сарфланади.

2.6. Илмий-техника ва инновация ресурслари

Илмий-техника ва инновацион салоҳият мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга омиллардан ҳисобланади. Хусусан, ислоҳотлар даврида юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда давлат илмий-техника ва инновация сиёсатининг роли ортиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг илмталаб тармоқларини ривожлантириш, ЯИМнинг илмий сиғимини ошириш, қўшилган қиймат улуши юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг ўзлаштириш жараёнларида илмий-техника ва инновацион ресурслардан оқилона ва юқори даражада фойдаланиш муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади. Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда илмий-техника тараққиёти омилидан самарали фойдаланиш, бу салоҳиятни доимий равишда ошириб бориш талаб этилади.

Мамлакатнинг илмий-техника салоҳияти ва инновацион ресурслардан фойдаланиш даражаси бир қатор кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Буларга бажарилган илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг қиймати, илмий муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматларнинг ҳажми динамикаси, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ЯИМдаги улуши, илмий тадқиқотлар олиб борадиган ташкилот, муассаса ва марказлар ва уларда банд бўлганларнинг сони ўзгариши, илмий-техника салоҳиятининг тармоқ таркиби, кашфиётлар ва янги ишланмаларнинг патент ва лицензиялар шаклида импорт ва экспорт қилиниши ва бошқалар киради.

Мамлакатнинг илмий, илмий-техника ва инновацион салоҳияти ягона мақсадга – илмий-техника тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Аммо уларни алоҳида олиб қараганда ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаради ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга турли даражада таъсир кўрсатади.

Илмий салоҳият фундаментал илмий тадқиқотларни амалга ошириш шарт-шароитлари ва ресурсларининг йиғиндисидан иборатдир. Илмий-техника салоҳияти эса амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, хусусан, тажриба – конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни амалга ошириш шарт-шароитлари ва ресурсларининг йиғиндисидир.

Инновацион салоҳият илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг амалда, жумладан, ишлаб чиқаришда қўлланилишини таъминлашга хизмат қиладиган шарт-шароитлар ва ресурсларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Илмий, илмий-техника ва инновацион салоҳият ишлаб чиқариш воситалари ва усулларининг самарадорлигини оширишни таъминлайди, янги технологиялар ва маҳсулотларнинг ўзлаштирилишини жадаллаштиради.

Шу жиҳатдан илмий, илмий-техника ва инновацион салоҳият бир-бирини тақозо этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлиб, илмий-инновацион жараённинг алоҳида бўғинлари ҳисобланади. Янги, илғор ғояларнинг туғилиши, фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишланмалар, тажриба намунаси, саноат характеридаги синовлар, ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши, серияли ишлаб чиқариш, тижорий мақсадларнинг амалга оширилиши, янги маҳсулотнинг амалда кенг қўлланилиши жараёнлари ягона илмий-техника тараққиётининг узвий бир-бирига боғлиқ босқичларидан иборатдир.

Мана шу жараённи бошқариш, тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат **илмий-техника ва инновация сиёсатини** амалга оширади. Бу сиёсатнинг алоҳида йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Олий Аттестация комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ижтимоий-иқтисодий ва техник мазмундаги дастурларнинг бир қисми тармоқ вазирликлари ва ташкилот ҳамда муассасалари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тармоқ институтлари ва илмий-тадқиқот марказлари ҳам илмий-техника тараққиётини таъминлашга бевосита хизмат қилади.

Фундаментал ва амалий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўша оладиган илмий-техника фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, илмталаб, ресурслар, энергия ва меҳнат харажатлари кам бўлган ишлаб чиқариш ва технологияларни жадал ривожлантиришга имкон берувчи илмий тадқиқотларга устуворлик бериш, илмий, илмий-техника ва инновацион фаолиятнинг бевосита таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими билан боғлиқлигини юқори даражада таъминлаш, илмий-техника ва инновацион фаолиятни давлат томонидан бошқаришда кўпроқ иқтисодий усуллардан фойдаланиш, соҳага хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантириш кабилар давлат илмий-техника сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот мажмуаси 362 та академик, олий таълим ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларидан иборат

Ўзбекистон бутунги кунда Марказий Осиё минтақасидаги илмий салоҳияти юқори мамлакат ҳисобланади. Мамлакатнинг **илмий-тадқиқот мажмуаси** ўз ичига 362 та академик, олий таълим ва тармоқ муассасаларини олади. Жумладан, 101 илмий-тадқиқот институтлари, 55 та олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот марказлари, 65 та лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, 32 та илмий-ишлаб чиқариш ва тажриба корхоналари, 30 та ахборот-ҳисоблаш марказлари мавжуд. Ядро физикаси институти, "Физика-қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Биолог" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Майданак астрономия обсерваторияси кабилар мамлакатимизнинг ноёб илмий муассасалари ҳисобланади.

Фан соҳасида ҳозирда 46 мингдан ошиқ киши банд бўлиб, шундан 2,8 минг нафари фан доктори, 16,1 минг нафари фан номзодидир. 20 дан ошиқ фан тармоқлари бўйича олий маълумотли илмий ходимлар тайёрланмоқда.

Республикада жаҳон талаблари даражасидаги **илмий мактаблар** мавжуд бўлиб, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

– математика, эҳтимоллар назарияси, ижтимоий ва табиий жараёнларни математик моделлаштириш, информатика ва ҳисоблаш техникаси соҳаларида тадқиқотлар;

– ўлканинг иқлимини астрономик ўрганиш, Ернинг юзаси бўйлаб қутбларнинг ҳаракатини тадқиқ этиш;

– саноатда қайта ишланадиган минерал-хом ашё ресурсларининг шаклланиши билан боғлиқ геологик жараёнларни, тектоника, геофизика, сейсмология каби соҳалардаги тадқиқотлар;

– молекуляр генетика, ген муҳандислиги, биотехнология каби қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, бикробиология саноати ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳаларининг ривожланишига имконият яратувчи соҳалардаги тадқиқотлар;

– қуёш ва ядро энергиясидан фойдаланиш имкониятларини ошириш орқали мамлакатнинг энергия манбалари таъминотининг янада мустаҳкамланиши билан боғлиқ тадқиқотлар;

– жаҳон ва ватан тарихи, маданий ва маънавий қадриятларни ривожлантириш, ўзбек тили ва адабиёти, халқ оғзаки ижоди ривожланишининг замонавий муаммоларини тадқиқ этиш.

Ўзбекистонда **олий таълим тизими** мустақиллик йилларида жиддий ислоҳ қилинди. Ҳозирда олий маълумотли мутахассислар тайёрловчи 63 та университет ва институтлар фаолият кўрсатмоқда. Шундан, университетлар 20, институтлар 43 та. Олий ўқув юртларининг 14 таси техник, 3 таси иқтисодий, 15 таси гуманитар, 6 таси педагогик, 7 таси тиббий, 4 таси аграр, 12 таси тармоқ мутахассисликларини тайёрлашга ихтисослашган.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда 63 та университет, академия ва институтлар фаолият кўрсатмоқда

1998 йил қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги" қонунга мувофиқ республикада икки босқичли олий таълим тизими жорий қилинди. Олий таълим муассасаларида ўқитиш грант ва пулли-шартнома асосида олиб борилади. 2001 йилдан таълим кредитларини бериш амалга оширилмоқда.

Давлат таълим стандартлари тасдиқланган бўлиб, жами 131 йўналишда бакалавриат, 664 йўналиш бўйича магистратура намунали ўқув режалари амал қилмоқда. Олий таълим учун янги дарсликлар яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

2.7-жадвал

Мустақиллик йилларида Олий таълим муассасалари сонининг ўзгариши динамикаси

Йиллар	Олий таълим муассасаси сони	Жумладан, Тошкент шаҳрида
1992	54	25
1993	55	26
1994	55	26
1995	57	27
1996	58	27
1997	60	28
1998	60	28
1999	61	29
2000	61	29
2001	61	29
2002	63	31
2003	63	31

Таълим тизимининг сифатини ошириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунга кўра, таълим жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этиш, интерактив усуллардан кенг фойдаланиш ва талабаларда мавжуд муаммоларга танқидий ёндошувни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикада кадрлар малакасини оширишга мўлжалланган 2 та академия, 22 институт, 15 та марказ ва 17 та факультет фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирда Олий ва ўрта махсус таълим тизимида 11226 ўқитувчи фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 47,1 фоизи илмий унвон ва даражаларга эга.

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган **илмий тадқиқот ишлари** ҳажми ортиб бораяпти. 1998-2002 йилларда 620 та кашфиётга патент олинди, 600 та монография нашр этилди, 24639 та илмий мақола республика ва чет эл илмий матбуотида чоп қилинди.

1998-2002 йилларда докторант ва аспирантлар сони ўзгаришида салбий тенденция кузатилди.

2.8-жадвал

Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги тизимида	Қабул қилинди				
	1998	1999	2000	2001	2002
Докторантлар	61	71	43	76	49
Аспирант	599	654	396	392	365

Давлат бюджетида таълимга ажратилаётган харажатлар улуши ўтган йилларда ошиб бормоқда. 1998-2004 йилларда таълим харажатлари ЯИМнинг 8-11 фоизини ташкил этди.

Таълим тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар ҳамда хорижий мамлакатлар ҳукуматлари турли молиявий ва техник ёрдам кўрсатмоқда. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, TACIS, USAID, ACCELS кабилар шулар жумласидан.

Республикада жаҳоннинг етакчи олий ўқув муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Англиянинг Вестминстер университети билан ҳамкорликда Тошкент-Вестминстер халқаро университети, Россиянинг Плеханов номидаги Иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали, Италиянинг Болония университети билан Самарқанд Давлат университетида магистратура фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг Кембридж университети, Франциянинг Сорбонна университетлари билан ҳам қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

III БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

3.1. Макроиқтисодий барқарорлик тушунчаси

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш иқтисодий ўсишнинг, иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Одатда макроиқтисодий барқарорлик деганда иқтисодий инқирозга барҳам бериш, иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичларни муайян даражасида сақлаб туриш, умуман олганда иқтисодиётни соғломлаштириш тушунилади.

Макроиқтисодий барқарорликка қандай қилиб эришилади? Иқтисодий адабиётларда макроиқтисодий барқарорликка эришиш бўйича икки хил назарий ёндашув шаклланган: **янги классик** ва **кейнсча**.

Янги классиклар бозор иқтисодиётининг ўзи макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди ва унга давлатнинг аралашуви шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, меҳнат бозори, нарх ва жами харажатларнинг давлат томонидан тартибга солиниши макроиқтисодий барқарорликка зарар етказади.

Кейнсчилар эса, макроиқтисодий барқарорликка фақат бозор механизми орқали эришиш мумкинлигини рад этадилар. Улар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун ички нархларни муайян чегарада ушлаб туриш, миллий валюта қадрини мустаҳкамлашга қаратилган пул-кредит ва молия сиёсати тадбирларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ўстириш ва бандликни таъминлаш учун қулай макроиқтисодий муҳитни барпо этиш лозим, деб ҳисоблайдилар.

Қандай бўлганда ҳам ҳар бир мамлакат учун макроиқтисодий барқарорлик зарур. Макроиқтисодий барқарорлик келгусида иқтисодий ўсиш ва юксалиш учун муҳим босқич ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун аввало, ЯИМ ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилади. Кейинчалик ЯИМ ва ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича барқарор ўсиш таъминланади. Агар ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилса, унда янада яхши бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ошиши, инфляциянинг паст даражаси, ЯИМ ҳажмида жамғариш ва инвестиция улушининг ўсиши ва бошқа сифат кўрсаткичлари билан бирга кечиши лозим.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш, айниқса, мустақил миллий иқтисодиёт қуриш ва бозор муносабатларига ўтиш ҳамда улар билан боғлиқ равишда юзага келадиган тангликдан чиқиб кетиш жараёнида осон эмас. Давлатнинг макроиқтисодий барқарорлаштириш тадбирлари айрим ҳолларда бозор муносабатлари доирасини торайтириб қўйиши мумкин. Пул массасининг қатъий

чекланиши кичик бизнес ривожига салбий таъсир кўрсатади, корхоналар тўлов қобилиятининг пасайиб кетишига олиб келади. Аммо, бундай ҳолатлар одатда узоқ давом этмайди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида барча постсовет мамлакатларида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам эски республикаларо хўжалик алоқаларининг узилиши, янгиларининг эса ҳали шаклланиб улгурмаганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан чуқур таркибий қайта қуришларни амалга ошириш зарурати туфайли иқтисодиётда пастга қараб сирғалиш юз берди. Бу шароитда ишлаб чиқариш воситалари бозорида ҳам, истеъмол бозорида ҳам кескин танқислик келиб чиқди. Нима қилиш керак? Ўзбекистон барча мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш орқали саноат, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатишнинг янги тизимини бозор муносабатларига мослаб яратиш йўлидан борди. Чет эл инвестиция ва кредитлари ҳам ана шу мақсадларга сарфланди. Натижада келгусида иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам негиз ҳозирланди. Бу эса бош вазифани ҳал этиш, яъни макроиқтисодий барқарорликка эришишда ижобий силжишларни йилдан-йилга мустаҳкамлаб бориш имконини берди.

1998 йилга келиб ЯИМ ишлаб чиқаришнинг ислоҳотгача бўлган ҳажмига тўла эришилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича эса ислоҳотгача бўлган даражага 1995 йилда эришилган эди

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш ўтиш даврини бошидан кечираётган барча постсоциалистик мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга эди. Аммо ўтган аср 90-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам Озарбайжон, Грузия, Молдова ва Украина каби мамлакатларда ЯИМ ҳажми 1990 йил даражасининг ярмига етмаган эди (37-44%). Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия каби мамлакатларда эса унинг миқдори ислоҳотгача даврнинг 58-62 фоизини ташкил қилди, холос. Белорусда бу кўрсаткич 73 фоиздан иборат бўлди.

Ўзбекистонда 1996 йилга келиб ЯИМ ҳажми 1990 йил даражасидан 18 фоизга паст бўлди. 1997 йилга келиб бу кўрсаткич бироз қисқарди ва 14 фоизини ташкил этди. 1997 йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 12,7 фоизга ўсди. Бу кўрсаткич Белорусда 1990 йил даражасининг 71, Қирғизистонда 51 фоизини ташкил этди. Қолган бирорта постсовет мамлакатида ислоҳотдан олдинги даражанинг ярмига ҳам эришилмади.

Ўзбекистонда 1995 йилга келиб ЯИМ ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин секинлашди, бир йилда ҳаммаси бўлиб 0,9 фоизга тенг бўлди. 1996 йилдан бошлаб ҳозиргача ЯИМ ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш динамикаси давом этмоқда. Бинобарин, республикада 1998 йил ЯИМ ҳажмининг 1990 йил даражасига эришишда ҳал қилувчи қадам ташланди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича бу даражага 1995 йилда тўла эришилган эди.

Бу қадар ижобий силжишларнинг бош сабаби мамлакатда миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида ўзгартириш тадбирларини макроиқтисодий барқарорлаштириш дастурлари билан қўшиб олиб боришдадир. Аммо инқироздан чиқишнинг бошқа йўли ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда асосий таркибий қайта қуришларни тез суръатларда амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Ёқилғи-энергетика, машинасозлик, транспорт ва алоқа, йўл қурилиши, қайта ишлаш каби соҳаларни ривожлантиришга устуворлик берилди. Бу соҳаларнинг устун ривожлантирилиши, биринчидан, айрим стратегик маҳсулотлар бўйича мамлакатни ташқи бозорга қарамликдан қутқарган бўлса, иккинчидан, бу соҳалар қолган тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришда ўзига хос локомотив бўлиб хизмат қилди.

Устувор соҳаларни белгилаш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқларни аниқ мақсадли инвестициялаш эвазига таъминланди. Барча инвестицияларнинг қарийб учдан икки қисми ишлаб чиқариш объектлари қурилишига йўналтирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ягона, пировард мақсад эмас. ЯИМ таркибини такомиллаштириш, бозор тан оладиган, кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини бевосита қондирадиган, сифатли, экспорт талабларига жавоб берадиган товар ва хизмат турларини ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Одатда ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, балки инсон фаровонлиги учун амалга оширилгандагина чуқур мазмун касб этади, кишиларни самарали меҳнатга рағбатлантиради.

3.2. Иқтисодий ўсиш

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш, келгусида иқтисодий ўсиш учун муҳим замин ҳозирлайди. Ҳар қандай миллий иқтисодиёт кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, яъни ўтган йилга нисбатан кўпроқ маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Йилдан йилга аҳоли сонининг кўпайиши, кишилар эҳтиёжларининг ортиб бориши кенгайтирилган ишлаб чиқаришни шарт қилиб қўювчи асосий сабаблардан ҳисобланади. Айнан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш динамикаси иқтисодий ўсишнинг моҳиятини ташкил этади.

Иқтисодий ўсишни аниқлаш ва ҳисоблаш мамлакат иқтисодий тараққиётининг энг умумий кўрсаткичи – ялпи ички маҳсулот билан боғлиқ. Иқтисодий ўсиш муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўзгаришидир. Иқтисодий ўсиш суръатлари ЯИМ ўсиш суръатларида ўз аксини топади ва одатда бир йил учун ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш суръатларини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Иқтисодий\ ўсиш = \frac{ЯИМ_1}{ЯИМ_0} \times 100\ \%$$

Бу ерда: $ЯИМ_1$ – жорий йилдаги ЯИМ ҳажми;
$ЯИМ_0$ – ўтган йилдаги ЯИМ ҳажми.

Олимлар иқтисодий ўсишнинг мутлақ ва нисбий кўринишларини бир-биридан фарклайдилар[1]. Мутлақ иқтисодий ўсиш товар ва хизматлар қанча миқдорда кўпайганини билдирса, нисбий иқтисодий ўсиш эса унинг жадаллик суръатини билдиради ва фоизда (мартада) ифодаланади. Мутлақ иқтисодий ўсиш мамлакатнинг катта ёки кичиклигига боғлиқ бўлса, нисбий иқтисодий ўсиш мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига боғлиқ.

Ўзбекистонда 2005 йилда ЯИМ нинг ўсиш суръати 7 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқаришн 7,3, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,2 фоизга ўсди. ЯИМнинг ўсиши 1991 йилга нисбатан 28,2, 2000 йилга нисбатан эса 30,1 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўсиш нафақат МДҲ, балки дунё мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бу ерда албатта ташқи бозор конъюнктурасининг роли жуда кам. Жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар ЯИМнинг юқори суръатларда ўсишига асримиз бошларида нефтъ ва газ каби стратегик маҳсулотларга халқаро бозорларда нархларнинг кескин ошуви ҳисобига эришдилар. Ўзбекистонда эса иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларини иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини эркинлаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва бошқалар ҳисобига таъминланмоқда.

Келгусида ҳам иқтисодий ўсишни муттасил таъминлаб бориш ўз навбатида бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ юкини енгиллаштириш, таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш учун зарур шароитларни яратиш, хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа тадбирларни изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади.

[1] А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси, Т. 2005, 307-бет.

3.3. Иқтисодий ўсиш омиллари

Иқтисодий ўсишнинг **ички** ва **ташқи омиллари** мавжуд. Ички омиллар ўзига моддий неъмат ва хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмолни қамраб олади.

Улар жумласига аҳоли ва меҳнат ресурслари, табиий ресурслар, инновация ва ишлаб чиқариш имкониятлари, инвестициялар, институционал иқлим ва бошқалар киради (бу ҳақда 2-бобга қаранг).

Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларига халқаро меҳнат тақсимоти, глобаллашув жараёнлари киради. Кейинги омил айниқса зиддиятли кечади. Глобаллашув миллий иқтисодиёт қиёфасига жиддий ўзгаришлар киритади. Бу жараёнда, бир томондан, ишчи кучи халқаро миграцияси кучаяди, мамлакатга арзон товарларнинг кириб келиши кучаяди, натижада миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларида иқтисодий ўсишга тўсиқ пайдо бўлади. Бошқа томондан, чет элдан замонавий технология, инвестиция ва кредитларни жалб қилиш иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда сиёсий омилларнинг аҳамияти ҳам катта. Сиёсий-иқтисодий иттифоқларга, турли мамлакатлар блокига бирлашиш (масалан, Евроосиё) у ёки бу мамлакатда иқтисодий ўсишни товарларнинг айрим турларини киритишга эмбарго жорий этиш, қулай имконият тартибини яратиб бериш ёки бермаслик, у ёки бу мамлакатни Евроиттифоққа ёки халқаро савдо ташкилотига қабул қилиш ёки қилмаслик орқали секинлаштириш ҳам, жадаллаштириши ҳам мумкин.

Албатта, барқарор иқтисодий ўсиш барча омиллардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Шу билан бирга янги технологик шароитда улардан энг муҳимларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда янги иқтисодий ўсишда табиий ресурслар омилининг ўрни ва аҳамияти пасайиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бой ресурсларга эга бўлган мамлакатлар амалда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори нуқтасига эришолмайдилар. Улар табиий ресурсларни хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулот сифатида сотиш йўлига ўтиб олиб ёки иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг хом ашё базасига айланиб қолади, ёки эскирган, материал сиғими юқори технологиясига ўтиб олиб, техник тараққиёт жиҳатидан орқада қола бошлайди. Шу вақтнинг ўзида табиий ресурслар тақчил мамлакатлар (масалан, Япония, Германия, Швейцария) ресурсларни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш илмталаб ишлаб чиқаришни, қайта ишлаш саноатининг илғор тармоқларини ривожлантиришга мажбур бўлади. Россиядаги нефть, Ўзбекистондаги пахта эйфорияси эса, аксинча, кўпчилик бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг кўзини ёпиб қўйган эди. Шундай қилиб, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти

табиий ресурсларнинг мавжудлиги эмас, балки улардан самарали фойдаланиш усулларини мақсадга мувофиқ комбинациялаштиришга эришиш орқали ишлаб чиқаришнинг такомиллашиб боришидан иборатдир. Экстенсив такрор ишлаб чиқаришнинг ўз имкониятларини борган сари тугаллаб бораётганлигини унутмаслик керак. Бунга нефть қазиб олувчи араб давлатлари тажрибаси ёрқин мисол бўла олади.

Кейинги йилларда тез иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосини инсон капитали, юқори малакали кадрлар, инновация, инвестиция, халқаро меҳнат тақсимотига интеграциялашув каби омиллар ташкил этмоқда (қаранг: 2-боб 6-§ ва 4-боб 4-§).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг янги сифат омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– миллий иқтисодиётни юқори пировард натижаларга йўналтириш, ЯИМнинг ҳажми ва таркибини ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқлаштириш;

– ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг сифатини ва шу орқали рақобатбардошлигини, меҳнат унумдорлигини, маҳсулотларнинг янгиланиш даражасини ошириб бориш;

– инновацион жараённи жадаллаштириш, ресурсларни тежайдиган технологияларнинг роли ва аҳамиятини ошириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг фондларни тежайдиган шаклларини кучайтириш;

– импортнинг ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

– ЯИМ ўсиш суръатларининг аҳоли ўсиш суръатларидан юқори бўлишига, ЯИМ ўсишининг иқтисодиётда банд бўлганлар сони ўсиши билан кечишига, инфляциянинг паст суръатлари, ЯИМ таркибида жамғариш ва инвестициянинг юқори улушига эришиш;

– иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш билан тўла бандликни таъминлашни яхшилаш, ишчи кучини ҳар томонлама ривожлантириш, ишлаб чиқаришни инсон эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш, халқ истеъмол товарлари ва атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш;

– миллий иқтисодиётнинг очиклигини таъминлаш, борган сари уни халқаро хўжалик алоқаларига тортиш, халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисодиётни глобаллаштириш афзалликларидан янада тўларок фойдаланиш.

Маълумки, иқтисодиётни модернизациялаш ва реконструкция қилиш катта миқдордаги инвестицияларни тақозо этади.

Айниқса, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш имкониятлари эскирган мамлакатлар учун бу жуда ҳам зарур.

Ўзбекистонда 2005 йилда иқтисодиётга 1272,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилган. Бу инвестицияларнинг бир қисми ички манбалар – корхона ва ташкилотларнинг фойдаси, амортизация ва бюджетдан ташқари фондлардан ажратмалар, аҳоли маблағлари ҳисобига шаклланди. Қолган қисми эса тўғридан-тўғри чет эл инвестиция ва кредитларини жалб қилиш эвазига шаклланмоқда. Асосий капиталга инвестицияларнинг 67,4 фоизи ишлаб чиқариш йўналишига сарфланмоқда. Хорижий инвестицияларнинг эса 90 фоизи худди ана шу мақсадга йўналтирилмоқда. Шулардан 65,3 фоизи саноатга, 21,9 фоизи транспорт ва алоқани ривожлантиришга сарфланмоқда (қаранг: 4-боб, 4-§).

3.4. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш динамикаси

Ўзбекистонда моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш объектив зарурат ҳисобланиб, бу жамият истеъмолининг миқдор ва сифат жиҳатидан ортиб бориши объективлигидан келиб чиқади. Шу сабабли миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш узлуксиз амал қилиши ва такомиллашиб бориши лозим. Миллий ишлаб чиқариш жараёни айни вақтда такрор ишлаб чиқариш жараёни ҳамдир.

Мамлакатимизда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг асосий ташкил этувчилари қуйидагилардан иборат:

– моддий бойликларни такрор ишлаб чиқариш;

– асосий ишлаб чиқариш омилларини, жумладан, ишчи кучи ва капитални такрор ишлаб чиқариш;

– моддий неъматлар ва хизматларни яратиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш;

– инсон ҳаёти шарт-шароитларини такрор ишлаб чиқариш.

Бундан ташқари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитлари, ялпи маҳсулотни айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини ҳам такрор ишлаб чиқариш юз бермоқда. Бу доирада иқтисодий ўсишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда миллий ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришга ва маҳсулот сифатини оширишга қуйидаги омиллар ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда:

– табиий ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;

– асосий капитал ҳажми;

– илмий-техника тараққиёти;

– жамиятнинг ялпи талаби.

Иқтисодий ўсишнинг динамик характерга эга бўлиши бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги, улардан самарали фойдаланиш ва илмий-техника ривожига эришишга, иккинчи томондан, мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига тўғридан-тўғри боғлиқ

бўлмоқда. Мамлакатимизда капитал танқислигининг мавжудлиги, иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи иқтисодий омилларнинг, хусусан, биринчи навбатда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ролини янада орттирмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатадиган объектив омиллардан бири табиий, минерал-хом ашё ресурсларининг етарлилиги ҳисобланади. Аммо иқтисодиёт тармоқ тузилиши ва бозор инфратузилмасининг етарли даражада такомиллашмаганлиги иқтисодий ўсишга акс таъсир кўрсатади. Бу ҳолат таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришни, устувор йўналишларни аниқлашни, ИТТни жадаллаштиришни ва илғор хориж технологияси ва бошқарув тажрибаларини қўллашни долзарб қилиб қўяяпти.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга ислоҳотлар иккинчи босқичининг дастлабки йилларидан эришила бошланди. Бу жамият ижтимоий-иқтисодий фаолияти натижаларини ифодаловчи пировард ижобий натижа бўлди.

Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши ўзак тармоқларни устувор ривожлантириш, инвестициялар ҳажмини орттириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришга асосланади

Кейинги йилларда **макроиқтисодий барқарорликни** таъминлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг олиб борилиши натижасида иқтисодий ўсиш таъминланмоқда, хусусан, иқтисодий ўсишни ифодаловчи қатор кўрсаткичлар ижобий ўзгармоқда.

Реал ЯИМнинг ўсиши асосан иқтисодиётнинг ўзак тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ортиши ва экспорт ҳажмининг орттирилиши ҳисобига таъминланди. Иқтисодий ўсишга сўнгги йилларда макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 2004 йилда инфляция даражаси 3,7 фоизни, бюджет камомади 0,4 фоизни ва миллий валютанинг девальвацияси қарийб 8 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш суръатларидаги ўзгаришлар реал ЯИМ нинг ўсиши, жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиши ва аҳоли сони ўсиши кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш орқали изоҳланади. Масалан, Ўзбекистондаги реал ЯИМ 2004 йилда 1995 йилга нисбатан 42,2 фоизга ўсган. Бу даврда жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдорининг йиллик ўсиш даражаси қарийб 6,3 марта ошган. Бошқача айтганда, агар 1996 йилда жон бошига ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръати 1995 йилга нисбатан ўзгармаган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 6,7 фоиз ўсган. 1995-2003 йилларда йиллик ўртача ўсиш суръатлари ЯИМ бўйича 3,4 фоиз, жон бошига ЯИМ бўйича 1,9 фоиз ва аҳоли сони ўсиши бўйича 1,9 фоизни ташкил этган.

3.1-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикаси

ўтган йилга нисбатан фоизда

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2000-2004 йй. ўртачаси
ЯИМ	103,8	104,2	104,0	104,4	107,7	4,8
Ўзак тармоқлар ялпи маҳсулоти (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа)	102,9	103,3	104,7	104,0	107,2	4,4
Саноат ишлаб чиқариши	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	7,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	103,2	104,5	106,1	107,3	110,1	6,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	100,9	104,0	103,8	104,5	105,2	3,7
Экспорт	106,3	97,1	94,3	124,6	130,3	15,2

Ўзбекистонда 2005 йилда ЯИМ 7,0 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 6,2 фоизга ўсди

Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларига кейинги йилларда кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари кўпроқ ҳисса қўшмоқда. Масалан, 2004 йилда ЯИМ ҳажми 7,7 фоизга қўшимча ўсган бўлса, бунда қишлоқ хўжалигининг улуши 2,9 ва хизматлар соҳасининг улуши 2,7 фоиз бўлган. Шунингдек, саноатнинг ҳиссаси 0,9 фоизни, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши 1,2 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги жадвал маълумотлари **иқтисодий ўсиш суръатлари** барча кўрсаткичлар бўйича сўнгги йилларда жадаллашаётганлигини ифодаламоқда. Кейинги 5 йилда йиллик ўртача қўшимча ўсиш суръати кўрсаткичи ЯИМ учун 4,8 фоизни, ўзак тармоқлар бўйича 4,4 фоизни (хусусан, саноат ишлаб чиқаришида 7,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоиз), асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича 3,7 фоизни ва экспортда 15,2 фоизни ташкил этган. Иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ҳажми, иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар ва микёс самарасини берувчи ташқи бозор ҳисобланади. Ўзбекистонда реал секторда (саноат ва қишлоқ хўжалиги) ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг кейинги 2-3 йилда иқтисодий ўсишни таъминлаши ва экспорт ҳажми ўсишининг барқарорлашаётганлиги, агар мобилизацион ривожланиш усулига таянилса, истиқболдаги 3-4 йилда ҳам мазкур тенденцияларнинг сақланиб қолишини ва ҳатто, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашишини кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш суръатларига ЯИМнинг тақсимланиши, таркибий тузилиши, унинг мулк шаклларига кўра таркиби ҳам ўзига хос таъсир кўрсатади. Умумий жамғариш даражасининг ортиши ва соф экспортнинг кўпайиши иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатса, давлат харажатларининг ортиши ва истеъмол ҳажмларининг кўпайиши қисқа муддатларда иқтисодий ўсиш суръатларини секинлатувчи характерга эга. 2000-2004 йилларда жамғаришнинг ЯИМдаги улуши 73,1 фоиздан 68,8 фоизга ортиб, уй хўжаликларининг пировард истеъмоли 55,6 фоиздан 51,7 фоизга пасайди, давлат бошқаруви харажатлари ҳам 0, 4 фоизга камайди.

Ўзбекистонда ЯИМнинг 1991 йилги даражасига 2001 йилда эришилди

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлашда жаҳон бозорида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Бу экспорт ҳажмининг 2003 йилда 124,6 фоиз, 2004 йилда эса 130,3 фоиз ортишига олиб келди.

Бозор ислоҳотлари амалга оширилаётган МДҲ мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари бозор муносабатларининг ривожланиш кўлами, давлат иқтисодий сиёсатининг барқарорлиги, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги мавқеи, бандлик ва инвестицион фаоллик даражаси каби омиллар таъсирида турлича бўлмоқда.

3.2-жадвал

МДҲ мамлакатларида ЯИМнинг ўзгариш динамикаси

1991 йилга нисбатан фоизда

Мамлакатлар	2000	2001	2002	2003	2004
Ўзбекистон	98,6	103,7	106,8	111,4	120
Озарбайжон	59,3	65,1	72,0	80,1	88,3
Арманистон	76,8	84,2	95,3	108,2	119,1
Белорус	89,7	94,0	98,7	105,4	117,0
Грузия	47,5	49,8	52,5	58,4	63,3
Қозоғистон	78,0	88,5	97,2	106,2	116,2
Қирғизистон	72,2	76,1	76,1	81,2	87,0
Молдова	42,0	45,0	48,0	51,0	54,7
Россия	70,8	74,4	77,9	83,6	89,5
Тожикистон	41,0	45,0	49,0	54,0	59,7
Украина	47,4	51,7	54,4	59,5	66,6

1991 йил кўрсаткичлари асос қилиб олинганда, иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари МДҲ доирасида Ўзбекистон, Арманистон, Белорус ва Қозоғистонда кузатилмоқда. Албатта, мазкур кўрсаткичлар миллий иқтисодиётларнинг миқёси, улардаги таркибий инқирозларнинг кўлами ва тавсифини ифодаламайди. Шундай бўлсада, иқтисодий ўсишнинг бу даражалари МДҲ мамлакатларида миллий хўжалик ривожланишининг энг

муҳим тавсифловчи кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистоннинг 1991 йил даражасига 2001 йилда эришилганлиги мамлакатимизда ўтиш даврида чуқур иқтисодий инқирознинг олди олинганлиги, **самарали иқтисодий сиёсат** юритилаётганлиги ва барқарор иқтисодий тараққиёт йўлига чиқилганлигини билдиради.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиёт тармоқларида турли суръатларда таъминланмоқда. Бу давлатнинг стратегик манфаатлари ва вазифалари, минерал-хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, соҳага киритилаётган капитал қўйилмаларнинг ҳажми, хорижий инвестицияларнинг соҳани ривожлантиришдан манфаатдорлиги даражаси, тармоқ моддий-техника базасининг ҳолати, хусусий капиталнинг тадбиркорлик имкониятлари, меҳнат ресурсларининг малакаси, ички ва халқаро бозордаги талаб даражаларига боғлиқ.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига миллий хўжаликнинг реал секторида, жумладан, саноат тармоқларида эришилмоқда.

3.3-жадвал

Саноат тармоқларида иқтисодий ўсиш динамикаси

Тармоқлар	2000	2001	2002	2003	2004
Саноат	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4
Электр энергияси	101,1	95,8	101,5	101,8	100,3
Ёқилғи	99,7	96,4	102,4	100,6	105,8
Қора металлургия	118,7	110,6	104,3	109,1	128,5
Рангли металлургия	102,5	101,8	105,9	99,0	105,0
Кимё ва нефт кимёси	112,7	104,1	113,8	105,2	104,5
Машинасозлик	89,5	124,9	108,8	130,8	134,5
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш	130,1	108,6	113,2	100,0	117,1
Қурилиш материаллари	104,3	105,9	102,2	104,3	108,2
Енгил	117	112,4	109,0	106,2	105,2
Озиқ-овқат	108,5	109,4	119,2	106,8	104,7
Бошқалар	109,5	128,5	107,5	105,0	121,7

Кейинги 4-5 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашаётган саноат тармоқлари машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қора металлургия, кимё ва нефт кимёси ҳамда қурилиш материаллари саноати ҳисобланади. Хусусан, ўтган йилга нисбатан қора металлургия 128,5 фоиз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 134,5 фоиз, ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш мос равишда 146 ва 110 фоиз ўсди. Реал сектордаги бундай ўзгаришлар хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаолликни янада

рағбатлантиради ва иқтисодий ўсишни таъминлашга шароит яратади.

Иқтисодий ўсиш жиҳатидан истиқболли тармоқларга, шунингдек, газ, кўмир ва нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, электроника, олтин ва мис ишлаб чиқариш, автомобил саноатига боғлиқ ойна, бўёқ, резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш киради.

Иқтисодиётнинг реал сектори асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи иқтисодий ўсишни таъминлашдаги улуши 2,9 фоизни ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳолининг қарийб 40 фоизи аграр соҳада бандлиги ва соҳа ЯИМнинг 27-30 фоизини ишлаб чиқаришини ҳам ҳисобга олсак, иқтисодий ўсишни таъминлашда ва ижтимоий барқарорликка эришишда соҳанинг роли ва аҳамияти юқорилиги яққол намоён бўлади.

3.4-жадвал

Аграр секторда иқтисодий ўсиш динамикаси

Тармоқлар	2000	2001	2002	2003	2004
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши	**30,4**	**30,0**	**30,6**	**28,6**	**26,8**
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	103,2	104,5	106,1	107,3	110,1
Ўсимликчилик	103,1	106,5	110,1	103,4	113,2
Чорвачилик	103	101,9	102	111,3	106,8

Аграр соҳада иқтисодий ўсиш суръатлари 2000-2004 йилларда йилига ўртача 6,2 фоиз, жумладан, ўсимликчиликда 7,2 фоиз ва чорвачиликда 5,0 фоиздан иборат бўлган. Демак, аграр соҳада иқтисодий ўсишга ўсимликчилик салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигида хусусий мулкчиликнинг кенг тараққий этиши, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг ривожланиши, иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши, ишлаб чиқариш таркибининг такомиллаштирилиши, капитал харажатларнинг амалга оширилиши, ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ортиши кабилар соҳада иқтисодий ўсишга олиб келган омиллар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар мамлакатимиз **озиқ-овқат мустақиллигини** мустаҳкамлашга янада қулайроқ шарт-шароитлар яратмоқда. Ўтган йилда олдинги йилга нисбатан пахта хом ашёси етиштириш 126,1, мева ва сабзавот етиштириш – 110,5, узум – 143,9, гўшт ишлаб чиқариш – 106,4, сут ишлаб чиқариш – 106,2, тухум ишлаб чиқариш – 113,9, жун тайёрлаш - 106,8 фоизга кўпайди.

Хўжалик юритишнинг фермерлик шакли устун даражада ривожланиб, улар аграр муносабатларда ва ишлаб чиқариш суръатларини оширишда етакчи мавқега чиқиб бораяпти. Фермер хўжаликлари сони 2003 йилда 87,5 мингни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич қарийб 104 мингга етди. Фермер хўжаликларига ажратилган ер майдони бу даврда 2148,1 минг гектардан 2935,3 минг гектарга ўсди. Мазкур шаклдаги хўжаликларнинг пахта хом ашёси етиштиришдаги улуши 37,9 дан 51,7 фоизга, дон маҳсулотлари етиштиришдаги улуши эса 36,0 дан 46,9 фоизга ошди.

Сўнгги йилларда иқтисодий ислоҳотлар натижаси ўлароқ иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда, **макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик** мустаҳкамланмоқда, ишлаб чиқариш ва истеъмол, жамғариш ва инвестициялар, даромад ва харажатлар ўртасидаги уйғун боғлиқлик ва мутаносибликлар тобора кучаймоқда. Натижада 2004 йилда мустақиллик даври мобайнида энг юқори ўсиш кўрсаткичига эришилди ва 1991 йилги ЯИМ ҳажмига нисбатан қарийб 20 фоиз кўп маҳсулот ва хизматлар яратилди. Бу аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, иқтисодий салоҳиятни янада ошириш учун моддий имкониятларнинг кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Маълумки, инфляция даражасининг мақсадга мувофиқ кўрсаткичларда бошқариб турилиши иқтисодий ва инвестицион муҳитни янада қулайлаштиради, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарт-шароитларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматнинг қатъий пул-кредит сиёсати натижаси ўлароқ, 2004 йилда йиллик инфляция даражаси 3,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 1996 йилда 64,3, 2000 йилда 28,1, 2001 йилда 26,6, 2002 йилда 21,6 ва 2003 йилда 3,8 фоиздан иборат бўлган эди. Инфляция суръатларининг бу суръатларда жиловланиб борилиши жамғаришни рағбатлантириб, корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишга олиб келаяпти. Демак, иқтисодий ўсиш учун қулай шароит юзага келмоқда.

Иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан яна бири аҳолида тадбиркорлик салоҳиятини ошириш, кичик ва хусусий бизнесга кенг йўл очишдан иборат. Кейинги йилларда бу борада ижобий силжишлар кўзга ташланади. Масалан, 2004 йилда кичик бизнес корхоналари сони 14 фоизга кўпайди. Натижада 425 минг янги иш ўринлари ташкил бўлди. Кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳияти ортиб, унинг ЯИМ даги улуши 35,6 фоизни ташкил этди.

Айтиш керакки, бозор ислоҳотларига ёнма-ён маъмурий ислоҳотлар ҳам амалга ошириб келинмоқда. Бозор тамойилларига тўсқинлик қилаётган, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос, иқтисодий ривожланиш суръатларини пасайтирадиган тузилмаларга барҳам берилмоқда,

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ белгилаб қўйилиб, улар ўртасидаги муносабатлар такомиллаштирилмоқда. Шундай ислоҳотлар натижасида **давлат истеъмолининг** ЯИМдаги улуши 1998 йилдаги 20,5 дан 2004 йилда 17,1 фоизга пасайди. Бу иқтисодий ўсишнинг қўшимча омили бўлмоқда.

Кейинги йилларда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида ва иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицион фаолиятнинг аҳамияти ортмоқда. Ташқи ва ички ресурслар ҳисобидан шакллантириладиган инвестициялар ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда рағбатлантирувчи ролни ўйнаб, иқтисодиётнинг двигатели вазифасини бажармоқда. Инвестицион фаолият юзасидан олиб борилган ташкилий-ҳуқуқий ишлар натижасида мамлакатимиз реал иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар динамик ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Чунончи, 2000 йилда унинг йиллик ўсиши 1,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда ўтган йилгига нисбатан 5,2 фоизга ўсди. Шунингдек, инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи ҳам ортиб бораяпти. Агар ушбу кўрсаткич 2001 йилда 7,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 20,0 фоизга етди. Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткич бўйича республикамиз МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллади.

Иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар таркибида корхоналар маблағларининг салмоқли ўринни эгаллаши иқтисодий ўсишни таъминлашда микродаражадаги омилларнинг, хусусан, корхоналар фаолиятининг роли ортаётганлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткич 2004 йил якунига кўра умумий инвестиция таркибида 43,2 фоизни ташкил этиб, 2003 йилги даражадан 2,1 фоизга ўсди.

Иқтисодий ўсишга эришишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. 2004 йилда унинг жами ҳажми 1,5 баробарга ва умумий инвестициялардаги улуши эса 3,0 фоизга кўпайди. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимизда инвестицион муҳитнинг қулайлашаётганлиги ва иқтисодий ўсиш имкониятлари кенгаяётганлигини ифодалайди.

3.5. Иқтисодий ўсишни моделлаштириш

Иқтисодий ўсишни моделлаштириш башоратлаш усуллари ва моделларини асослаш ҳамда шу асосда истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблашни амалга оширишнинг мураккаб жараёни ҳисобланади.

Кўрсаткичларнинг башорат қийматлари базис йилининг таққослама нархларида ўсиш суръатлари кўринишида, бошқа нисбий кўрсаткичларда (коэффицентлар салмоқ, фоизларда) аниқланади.

Иқтисодий ўсишни тавсифловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга қуйидагилар киради: ЯИМ, уй хўжаликларининг истеъмоли даражаси, давлат муассасаларининг истеъмоли даражаси, инвестициялар ҳажми, маҳсулот ва хизматлар экспорт-импорт ҳажми, шунингдек, ушбу кўрсаткичлар билан аниқланадиган иқтисодиётнинг асосий тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш назариясига асосан айтиш мумкинки, иқтисодий ўсиш, энг аввало, унга таъсир этувчи омиллар – сифат, миқдор ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига, шунингдек қўлланилаётган технологияга боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни башоратлашда ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси ҳамда фойдаланилаётган ресурслар ҳажми ва динамикаси ўртасидаги миқдорий алоқаларни аниқлаш учун кўп ҳолларда **омилли моделдан** фойдаланилади. Ушбу моделларда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки иқтисодий ўсишнинг бошқа кўрсаткичлари бир ёки бир нечта ишлаб чиқариш омилига боғлиқ қилиб қўйилади. Агар башоратда битта омил, масалан, иқтисодий ривожланишга капитал қўйилмаларнинг таъсири ҳисобга олинса, **бир омилли**, агар бир нечта омил (масалан, капитал қўйилмалар ва меҳнат ресурслари) ҳисобга олинса, **кўп омилли модель** қўлланилади.

Кўплаб иқтисодий ўсиш моделларида t вақтда иқтисодиётнинг ҳолати қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

$Y(t)$ – ялпи ички маҳсулот (миллий даромад);
$C(t)$ – истеъмол;
$I(t)$ – инвестициялар;
$L(t)$ – меҳнат ресурслари миқдори;
$K(t)$ – капитал (асосий фондлар).

Юқоридаги кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги муносабатлар билан аниқланади:

$$Y(t) = C(t) + I(t);$$
$$Y(t) = F\ [K(t),\ L(t)],$$

Бу ерда $F[K(t),\ L(t)]$ – биринчи даражали бир жинсли ишлаб чиқариш функцияси, яъни

$$Y(t) = L(t)*f(k),$$
$$k = K(t)/L(t),$$
$$f(k) = F\ [K(t)/L(t), 1].$$

$K(t)/L(t) = y$ деб фараз қилсак, у ҳолда $y = f(k)$ га эга бўламиз, бу ерда y- меҳнат унумдорлиги, k эса t вақтдаги меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги;

$$I(t)=sY(t),$$

Бу ерда s – жамғариш меъёри;

$$C(t)=(1-s)Y(t);$$

$I(t)=dK(t)/d(t)+ m K(t)$ - инвестициялар капитал ҳажмининг ўсишига ва эскирган асосий фондларнинг ўрнини қоплашга сарфланади, бу ерда m – эскирган капитални муомаладан чиқариш коэффициенти;

$dL(t)/d(t)=nL(t)$ – меҳнат ресурслари n доимий суръатларда ўсади;

$k'= sf(k) - (m+n)k$ – биринчи тартибли дифференциал тенглама билан ифодаланувчи фонд билан қуролланганлик динамикаси.

Иқтисодий ўсишнинг омилли моделлари кўпинча башорат ҳисоб-китобларининг бошланғич босқичида қўлланилади. Кейинги босқичда эса унинг параметрлари баланс ҳисоб-китоблари бўйича аниқлаштирилади.

ЯИМнинг башорат кўрсаткичларини аниқлашда Миллий ҳисоблар тизими асосидаги (ишлаб чиқариш, тақсимлаш, пировард фойдаланиш, баланс) ҳисоб-китоб усулидан, шунингдек, **иқтисодий-математик моделлаштириш** усулидан фойдаланилади.

Ўзбекистонда 2004 йилда уй хўжаликлари истеъмоли ЯИМнинг 51,7 фоизини ташкил этди

Ишлаб чиқариш усули бўйича ЯИМ қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади. Бунда башоратланаётган ялпи ишлаб чиқаришдан оралиқ истеъмол қиймати айириб ташаланади.

ЯИМ тақсимлаш усули бўйича барча корхоналар, муассасалар ва моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли даромадлари йиғиндиси сифатида аниқланади. Бунга **бирламчи даромадлар** (иш ҳақи, фойда ва бошқалар), **қайта тақсимланган даромадлар** (қўйилмалар бўйича фоизлар, облигациялардан олинадиган даромадлар, дивидендлар, ижтимоий суғурта бўйича тушумлар ва бошқалар), ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий фондларни янгилашга ажратилган **амортизация ажратмалари** киради.

ЯИМдан пировард фойдаланиш усули асосига Кейнс тенгламаси ётади:

$Y = C + G + I + Xn,$

Бу ерда, C – уй хўжаликлари истеъмоли, G – давлат муассасалари истеъмоли, I – инвестициялар, Xn – соф экспорт.

Уй хўжаликлари истеъмоли барча савдо корхоналари, бозорлар, маиший хизмат корхоналари ва уй-жой коммунал хўжаликлари, йўловчи транспорти, алоқа, меҳмонхоналар, пуллик маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш, таълим тизимида истеъмол товарлари ва хизматлар сотиб олишга сарфланган харажатларни, шунингдек, натура кўринишида истеъмол қилинган товар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади. Ўзбекистонда уларнинг ЯИМдаги улуши 2004 йилда 51,7 фоизни ташкил этди.

Давлат муассасалари истеъмоли шахсий товарлар ва хизматларга (шахсий истеъмол учун мўлжалланган истеъмол товарлари ва хизматларига) ва жамоа хизматларига

(мудофаа, бошқарув, йўл хўжалиги, илмий фаолият, коммунал хўжалик ва бошқаларга) сарфланган харажатларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 2004 йилда 17,1 фоизни ташкил этиб, истиқболда бошқарувни такомиллаштириш ҳисобига давлат муассасалари истеъмолининг бирмунча пасайиши юз беради.

Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари харажатларининг улуши ҳам мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиб боришига қараб ўсиб боради.

Асосий қисмини инвестициялар ташкил этадиган **ялпи жамғариш** иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий қайта қуриш, жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг чекланганлиги шароитида истиқболда юқори суръатларда ўсиб бориши лозим. Бунда ялпи жамғариш биринчи навбатда устувор тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаши лозим. Бунинг учун эса оддий такрор ишлаб чиқариш, яъни асосий фондлар қийматининг ўртача йиллик ўсиш суръати 3 фоиз бўлган шароитда ҳар йили асосий фондларнинг 7-8 фоизи миқдорида капитал қўйилмалар киритиш талаб этилади. Зарурий капитал маблағларнинг етишмаган қисми хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига таъминланиши лозим. Шунинг учун мамлакатда қулай инвестиция иқлими ва қонун, бюджет-солиқ, пул-кредит, нарх, божхона воситасида тартибга солишнинг тегишли механизмларини барпо этиш лозим.

Ўзбекистонда давлат муассасалари истеъмолининг ЯИМдаги салмоги 2004 йилда 17,1 фоизга тенг бўлди

Маҳсулот ва хизматлар экспорт-импортини башоратлаш учун жаҳон амалиётида кенг қўлланилувчи **тренд моделлари, экспорт ва импорт функциялари** (кўп омилли моделлар), **тармоқлараро баланс, оптималлаштириш** моделларидан фойдаланилади.

Тренд моделлари асосида экспорт-импорт ҳажмини башоратлаш илгаридан амал қилиб келаётган тенденцияларни келажакда ҳам давом этишини кўзда тутади. Кўп омилли моделлар ташқи савдонинг бир нечта омилларга, шу жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, инвестициялар ҳажми, ташқи бозорда талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, экспорт-импорт самарадорлигига боғлиқлигининг миқдорий тавсифларига асосланади. Оптималлаштириш моделлари иқтисодиёт ривожланишининг аниқ мақсадларидан, жаҳон хўжалигига интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини ҳисобга олишнинг объектив заруриятидан келиб чиқади. Ушбу моделларда фан-техника тараққиёти таъсирида ташқи савдо таркибида юз бериши мумкин бўлган силжишлар, жаҳон хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳисобга олинади ва салбий иқтисодий ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши ва макроиқтисодий кўрсаткичлар шаклланишини белгилаб берувчи омилларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги тармоқлараро баланснинг йириклаштирилган қийматли моделидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ қилиб қўяди.

Ҳар бир қўлланилаётган тенглама ёки айният битта изланаётган кўрсаткични аниқлашга имкон берувчи эконометрик ёндашувлардан фарқли ўларок, тармоқлараро баланс модели бир вақтнинг ўзида бир-бири билан боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар ва миллий иқтисодиёт пропорциялари тизимини, хусусан, ялпи товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва унинг тармоқ таркиби, ЯИМ, унинг тармоқ, қиймат таркиби ҳамда ЯИМдан пировард фойдаланиш йўналишлари бўйича пропорцияларн, ташқи савдо ҳажми, унинг таркиби ва бошкаларни ҳисоблаш имконини беради. Тармоқлараро баланс асосида олинган ахборотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигига баҳо бериш ва унинг фаолиятини ифодаловчи бошқа нисбий миқдорларни аниқлашга имконият яратади.

Миллий ҳисоблар концепциясида тармоқлараро баланснинг иқтисодий-математик модели тенгламалар тизимидан иборат бўлиб, матрица шаклида қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$AX + Y = X$$

бу ерда, A – оралиқ истеъмол коэффициентлари матрицаси, X – маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми, Y – маҳсулот ва хизматлардан пировард фойдаланиш ҳажми.

Моделда пировард фойдаланиш учун маҳсулот ва хизматлар ҳажмини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар ялпи ишлаб чиқаришнинг экзоген қийматлари ва оралиқ истеъмол коэффициентлари асосида амалга оширилади. Бунда изланаётган кўрсаткич ҳисоб-китоблар асосида ялпи ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот ва хизматларни оралиқ истеъмол қилиш ўртасидаги тафовут сифатида аниқланди. Ушбу ёндашувда пировард фойдаланиш йўналишлари бўйича ЯИМни аниқлаш учун миллий иқтисодиёт тармоқлари қўшилган қийматларининг тақсимланиш коэффициентлари экзоген тарзда берилиши лозим.

Маҳсулот ва хизматларни ялпи ишлаб чиқариш ва унинг тармоқ таркиби, шунингдек, ЯИМ ва тармоқлар бўйича қўшилган қиймат ҳажмини аниқлаш учун тармоқлараро баланс ҳисоб-китоблари маҳсулот, хизматлар оралиқ истеъмолининг экзоген коэффициентлари ва ҳисоб-китоб учун асос сифатида олинган тармоқлар рўйхати бўйича улардан пировард фойдаланиш кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Бундай ҳолатда ҳисоб-китоблар қуйидагича аниқланади:

$$Y = X - AX$$

Кўрсаткичларни ҳисоблашнинг муқобил усулларини қўллашда кўрсаткичнинг асосланган қийматини танлаб олиш мезони унинг башорат мақсади ва иқтисодий ўсишнинг реал ресурс имкониятларига мувофиқ келиши ҳисобланади.

Макроиқтисодий параметрларни асослашда асосий эътибор макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги иқтисодий боғлиқликларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо беришга қаратилиши лозим.

IV БОБ. МИЛЛИЙ ХЎЖАЛИК МАЖМУАЛАРИ: РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

4.1. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ва хўжалик мажмуаларининг шаклланиши

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби тармоқлар ва хўжалик фаолияти турлари мажмуидан иборат бўлиб, уларнинг миқдорий нисбати ва ўзаро алоқалари тизими билан тавсифланади.

Миллий иқтисодиёт тармоқлари хўжалик бирликларининг бир хил сифатга эга гуруҳларидан ташкил топади. Мазкур хўжалик бирликлари **ижтимоий меҳнат тақсимоти** тизимида алоҳида ишлаб чиқариш шароитларига эга бўлиб, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Ҳар бир тармоқ корхона ва ташкилотлар мажмуи сифатида муайян ишлаб чиқариш ва техник бирликка эга.

Миллий иқтисодиётнинг қуйидаги асосий тармоқларини ажратиб кўрсатиш мумкин: саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, уй-жой ва коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш, молия, кредит, суғурталаш, бошқарув ва бошқалар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида молиявий воситачилик, кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар, бозор муносабатларининг амал қилишини таъминлаш бўйича тижорат фаолияти, ахборот-ҳисоблаш хизмати каби янги тармоқ бўлинмалари вужудга келади.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби, энг аввало, ЯИМ асосида, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлар сони, **асосий фондлар** (асосий капитал)нинг мужассамлашуви асосида таҳлил қилинади.

Қуйидаги жадвал Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ таркиби ҳолати ва унда сўнгги йилларда юз берган ўзгаришларни ифодалайди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2004 йилларда республикамиз иқтисодиётининг тармоқ таркибида бир қатор ўзгаришлар юз берган. Хусусан, таҳлил қилинаётган давр мобайнида ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 2000 йилда 37,0 фоиздан 2004 йилда 37,4 фоизгача ўсган бўлса, ишлаб чиқариш соҳасининг улуши 50,5 фоиздан 48,6 фоизгача пасайган. Шу билан бирга ЯИМнинг ишлаб чиқариш соҳаси таркибида юз бераётган ўзгаришлар ҳам эътиборга молик. Чунончи, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14,2 фоиздан 2004 йилда 17,1 фоизгача ўсган бўлса, қишлоқ хўжалигининг салмоғи 30,1 фоиздан 26,8 фоизгача, қурилишнинг салмоғи 6,0 фоиздан 4,5 фоизгача пасайган. Бу кўрсаткичлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида барқарорлик сақланаётгани ва ижобий тенденция шаклланаётганлигидан далолат беради.

4.1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2004 й.да 2000 й.га нисбатан ўзгариш "+", "-"
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100	100	100	-
Шу жумладан:						
Маҳсулот ишлаб чиқариш	50,5	50,1	49,7	49,1	48,6	- 1,9
Шу жумладан:						
Саноат	14,2	14,1	14,5	15,8	17,1	+ 2,9
Қишлоқ хўжалиги	30,1	30,0	30,1	28,6	26,8	- 3,3
Қурилиш	6,0	5,8	4,9	4,5	4,5	- 1,5
Хизмат кўрсатиш	37,0	38,0	38,2	37,2	37,4	+ 0,4
Шу жумладан:						
Савдо ва умумий овқатланиш	9,7	10,4	9,9	9,4	9,0	- 0,7
Бошқа бозор ва нобозор хизматлари	19,6	17,7	20,1	18,4	18,6	- 1
Маҳсулот ва экспорт-импорт операцияларига солиқлар	12,5	11,9	12,1	13,7	14,0	+ 1,5

Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 2004 йилда 37,4 фоизга етди

Юқоридаги жадвал маълумотлари Ўзбекистонда **таркибий ўзгаришлар** суст бораётганлигидан далолат беради. Шу сабабли республикамиз иқтисодиётининг тармоқ таркибини тубдан қайта қуриш лозим. ЯИМ таркибида дастлаб саноат ишлаб чиқариши, кейинчалик эса хизмат кўрсатиш улушининг ўсишига эришиш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Унда таълим, маданият, фан, ахборот, билим ва ижодий меҳнат асосий ўринни эгаллаши зарур. Яқин келажакда ЯИМда саноатнинг салмоғини 25-28 фоиз атрофида барқарорлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини 55-60 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалигининг улушини 10-15 фоизга пасайтириш талаб этилади.

Бироқ, жаҳон тажрибаси ривожланган мамлакатлар ЯИМида хизматлар соҳасининг салмоғи ишлаб чиқариш соҳасиникига нисбатан юқори эканлигини кўрсатади.

Алоҳида мамлакатлар иқтисодиётининг тармоқ таркибини, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини солиштириш учун МДҲга кўра миллий иқтисодиётларнинг учта сектори ўртасидаги нисбатни қиёслаш мақсадга мувофиқ. Биринчи сектор ўз ичига ер ости бойликларини қазиб олиш, ўсимликчилик, чорвачилик, ўрмон хўжалиги, овчилик ва балиқчиликни олади. Иккинчи сектор саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари, қурилиш ва товар ишлаб чиқаришнинг бошқа турларини қамраб олади. Учинчи секторга иқтисодий фаолиятнинг бошқа тармоқлари, яъни хизмат кўрсатиш соҳалари киради.

Жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётида бир хил тенденция кузатилади: аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўсиши билан биринчи сектор (асосан қишлоқ хўжалиги) ЯИМдаги ўзининг етакчи ўрнини аввал саноат ишлаб чиқаришига, сўнгра эса хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб беради.

Бу икки **таркибий силжиш** ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг зарурий босқичи ҳисобланади. Биринчи ҳолат, яъни ЯИМда қишлоқ хўжалигига нисбатан саноат ишлаб чиқариши улушининг юқори бўлиши мамлакатнинг саноатлашганлигидан далолат берса, хизматлар соҳасининг асосий улушга эга бўлиши мамлакат ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги – **постиндустриал** босқичига ўтганлигини кўрсатади.

4.1-диаграмма

Жаҳоннинг турли мамлакатлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ таркиби

(% ҳисобида, 2000 йил маълумотлари)



Ўзбекистон иқтисодиёти **тармоқлараро** ва **тармоқ** бўғинлари, **минтақалар, мажмуалар, корхоналар ва ташкилотларни** ўз ичига олган мураккаб **функционал** ва **ҳудудий-ишлаб чиқариш** тузилмасига эга. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида ва фан-техника тараққиёти таъсирида **концернлар, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компаниялари, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар** *сингари янги тузилмалар вужудга* келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ таркибини такомиллаштириш зарурияти шу билан изоҳланадики, собиқ Иттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон хом ашё ва ярим тайёр маҳсулот етказиб берувчи республика сифатида ўрин олган эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини жаҳон

бозорида шаклланган нархлардан паст нархларда "марказ"га етказиб берар ва Россия, Украина, Белорус, Болтиқбўйи республикаларида ишлаб чиқарилган нисбатан қиммат, жаҳон бозорида рақобатбардошлиги паст бўлган техника ва технологик ускуналар учун йирик бозор вазифасини бажарар эди.

Саноатнинг кўплаб тармоқларида тугалланмаган технологик циклга эга ишлаб чиқариш юқори ўрин тутиб, улар хом ашёни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш босқичида узилиб қолар эди. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда **саноатни мажмуавий тарзда ривожлантириш** тамойилларига амал қилинмади. Бунинг натижасида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг бошланғич даврида иқтисодиётнинг асосий тармоқлари – кимё, металлургия, машинасозлик, агросаноат мажмуи, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноатида тармоқлараро ва тармоқ кооперацияси ҳамда меҳнат тақсимотининг ички тизими мавжуд эмас эди. Ялпи саноат маҳсулотида тайёр маҳсулотлар улуши жуда кичик бўлиб, юқори технологияга асосланган, илмталаб ва жаҳон бозорида реал рақобат қила оладиган ишлаб чиқариш турлари деярли йўқ эди.

Бундай номутаносибликлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган аксарият саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг узлуксиз тарзда зарар кўриб ишлашида, республикаларо товар алмашинувида салбий қолдиқ шаклланишида ўз аксини топди. Собиқ Иттифоқнинг тарқалиши натижасида корхоналар ўртасидаги хўжалиқ алоқаларининг бузилиши эса улардаги иқтисодий ва молиявий аҳволни янада қийинлаштириб юборди. Шу муносабат билан Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш ва ривожлантириш, ЯИМда саноат ишлаб чиқаришининг улушини ошириш объектив зарурият ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш жараёни унинг мажмуавийлик даражасининг ошишига, мамлакат ичкарисида барча алоқа турларининг кенгайиши ва чуқурлашувига олиб келади. Корхона (хўжалик юритиш субъекти) миллий иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланар экан, тармоқ ва ҳудудий қаторларга бирлашади. Айни вақтда иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ҳам, ҳудудий таркиби ҳам мураккаб характерга эга. Шу сабабли ҳар қандай корхона ўзаро боғланишлар ва таъсирларнинг мураккаб тизимида фаолият кўрсатади.

XXI асрнинг бошида Ўзбекистон иқтисодиётида янги **интеграцион тузилмалар – хўжалик мажмуалари** (улар тармоқ, кўп тармоқли, тармоқлараро мажмуалар ҳам деб юритилади) шаклланмоқда ва фаолият кўрсатмоқда.

Хўжалик мажмуалари мураккаб тармоқлараро-иқтисодий тизим сифатида аниқланиб, ишлаб чиқарилаётган товарлар, энергия ва ахборот оқими бўйича уларни ташкил этувчилар (корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар) ўртасида ривожланган интеграцион алоқалар мавжуд бўлади.

Мажмуанинг иқтисодий моҳияти шундаки, унинг самарадорлиги мажмуани ташкил этувчи компонентлар самарадорлигининг йиғиндисидан юқори бўлади. Бошқача қилиб айтганда, турли корхона ва ташкилотларнинг хўжалик мажмуаларига бирлашиши **синергетик самара** беради. Бу эса ишлаб чиқариш қувватларининг ўзаро боғлиқлиги, барқарор алоқаларнинг ўрнатилганлиги ва бошқарув сифат даражасининг юқорилиги натижаси ҳисобланади.

Товарлар ишлаб чиқариш соҳаси таркибида энг йирик мажмуа саноат мажмуаси ҳисобланади. Ёқилғи-энергетика ва машинасозлик мажмуалари йирик мажмуалар сифатида алоҳида кўриб чиқилади. Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларини ўзида бирлаштирувчи агросаноат ва қурилиш-инвестиция мажмуалари мураккаб тузилишга эга. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси мажмуаси ўз ичига транспорт ва алоқа, савдо, шунингдек, асосан ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқларни олади.

Миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражасига қараб тармоқлар орасидаги интеграцион алоқалар кучайиб боради ва янги хўжалик мажмуалари – ижтимоий-маданий тармоқлар, ижтимоий-истеъмол мажмуалари шаклланади.

4.2. Саноат мажмуаси

Ўзбекистон иқтисодиётида **миллий саноат**нинг роли ва аҳамияти салмоқли бўлиб, давлат мустақиллигига эришилганидан кейин бу соҳада туб хўжалик-иқтисодий, ташкилий-институционал ва таркибий ислоҳатлар амалга оширилди. Саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат-акциядорлик, корпоратив, жамоа ва хусусий мулк шаклларига айлантириш, саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш, чет эл капитали билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш шулар жумласидан.

Бугунги кунда миллий саноатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги ва умуман иқтисодий ўсишдаги таъсири ортиб бормоқда. ЯИМнинг 17,1 фоизи, экспортнинг қарийб 55 фоизи саноат тармоқларида яратилмоқда, соҳада жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 11 фоизи меҳнат қилмоқда.

Мамлакат саноатида тармоқлар турли даражадаги мавқени эгаллайди. Саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи тармоқлар анъанавий равишда етакчи ўринда туради. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиш, консерва, ёғ-мой ва бошқа саноат тармоқларидир. Киме ва нефть кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, қора ва рангли металлургия, енгил ва қурилиш материаллари саноати кейинги йилларда жадал суръатларда ривожланаяпти. Миллий саноат тараққиётида **ёқилғи-энергетика мажмуаси**нинг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, кўмир, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноати ва энергетика соҳалари киради. Ўзбекистон жаҳондаги газ ишлаб чиқарувчи 10 та йирик мамлакатлар қаторига киради.

Миллий саноатнинг иқтисодиётдаги улуши 17,1 фоиз, экспортдаги салмоги 55 фоиз, бандликдан улуши 11 фоиздан иборат

Ўзбекистонда саноат тармоқларида мулк шаклларини ўзгартириш, хусусий мулкнинг мавқеини ошириш ва таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган ислоҳотлар мамлакат иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашни, мамлакатимизнинг келажакда саноати ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиши ва жаҳон хўжалигидаги мавқеининг оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эришиши саноат тараққиёти, миллий ишлаб чиқаришни саноатлаштириш муаммоларига бутунлай янгича ёндашиш имконини берди. Мамлакатнинг мавжуд табиий – хом ашё ва меҳнат ресурсларига таянган ҳолда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган асосий эҳтиёжларини қондиришга имкон берувчи саноат корхоналарини барпо этиш учун шарт-шароит юзага келди.

Миллий саноат ривожланишининг янги даврини макроиқтисодий вазият, бозор муносабатларини шакллантириш, таркибий ўзгаришларнинг тавсифи ва саноатлаштириш стратегиясидан келиб чиқиб бир неча босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич (1991-1995 йиллар) мавжуд саноат салоҳиятини сақлаб қолиш, стратегик муҳим аҳамиятга эга хом ашёни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ўзак тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари билан тавсифланади. Бу даврда **саноатнинг ўзак тармоқларини** жадал ривожлантириш, ички бозорни протекционизм воситалари орқали ҳимоя қилиш, энергия ташувчилари нархини бошқариш орқали асосий саноат ишлаб чиқариш корхоналари рентабеллигини таъминлаш, кичик саноат корхоналарини хусусийлаштириш кабилар амалга оширилди.

Иккинчи босқич (1995-2000 йиллар) иқтисодий мустақиллик асосларини ташкил этувчи саноат тармоқларини устун ривожлантириш, **импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш** стратегиясини кенг миқёсда

амалга ошириш, қайта ишлаш тармоқларига инвестициялар оқимини кўпайтириш, хусусан, машинасозлик, енгил саноат, киме ва озиқ-овқат тармоқларида капитал қўйилмаларни кўпайтириш билан тавсифланади. Бюджет маблағлари бу даврда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Учинчи босқичда (2000 йилдан бошланган) импортнинг ўрнини босувчи саноат тармоқларини ривожлантириш негизида **экспортга йўналтирилган саноат** соҳаларини барпо қилиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилган. Бу босқич йирик саноат корхоналарини хусусийлаштириш, давлат корхоналарининг монопол мавқеини чегаралаш, хусусий секторнинг саноатдаги ролининг ошиши, самарасиз фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини тугатиш жараёнларининг тезлашиши, корхоналарни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш, маҳаллийлаштириш жараёнларининг жадаллашиши билан тавсифланади.

Айтиш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва ижтимоий йўналган бозор иқтисодиётининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат бўлди. Чунки, бу даврда биргина миллий валютанинг жорий қилинмаганлиги иқтисодий-ижтимоий инқироз ва сиёсий беқарорликнинг келиб чиқиши учун етарли омил бўлиши мумкин эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, юқори инфляция даражаси, ишсизлик ва хўжалик алоқаларининг издан чиқиши шароитида иқтисодиётнинг реал секторида, хусусан, саноатда ишлаб чиқариш суръатларини сақлаб қолиш мураккаб муаммо бўлди. Давлат саноат салоҳиятини (аввало моддий-техник) сақлаб қолишга қаратилган сиёсат олиб бориб, ўзак тармоқлар - ёқилғи-энергетика мажмуи ва қишлоқ хўжалигига ўз тасарруфидаги ресурсларни йўналтирди. **Саноат сиёсати**нинг асосий йўналишлари белгилаб олиниб, уни амалга оширишга киришилди. Бу йўналишлар ёқилғи-энергетика мажмуини жадал ривожлантириш ҳамда нефть ва газ қазиб олишни кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш; ишлаб чиқариш ва аҳоли учун энг зарур инвестицион ва истеъмол товарларини четдан олиб келишни қисқартиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маҳаллий саноат имкониятлари негизида қайта ишлашни ривожлантириш; ош тузи, спирт, гугурт каби кундалик эҳтиёж товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат бўлди.

Иккинчи босқичда саноат сиёсатининг устувор йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– илгари хориждан келтирилган асосий хом ашё, бутловчи қисм, ярим тайёр маҳсулотлар ва озиқ-овқатларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

– миллий саноатчиларни бозорга ўтиш даврида таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий тизимини яратиш;

– хом-ашё экспортига барҳам бериш ва таннархда қўшилган қиймат улуши юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни ривожлантириш;

– юқори технологик тармоқларнинг моддий-техника базасига асос солиш ва ривожлантириш;

– замонавий ишлаб чиқариш, бозор ва молиявий инфратузилмани яратиш, бунда асосий эътиборни алоқа, ахборот алмашиш ва транспорт тизимини ривожлантиришга қаратиш.

Саноатлаштиришнинг бу босқичида жами 600 дан ортиқ янги, стратегик муҳим аҳамиятга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Амалда бу импортнинг ўрнини босувчи саноат корхоналари янги авлодининг яратилаётганлигини кўрсатди.

Иккинчи босқичга хос бўлган энг муҳим натижалар қаторига мамлакатнинг ёқилғи ва дон мустақиллигига эришганлиги, автомобилсозлик тармоғининг барпо этилганлиги киради. Шунингдек, давлат саноат сиёсатининг фаоллашуви, хорижий инвестицияларнинг саноатга кенгроқ жалб қилиниши, пул-кредит ва валюта сиёсатининг импортнинг ўрнини босувчи тармоқларини ривожлантиришга йўналиши кузатилди.

2000 йилдан бошлаб экспортга йўналтирилган саноат тармоқларини ривожлантиришга устуворлик берилди. Бу даврда маҳаллий саноатчиларнинг экспорт имкониятларини ошириш, саноатга хорижий капитал кириб келишини рағбатлантириш, экспорт фаолиятини солиқ, божхона, валюта ва ташқи иқтисодий сиёсат орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган саноатлаштириш моделининг муваффакияти умумий ҳолда қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга оширишга боғлиқ:

– аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш, ерга мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш; фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш;

– хусусий секторнинг иқтисодиётдаги (хусусан, саноатдаги) ролини кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш ёрдамида ошириш;

– экспорт ва импортда энг арзон транспорт йўлларини ўзлаштириш, трансакцион харажатларни камайтириш;

– халқаро бозорнинг асосий ҳудудий сегментлари - АҚШ, Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё бозорларига кириб бориш билан бирга, Ўзбекистон учун анъанавий ҳисобланган яқин хориж мамлакатлари билан интеграцион алоқаларни чуқурлаштириш;

– иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида банк-молия тизими ва капитал бозорининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

Мустақилликка эришган дастлабки даврдаги мамлакатимизнинг миллий хўжалиги, жумладан, саноат таркиби юқори технологияга асосланмаганлиги, илмий-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишга етарли даражада йўналмаганлиги ва экстенсив омилларга асосланганлиги билан тавсифланса, ҳозирда интенсив омилларга таянган, қўшилган қиймат улуши юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат корхоналари кўпайди.

Мустақиллик йилларида саноатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий натижалари қуйидаги тенденциялар билан тавсифланади:

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат озиқ-овқат истеъмолининг 60 фоизи маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 90 фоизга етди

а) Саноат тармоғида кўп укладли, хусусий мулкнинг устун мавқеи таъминланган ташкилий ва таркибий тузилма шаклланди. Агар 1991 йилда саноат ишлаб чиқаришида нодавлат секторининг улуши 10 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 72 фоиздан ошиб кетди. Жумладан, кичик тадбиркорликнинг ҳиссаси 2,0 фоиздан 18 фоизга етди.

б) Ислоҳотларнинг иккинчи босқичидан бошлаб саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши таъминланди. Масалан, 1995-2003 йилларда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 136 фоизга ўсди. Бу даврда Россияда ушбу кўрсаткич 72 фоизни, Козоғистонда 80 фоизни, Украинада эса 90 фоизни ташкил этди.

в) Саноат ривожланишида ёқилғи-энергетика мажмуасидаги таркибий ўзгаришларнинг салмоғи катта бўлди. 1991-2004 йилларда бу мажмуанинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 6,5 фоиздан 21,4 фоизга ортди.

г) Импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш стратегиясининг амалга оширилиши натижасида мамлакат аҳолиси озиқ-овқат истеъмолининг 90 фоизи маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланди, бу кўрсаткич 1991-92 йилларда 60 фоиздан ошмас эди.

д) Саноат товарларининг экспортдаги улуши 38 фоиздан 51 фоизга етди, хусусан, пахта толаси экспорти ҳажмининг улуши 48,5 фоиздан 20 фоизгача камайтирилди. Бу миллий саноатнинг тайёр маҳсулотлар экспортига ихтисослашаётганлигини билдирувчи тенденция ҳисобланади.

Жадвал маълумотлари 1994-2004 йиллар давомида саноатдаги сифат ўзгаришларининг қайси йўналишларида содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Шу даврда саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати йилига 1,6 дан 9,4 фоизгача ортди. Бу йилларда саноатнинг ЯИМдаги улуши, бу кўрсаткич оралиқ йилларда камайган бўлсада,

деярли ўзгармади. Саноатнинг жами бандликдаги улуши 1,9 фоизга камайган бўлиб, бу саноатнинг кўпроқ меҳнатталаб тармоқлари ривожланганлигини билдиради.

4.2-жадвал

Ўзбекистон саноатининг миллий иқтисодиётдаги ўрни

Кўрсаткичлар	1994	1996	1998	2000	2002	2004
Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг қўшимча ўсиши, %	1,6	0,1	3,6	4,3	8,5	9,4
Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши, %	17,0	17,8	14,9	14,2	14,3	17,1
Бандликда саноатнинг улуши, %	13,1	12,9	12,7	12,1	10,4	11,2
Жами капитал қўйилмаларда саноат улуши, %	41	38	29	24	35,0	32,6
Ички инвестицияларда саноат улуши, ЯИМга нисб. %	18,3	23,0	14,8	15,3	17,7	23,6

Саноатдаги инвестицион фаолликнинг ўтган даврда барқарор бўлмаганлиги, саноатнинг сармоя жамғариш ва умумий ички инвестициялардаги улушининг 1995 йилгача ошиб бориши ва кейинги даврда, 2001 йилгача кескин пасайган бўлиб, фақат 2002 йилдан бироз яхшиланганлиги кўринади. Миллий саноат тараққиётидаги бундай ўзгариш пахта ва нодир металлар нархининг тушиши ва унга мос равишда ташқи савдо балансининг, хусусан, экспорт тушумларининг камайиши билан изоҳланади.

Маълумки, саноатдаги иқтисодий ўсиш меҳнат, капитал ва фан-техника тараққиёти каби омилларга бевосита боғлиқ. Иқтисодий ўсишнинг меҳнат ва капитал омилларига **корреляцион боғлиқлик даражаси** юқори ҳисобланади. Мамлакатимизда ўтган даврда саноат ишлаб чиқариши ҳажми, соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва тармоқда банд бўлганлар сони ўзгариши натижасида таркибий силжишлар рўй берди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари **ишлаб чиқариш омилларининг** саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўзгаришига таъсири турлича бўлганлигини кўрсатмоқда. Масалан, саноатга жалб этилган инвестициялар саноат ишлаб чиқариш ҳажми ортишига тўғри йўналишда таъсир кўрсатган бўлса, саноатда банд бўлганлар сонининг ўзгариши ва саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўзгариши ўртасида деярли тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд эмаслиги кузатилмоқда. Бу натижа мустақиллик йилларида саноат ишлаб чиқариши ривожланишида инвестициялар омилининг ҳал қилувчи рол ўйнаганлигини кўрсатади. Саноатнинг кўпроқ ресурсталаб ва илмталаб тармоқлари ривожланганлиги меҳнат омилининг миллий саноат ривожланишидаги таъсирини камайтирмоқда.

4.3-жадвал

Ялпи саноат маҳсулоти, саноатга жалб қилинган инвестициялар ва саноатда банд бўлганларнинг қўшимча ўсиш суръатлари

ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Йиллар	Ялпи саноат маҳсулоти	Саноатга жалб қилинган инвестициялар	Саноатда банд бўлганлар
1.	1992	-6,7	-10,5	2,4
2.	1993	3,6	9,9	2,1
3.	1994	1,6	1,8	0,1
4.	1995	0,2	26,1	-0,7
5.	1996	6,0	-9,6	1,3
6.	1997	6,5	0,8	0,6
7.	1998	5,8	6,9	0,6
8.	1999	6,1	15,5	-0,6
9.	2000	6,4	-8,0	-3,2
10.	2001	8,1	40,0	-1,9
11.	2002	8,5	4,4	-1,8
12.	2003	6,2	14,0	0,7
13.	2004	9,4	7,0	1,1

Мамлакатимизда йилига қарийб 50 млрд. кВт электр энергияси, 60 млрд. м³ табиий газ, 2,7 млн. тонна кўмир ва 600 минг тоннадан ортиқ пўлат ишлаб чиқарилади

Ўзбекистон саноатида 2004 йилда 1500 га яқин ўрта ва йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар ишлаган бўлиб, бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 90 фоизини ташкил этди. Шу йили саноат корхоналари томонидан 400 га яқин турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозирда саноат тармоқларидаги корхоналар жами сонида 4,6 фоизи давлат, 95,4 фоизи эса нодавлат саноат корхоналари ҳисобланади. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариш ходимларининг 20,5 фоизи давлат ва 79,5 фоизи нодавлат корхоналарида фаолият кўрсатмоқда. Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида давлат корхоналари 28,6 фоиз, нодавлат корхоналари эса 71,4 фоиз улушга эга ҳисобланади.

Миллий саноатнинг устувор тармоқларида кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми динамик шаклда ўзгармоқда. Масалан, 2000-2004 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 46,8 млрд. кВт.дан 49,6 млрд. кВт.га, табиий газ ишлаб чиқариш 56,4 млрд.метр кубдан 59,8 млрд. метр кубга, кўмир қазиб олиш ҳажми 2,5 млн. тоннадан 2,7 млн. тоннага, пўлат ишлаб чиқариш ҳажми 406,9 минг тоннадан 602,2 минг тоннага, тракторлар ишлаб чиқариш сони 954 тадан 2865 тага, енгил автомашиналар ишлаб чиқариш сони 30,7 мингдан 70,1 минг донага ортди. Шу билан биргаликда баъзи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми кейинги йилларда бирмунча камайди. Масалан, нефт ишлаб чиқариш (газ конденсати билан бирга) ҳажми шу даврда 7,5 млн. тоннадан қарийб 6,6 млн. тоннага, пахта толаси ишлаб

чиқариш ҳажми 1018,6 минг тоннадан 976,7 минг тоннага камайди. Бундай ўзгаришлар саноат тармоқларида амалга оширилган таркибий сиёсат, ички ва халқаро бозордаги коньюнктуравий ўзгаришлар натижаси ҳисобланади.

4.4-жадвал

Ўзбекистонда асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси

Маҳсулот турлари	2000	2001	2002	2003	2004
Электр энергияси, млрд. кВт.	46,8	47,9	49,3	48,7	49,6
Табиий газ, млрд. м³	56,4	57,4	58,4	57,5	59,8
Нефть (газ конденсати билан бирга), минг т.	7534	7253	7241	7134	6580
Кўмир, минг т.	2500	2711	2737	1910	2700
Пўлат, минг т.	406,9	433,6	450,0	485,6	602,2
Қора металл прокати, минг т.	...	...	...	446,5	550,7
Тракторлар, дона.	954	2966	3148	2804	2865
Енгил автомобиллар, минг д.	30,7	41,0	34,7	40,5	70,1
Пахта толаси, минг т.	1018,6	1015,0	1008,0	946,0	976,7
Минерал ўғит, минг т.	832,0	711,0	789,6	817,2	875,6
Цемент, минг т.	...	...	...	4062,5	4803,8
Қурилиш ғиштлари, млн. ш. д	...	...	292,4	192,5	105,0

Миллий саноат ва унинг соҳалари иқтисодиётнинг динамик ўзгаришда бўлган ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган тармоқлари ҳисобланади. Айниқса, саноатнинг қора металлургия, нефт ва нефт кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда тез ўсмоқда. Хусусан, 2000-2004 йилларда ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари қора металлургияда 14,5 фоизни, рангли металлургияда қарийб 3,0 фоизни, кимё ва нефт кимёсида 8,1 фоизни, машинасозликда 18 фоизни, енгил саноатда 9,8 фоизни ва озиқ-овқат саноатида 9,4 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик қўшимча ўсиши суръати бу йилларда ўртача 7-8 фоиздан иборат бўлди. Мамлакатимизда чуқур таркибий силжишлар ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда саноат ишлаб чиқаришини янада жадалроқ ривожлантириш имкониятлари айниқса, енгил, ёқилғи-энергетика, киме ва нефт кимёси, озиқ-овқат ҳамда машинасозлик соҳаларида мавжуд.

Миллий саноат ривожланишининг иқтисодий аҳамияти асосан, унинг иқтисодий ўсишни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қиймат яратиш ва миллий бозорни инвестицион ва истеъмол товарлари билан тўлдиришдаги роли билан белгиланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида саноатнинг кўпроқ хом ашёни казиб олувчи, қайта ишловчи ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи соҳалари устун ривожланди. Бунинг натижасида ёқилғи мустақиллиги таъминланди, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш

даражаси ортиб, ички истеъмол бозори маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари билан тўйинтирилмоқда.

4.5-жадвал

Ўзбекистонда саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш индекси динамикаси

ўтган йилга нисбатан фоизда

Тармоқлар	2000	2001	2002	2003	2004
Саноат, жумладан	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4
Электр энергияси	101,1	95,8	101,5	101,8	100,3
Ёқилғи	99,7	96,4	102,4	100,6	105,8
Қора металлургия	118,7	110,6	104,3	109,1	128,5
Рангли металлургия	102,5	101,8	105,9	99,0	105,0
Кимё ва нефть кимёси	112,7	104,7	114,2	105,2	104,5
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	89,5	124,9	108,9	130,8	134,5
Қурилиш материаллари	104,3	105,9	102,2	104,3	108,2
Енгил саноат	117,0	112,4	109,0	106,2	105,2
Озиқ-овқат	108,5	109,4	119,2	106,8	104,7

Кейинги 5-6 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати ўртача йилига 7,2 фоизни ташкил этмоқда

Кейинги йилларда истеъмол товарлари ҳисобланган гилам ва гилам материаллари, пайпоқлар, сут ва сут маҳсулотлари, консерва, ун ва ун маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Аммо истеъмол товарларининг қатор турларини ишлаб чиқаришда барқарор тенденция кузатилмайди. Хусусан, пахта газламалар, ипак газламалари, трикотаж буюмлари ва пойабзаллар, шакар, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пасайиш тенденциясига эга.

4.6-жадвал

Асосий турдаги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш динамикаси

ўтган йилга нисбатан фоизда

Истеъмол товарлари	2000	2002	2003	2004
Пахта газламалар	110,6*	106,9	97,8	82,0
Ипак газламалар	...	97,4	100,3	91,4
Гилам ва гилам материаллари	77,5	108,3	2,8р	140,2
Пайпоқлар	119,3	77,0	188,4	110,0
Трикотаж буюмлари	90,1	82,4	100,6	95,9
Пойабзал	110,5	109,5	99,9	81,9
Сут ва сут маҳсулотлари	101,6	115,9	107,6	183,4
Пишлоқ (бринза билан бирга)	87,8	74,3	78,4	89,1
Консервалар	106,2	101,3.	119,8	80,9
Шакар	...	7,6 м	114,2	78,0
Ун	97,4	87,4	73,7	145,6
Нон ва нон маҳсулотлари	111,5	91,0	55,2	89,0
Макарон маҳсулотлари	107,9	72,0	60,4	110,1
Ўсимлик ёғи	93,8	97,8	100,5	108,1
Узум виноси	103	116,6	73,4	59,9
Арақ ва бошқа спиртли ичимликлар	99,7	92,5	96,6	107,1
Алкоголсиз ичимликлар	100,4	93,1	25,3	26,9

Изоҳ: Кўрсаткичлар йирик корхоналар маълумотлари асосида ҳисобланган.
*пахта ва ипак газламалар бирга

Саноат ишлаб чиқаришида мамлакатимизнинг ҳудудлари ўзига хос ўрин тутади. Ҳудудларда минерал-хом ашё ресурсларининг нотекис жойлашганлиги, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, тадбиркорлик ва хусусий секторнинг тараққиёт даражаларига кўра саноат ишлаб чиқариши турлича ривожланмоқда.

4.7-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида саноат ишлаб чиқариш динамикаси

ўтган йилга нисбатан фоизда

Ҳудудлар	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Қорақалпоғистон Р.	106,3	105,0	111,2	95,9	94,9	100,3	123,5
Андижон	111,0	113,7	90,0	128,1	105,5	118,6	135,8
Бухоро	135,3	114,2	103,9	107,7	103,3	102,5	109,1
Жиззах	125,0	110,4	122,7	119,9	130,3	114,1	112,8
Қашқадарё	103,7	102,3	101,9	104,4	112,1	114,4	110,0
Навоий	101,9	109,7	102,2	100,6	106,5	99,4	106,0
Наманган	107,1	115,1	126,1	118,2	112,5	113,0	109,4
Самарқанд	117,1	130,7	97,3	105,7	106,7	111,1	113,4
Сурхондарё	106,9	108,3	107,9	104,1	113,1	104,6	109,2
Сирдарё	102,8	109,5	106,7	101,3	122,4	100,1	107,2
Тошкент в.	105,6	100,2	108,8	109,1	108,3	102,6	109,6
Фарғона	104,1	104,8	108,5	101,4	108,7	102,4	104,3
Хоразм	118,3	100,1	103,5	100,3	103,9	98,9	102,9
Тошкент ш.	104,1	103,4	113,2	110,5	111,7	112,5	104,8
Республика бўйича	105,8	106,1	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4

Маълумки, таркибий ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишини ва иқтисодиётдаги ролини ифодаловчи муҳим жараён бўлиб, унинг натижасида ишлаб чиқариш такомиллашади ва тармоқларнинг жами ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўзгаради. Таркибий ўзгаришлар такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ва технологик тузилишини ҳам қамраб олганлиги сабабли ЯИМнинг сифат жиҳатидан ўзгариши таъминланади. Ўзбекистонда миллий саноатнинг таркибий тузилиши мустақиллик даврида кескин ўзгарди. Бундай ўзгаришнинг асосий шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат бўлди:

– мамлакатнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши; бу давлат миқёсида, туб иқтисодий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, янги таркибий сиёсат юритиш имконини берди;

– миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига қўшилиш жараёни бошланиши; илгари ягона иттифоқ хўжалигининг хом ашё базасига айланган Ўзбекистон жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди. Бу мамлакатнинг хом ашё ва меҳнат ресурсларидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда фойдаланиш учун шарт-шароит яратди;

– мамлакатда бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши; бозор муносабатларининг шакллантирилиши

ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг таркибий жиҳатдан ўзга-ришига олиб келмоқда. Аҳоли ва фирмалар ресурс-ларининг саноат ишлаб чиқарилишига жалб қилиниши таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий самарадорлигини оширмоқда.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналиши саноатдаги ўзгаришлар ҳисобланади. Саноатда янги технологияларнинг ўзлаштирилиши ва янги корхоналарнинг қурилиши қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашиши ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайди.

4.8-жадвал

Ўзбекистон саноати тармоқ тузилишининг ўзгариши

Тармоқлар	1994	1996	1998	2000	2002	2004	1994-2004 йй.даги ўзгариш, %
Жами саноат	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	
Ёқилғи-энергетика, жумладан:	18,3	26,2	21,8	26,2	21,4	24,1	5,8
-электр қуввати	м.й.	14,4	8,5	9,5	7,8	10,8	...
-ёқилғи	м.й.	11,8	13,3	16,7	13,6	13,3	...
Металлургия	14,1	12,4	11,8	12,7	15,1	17,9	3,8
Кимё ва нефт кимёси	3,7	5,8	5,2	6,1	5,7	5,6	1,9
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	7,3	10,8	13,1	9,1	9,9	12	4,7
Ёғоч, целлюлоза ва қоғоз	0,9	0,9	0,9	0,9	1,2	1,0	0,1
Қурилиш материаллари	5,0	4,9	4,2	4,2	4,8	4,1	-0,9
Енгил	19,0	20,0	19,2	20,1	19,8	19,4	0,4
Озиқ-овқат	9,7	7,8	12,6	11,8	14,2	9,6	-0,1
Бошқалар	21,1	11,2	11,2	8,9	8,0	6,3	-14,8

1994-2004 йилларда саноат тармоғидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

– саноатнинг ёқилғи-энергетика мажмуаси устун ривожлантирилди. Бу даврда тармоқнинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 18,3 фоиздан 24,1 фоизга чиқди, яъни, унинг салмоғи ошди, натижада мамлакатнинг ёқилғи-энергетика мустақиллиги таъминланди ва тармоқнинг қайта ишлаш салоҳияти кенгайди;

– металлургия ва машинасозлик саноатининг жами саноатдаги улуши бу даврда 21,4 фоиздан қарийб 30,0 фоизга ўсди. Бу ушбу тармоқдаги эски ишлаб чиқариш қувватларининг яроксиз ҳолга келиши ва мутлақо янги, замонавий корхоналарнинг барпо қилиниши билан боғлиқ;

– кимё ва нефть кимёси, ёғоч ва қоғоз саноати, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноатининг жами

саноат ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ўзгармаган бўлсада, уларда тармоқичи таркибий ўзгаришлар амалга оширилдики, бу саноат корхоналарининг замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан қуролланиши ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши билан ифодаланади.

Саноат корхоналарининг аксарияти, дастлаб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналган бўлса, кейинчалик уларнинг экспорт стратегиясини амалга ошириш, халқаро бозорга рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқиш тенденцияси кучайди.

Ўзбекистонда саноат тараққиёти жараёнига ижобий таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланганлиги;

– меҳнат қобилиятига эга ёшларнинг меҳнат ресурслари таркибида юқори улушга эгалиги;

– ахборот, билим ва замонавий технологияларни ўзлаштириш шарт-шароитларидан бири ҳисобланган оммавий саводхонликнинг таъминланганлиги;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ярокли ер фондининг етарлилиги ва юқори деҳқончилик маданияти;

– шаҳарлашишнинг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан юқори даражаси ва ижтимоий инфратузилма асосларининг мавжудлиги;

– мамлакатнинг табиий ва минерал-хом ашё ресурслари йирик заҳираларига эгалиги;

– миллий саноатнинг кўп тармоқлилиги;

– илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имкониятини берувчи интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги.

Ўзбекистонда миллий саноатнинг жадал ривожлантирилишига акс таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш саноат тараққиётини суръатларини оширади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– миллий бозорнинг торлиги, корхоналар ва аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги;

– иқтисодиёт, хусусан, саноат тармоқларининг бирбирига уйғун ривожланмаганлиги, тармоқлараро меҳнат тақсимоти, ихтисослашиш ва интеграциянинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

– хусусий сектор молиявий, инвестицион ва илмий-техник салоҳиятининг йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш учун етарли эмаслиги;

– саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик тармоғи улушининг пастлиги, 2004 йилда бу тармоқнинг улуши 12 фоиздан иборат бўлди, ваҳоланки,чегаравий кўрсаткич 20 фоизни ташкил этади;

– аксарият қайта ишлаш корхоналари техник ва технологик кўрсаткичларининг пастлиги, хусусан, асосий фондларнинг жисмоний эскириши ўртача 52-54 фоизни ташкил этади;

– саноат тармоқларида инновацион фаолиятнинг ривожланмаганлиги, илғор инновацион янгиликларнинг саноат корхоналарида кам жорий этилиши;

– саноатда давлат ва хусусий секторнинг ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими ривожланмаганлиги, ишлаб чиқаришга давлат аралашувининг юқорилиги;

– саноатлашиш жараёнини давлат томонидан бошқариш механизмининг такомиллашмаганлиги;

– бозор инфратузилмасининг саноатни жадал ривожлантириш талабларига мос ривожланмаганлиги;

– минтақавий интеграцион алоқалар, хусусан, ҳудудий бозорларнинг ривожланмаганлиги;

– миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига заиф интеграциялашганлиги ва халқаро бозордаги кескин рақобат;

– мамлакатнинг географик жиҳатдан анклав жойлашганлиги, ривожланган бозорлардан узоқлиги, денгиз йўлларига чиқиш имкониятлари ва шарт-шароитларининг торлиги.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни саноатлаштиришнинг муҳим ташкилий-иқтисодий йўналишларидан бири давлат томонидан **кичик саноат шаҳарчалари, ташкилий саноат ҳудудлари ва эркин савдо-иқтисодий ҳудудларининг** шаклланиши ва ривожланишини рағбатлантиришдан иборат. Бу саноат сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиши билан бирга, соҳадаги технологик-инновацион тараққиётнинг жадаллашишига ҳам самарали таъсир қилиши шубҳасиз.

Кичик саноат шаҳарчалари ва ташкилий саноат ҳудудлари миллий саноат корхоналарини илғор технология билан жиҳозлашда ўзига хос технологик инкубатор вазифасини бажариши кўзда тутилади. Бу йўналиш саноат сиёсатининг ижтимоий аҳамиятини ортириш билан бир вақтда Ўзбекистоннинг қолоқ минтақаларида саноатнинг тез ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Саноат шаҳарчалари туман марказлари ва шаҳар типидаги қўрғонларда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки аксарият туман марказлари саноат ривожланиши, хусусан, саноатда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароит ва инфратузилмага эга. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашиши ва ресурслар таъминоти нуқтаи назаридан ҳам бу мақсадга мувофиқ келади.

Ташкилий саноат ҳудудлари технологик жараёнларнинг яқин жойлашишини тақазо қилган, бир-бири билан боғлиқ саноат тармоқларини ривожлантириш учун энг

қулай ҳудуд ҳисобланади. Бундай ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг кластер моделини жорий этиш максадга мувофиқ. Шунинг учун бундай саноат ҳудудларини ўрта шаҳарлар ва йирик шаҳарлар атрофида шакллантириш лозим.

4.3. Агросаноат мажмуаси

Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ тармоқлар йиғиндисидир. Агросаноат мажмуасининг асосий вазифаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ ва самаралироқ қондиришдан иборат.

Мамлакатимиз агросаноат мажмуаси **агросаноат интеграцияси** ва **кооперация**сининг маҳсули бўлиб, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ягона тизим сифатида шакллана бошлади. Бу даврга келиб бир нечта тармоқларнинг ягона мажмуага бирлашиши учун моддий-техник ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар барпо этилган эди.

Агросаноат мажмуасининг пировард маҳсулотини яратишда ишлаб чиқариш ва муомала соҳасининг турли босқичларида бевосита ва билвосита 70 дан ортиқ тармоқлар иштирок этади. Агросаноат мажмуаси таркибига технологик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан охирги истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнда бевосита иштирок этувчи тармоқлар киради. Ушбу жараёнда иштирок этаётган тармоқлар ўртасидаги нисбат **агросаноат мажмуасининг тармоқ таркиби**ни ташкил этади.

Агросаноат мажмуаси 3 та соҳани ўз ичига қамраб олади. Биринчи соҳа саноатнинг агросаноат мажмуасини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш ва техник хизмат кўрсатувчи тармоқларидан иборат. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар, қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берувчи, минерал ўғит ва химикатлар, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши воситалар ишлаб чиқарувчи, чорвачилик учун омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналар ва бошқалар киради.

Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасига кирувчи тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнини ресурслар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш ва қайта ишлаш саноатида техника тараққиёти учун асос яратиш, мажмуанинг барча бўғинларини самарали фаолият

кўрсатиши учун шарт-шароит барпо этишга имкон яратади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва умуман пировард маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечиши, узлуксизлиги ва оммавийлиги ушбу тармоқлар фаолиятига боғлиқ.

Иккинчи соҳага бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар, биринчи навбатда, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари киради. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табиий озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик киради. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади. Мажмуанинг бошқа соҳасига кирувчи тармоқлар асосан шу соҳа маҳсулотлари асосида фаолият юритадилар ёки ушбу соҳага хизмат кўрсатадилар.

Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва корхоналарни ўз ичига қамраб олади. Пахта, гўшт ва сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой комбинатлари, жун, каноп, пиллани қайта ишлаш корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳаси қишлоқ хўжалиги хом ашёсини саноат усулида бирламчи қайта ишлаш, уни тайёрлаш ва сақлаш, шунингдек, хом ашёни иккиламчи қайта ишлаш ва аҳолига сотиш учун тайёр даражага етказишни таъминлайди. Ушбу соҳага кирувчи тармоқлар тайёр маҳсулотни сақлаш ва сотиш жойига етказиб беришни ҳам амалга оширади.

4.1-чизма

АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ

Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа	Қишлоқ хўжалиги	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳа
Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати, омухта ем ишлаб чиқариш саноати, микробиология саноати ва бошқалар	Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, пиллачилик, асаларичилик	Дон маҳсулотлари саноати, пахта саноати, ёғ-мой саноати, гўшт, сут саноати, мева сабзавот саноати, тамакичилик саноати, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалигидан олинган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи (улгуржи ва чакана савдо) тармоқлар.

Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси агросаноат мажмуаси, айниқса, унинг учинчи соҳаси ривожланишининг ҳолати ва суръатларига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг муҳим боғловчи бўғини ҳисобланади. У нафақат агросаноат мажмуасида, балки миллий иқтисодиётда алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тизимида аграр секторга устуворлик берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланиб, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 63 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қилади. ЯИМнинг 30 фоизга яқини, иш билан банд аҳолининг 1/3 қисми, валюта тушумларининг қарийб учдан бири, ички товар айланмасининг 70 фоиздан ортиғи ушбу сектор ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил IX сессиясида "Ер кодекси", "Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги)", "Фермер хўжалиги" ва "Деҳқон хўжалиги" тўғрисидаги қонунлари қабул қилинди

Қишлоқ хўжалиги аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат учун хом ашё етказиб беришдек муҳим вазифани бажариш билан бирга саноат маҳсулотларининг йирик истеъмолчиси ҳам ҳисобланади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигидаги ижобий натижалар бутун иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишига, тармоқ ва ҳудудий таркибининг такомиллашувига, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш орқали халқ турмуш фаровонлигини яхшилашга олиб келади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аграр секторни ислоҳ қилиш соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Ислоҳотларнинг илк босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди. Бунда устувор йўналиш қилиб, **шахсий томорқа хўжаликларини** ривожлантириш белгиланган эди. Улар ихтиёридаги ер майдонлари 1989-1995 йилларда икки баробарга кўпайди. Ўтиш даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорликка эришилди.

Тармоқда **мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга ва хусусийлаштиришга** алоҳида эътибор қаратилди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида 1006 та давлат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Чорвачилик фермалари, боғ ва токзорлар, кичик ер майдонлари ҳамда иссиқхоналар хусусийлаштирилди.

Аграр ислоҳотларнинг 1998 йилдан бошланган иккинчи босқичида Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1998 йил, 28-30 апрель) Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисда"ги, "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Бундай ҳуқуқий базанинг яратилиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга замин яратди.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига мос келадиган ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари устуворлиги белгиланди. Ширкат хўжаликларида ишлаб чиқариш **оила пудрати** асосида ташкил этилиб, пудратчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини ошириш ва масъулиятини таъминлайдиган тизим барпо этилди.

Қишлоқ хўжалигида товар етиштирувчилар фаолиятини эркинлаштириш босқичма-босқич олиб борилди, мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ва дондан бошқа барча маҳсулотларга давлат буюртмаси бекор қилинди.

Ўзбекистонда 2004 йилда фермер хўжаликларининг умумий сони 104 мингдан ошди, уларга бириктирилган ер майдони 2,9 млн. гектардан кўпроқни ташкил этмоқда

Ер муносабатларида янги тамойиллар жорий қилинди. Ширкат хўжаликларида экин майдонларини, боғ ва токзорларни оила пудратчиларига танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш амалга оширила бошланди. Ерни **фермер хўжаликларига** 50 йилгача ва деҳқон хўжаликларига умрбод фойдаланишга бериш тизими жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида солиқ тизими такомиллаштирилиб, 1999 йил 1 январдан бошлаб, унинг мавжуд бир нечта турлари ўрнига ягона ер солиғи жорий этилди. Бу тадбир МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб қўлланила бошлаганлиги ва ҳозиргача амалдалиги муҳим аҳамият касб этади.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичи 2000 йилдан бошланди. Бу босқич қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устуворлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлигини янада кенгайтириш ва давлат буюртмаси бўйича етиштирилаётган маҳсулотларга баҳо белгилашда дунё бозори нархларига мос келувчи тизимни шакллантириш, ширкат хўжаликларини, биринчи навбатда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни фермер хўжаликларига айлантириш асосида қайта ташкил этиш механизмининг жорий этилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи замонавий инфратузилма тизимининг барпо этилиши билан тавсифланади.

Фақат 2000-2003 йилларда 336 та, шу жумладан 11 та туманда ширкат хўжаликлари тўлиқ тугатилиб, улар негизида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Ушбу чора-тадбирларнинг натижаси ўларок, 2004 йилда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони 104 мингга яқинлашди, уларга бириктирилган ер майдони 2,9 млн. гектардан кўпроқни ташкил этиб, бир фермерга тўғри келадиган ер майдони 28,2 гектарга етди. Айни вақтда деҳқон хўжаликларининг умумий сони 4,5 млн.тага, уларга бириктирилган ер майдони эса 682,5 минг гектарга етди.

Бугунги кунда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 59,7 фоизи деҳқон хўжаликлари, 20,4 фоизи фермер хўжаликлари, 19,9 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2004 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 60 фоизга яқини деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди

Гарчи аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, агросаноат мажмуасида нарх номутаносиблигининг вужудга келганлиги ва унинг чуқурлашиб бораётганлиги қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий ва молиявий аҳволига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш, **шартномавий ва эркин нархлари** етарли даражада асосланмаган бўлиб, ҳанузгача паст ҳолдадир. Бу эса ихтисослаштирилган товар ишлаб чиқарувчи фермер ва жамоа хўжаликлари фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда. Кўп ҳолларда **харид нархлари** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида ягона ҳукмрон истеъмолчилар ҳисобланган қайта ишловчи корхоналар ва тайёрлов ташкилотлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар етказиб берилган маҳсулот учун тўловларнинг кечикиши ҳолатига дуч келмоқдалар. Бу эса инфляция шароитида уларнинг даромадларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

4.1-диаграмма

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат моллари нарх индексларининг ўзгариши



Ислоҳотлар йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган нархларнинг ўсиши агросаноат мажмуасининг биринчи ва учинчи соҳаси маҳсулотларига нисбатан сезиларли даражада орқада қолди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган саноат маҳсулотлари ҳамда хизматларнинг нарх индекси 1994 йилга нисбатан 2002 йилда 37,2 мартага, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нарх индекси эса 26,1 мартага ортди.

Бу шундан далолат берадики, бошқа барча шароитлар тенг бўлган шароитда, 2002 йилда 1994 йилдаги ҳажмларда моддий-техника ресурслари сотиб олиш учун 1,5-2 марта кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш талаб этилади.

1991-2002 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарида барча турдаги ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш камайди. Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар эҳтиёт қисм, ёнилғи-мойлаш материаллари, электр қуввати истеъмол қилиш билан чекланиб қолмоқдалар. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик техникаси маънавий жиҳатдан эскирмоқда ва яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда.

Агар 1991 йилда бир дона МТЗ-80 тракторини сотиб олиш учун 5,7 тонна пахта хом ашёсини сотиш лозим бўлган бўлса, 2001 йилга келиб шу тракторни сотиб олиш учун 79,0 тонна пахта хом ашёси сотилиши зарур бўлмоқда. Худди шундай ушбу русумли тракторни сотиб олиш учун 1991 йилда 88,3 тонна буғдой сотиш керак бўлган бўлса, 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 188,1 тоннани ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ва саноат моллари нархи ўртасидаги тафовут натура ҳолида белгиланадиган бўлса, саноат молларининг нархи 4 мартадан 80 маротабагача ошиб кетган.

4.9-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ва саноат моллари нархларининг 1990-2002 йилларда ўзгариши

(ўлчов бирлигига нисб. сўм)

	1990	1992	1995	1996	1998	2000	2002	2002 йилда 1990 йилга нисбатан
Пахта, тонна	1630	24000	8000	12500	24300	52000	126000	77,3
Бошоқли дон, тонна	235	20000	2500	3240	11000	21810	56000	238,3
ЁММ, тонна								
а) автол	249	5743	14000	15500	28200	89567	157433	632,3
б) диз. ёнилиси	124	12000	15600	14500	16466	63436	96547	778,6
Ўғитлар								
а) аммиакли селитра	85	1500	4400	6100	10400	19750	32430	380,5
б) аммофос	228	7800	7414	9200	18500	55329	122500	537,3
в) калий	43	1300	4550	3000	6732	42400	77000	1791,0
г) суперфосфат	45	3700	2750	3500	7549	23490	28350	630,2
Техника, дона								
а) культиватор	1468	16600	79000	100000	280344	729000	1400000	953,7
б) 2 ярусли омоч	552	18000	22600	100000	138120	600000	1280000	2319,0
в) МТЗ-80	9000	16000	487000	640000	2200000	3500000	9392880	1044,0

Қишлоқ хўжалигида нисбатан кўпроқ фойдаланиладиган дизель ёнилғисининг 1 тоннаси учун 1991 йилда 0,6 тонна буғдой ва 0,1 тонна пахта сотишга тўғри

келган бўлса, 2001 йилга келиб мос равишда 2,9 тонна ғалла ва 1,2 тонна пахта сотиш лозим бўлди.

Минерал ўғитлар нархлари ҳам сўнгги йилларда бир неча юз баробар ўсганлиги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди. 1990-2002 йилларда пахта ва ғалла нархлари мувофиқ равишда 73,3 ва 238,3 марта ошган бўлса, 1 тонна аммофос нархи 537,3 марта, суперфосфат нархи 630,2 марта, калий нархи 1791,0 марта ўсган.

Қолган барча турдаги **моддий-техника ресурслари** нархларининг ҳам пахта ва буғдой харид нархига нисбатан бир неча марта ошганлигини кузатиш мумкин.

Аграр сектор ва унга хизмат кўрсатувчи саноат маҳсулотлари нархлари ўртасида кучли номутаносибликнинг келиб чиқишини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

– моддий-техника ресурслари ва хизматларга бўлган нархларнинг эркинлаштирилиши, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари ўсиш динамикаси билан боғланмаганлиги;

– қайта ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва савдо корхоналарининг монопол ҳолати туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган нархларнинг чекланганлиги;

– аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиши;

– қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, аграр соҳа маҳсулотларига бўлган талаб эластиклигининг пастлиги туфайли турли тармоқлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархлари ўзгариш суръатларининг турли хиллиги.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида мақсадли қуйидаги асосий вазифалар турибди:

1) Маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш. Бу борада катта ишлар амалга оширилиши лозим. Чунки мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрига мос равишда таминланиш даражаси ҳали анча паст. Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш лозим. Мамлакатда дон етиштиришни 10-12 млн. тоннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида икки, тухум етиштиришни 3 мартага кўпайтириш талаб қилинади. Албатта физиологик меъёр (энергия олиш) нуқтаи назаридан озиқ-овқат муаммоси мамлакатда ҳал этилган. Аммо озиқ-овқат муаммоси ижтимоий – иқтисодий томондан баҳоланганда катта муаммо бўлиб турибди. Гап шундаки, физиологик меъёр бўйича олинаётган энергия қайси маҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига ҳосил бўлмоқда, деган савол туғилади. Ҳозирда мамлакат аҳолиси озиқ-овқатдан олинаётган энергиянинг асосий қисми нон ва нон маҳсулотлари, картошка, углеводлар ва меваларни

истеъмол қилишдан олинмокда. Инсон организми талаб даражасида яхши фаолият кўрсатиши учун эса балансланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш талаб этилади. Чунки, бу маҳсулотларнинг жон бошига қанчадан истеъмол қилинишини кўрсатувчи махсус меъёр ҳам ишлаб чиқилган. Бу борада, яъни балансланган озиқ-овқат истеъмол қилишда, ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, чорвачилик, асаларичилик, балиқ маҳсулотларига бўлган талаб жуда катта, қониқарсиз таъминланган. Шу жиҳатдан мамлакатда ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали йўлларини топиш, фан, техника ва технологиянинг энг илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга қўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини яхшилаш агросаноат мажмуасининг бош вазифаларидандир. Агар ер юзи аҳолисининг 2 млрд.га яқини очлик ва ичимлик сув танқислиги шароитда яшаётганини хисобга олсак, бу муаммо янада кескинлиги аёнлашади. Бундан ташқари ер юзи аҳолиси, жумладан, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳам кўпайиб бормокда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2030 йилга бориб республика аҳолиси 46 млн. кишини ташкил этар экан.

2) Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш. Бу жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқади. Бозорда рақобатга бардош бериш учун етиштирилаётган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон бўлиши керак. Бозорда талаб ва таклиф қонуни талаблари натижасида шаклланган нархдан етиштирилаётган маҳсулот таннархи арзон бўлиши талаб қилинади. Маҳсулотлар таннархининг арзон бўлиши маълум даражада ижтимоий масала ҳам тўғри ҳал этилишига хизмат қилади. Гап шундаки, маҳсулотлар таннархининг паст бўлиши уларнинг нархини пасайишига олиб келиш мумкин. Бу, аҳолининг маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиради, турмуш даражасини оширади, ишлаб чиқарувчиларнинг эса фойдаси кўпайишини таъминлайди. Натижада корхоналарнинг давлат бюджетига тўловлари ва солиқлар умумий миқдори кўп бўлади. Бу эса, мамлакат иқтисодиётини кучайтиради ва янада тез ривожланиш имкониятлари туғилади.

Кейинги йиллардаги нарх сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятлари анча чекланиб қолди. Саноат маҳсулотларига эркин нархлар сиёсати олиб борилди ва натижада қишлоқ хўжалиги сотиб олаётган ўғит, ёнилғи – мойлаш материаллари, техника, уларни бутловчи қисмлари нархлари 14 йил (1991-2004) ичида 1400 марта ва ундан кўпроқ ошди. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари бўлган пахта ва донга

нархлар эса 24-28 марта ошди, холос. Нархларнинг бундай шаклланиши (нарх паритетининг бузилиши) қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятлари чекланишига сабаб бўлди ва бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида кўплаб бошқа муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бу ҳолати, ўз навбатида, умуман, мамлакат агросаноат мажмуасининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли ҳам етиштирилаётган маҳсулотлар бирлиги таннархини имкон даражасида пасайтириш агросаноат мажмуаси асосий вазифаларининг иккинчиси ҳисобланади.

3) Мамлакат агросаноат мажмуаси тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида, меҳнат унумдорлигини ошириш. Маълумки меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши жуда катта ижобий натижаларга олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархи нисбатан паст бўлишини, катта миқдордаги ресурслар тежалишини таъминлайди, қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларининг бўшашига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидан бўшаган меҳнат ресурслари нисбатан кўп малака ва билим талаб қиладиган саноатнинг турли соҳаларида ишлаши учун имкониятлар туғилади. Натижада мамлакат меҳнат ресурсларининг сифат даражаси ошади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бизда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари жуда катта. Масалан, АҚШ, Германия, Голландия каби ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ходим мамлакат аҳолисининг 90-110 тасига етарли маҳсулот ишлаб чиқаради. Бизда бу кўрсаткич 8-9 тани ташкил этади. Албатта, ривожланган давлатлар агросаноат мажмуаси таркибида асосий меҳнат ресурслари агросанот мажмуасининг қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ёки маҳсулотини қайта ишлайдиган соҳаларда банд. Агар агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ҳисобга олсак, юқоридаги нисбатнинг фарқи камаяди. Шунга қарамасдан, ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ўртасидаги фарқ жуда катта. Шу сабабларга кўра, мамлакат агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатда ютиб чиқиш ва барқарор ривожланиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга эътиборни кучайтириш лозим.

4) Мажмуа тармоқларининг бир – бири билан мутаносиб ҳолда ривожланишини таъминлаш. Бу жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга вазифалардан биридир. Ҳозирда мамлакат агросаноат мажмуасининг 1- соҳаси, агросаноат

мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг мавжудлиги ва борларининг ривожланиш даражаси талабдагидан жуда паст. Натижада, тракторларнинг катта қисми, комбайнлар, юк автомобилларининг юз фоизи импорт қилинмоқда. Мамлакатда трактор, пахта териш машинаси ва қатор қишлоқ хўжалиги учун зарур ишчи машина ишлаб чиқаришга етарлича имконият бор. Шу сабабли ана шу тармоқларни ривожлантиришга энг устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги бир жиҳатдан уларни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқ ва хизматларнинг мавжудлигига, уларнинг жиҳозланишига ва бир меъёрда етарли қувват билан ишлашига боғлиқ. Ҳозирда қишлоқ хўжалигида етиштирилган айрим маҳсулотнинг 25-30 фоизи ана шу тармоқлардаги камчиликлар сабабли нобуд бўлмоқда. Бу эса, ишлаб чиқариш ресурслари, маҳсулотлар тақчиллиги шароитида йўл қўйиб бўлмайдиган йўқотишдир. Айникса, помидор, узум, олма каби маҳсулотлар пишган пайтда уларни тайёрловчи, сақловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар қувватининг етишмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Баъзи ҳолларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ҳам иқтисодиётга катта зарар келтиради. Масалан, ҳозирда гўштни қайта ишлаш саноати ўз қувватидан йил давомида 5-18 фоизга фойдаланмоқда. Бу, ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайишига, мавжуд ресурсларнинг бекор туриб қолишига олиб келади. Умуман олганда, агросаноат мажмуаси тармоқларини бир – бирига мутаносиб ривожлантириш жуда мураккаб бўлсада, бу масалага эътиборсиз бўлиш мумкин эмас. Уни оқилона ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кадрлар малакасини, билимини ошириш меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини юксалтириш масалалари ҳам мажмуанинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

4.4 Қурилиш-инвестиция мажмуаси

Қурилиш-инвестиция мажмуаси тармоқлараро тизим ҳисобланиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг йиғиндисидан иборат.

Қурилиш-инвестиция мажмуасининг пировард маҳсулоти тўлиқ барпо этилган ва фойдаланишга топширилган

бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий инфратузилма объектлари ҳисобланади. Мажмуа бўлинмалари иқтисодий, технологик, ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот характерда бўлиб, соҳага қурилиш материаллари саноати, қурилиш ва йўл машинасозлиги тармоқлари ҳам хизмат кўрсатади.

Қурилиш объектларини барпо этиш, қурилишнинг моддий-техника базасини яратиш ва илмий-техник асосларини таъминлаш мажмуанинг асосий функциялари ҳисобланади. Қурилиш объектларини барпо этиш қурилиш трестлари ва хизматларининг, соҳанинг моддий-техника базасини яратиш саноат корхоналарининг ва илмий-техник асосларини таъминлаш эса илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва лойиҳа ташкилотларининг бевосита вазифаси саналади.

Ўзбекистонда ЯИМнинг 4,5 фоизи, бандликнинг 8,2 фоизи қурилиш соҳасига тўғри келади

Ўзбекистон миллий хўжалигини шакллантириш ва ривожлантиришда қурилиш-инвестиция мажмуаси ҳал қилувчи рол ўйнаган соҳалардан бири бўлди. Қурилиш мажмуаси ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал, транспорт ва йўл, ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишини қамраб олади. Шу жиҳатдан бу мажмуанинг иқтисодий ривожланиш ва миллий хўжалик тармоқ таркибини такомиллаштиришдаги аҳамияти юқори ҳисобланади.

Қурилиш-инвестиция мажмуасида иқтисодиётга хусусан, реал секторнинг асосий капиталига киритилган инвестициялар етакчи мавқени эгаллайди. Чунки бундай инвестициялар ишлаб чиқаришнинг моддий асосларини кенгайтиради, истеъмол ва инвестицион товарлар яратиш салоҳиятини оширишга олиб келади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилган инвестициялар иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ижтимоий барқарорлик ва фаровонликни оширишнинг шарт-шароитларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатдаги инвестицион муҳитнинг қулайлаштирилиши натижасида қурилиш мажмуасининг ишлаб чиқариш ҳажми жадал оширилади. Бозор иқтисодиёти шакллантирилиб, ривожланаётган мамлакатларда миллий хўжаликнинг асосларини яратиш, иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини устун даражада тараққий эттириш ва импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган саноат корхоналарини барпо этиш каби кўламли вазифаларни амалга ошириш йирик инвестицион ресурсларни ва қурилиш ҳажмини талаб этади. Шу сабабли мустақилликнинг илк давридаёқ инвестицион-қурилиш мажмуасини шакллантиришга катта эҳтиёж сезилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳозирги Ўзбекистонда кенг кўламдаги қурилиш лойиҳалари амалга оширила бошланди. Капитал қурилиш йўналишлари, таркиби ва миқёси тубдан ўзгариб борди.

Мамлакатимизда қурилиш соҳаси ўзининг иқтисодий ривожланишдаги роли ва ўрнига кўра, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари - саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейинги ўринда туради. ЯИМнинг 4,5 фоизи, иқтисодиётда банд аҳолининг 8,2 фоизи қурилиш тармоғи ҳиссасига тўғри келади, бюджет маблағларининг 13-14 фоизи иқтисодиёт реал секторидаги қурилиш лойиҳаларига сарфланади.

Бошқа тармоқлардаги каби қурилиш соҳасида ҳам бозор муносабатлари ривожлантирилиб, мулк муносабатлари такомиллашмоқда, хусусийлаштириш жараёни тугалланмоқда. Ҳозирда қурилиш мажмуасида кўп укладли мулкий тизим амал қилаётган бўлиб, унинг негизида давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва бошқа мулк шаклидаги корхоналар, ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 200 дан ошиқ қурилиш-монтаж трестлари, 240 дан ортиқ қурилиш саноати корхоналари, 2000 дан ошиқ тармоқ қурилиш ташкилотлари, 11 мингга яқин кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, 60 дан ошиқ лойиҳа ва илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Қурилиш соҳасидаги ташкилий ислоҳотлар натижасида соҳада кейинги йилларда бошқарувнинг компания, корпорация, бирлашма, трест ва бошқармалар каби шакллари ривожланмоқда. Шунингдек, хорижий инвестицияларнинг соҳага кириб келиш суръатлари тезлашиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси ортмоқда.

Қурилиш-инвестиция мажмуасининг миллий хўжаликдаги муҳим ўрни ва роли унинг қуйидаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариши билан изоҳланади:

– қурилиш орқали асосий фондлар янгиланади, унинг ҳажми ортади; бу ўз навбатида ишлаб чиқариш миқёсининг ортишига ва салоҳиятининг кенгайишига олиб келади;

– иқтисодиётда таркибий қайта қуриш амалга ошади ҳамда тармоқлар, соҳалар ва ҳудудларда сифат ўзгаришларига эришилади;

– ижтимоий соҳанинг моддий базаси кенгаяди; аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражаси ортади, ижтимоий фаровонлик моддий кафолатлари мустаҳкамланади;

– устувор йўналишлар ва ўзак тармоқларни жадал ривожлантириш имкониятлари ва умуман иқтисодиётнинг миқёси кенгаяди, тармоқлараро мувозанат мустаҳкамланади.

Миллий иқтисодиётни барпо этиш ва бозор муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ кўпгина муаммолар бевосита қурилиш-инвестиция мажмуаси фаолияти билан боғлангандир.

Қурилиш соҳаси ўзининг функционал вазифасига кўра иккига: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш қурилишига бўлинади. Ишлаб чиқариш қурилиши асосан иқтисодиётнинг реал секторлари – саноат ва қишлоқ хўжалиги қурилишидан

иборат бўлиб, йирик капитал маблағларни талаб қилади ва мураккаб инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этади. Саноат корхоналари ва суғориш иншоотлари (каналлар, сув омборлари, дренажлар, насос линиялари) барпо этиш, янги ерларни ўзлаштириш шулар жумласидан.

Ноишлаб чиқариш қурилиши транспорт ва алоқа, бозор (банк, биржа, савдо марказлари ва уйлари, деҳқон бозорлари ва бошқ.) ва ижтимоий (уй-жой ва коммунал хўжалик, касалхона ва мактаб, маиший хизмат бинолари ва бошқ.) инфратузилма обьектлари қурилишини ўз ичига олади.

Капитал қурилишнинг асосий мақсади асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш бўлиб, бу бевосита ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади. Бозор ислоҳотлари даврида мамлакатимизда давлат инвестиция сиёсатида ҳам, банк ва корхоналар инвестиция фаолиятида ҳам ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришга тўғридан-тўғри имконият берадиган қурилиш лойиҳаларини амалга оширишга устуворлик берилди.

4.10-жадвал

Қурилиш ва капитал қўйилмаларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Қурилишнинг иқтисодиётдаги салмоғи, %	6,0	5,9	4,9	4,5	4,5
Қурилишнинг жами бандликдаги улуши, %	7,5	7,7	7,9	8,0	8,2
Иқтисодиётга капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда.	101	103,7	103,8	104,2	5,1
Давлат бюджетида марказлашган инвестицияларга (янги қурилишлар) харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда	6,0	5,0	4,7	3,3	2,7

4.5. Транспорт ва алоқа

Транспорт тизими. Транспорт ва алоқа миллий иқтисодиётнинг юк ва йўловчи ташишни таъминловчи, ахборот оқимларини тарқатувчи ва узатувчи соҳаси ҳисобланади, бу соҳалар аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириб, ишлаб чиқариш жараёнларининг бир маромда боришини ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни узлуксиз бошқаришини таъминлайди.

Транспорт аввало, ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлиб, унинг ишлаб чиқариш харажатлари ва товар нархига таъсири юқоридир. Тармоқнинг ривожланиши табиий ресурсларни ўзлаштириш, саноат ва аграр соҳа интеграцияси чуқурлашиши ҳамда миллий хўжаликнинг жаҳон бозорига қўшилишининг шарт-шароитларини яхшилайди.

Транспорт хўжалик фаолиятининг тури сифатида умумий ва махсус фойдаланиш транспорти турларига бўлинади. Умумий фойдаланишга мўлжалланган транспорт иқтисодиётнинг барча тармоқлари эҳтиёжини қондиришда, хусусан, юк ва йўловчи ташишда, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги алоқаларни боғлашда, аҳолига турли транспорт хизматлари кўрсатишда фойдаланилади. Махсус транспорт турлари алоҳида муассасалар, саноат ва ички ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатилади. Бундай транспорт хизмати кўрсатишда каралар, транспортерлар, узатиш қурилмалари, енгил автомашиналар, мотоцикллар, кема ва қайиқ кабилардан фойдаланилади.

Транспорт тармоғи олдига қўйилган вазифалар асосан қуйидагилардан иборатдир:

– юк ва йўловчи ташиш борасидаги иқтисодиёт ва жамиятнинг талабини юқори даражада таъминлаш;

– транспорт хизмати самарадорлиги ва тежамлилиги даражасини ошириш;

– турли ноқулай табиий ва бошқа шароитлардан қатъий назар ҳар қандай мавсумда ташиш жараёнларининг доимийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

– юк ва йўловчи ташиш қулайлигини ва хавфсизлиги даражасини ошириб бориш.

Ўзбекистонда транспорт ва алоқанинг иқтисодиётдаги улуши 9,8 фоизни, бандликдаги салмоғи 1,5 фоизни ташкил этади

Транспорт соҳаси хизматининг қўлами, сифати ва иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ташилган юк ҳажми (тонна), ташилган йўловчилар сони (киши), юк айланмаси (тонна-км), йўловчи айланмаси (йўловчи-км) каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Транспорт ва алоқа тармоғи мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида муҳим шарт-шароит ва омиллардан бири ҳисобланади. Бу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 9,8 фоизи яратилмоқда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг 1,5 фоизи меҳнат қилмоқда.

Транспорт соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари кейинги йилларда бирмунча турғун характерда бўлиб, бу соҳадаги инвестицион фаолликнинг пасайиши, таркибий силжишларнинг секинлашиши, хусусийлаштириш ва тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси ҳамда умуман иқтисодий ўсиш суръатлари ва хорижий инвестицияларнинг жалб этилиш даражаси пастлиги билан изоҳланади.

Мамлакатда юк ташиш ҳажми 2003 йилда 703,2 млн. тоннани ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 714,9 млн.тоннадан иборат бўлди. Иқтисодий ўсиш даражаси мос равишда 95,8 ва 101,0 фоизга тенг бўлди. Юк ташиш ҳажми ўзгаришига асосан, автомобил, темир йўл ва қувур транспортида ташилган юк ҳажмидаги ўзгаришлар жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ўтган йилга нисбатан автомобил транспортида ташилган юк ҳажми 100,9 фоиз, темир йўл транспортида ташилган юк ҳажми 101 фоиз, қувурлар орқали ташилган юк ҳажми 102,1 фоизга

кўп бўлди. Ҳаво транспортида юк ташиш ҳажми кейинги икки йилда пасайиш тенденциясига эга бўлаяпти. Юк айланмаси ҳажми динамикасида ҳам шунга мос ўзгаришлар кузатилаяпти.

4.11-жадвал

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ҳажми таркиби ва динамикаси

	ҳажми		Ўтган йилга нисбатан, %	
	2003	2004	2003	2004
Юк ташиш ҳажми, млн. тонна	**703,2**	**714,9**	**95,8**	**101,0**
Темир йўл транспортида	45,1	45,4	102,5	101,0
Автомобил транспортида	592,8	601,8	94,4	100,9
Қувур йўллари орқали	65,3	67,7	105,6	102,1
Ҳаво транспортида, минг тонна	5,9	5,6	62,6	94,3
Юк айланмаси, млрд.т-км	**63,3**	**64,5**	**105,8**	**103,7**
Темир йўл транспортида	19,1	18,0	103,5	100,0
Автомобил транспортида	9,6	11,0	107,2	114,3
Қувур йўллари орқали	34,6	35,4	106,8	102,6
Ҳаво транспортида, минг тонна	95,3	117,3	75,3	123,1

Мамлакатимизда йилига барча транспорт турлари воситасида 715 млн. тоннадан ошиқ юк ва 3.480 млн. йўловчи ташилмоқда

Юк ташиш умумий ҳажмида транспорт турларининг салмоғи турлича бўлиб, бу ташилаётган юкларнинг тавсифи, транспорт тизими шаклланиши ва ривожланиши имкониятлари, юк ташиш таннархи, йўналишлари билан боғлиқ натижавий кўрсаткичдир.

Ўзбекистонда анъанавий равишда юк ташишда автомобил транспортининг салмоғи юқори бўлиб келмоқда. Масалан, 2002 йилда жами юкларнинг 85,6 фоизи, 2003 йилда 84,3 фоизи ва 2004 йилда 84,2 фоизи ана шу транспорт тури воситасида ташилган. Темир йўл транспорти орқали мос равишда 6,0; 6,4 ва 6,3 фоизи, қувур транспорти орқали эса 8,4; 9,3 ва 9,5 фоизи ташилган. Ҳаво транспортида ташилган юклар жами юк ташиш ҳажмида деярли салмоққа эга эмас. Бу асосан, мазкур транспорт хизмати харажатларининг юк таннархини кескин ошириб юбораётгани ва карго хизмати тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги каби омилларга боғлиқ.

4.12-жадвал

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши

Транспорт турлари	2002	2003	2004
Автомобил	85,6	84,3	84,2
Қувур йўллари	8,4	9,3	9,5
Темир йўл	6,0	6,4	6,3
Ҳаво йўллари	0,001	0,001	0,001

Транспорт соҳасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва табиий монополиялар фаолиятини чеклаш ва тартибга солиш чора-тадбирларининг кўрилиши натижасида республика бўйича хусусий тадбиркорлик автомобил транспортида кенг ривожланди. Бу соҳада жами юк айланмасининг 2002 йилда 36,2 фоизи, 2003 йилда 44,9 фоизи, 2004 йилда эса 52,6 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилди. Қувур, темир йўл ва ҳаво транспорти соҳаларида табиий монополияларнинг сақланиб қолиши, уларда фақатгина транспорт хизмати инфратузилмаси объектлари хусусийлаштирилаётганлиги хусусий тадбиркорликнинг ва рақобат муносабатларининг етарли даражада ривожланмаслигига олиб келаяпти.

Юк ташишдан фарқли ўлароқ, йўловчи ташиш ҳажми ва йўловчи айланмаси республикада динамик ривожланаётган йўналиш ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари аҳоли сонининг ва меҳнат ресурсларининг кўпайиши, соҳада хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, рақобат муҳитининг шаклланганлиги ва натижада транспорт хизмати сифатининг яхшиланиб бораётганлиги кабилардан иборат.

2003-2004 йилларда транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ўзгарган.

4.13-жадвал

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси динамикаси

	ҳажми		Ўтган йилга нисбатан, %	
	2003	2004	2003	2004
Йўловчи ташиш, млн. киши	**3351,5**	**3479,2**	**98,6**	**103,9**
Темир йўл транспортида	15,3	15,3	102,5	100,5
Автомобил транспортида	3121,0	3294,1	100,1	105,6
Шаҳар электр транспортида	214,4	168,9	80,8	78,7
Ҳаво транспортида	0,8	0,9	96,3	107,0
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км	**36218,6**	**40119,6**	**109,3**	**110,7**
Темир йўл транспортида	2065,0	2029,0	102,3	100,9
Автомобил транспортида	28949,1	32534,6	112,7	112,1
Шаҳар электр транспортида	1248,0	1007,4	82,0	80,7
Ҳаво транспортида	3956,5	4548,7	101,1	114,9

Жадвал маълумотлари мамлакатимизда йўловчиларнинг кўпроқ автомобил ва темир йўл транспортида ташиладаётганлигини ҳамда автомобил ва ҳаво транспортида йўловчи ташиш ҳажми нисбатан динамик ўзгараётганлигини

ифодаламокда. Шунингдек, йўловчи айланмаси кўрсаткичлари ҳаво транспортида кейинги йилларда жадаллашаётганлиги кузатилади. Бу узоқ масофага йўловчи ташиш суръатлари ортаётганлиги билан изоҳланади.

2004 йилда хусусий йўловчи ташувчилар томонидан йўловчи ташиш ҳажмининг 56,7 фоизи, йўловчи айланмасининг 70,6 фоизи амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2003 йилда мос равишда 48,0 ва 63,1 фоиздан иборат бўлган эди.

4.14-жадвал

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибининг ўзгариши

Транспорт турлари	Йўловчи ташиш		Йўловчи айланмаси	
	2003	2004	2003	2004
Автомобил	93,1	94,7	79,9	81,1
Шаҳар электр транспорти	6,4	4,8	3,5	2,5
Темир йўл	0,5	0,4	5,7	5,1
Ҳаво йўллари	0,02	0,1	10,9	11,3

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистонда транспорт хизматини ташкил этиш ва бошқариш тизимида маъмурий ўзгартиришлар амалга оширилди. Хусусан, 1992 йил январда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий Авиакомпанияси, 1993 йилда "Ўзавтотранс" Давлат акционерлик компанияси, 1994 йилда "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компанияси ташкил этилди.

Кейинчалик, транспорт тизимида рақобат муҳитини ривожлантириш ва монопол фаолиятни чеклаш мақсадида 2001 йил 2 мартда "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компанияси очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди, "Ўзавтотранс" ДАК 2001 йил 4 июнда тугатилиб, автомобилчиларнинг ҳудудий уюшмалари ташкил этилди.

Бугунги кунда транспорт соҳасининг моддий-техника базаси кенгайиб, унинг инфратузилмаси такомиллашмокда, янги линиялар, маршрутлар очилмокда, йирик қурилиш лойиҳалари амалга оширилаяпти.

1993 йил июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Темир йўлларни электрлаштириш бўйича Бош дастур" қабул қилинган. 1993-95 йиллар ва 2000 йилгача мўлжалланган бу дастур доирасида 1997 йил 97 километрлик Жиззах–Жомбой, 1999 йилда 119 километрлик Жиззах–Самарқанд линияси ишга туширилди. 2007 йилгача Тошкент–Самарқанд–Бухоро линиясини Туркманистон чегарасигача электрлаштириш мўлжалланган. Ҳозирда жами 700 км темир йўл

электрлаштирилган бўлиб, истиқболда унинг узунлигини 1960 кмга етказиш режалаштирилган.

Йирик лойиҳалар ҳисобланган ва янги ишга туширилаётган темир йўл линияларидан 600 кмлик Учқудуқ-Нукус ҳамда 230 кмлик Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон йўналиши фойдаланишга топширилиш арафасидадир.

Темир йўл транспорти ривожланишида йилига 450 та вагон таъмирлаш қувватига эга бўлган Тошкент вагон таъмирлаш заводининг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу лойиҳа Японияннинг "Марубени" корпорацияси томонидан амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 80 минг км дан ошиқ автомобил йўллари қурилган бўлиб, шундан 86 фоизи қаттиқ қоплами йўллардир. Автомобиль соҳасининг бозор инфратузилмасида "Ўзавтодорбанк" ТБ, "Ўзавтотранссервис" реклама-маркетинг республика компанияси фаолият кўрсатади.

Ҳозирда ҳаво йўллари транспорти жами юк ва йўловчи ташиш ҳажмида салмоқли улушга эга бўлмасада, шошилинч, қимматбаҳо ва тез айнийдиган юкларни ташишда, йўловчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишда катта роль ўйнамоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МДҲнинг деярли барча йирик шаҳарлари ва 20 дан ортиқ узоқ хориж давлатлари билан тўғридан-тўғри боғланмоқда. Бугунги кунда жами 60 дан ортиқ маршрут йўлга қўйилган. Ҳозирда компанияда 350 дан ортиқ самолёт мавжуд бўлиб, "Боинг", А-310 каби энг замонавий самолётлар билан бирга ИЛ-86, ИЛ-76, ТУ-154, RJ-85 самолётлари хизмат кўрсатаяпти.

Кейинги 6-7 йилда фуқаро авиациясининг инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида жами 1 млрд. 200 млн. АҚШ долларига яқин инвестиция амалга оширилди. Бу маблағлар янги техника сотиб олиш, учиш жараёнларини бошқаришни замонавийлаштириш, халқаро йўловчи терминалларини қуриш ва таъмирлаш, учиш-қўниш линияларини, вокзалларни таъмирлаш кабиларга ишлатилди.

Қувур транспорти асосан нефть ва табиий газ маҳсулотини ташишга хизмат қилиб, у МДҲ мамлакатларининг марказий қувур тизимига боғланувчи бир нечта магистрал ва ички линиялардан иборат. Магистрал линиясининг умумий узунлиги 12,6 минг км бўлиб, унинг тўла қувват билан ишлаши учун 25 та компрессор станцияси хизмат кўрсатади.

Бугунги кунда қувур транспорти орқали Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон Ўзбекистон табиий гази билан таъминланади.

Ўзбекистон транспорт тизимида шаҳар йўловчи транспорт хизмати алоҳида ўрин тутади. Шаҳар йўловчи

транспорти автомобил, трамвай-троллейбус ва метрополитенни ўз ичига олади.

Шаҳар транспорт тизими динамик ривожланаётган Тошкент шаҳрида "Тошшаҳарйўловчитранс" Давлат уюшмасига қарашли 11 та автобус парки, 2 та трамвай ва 3 та троллейбус депоси, 5 та таксопарк мавжуд.

Уюшма корхоналари 132 шаҳар автобус маршрути, 6 та шаҳар атрофи, 15 та трамвай ва 22 троллейбус линиялари, 29 та маршрут такси линияларига хизмат кўрсатади. Тошкентда 29 та станцияга эга 3 та метро линияси ишлаб турибди. Шаҳар бўйича суткасига қарийб 3 млн. йўловчи ташилмокда.

Ўзбекистонда ҳозирда 25 мингдан ошиқ хусусий юк автомобиллари, 85 мингдан ошиқ йўловчи транспорти мавжуд

Кейинги 4-5 йилда йўловчи ва юк ташиш соҳасида хусусий секторнинг роли ортиб бораяпти. Бугунги кунда республикада 25 мингдан ошиқ хусусий юк автомобиллари, 5 мингдан ошиқ автобуслар ва 80 мингдан ошиқ енгил автомобиллар ҳисобга олинган. Агар кунига автотранспортда 8 млн.дан ошиқ йўловчи ташилса, шундан 25-30 фоизи хусусий автомобилчилар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон транспорт тизими нафақат миллий хўжалик ривожланишида, балки минтақавий ва халқаро савдо иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда, минтақавий интеграцион алоқаларни чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Хусусан, Буюк Ипак йўлини тиклаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида қабул қилинган ТРАСЕКА дастури доирасида мамлакатимизнинг тутган ўрни юқори. ТРАСЕКА Европани Марказий Осиёга Кавказ орқали боғловчи транспорт коридори бўлиб, 1993 йил майда Брюсселда Европа Комиссиясининг ташаббуси билан қабул қилинган бу дастурда асосан Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон қатнашмокда. 1998 йилдан бу дастур фаолиятида Болгария, Молдова, Руминия, Туркия ва Украина иштирок этмокда.

ТРАСЕКА асосан тегишли йўналишларда темир йўл транспорти хизматини йўлга қўйишни мақсад қилсада, автомобил ва сув транспорти тизимини такомиллаштириш ҳам дастур таркибига киритилган. Ҳозирда ТРАСЕКА йўналишида транспорт тизимидан 50 ортиқ давлат фойдаланмокда.

Алоқа соҳаси. Ўзбекистон алоқа тизими ўз ичига почта, телефон, телеграф, радио ва телевидения, интернет ва матбуот тарқатиш соҳаларини олади. Соҳа миллий хўжалик ва ижтимоий инфратузилманинг таркибий қисми бўлиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашиш соҳани жадал ривожлантиришни тақозо

этади. Шу муносабат билан 1992 йил 13 январда "Алоқа тўғрисида"ги қонун кабул қилинган. 1997 йил Алоқа вазирлиги базасида Почта ва телекоммуникациялар Агентлиги ташкил этилди.

Алоқа соҳасининг анъанавий хизматларидан бири бу почтадир. Бугунги кунда почта корхоналари мамлакатнинг барча аҳоли пунктларида мавжуд. Бу корхоналар "Ўзбекистон почтаси" концернига бирлашган бўлиб, унинг таркибида 12 та Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар давлат почта корхоналари бирлашмалари, Тошкент халқаро почтамти, 195 та алоқа узели ва 3050 дан ортиқ алоқа бўлими мавжуд.

Республикамизнинг алоқа мажмуаси шунингдек, уяли, электр ва космик йўлдошлар орқали алоқа тизимини ҳам қамрайди.

Алоқа корхоналари учун муҳандислар асосан 5 ихтисослик бўйича Тошкент Ахборот технологиялари университети ва унинг Термиз филиалида, техниклар Тошкент алоқа коллежида ва Нукус политехникумининг алоқа бўлимида тайёрланади.

Алоқа соҳасидаги халқаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш мақсадида 1992 йили Ўзбекистон Халқаро электр-алоқа иттифоқига аъзо бўлиб кирди. Бу, айниқса, Ўзбекистоннинг телекоммуникация соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиши учун кенг йўл очди. Ўзбекистонда алоқа тармоғини жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага кўтариш учун Халқаро электр-алоқа иттифоқи мунтазам кўмак бериб келмоқда. 1992-2004 йилларда АҚШ, Япония, Германия, Индонезия, Италия, Малайзия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой мамлакатларидаги етакчи фирмалар билан Ўзбекистонда электр алоқа, жумладан, уяли алоқа тармоқларини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорлик яхши натижа бермоқда.

4.6. Ижтимоий соҳа

Ижтимоий-маданий тармоқлар мажмуаси аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи фаолият турлари мажмуидан иборат бўлиб, улар жумласига таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий хизмат кўрсатиш ва бошқалар киради. Ушбу хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш натижасида маънавий бой ва жисмоний соғлом кишиларни шакллантириш имконияти кенгаяди.

Мазкур мажмуанинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бу энг аввало, унинг ЯИМ ва жами бандлардаги улушининг ўсаётганлигида ўз аксини топади. 2004 йилда республикамиз иқтисодиёти тармоқларида банд бўлган жами аҳолининг 21,1 фоизи ижтимоий-маданий тармоқлар мажмуаси ҳиссасига тўғри келди.

Мажмуанинг ривожланиши энг аввало давлатнинг фуқаролар турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий сиёсатига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси давлат ижтимоий сиёсати соҳасига ижтимоий-маданий мажмуа тармоқлари фаолиятидан ташқари ижтимоий фаровонликни ошириш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам киради.

Республикамиз иқтисодиётида 2004 йил банд бўлган жами аҳолининг 21,1 фоизи ижтимоий-маданий тармоқлар ҳиссасига тўғри келди

Ижтимоий-маданий мажмуа тармоқларининг ҳолати миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва йўналиши, мавжуд молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. XX асрнинг 90-йилларига қадар ижтимоий-маданий мажмуа тармоқларини молиялаштиришнинг ягона манбаси давлат бюджети ҳисобланар эди. Одатда ўз даромадларига эга бўлмаган ва бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар бюджет ташкилотлари деб юритилган ва ушбу муассасаларнинг барча харажатлари махсус режа ҳужжати – **смета**га асосланган.

Ижтимоий-маданий мажмуа тармоқларини молиялаштиришнинг узоқ вакт амал қилган смета-бюджет тартиби **таълим, соғлиқни сақлаш, маданият** ва бошқа тармоқлар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Аммо бу тармоқлар асосан қолдиқ тамойили асосида молиялаштирилиб, хўжалик ҳисоби асосидаги товар-пул муносабатлари деярли ривожланмаган эди.

4.15-жадвал

Ўзбекистонда ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланган бюджет харажатлари

Кўрсаткичлар	Харажатлар млрд. сўм		Жамига нисбати %да	
	2003	2004	2003	2004
Харажатлар, шундан:	2376,9	2743,2	100,0	100,0
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	1331,4	1305,4	56,0	47,6
Жумладан:				
Таълим	623,0	753,4	26,2	27,0
Соғлиқни сақлаш ва спорт	228,7	282,2	9,6	10,3
Фан, маданият, оммавий ахборот воситалари	45,9	51,3	1,9	1,9
Ижтимоий таъминот	9,5	10,8	0,4	0,4
Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплаш	286,5	21,7	12,0	0,8
Оилаларга, шу жумладан болали оилаларга нафақалар	137,8	167,1	5,8	6,1

Республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида, худди ўтиш иқтисодиётининг бошқа мамлакатлари сингари, ижтимоий муаммоларнинг

кескинлашуви кузатилди. Бундай ҳолатда давлат ижтимоий фаолиятининг кенгайиши юз бериб, бу ушбу мақсадлар ажратилган бюджет харажатларининг ошишига олиб келди. Бугунги кунда ҳам бюджет харажатларининг катта қисми ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланмоқда.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларининг 2003 йилда 56 фоизи, 2004 йилда 47,6 фоизи ижтимоий-маданий тадбирлар ҳиссасига тўғри келган. Бундай пасайиш, энг аввало, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплашга сарфланган харажатларнинг кескин пасайганлиги билан изоҳланади. Ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланган харажатларнинг катта қисмини таълим соҳасини молиялаштиришга сарфланган харажатлар ташкил этади: агар 2003 йилда жами бюджет харажатларининг 26,2 фоизи таълим ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 27 фоизгача ўсди. Соғлиқни сақлаш ва спортга сарфланаётган харажатлар ҳам давлат бюджети харажатларининг сезиларли қисмини ташкил этади. Хусусан, 2003 йилда жами бюджет харажатларининг 9,6 фоизи соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 10,3 фоизгача ўсди.

Ўзбекистонда 2004 йилда давлат бюджети харажатларининг 47,6 фоизи ижтимоий-маданий тадбирлар ҳиссасига тўғри келди

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида инфляция ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши, бюджет тақчиллиги, аҳолининг кам таъминланган қисмини ҳимоялаш зарурияти шароитида республикамиз ҳукуматининг ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланадиган харажатлар ҳажмини камайтирмаслиги қаратилган ҳаракатлари мазкур соҳага сарфланган харажатлар динамикасида ўз аксини топди. Бундан ташқари иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган субсидияларнинг камайиши ҳам ушбу динамикага ўз таъсирини кўрсатди. Чунки, субсидиялар ҳажмининг қисқариши натижасида корхоналар ўзларига тегишли ижтимоий соҳа объектларига сарфланадиган харажатларни сезиларли даражада камайтиришга мажбур бўлди.

Бюджет томонидан молиялаштириш билан бир қаторда, ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш ва ижтимоий объектларнинг идоравий тармоғини сақлашга алоҳида вазирликлар, бирлашмалар, корхоналар ҳам сезиларли харажатларни амалга оширдилар. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида собиқ Иттифоқ доирасида шаклланган иқтисодий муносабатларнинг бузилиши корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, уларнинг ижтимоий соҳа объектларини сақлаш имкониятларини пасайтириб юборди. Натижада корхоналар ижтимоий-маданий объектларни маҳаллий ҳукумат органлари балансига ўтказиб бера бошладилар.

Мажмуанинг ривожланиши энг аввало давлатнинг фуқаролар турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий сиёсатига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси давлат ижтимоий сиёсати соҳасига ижтимоий-маданий мажмуа тармоқлари фаолиятидан ташқари ижтимоий фаровонликни ошириш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам киради.

Республикамиз иқтисодиётида 2004 йил банд бўлган жами аҳолининг 21,1 фоизи ижтимоий-маданий тармоқлар ҳиссасига тўғри келди

Ижтимоий-маданий мажмуа тармоқларининг ҳолати миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва йўналиши, мавжуд молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. XX асрнинг 90-йилларига қадар ижтимоий-маданий мажмуа тармоқларини молиялаштиришнинг ягона манбаси давлат бюджети ҳисобланар эди. Одатда ўз даромадларига эга бўлмаган ва бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар бюджет ташкилотлари деб юритилган ва ушбу муассасаларнинг барча харажатлари махсус режа ҳужжати – **сметага** асосланган.

Ижтимоий-маданий мажмуа тармоқларини молиялаштиришнинг узоқ вақт амал қилган смета-бюджет тартиби **таълим, соғлиқни сақлаш, маданият** ва бошқа тармоқлар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Аммо бу тармоқлар асосан қолдиқ тамойили асосида молиялаштирилиб, хўжалик ҳисоби асосидаги товар-пул муносабатлари деярли ривожланмаган эди.

4.15-жадвал

Ўзбекистонда ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланган бюджет харажатлари

Кўрсаткичлар	Харажатлар млрд. сўм		Жамига нисбати %да	
	2003	2004	2003	2004
Харажатлар, шундан:	2376,9	2743,2	100,0	100,0
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	1331,4	1305,4	56,0	47,6
Жумладан:				
Таълим	623,0	753,4	26,2	27,0
Соғлиқни сақлаш ва спорт	228,7	282,2	9,6	10,3
Фан, маданият, оммавий ахборот воситалари	45,9	51,3	1,9	1,9
Ижтимоий таъминот	9,5	10,8	0,4	0,4
Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплаш	286,5	21,7	12,0	0,8
Оилаларга, шу жумладан болали оилаларга нафақалар	137,8	167,1	5,8	6,1

Республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида, худди ўтиш иқтисодиётининг бошқа мамлакатлари сингари, ижтимоий муаммоларнинг

кескинлашуви кузатилди. Бундай ҳолатда давлат ижтимоий фаолиятининг кенгайиши юз бериб, бу ушбу мақсадларга ажратилган бюджет харажатларининг ошишига олиб келди. Бугунги кунда ҳам бюджет харажатларининг катта қисми ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланмоқда.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларининг 2003 йилда 56 фоизи, 2004 йилда 47,6 фоизи ижтимоий-маданий тадбирлар ҳиссасига тўғри келган. Бундай пасайиш, энг аввало, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплашга сарфланган харажатларнинг кескин пасайганлиги билан изоҳланади. Ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланган харажатларнинг катта қисмини таълим соҳасини молиялаштиришга сарфланган харажатлар ташкил этади: агар 2003 йилда жами бюджет харажатларининг 26,2 фоизи таълим ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 27 фоизгача ўсган. Соғлиқни сақлаш ва спортга сарфланаётган харажатлар ҳам давлат бюджети харажатларининг сезиларли қисмини ташкил этади. Хусусан, 2003 йилда жами бюджет харажатларининг 9,6 фоизи соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 10,3 фоизгача ўсди.

Ўзбекистонда 2004 йилда давлат бюджети харажатларининг 47,6 фоизи ижтимоий-маданий тадбирлар ҳиссасига тўғри келди

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида инфляция ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши, бюджет тақчиллиги, аҳолининг кам таъминланган қисмини ҳимоялаш зарурияти шароитида республикамиз ҳукуматининг ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланадиган харажатлар ҳажмини камайтирмасликка қаратилган ҳаракатлари мазкур соҳага сарфланган харажатлар динамикасида ўз аксини топди. Бундан ташқари иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган субсидияларнинг камайиши ҳам ушбу динамикага ўз таъсирини кўрсатди. Чунки, субсидиялар ҳажмининг қисқариши натижасида корхоналар ўзларига тегишли ижтимоий соҳа объектларига сарфланадиган харажатларни сезиларли даражада камайтиришга мажбур бўлди.

Бюджет томонидан молиялаштириш билан бир қаторда, ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш ва ижтимоий объектларнинг идоравий тармоғини сақлашга алоҳида вазирликлар, бирлашмалар, корхоналар ҳам сезиларли харажатларни амалга оширдилар. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида собиқ Иттифоқ доирасида шаклланган иқтисодий муносабатларнинг бузилиши корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, уларнинг **ижтимоий соҳа** объектларини сақлаш имкониятларини пасайтириб юборди. Натижада корхоналар ижтимоий-маданий объектларни маҳаллий ҳукумат органлари балансига ўтказиб бера бошладилар.

Кўп ҳолларда корхоналар ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланадиган харажатларни қисқартиришга ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг омили, деб қарайдилар. Бу эса, ўз навбатида ижтимоий хизматлар ҳажмининг қисқариши ва ижтимоий тангликнинг кучайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли мазкур объектларни бюджет томонидан молиялаштириш ўзининг муҳим аҳамиятини сақлаб қолади.

4.7. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий мажмуалар

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа мажмуалари билан бирга **минтақавий ижтимоий-иқтисодий мажмуалар** ҳам фаолият кўрсатади. Бу мажмуаларнинг шаклланиши алоҳида **ҳудудлар ишлаб чиқариш кучлари**нинг ривожланиши учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва омиллар мажмуининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий мажмуа республика минтақаларининг шаклланиши учун объектив асос яратувчи, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатилган кўплаб объектлар мажмуидан иборат мураккаб, динамик ривожланувчи тизимдир. **Минтақа** лотинча **"region"** сўзидан олинган бўлиб, жой, ўлка, аниқ ҳудуд каби маъноларни англатади.

Ўзбекистонда 2004 йилда бюджет харажатларининг 27 фоизи таълим, 10,3 фоизи соғлиқни сақлаш ва спорт ҳиссасига тўғри келди

Минтақа – бу маълум ҳудуд бўлиб, у бошқа ҳудудлардан қатор белгилари бўйича фарқ қилади ва ўзига хос бир бутунлик, таркибий унсурлари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлиги билан тавсифланади. Ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида минтақа ҳудудий меҳнат тақсимоти жараёнида ажралиб чиққан мамлакат ҳудудининг бир қисми бўлиб, у ёки бу товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг умумийлиги ва бошқа ҳудудларга нисбатан ўзига хослиги, хўжалигининг мажмуавий ва бутунлик характерга эга эканлиги, минтақа олдида турган вазифаларни ҳал этишни таъминловчи бошқарув органларининг мавжудлиги билан тавсифланади.

Кўп ҳолларда "минтақа"га синоним сифатида **"район"** атамаси қўлланилади. Табиий, иқтисодий ва демографик шарт-шароитларнинг алоҳида хусусиятга эга эканлиги ҳар бир минтақа хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари – ихтисослашув йўналиши, хўжаликнинг тармоқ таркиби, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Иқтисодий минтақа ёки районларга ажратиш маъмурий-ҳудудий бўлинишни ҳисобга олган ҳолда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий районлаштириш натижасида амалга оширилиши лозим. Айни вақтда мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишида иқтисодий районлаштириш муҳим ўрин тутади.

Иқтисодий район – мамлакатнинг ҳудудий яхлит қисми бўлиб, муайян ҳудудда мавжуд барча тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини ўзида бирлаштиради, тегишли ишлаб чиқариш ихтисослашувига, барқарор ички ижтимоий-иқтисодий алоқаларга эга бўлади.

Иқтисодиётни ҳудудий жиҳатдан ташкил этиш ҳудудда ишлаб чиқариш ва меҳнатни жалб этиш турларининг турли шаклларда, уйғун ҳолда фаолият кўрсатишларига асосланган ишлаб чиқариш кучлари унсурлари ўзаро таъсирининг кўп даражали тизимидир. Уларнинг минтақаларда оқилона тарзда бирлашиши табиий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади.

Ҳудудда ишлаб чиқариш кучлари унсурлари турли даражада бирлашадилар, иқтисодий алоқалар ва муносабатлар эса турли даражада локаллашади. Бу мамлакат иқтисодиётининг умумий тузилмаси таркибида бевосита такрор ишлаб чиқаришнинг минтақавий жиҳатлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ажратиш имконини беради. Ушбу муносабатлар ва алоқалар йиғиндиси **иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби**ни ташкил этиб, у шаҳар ва уларни боғловчи коммуникациялар, энг аввало, транспорт магистралларининг жойлашиши билан боғлиқ.

Хўжаликнинг ҳудудий таркиби асоси бўлиб ишлаб чиқаришни жойлаштириш ҳисобланади ва у ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва чуқурлашуви натижаси сифатида намоён бўлади.

Хўжаликнинг ҳудудий таркиби унинг тармоқ таркиби билан узвий боғлиқ, чунки, ҳар бир тармоқ, корхона ёки ишлаб чиқариш аниқ ҳудудда фаолият кўрсатади, ўзининг ҳудудий жойлашувига эга бўлади, улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар эса тармоқлар, корхоналар жойлашган минтақалар ўртасидаги алоқалар сифатида намоён бўлади.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий объект сифатида тармоқдан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Минтақанинг фарқли жиҳати шундан иборатки, унда моддий неъматлар ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига қамраб олган хўжаликнинг турли тармоқлари ўзаро бирлашади. Демак, минтақа хўжалик мажмуаси сифатида тармоққа нисбатан мураккаб тузилма ҳисобланади. Айнан минтақа доирасида иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишга мажмуавий тарзда ёндашиш мумкин.

Агар тармоқлар тор ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга асосий эътиборни қаратсалар, минтақа олдига тармоқлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланишини ўзаро боғлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни мувофиқлаштириш масалалари қўйилади.

Хўжаликнинг ҳудудий таркиби бошқа тузилмавий тавсифлар билан яқин алоқада бўлар экан, фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлар, иқтисодиёт ривожланишини макон нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва бошқаришнинг махсус усулларини талаб этувчи маълум мустақилликка эга бўлади.

Ҳудудий-хўжалик мажмуалари республика иқтисодий районларининг асоси бўлиб ҳисобланади ва у ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида шаклланади.

Ҳудудий-хўжалик мажмуаси – муайян ҳудуддаги корхоналар ва иншоотлар мажмуаси ҳисобланиб, улар бир-бири билан умумминтақавий табиий ва иқтисодий шарт-шароитлар ва ресурслардан фойдаланиш асосида ўзаро иқтисодий боғлиқ бўлади. Ҳудудий-хўжалик мажмуаларининг муҳим мезони ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма умумий тизимининг мавжудлиги ҳисобланади.

Мажмуалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, аниқ чегаралар билан ажралиб турмайди. Шу сабабли республика минтақаларининг чегаралари муайян даражада шартли бўлади. Ҳудудий-хўжалик мажмуалари мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисмидир. Айни вақтда уларга алоҳида ижтимоий-иқтисодий мажмуа сифатида қараш мумкин. Ҳар бир ҳудудий-хўжалик мажмуаси ўзаро боғлиқ унсурлар тўплами сифатида яхлит бутунликни ташкил этади, ўз таркиби ва тегишли вазифаларига эга бўлади. Ҳудудий-хўжалик мажмуасининг таркибий унсурлари моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳисобланади. Улар ўртасида маълум алоқа мавжуд бўлиб, у **ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш** ва **истеъмол** жараёнида намоён бўлади.

Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби шаклланиши кўплаб омиллар таъсирида юз беради. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва жаҳон хўжалик алоқаларида тутган ўрнига бевосита боғлиқ. Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби шаклланишига таъсир этувчи муҳим омиллар жумласига минерал – хом ашё, ёқилғи-энергетика, сув, ўрмон ва ер ресурслари, меҳнат ресурслари, иқтисодий ва илмий-техника салоҳияти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, аҳолининг жойлашиши ва бошқалар киради.

Алоҳида минтақалар турли тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар бўйича бир-биридан кескин тафовутда бўлади. Маълум ҳудуддаги ишлаб чиқариш фаолиятининг табиий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа хусусиятлари хўжалик ривожланишининг таркиби, йўналиши, суръатлари, миқёслари ва пропорцияларига фаол таъсир кўрсатади ва пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркибини шакллантиради.

Ўзбекистон иқтисодиётида минтақаларнинг тутган ўрни ва ролига баҳо бериш учун уларнинг жами аҳоли сони ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидаги салмоғини таҳлил қилиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудини иқтисодий районларга ажратиш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Айрим иқтисодчи-олимлар фикрича, республикани 6 та иқтисодий районга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Тошкент (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти);
2. Фарғона (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари);
3. Зарафшон (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари);
4. Мирзачўл (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари);
5. Жанубий (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари);
6. Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти).

Баъзи манбаларда Зарафшон иқтисодий райони Марказий, Қуйи Амударё иқтисодий райони, Оролбўйи номи билан аталади. Шу билан бирга Ўзбекистонда иқтисодий районлаштиришнинг қуйидаги таснифи кўпроқ қўлланилмоқда:

1. Тошкент иқтисодий райони;
2. Жиззах-Сирдарё иқтисодий райони;
3. Фарғона иқтисодий райони;
4. Самарқанд-Қашқадарё иқтисодий райони;
5. Бухоро-Навоий иқтисодий райони;
6. Қуйи Амударё иқтисодий райони;
7. Сурхондарё иқтисодий райони.

4.16-жадвал

Ўзбекистон иқтисодий районлари ривожланиш даражасининг қиёсий тавсифи (2004 йил)

Жамига нисбатан фоизда

	Ҳудуди	Аҳоли сони	Иқтисодиётда банд бўлганлар	ЯИМ	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Асосий воситаларга инвестициялар	Қурилиш ишлари
Ўзбекистон Республикаси	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Иқтисодий районлар								
Тошкент	3,5	17,8	21,1	23,6	27,7	11,7	35,7	28,3
Фарғона	4,3	30,2	27,6	19,5	21,9	26,7	11,3	15,9
Жиззах-Сирдарё	5,7	6,6	6,0	5,1	2,6	10,3	4,5	3,9
Самарқанд-Қашқадарё	11,8	20,1	18,3	13,4	13,2	21,1	19,2	16,8
Бухоро-Навоий	31,8	8,9	10,3	11,6	19,3	12,0	12,5	17,4
Қуйи Амударё	38,3	11,5	5,6	6,2	3,0	9,3	11,5	11,0
Сурхондарё	4,6	7,3	6,4	4,8	2,2	8,9	4,7	5,6

Тошкент иқтисодий райони ўз ичига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини олиб, иқтисодий ривожланиш даражасининг нисбатан юқорилиги, минерал – хом ашё ресурсларига бойлиги, аҳолининг зич жойлашганлиги, қулай иқтисодий-географик ҳолати, пойтахт минтақаси мақоми билан ажралиб туради. Тошкент минтақасининг майдони 15,6 минг кв.м. бўлиб, республика ҳудудининг 3,5 фоизини ташкил этади. 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, минтақада 4 млн. 577 минг киши ёки мамлакат аҳолисининг 17,8 фоизи истиқомат қилади.

2004 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМ нинг 23,6 фоизи, саноат маҳсулоти ҳажмининг 27,7 фоизи Тошкент иқтисодий райони ҳиссасига тўғри келди

Қишлоқ хўжалиги сертармоқ (пахтачилик, дончилик, канопчилик, пиллачилик, шаҳар атрофи боғдорчилиги, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқалар) ва ривожланган.

Тошкент иқтисодий райони саноати ривожланган минтака ҳисобланади. Саноатнинг ривожланиш даражаси мамлакат ўртача кўрсаткичидан икки марта юқори. 2004 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 23,6 фоизи, саноат маҳсулоти ҳажмининг 27,7 фоизи, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 11,7 фоизи, асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг 35,7 фоизи, қурилиш ишларининг 28,3 фоизи Тошкент иқтисодий райони ҳиссасига тўғри келди. Бундан ташқари, республика ташқи савдо айланмасининг 52,9 фоизи, мамлакатда ишлаб чиқарилган истеъмол моллларининг 31,8 фоизи, чакана савдо айланма ҳажмининг 30,5 фоизи ушбу иқтисодий район ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда машина ва ускуна-жиҳозларнинг 70 фоизини ишлаб чиқарадиган машинасозлик мажмуаси мазкур иқтисодий районда ривожланган. Ушбу район мамлакатда қора ва рангли металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон металлургия комбинатида қора металлар прокати 100 фоиз, Олмалиқ металлургия комбинатида мис ва рухнинг асосий қисми, кўмир қазиб чиқариш (96,6 фоиз), асосий кимё ва органик синтез кимёвий маҳсулотлари (минерал ўғитларнинг 39,4 фоизи, хом ашё – этил спиртининг 36,2 фоизи), кўпгина қурилиш материаллари ва конструкциялар (цементнинг 40 фоизи, шиферннинг 58,6 фоизи, линолеумнинг 100 фоизи, дераза ойнасининг 23,8 фоизи) ишлаб чиқарилади.

Район қудратли қурилиш базаси, зич транспорт тармоғига эга, мамлакатнинг илмий-лойиҳа ва конструкторлик салоҳияти, кадрлар тайёрлаш бўйича муассасаларнинг асосий қисми шу районда жойлашган.

Фарғона иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларини ўз ичига олади. Майдони 19,2 минг кв. км га тенг бўлиб, бу республика ҳудудининг 4,3 фоизини ташкил этади. 2005 йил бошида иқтисодий районда 7802,6 минг киши истиқомат қилиб, бу мамлакат аҳолисининг 30,2 фоизини ташкил этади.

Фарғона иқтисодий районида ер-сув ва минерал – хом ашё ресурслари ғоят чекланган, аммо минтақа меҳнат ресурсларига бой ва мамлакат аҳолисининг энг зич жойлашган ҳудуди ҳисобланади. Районни ривожлантиришнинг асосий йўналиши мавжуд қишлоқ хўжалиги хом ашёси (пахта, мева, сабзавот, пилла)га мўлжалланган меҳнатталаб ишлаб чиқариш тузилмасини барпо этишдан иборат. Қишлоқ хўжалиги асосан пахтачиликка ихтисослашган (ялпи пахта ҳосилининг 26 фоизи). Районда ипакчилик, кимё саноати (минерал ўғитлар ишлаб чиқариш), нефтни қайта ишлаш (Фарғона, Олтиарик), бутун Марказий Осиёда ягона бўлган, енгил автомобиль ишлаб чиқарадиган "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон аҳолисининг 30,2 фоизи Фарғона иқтисодий райони ҳиссасига тўғри келади. Аҳоли зичлиги бўйича минтақа нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲда биринчи ўринни эгаллайди

2004 йилда Фарғона иқтисодий райони Ўзбекистон ЯИМ ҳажмининг 19,5 фоизи, саноат маҳсулоти ҳажмининг 21,9 фоизини ишлаб чиқарди ва бу кўрсаткичлар бўйича Тошкент иқтисодий районидан кейин иккинчи ўринда туради. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида районнинг салмоғи 26,7 фоизга тенг. Бу кўрсаткич бўйича иқтисодий районлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, минтақага чакана савдо айланма ҳажмининг 32 фоизи, ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 30,2 фоизи, қурилиш ишларининг 15,9 фоизи, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 11,3 фоизи ҳамда республика ташқи савдо айланмасининг 12 фоизи тўғри келди.

Жиззах-Сирдарё иқтисодий райони республиканинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, у маъмурий жиҳатдан Жиззах ва Сирдарё вилоятларини ўз ичига олади. Майдони 25,6 минг кв. км га тенг бўлиб, республика ҳудудининг 5,7 фоизини ташкил этади. 2005 йил бошида минтақада 1706.5 минг киши ёки мамлакат аҳолисининг 6,6 фоизи истиқомат қилди.

Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш муносабати билан бу район жадал ривожланди ва муайян хўжалик мустақиллигига эга бўлди. Мамлакатда пахта етиштирувчи йирик район ҳисобланади (ялпи ҳосилнинг 25 фоизи). Район саноати шаклланиш босқичида, унинг тузилмасида пахта тозалаш саноати ва иссиқлик энергетикасининг ҳиссаси катта. Жиззах чўлини янада ўзлаштириш район ривожининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Саноат-фуқаролик қурилиши учун ер ресурсларининг кўплиги, қулай иқтисодий-географик ва транспорт шароитлари, Тошкент, Фарғона, Самарқанд-Қашқадарё иқтисодий районларига қўшнилиги бу ерда ишлов берувчи саноат корхоналарини жойлаштириш, аҳолини зич жойлашган ҳудудлардан кўчириб келтириш, истиқболда эркин иқтисодий зона барпо этиш имкониятларини беради.

2004 йил минтақа Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 5,1 фоизини, саноат маҳсулоти ҳажмининг 2,6

фоизини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 10,3 фоизини, асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг 4,5 фоизини, қурилиш ишларининг 3,9 фоизини берди.

Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 4 фоизи, чакана товар айланма ҳажмининг 4,2 фоизи ҳамда республика ташқи савдо айланмасининг 2,2 фоизи ушбу минтақа ҳиссасига тўғри келади.

Самарқанд-Қашқадарё иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини ўз ичига олиб, мамлакатнинг марказий қисмида жойлашган. Минтақанинг майдони 52,9 минг кв км га тенг бўлиб, мамлакат ҳудудининг 11,8 фоизини ташкил қилади. Аҳолиси 2005 йил бошида 5203 минг кишини ташкил этиб, бу республика аҳолисининг 20,1 фоизига тенг.

Ўзбекистонда қазиб олинадиган нефтнинг 95 фоизи, табиий газнинг 95,8 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади

Иқтисодий район ҳудудидаги тоғли ва тоғолди адирликларида қадимий ламмикор деҳқончилик, боғдорчилик ривожланган (жами ламмикор ерларнинг 1/3 қисми шу районга тўғри келади), илгари қоракўл қўйлари боқилган чўл зонасида пахтачилик жадал ривожланмоқда. Район қаттиқ буғдой навлари, зиғир, беда каби экинлар, узум, майиз, мевалар, эртаги сабзавотлар етиштирувчи асосий ҳудудлардан бирига айланди. Район таркибида, Қарши чўлини ўзлаштириш негизида, ингичка толали пахтачилик базаси бўлиб қоладиган Қашқадарё ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуаси шаклланмоқда. Районда газ (Шўртангаз мажмуи, Муборак газни қайта ишлаш заводи), кимё саноати, машинасозлик, металлга ишлов бериш каби саноат тармоқлари жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда қазиб олинадиган нефтнинг 95 фоизи, табиий газнинг 95,8 фоизи шу район ҳиссасига тўғри келади.

2004 йилда минтақа Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг 13,4 фоизини, саноат маҳсулоти ҳажмининг 13,2 фоизини, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 21,1 фоизини, асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг 19,2 фоизини, қурилиш ишларининг 16,8 фоизини яратди. Шунингдек, минтақага республика ташқи савдо айланмасининг 4,9 фоизи, чакана савдо айланма ҳажмининг 14,8 фоизи тўғри келди.

Бухоро-Навоий иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан Бухоро ва Навоий вилоятларини ўз ичига олиб, Қизилқум чўлида жойлашган. Минтақанинг умумий майдони 142,1 минг кв. км га ёки республика ҳудудининг 31,8 фоизига тенг ва бу кўрсаткич бўйича Қуйи Амударё минтақасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. 2005 йил бошида минтақа ҳудудида 2305,3 минг киши ёки республика аҳолисининг 8,9 фоизи истиқомат қилди.

Район асосан газ, нефть, рангли ва қимматбаҳо металлар, қурилиш материаллари учун хом ашё ва бошқа минерал захираларни қазиб олиш негизида ривожланмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий, Зарафшон

(Мурунтов), Учқудуқ, Тасқазған, Газли саноат боғламларида олтин қазиб олиш саноати, рангли металлургия, кимё (минерал ўғитларнинг 44 фоизи), газ, қурилиш материаллари (цементнинг 40,3 фоизи), саноати корхоналари республика иқтисодиётида салмоқли ўринга эга. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик, қоракўлчилик ва район ички эҳтиёжларини қондирадиган мева-сабзавотчилик асосий тармоқлар ҳисобланади. Аму-Бухоро канали билан суғориш имкониятлари бу районда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятларини беради.

2004 йилда минтақа Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг 11,6 фоизини, саноат маҳсулоти ҳажмининг 19,3 фоизини, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 12,0 фоизини, асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг 12,5 фоизини, қурилиш ишларининг 17,4 фоизини яратди. Шунингдек, минтақага республика ташқи савдо айланмасининг 10,3 фоизи, чакана савдо айланма ҳажмининг 8,1 фоизи тўғри келди.

Қуйи Амударё иқтисодий районида Ўзбекистоннинг 38,3 фоиз ҳудудини эгаллайди ва бу кўрсаткич бўйича республикада биринчи ўриндадир

Қуйи Амударё иқтисодий райони Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, у ўз таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини олади. Минтақа ҳудуди республика майдонининг 38,3 фоизини эгаллаб, у 171,2 минг кв. км ни ташкил этади. 2005 йил бошида минтақада 2984 мингдан зиёд киши истиқомат қилди. Бу мамлакат аҳолисининг 11,5 фоизига тўғри келди.

Қуйи Амударё иқтисодий райони қадимий суғорма деҳқончилик минтақасида жойлашган. Районда, айниқса, Устюртда 200 дан ортиқ фойдали қазилма конлари (табиий газ, темир рудаси, фосфоритлар, ош тузи ва бошқалар) топилган. Бу ҳудудда пахтачилик билан бир қаторда шоличилик, полизчилик, уруғлик беда, сабзавотчилик ривожланган. Бой минерал – хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланиш асосида яқин истиқболда икки саноат райони ва бир қатор саноат боғламлари пайдо бўлади. Орол денгизининг қуриб бориши ва Оролбўйининг саҳрога айланиши жараёнлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ҳудудни ривожлантириш истиқболларини қўшни Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти билан мувофиқлаштирилган ҳолда ҳал этишни талаб этади.

2004 йилда минтақа Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг 6,2 фоизини, саноат маҳсулоти ҳажмининг 3,0 фоизини, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 9,3 фоизини, асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг 11,5 фоизини, қурилиш ишларининг 11,0 фоизини яратди. Шунингдек, минтақага республика ташқи савдо айланмасининг 2 фоизи, чакана савдо айланма ҳажмининг 6,6 фоизи тўғри келди.

Сурхондарё иқтисодий райони Ўзбекистоннинг энг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, маъмурий жиҳатдан

Сурхондараё вилоятини ўз ичига олади. Минтақа майдони 20,8 минг кв. км. ни ташкил этади. Бу республика майдонининг 4,6 фоизига тенг. Минтақада 2005 йил бошида 1878,6 минг киши ёки республика аҳолисининг 7,3 фоизи истиқомат қилди.

Районнинг ўзига хос географик ҳолати (деярли ҳамма томони тоғлар билан ўралган) унинг иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатган. Район иқлими субтропикларга яқин бўлганлиги сабабли район ингичка толали пахта, субтропик мевалар, эртаги сабзавот етиштиришга ихтисослашган. Саноати кўмир (Шарғун тошкўмир кони), нефть ва газ қазиб олиш (маҳаллий истеъмол учун) асосида ривожланган. Сурхон-Шеробод чўлида янги ерларни ўзлаштириш асосида бу ҳудудларни ингичка толали пахтачилик, экспорт йўналишидаги субтропик мевачилик ва эртаги сабзавотчилик ривож топди. Аниқланган фойдали қазилма конларини ўзлаштириш бу ҳудудда кон саноатини ва рангли металлургияни ривожлантириш имкониятларини яратади. Ходиза, Шарғун-Сариосиё (рангли металлар, кўмир, қурилиш материаллар), Бойсун (тошкўмир, табиий газ, қурилиш материаллари) саноат боғламлари шаклланади. Термиз шаҳрида ва туман марказларида асосан енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ривожланган.

2004 йилда минтақа Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг 4,8 фоизини, саноат маҳсулоти ҳажмининг 2,2 фоизини, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,9 фоизини, асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг 4,7 фоизини, қурилиш ишларининг 5,6 фоизини яратди. Шунингдек, минтақага республика ташқи савдо айланмасининг 2,0 фоизи, чакана савдо айланма ҳажмининг 5,2 фоизи тўғри келди.

БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. Бозорга ўтишнинг ўзбек модели

Иқтисодий тараққиёт модели (франц. modele - ўлчов, намуна) мамлакат иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг стратегияси, мақсадлари, умумий тамойиллари ифодаланган назарий қарашлар мажмуидир.

Иқтисодий тараққиёт модели тушунчаси XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлди. Бу даврга келиб кўпчилик собиқ мустамлака мамлакатлар ўз мустақиллигига эришиб, миллий давлат қуриш йўлига ўтган эдилар. Бу вақтда асосий 3 йирик тараққиёт йўли бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар бор эди (капиталистик, социалистик йўналиш). XX асрнинг охирларига келиб бирон-бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини қатъий қабул қилинган қоидалар доираси билан чеклаб туриш мумкин эмаслиги, тараққиёт йўллари (моделлар) анча кенг кўлам ва мақсадга эгалиги, улардан бирини танлашда ҳар бир мамлакат ўз ички шарт-шароитларидан келиб чиқмоғи зарурлиги маълум бўлди.

Иқтисодиёт назариясида айрим олимлар иқтисодий тараққиёт моделини давлат тузуми деса, бошқалар ижтимоий-иқтисодий формация, учинчилари эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ белгиланган йўли, деб ҳисоблайди. Иқтисодий тараққиёт модели иқтисодий муносабатларнинг кенг миқёсли тизими бўлиб, у ҳуқуқий, маъмурий ҳамда хўжалик механизмлари орқали бошқарилади. Бундай муносабатларнинг субъекти мулк эгалари, хўжалик фаолияти иштирокчилари, уюшмалар, давлат ва хусусий сектор, мамлакат доирасидаги минтақа ва тармоқлар ҳисобланади. Албатта, иқтисодий тараққиёт моделига ахлоқ ва дунёқараш, менталитет, турмуш тарзи, маданият каби ижтимоий меъёрлар ўз таъсирини маълум даражада ўтказади.

Иқтисодий тараққиёт модели глобал ва миллий характерда бўлади. Ҳозирги вақтда тараққиётнинг бир қатор типик глобал моделлари шаклланган. Улар орасида Осиё, Европа, Лотин Америкаси, Осиё-Тинч океани, Африка ва постсовет иқтисодий тараққиёт моделларини кўрсатиш мумкин. Улар ички тараққиёт омиллари, шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш тузилмаси ва бошқа жиҳатлари билан бир-биридан тубдан фарқланади. Мисол учун **осиё тараққиёт модели** жамоанинг кучли позицияси ва диний омилга асосланган бўлиб, бу моделда ундирувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги асосий ўринда турса, **европача моделда** иқтисодий тараққиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусий ташаббуснинг юқори даражада ривожланганлиги, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва солиқ ундиришнинг шароитга мосланувчан тизими, жамиятнинг технократик йўналиши, ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори ҳиссаси кўзга ташланади. **Лотин Америкаси модели** хом ашё тамойилига қурилган бўлиб, ундирувчи саноат тармоқларининг ривожланганлиги, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги,

хуфёна наркокапиталнинг юқори ҳиссаси, экспортнинг паст, товар ва хизматлар импортининг эса юқори даражаси, иқтисодиётда майда товар ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражаси билан тавсифланади. 70-80-йилларда шаклланган **Осиё-Тинч океани моделининг** типик хусусияти – юқори технологияга эгалиги, табиат ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш илмий базасининг ривожланганлигидир. **Африка иқтисодий тараққиёт модели** типик хом ашё йўналиши, иқтисодиётда паст унумдорлик даражаси, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, аҳоли турмушининг паст даражаси, инфратузилманинг ривожланмаганлиги, уруғчилик, қабилалар ўртасидаги урушлар, ижтимоий-сиёсий беқарорлик билан тавсифланади.

Постсовет иқтисодий тараққиёт модели асосан МДҲ мамлакатларига хос бўлиб, уларни ишлаб чиқариш технологиясининг умумий хусусияти, ягона андозалар, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг умумий вазифалари бирлаштиради. Собиқ Иттифоқ республикаларининг 70 йилдан ортиқ бирга бўлиши иқтисодий муносабатларнинг якинлашувига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ва ҳатто, унинг ўрталарига келиб ҳам бу мамлакатлар ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпроғи МДҲга тўғри келар эди. Аммо, кейинчалик бу тенденция миллий тараққиёт моделларида етакчи ўринни эгаллай олмади. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида саноати ривожланган мамлакатлар биринчи даражага кўтарилди.

90-йилларнинг бошида Ўзбекистоннинг олдида бир қатор стратегик ривожланиш йўллари пайдо бўлган эди. Уларни 4 йўналиш – хом ашё, аграр, индустриал, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича гуруҳлаш мумкин. Улардан ҳар бири республика учун реал иқтисодий тараққиёт модели бўлиши мумкин эди. Аммо, хом ашё йўлини танлаш табиий бойликларнинг янада талон-тарож қилиниши, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси, саноатнинг ундирувчи тармоқларига зўр беришга олиб келарди. Собиқ Иттифоқ ихтисослашуви бу йўналишни келтириб чиқарган эди.

Аграр иқтисодий тараққиёт модели агросаноат мажмуи (АСМ) тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилиб, аҳолининг асосий қисмини қишлоқ хўжалик билан банд қилишга олиб келар эди. Индустриал иқтисодий тараққиёт моделининг самарадорлиги Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси билан тасдиқланган. Тараққиётнинг хизмат кўрсатиш йўналиши ҳам Ўзбекистонга қўл келиши мумкин эди. Бу йўлдан бораётган Европа мамлакатларида ЯИМнинг 67-70 фоизи шу соҳада яратилади. Баъзи мамлакатларда туризм ЯИМнинг 25 фоизини ҳосил қилади.

Ўзбекистонда юқорида саналган моделлардан бирортасидан воз кечилмади, балки иқтисодий тараққиёт

моделини шакллантиришда улардан фойдаланилди. Бой табиат ресурслари, уни қайта ишлаш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш чел эл инвестицияларини киритиш имконини бермоқда. АСМ ривожланиши қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга олиб келмоқда. Қишлоқда мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан зиёдроғи яшайди. Индустриал тараққиёт иқтисодиётни экспортга, импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришга ундамоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси бозор ислоҳотларининг ижтимоий йўналишини кучайтиради. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт модели халқнинг тарихий тажрибаси, анъанавий маданияти билан белгиланган. Чунки, исломнинг хусусияти шундаки, у фақатгина дин эмас, балки унга сиғинадиган халқларнинг турмуш тарзидир. Шунинг учун ҳам 70 йилдан ортиқ давр мобайнида ташқаридан тиқиштирилган "совет турмуш тарзи" бу ерда кенг томир отмади.

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан тажрибадан ўтган у ёки бу иқтисодий тараққиёт моделини қабул қилиши лозим, деган фикр юрар эди. Ҳатто турк ёки хитой моделларини қабул қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мамлакатга ўз йўли, ўз тараққиёт модели зарурлигини кўрсатди. Ўзбекистон раҳбари илгари сурган туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг 5 тамойили – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат бош ислоҳотчилиги, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш-ўзбек моделининг асосини ташкил этади.

Қисқа вақт ичида иқтисодий тараққиётнинг ўзбек модели ўзининг ҳаётийлигини кўрсатди. Ўзбекистон иқтисодиёти учун 1995 йилда кескин бурилиш йили бўлди. Шу йили саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ислоҳотгача давр даражасига тўла эришилди. ЯИМнинг пасайиши сезиларли секинлашди. 1996 йилдан бошлаб эса ЯИМ ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий тенденцияси давом этмоқда: 2001 йилда ЯИМ 4,5 фоизга ўсди, саноат маҳсулоти ҳажми 8,1, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 4,5, қурилиш ишлари 3,3, чакана товар айланмаси 9,5 фоизга ўсди. Ўзбек модели ҳали ўтиш даврининг бошидаёқ кўп укладли, аралаш, ташқи бекарорлаштирувчи омиллардан ҳоли бўлган миллий бозор иқтисодиётининг шаклланишини таъминлади. ЯИМ ишлаб чиқариш суръатларининг биринчи марта аҳоли ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилди, ЯИМ таркибида жамғариш, инвестициялар нисбатларида юқори сифат ўзгаришлари таъминланди.

Ўзбек иқтисодий тараққиёт моделининг бош мақсади– озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашдан иборат.

5.2. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни

Бозор иқтисодиётига ўтиш, энг аввало, бозор муносабатларининг узвий қисми бўлган, иқтисодий жиҳатдан мустақил ва маъсулиятли товар ишлаб чиқарувчилар қатламини шакллантиришни кўзда тутади. Иқтисодиётда мутлақ давлат мулки устуворлик қилган шароитда уни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишдек мураккаб ва кенг қамровли вазифа, фақатгина турли тармоқ корхона ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Давлат мулки шаклида бўлган корхона, ташкилот ва мулк объектларини мулкнинг бошқа шаклларига (ҳиссадорлик, жамоа, кооператив, хусусий, аралаш) ўтказилиши мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини билдиради.

Давлат мулкининг ҳақ тўлаш йўли билан ёки ҳеч қандай тўловларсиз, ёки имтиёзли равишда хусусий мулкка ўтказилиши хусусийлаштиришни билдиради.

Ўзбекистон Республикасида мулкларнинг мавжуд шакллари мамлакат Конституциясининг 53-моддасида белгилаб берилган бўлиб, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан муҳофаза этилиши таъкидланган. Унга кўра, "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат ...барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир".[1]

Конституциянинг 55-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистонда "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир..." ва хусусийлаштириш жараёнидан истиснодир.[2]

Ўзбекистонда мулкни ислоҳ қилиш ва кўп укладли иқтисодиётни барпо этишда, энг аввало, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели хусусиятларига ва мамлакат аҳолисининг менталитети, ижтимоий психологияси ва маданий анъаналарига таянган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Натижада Ўзбекистонда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг бошқа давлатлардан, жумладан, аксарият МДҲ мамлакатлари амалиётларидан фарқли хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топди:

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -.Т:"Ўзбекистон", 2003 11-бет.
[2] Ўша жойда, 12-бет.

– мамлакатда чекли хусусийлаштириш амалиётидан воз кечиш;

– давлат мулкини бошқа мулк шаклига ўзгартиришда уни фақатгина янги мулк эгасига сотиш;

– хусусийлаштиришда дастурли ёндашиш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш;

– мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатларни яратиш ва таъминлаш;

– фаолият кўрсатиб турган ишлаб чиқариш ва бошқарув таркибларини бўлаклаш ва монополиядан чиқариш.

Мамлакатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишнинг ҳуқуқий-меъёрий таъминоти сифатида "Мулк тўғрисида"ги ва "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдо ва умумий овқатланиш корхона ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этишнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди.

Мамлакатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишнинг бош ташкилотчиси бўлган давлат жараёнга дастурли ёндашишни таъминлаб берди. Унга кўра, 1994 йилнинг бошланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш Давлат дастури"ни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Мазкур Давлат дастури мамлакатда хусусийлаштириш жараёнларининг истиқболлари ва унинг стратегик мақсадларини белгилаб берди. Хусусийлаштиришнинг тактик (қисқа муддатли) мақсадлари эса давлат дастуридан келиб чиқиб ишлаб чиқилган тармоқ ва минтақавий дастурларда ўз аксини топди.

Ўзбекистонда мулкни тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари изчиллик билан олиб борилди ва бир нечта босқичдан иборат бўлди.

5.1-диаграмма

Давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг илк босқичлари йилларидаги маълумот

Биринчи босқич 1992-1993 йилларни қамраб олди ва унда хусусийлаштириш жараёнлари фаол амалга

оширилди. Мазкур босқичда давлат уй-жой фонди, савдо, хизмат кўрсатиш тизими, маҳаллий, енгил ва озиқ-овқат саноати, автомобиль транспорти, қурилиш тизимларидаги майда корхоналарни хусусийлаштириш амалга оширилди. Мамлакат иқтисодиётида аграр соҳанинг эгаллаган муҳим аҳамияти ва аксарият аҳолининг қишлоқ жойларида истиқомат қилиш хусусиятидан келиб чиқиб, ислоҳотлар аввало қишлоқ хўжалигида амалга оширилди. Бу эса, ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун етарли иқтисодий пойдеворни мустаҳкамлади ва мамлакатдаги ижтимоий муҳитнинг яхшиланишига олиб келди. Натижада, илгари давлат мулкида бўлган уй-жой фондлари ва майда корхоналар асосан, хусусий ва жамоа мулки шаклларига ўтди. Илгари аксарияти (95 %) юридик мақомга эга бўлмаган 52268 та янги, нодавлат мулкдорлар қатлами яратилди.

Иккинчи босқич 1994-1995 йилларни қамраб олди ва бу даврда ялпи хусусийлаштириш амалга ошди. Иккинчи босқичда давлат назорати шарт бўлмаган тармоқлар деб белгиланган енгил саноат, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларидаги ўрта ва йирик корхоналар оммавий тарзда хусусийлаштириш жараёнларига жалб қилинди. Давлат дастурига кўра, иккинчи босқичда тармоқ ва минтақа аҳамиятидаги 50 мингдан ортиқ ўта муҳим объектларни хусусийлаштириш кўзда тутилган эди. Ушбу даврда кичик корхоналар хусусий мулкка айлантирилган бўлса, ўрта ва йирик корхоналар очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Ҳиссадорлик корхоналари акцияларининг пакетлари тўрт қисмга ажратилиб, меҳнат жамоасига 25 фоиз, давлат ихтиёрида 26 фоиз, эркин савдога 30 фоизи, турдош корхоналарга 10 фоизи ва чет эл инвесторига 10 фоиз нисбатларда сотиш амалга оширилди. Шунингдек, қисқа даврда 70 мингдан ортиқ кичик корхоналар ташкил этилди ва рўйхатга олинди. Мулкдорлар қатлами янада кенгайиб, улар сафига хусусийлаштирилган корхоналарнинг 2 млн. дан ортиқ акция, улуш ва пай эгалари, 3 млн.га яқин шахсий томорқа хўжаликлари эгалари, 85 мингга яқин хусусий ва кичик корхоналар эгалари ва 14 минг кўчмас мулк эгалари қўшилди.

Учинчи босқичда, яъни 1996-1998 йилларда назорат пакетлари давлат мулки шаклида сақланиб келаётган йирик корхона ва тармоқларни ислоҳ қилиш белгиланган эди. Мазкур босқичда Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан хусусийлаштириш жараёнига жалб этилмайдиган объектларнинг рўйхати белгиланди. Уларга сувдан фойдаланиш объектлари, мелиорация тармоқлари, музейлар, санэпидстанциялари, стратегик ва ҳарбий аҳамиятдаги нобюджет жамғармалари киритилди. Ушбу

рўйхатдан ўрин олмаган барча корхона ва объектлар (жами 3146 та) учинчи босқичда хусусийлаштирилиши шарт эди.

Тўртинчи босқичда (1998 йилнинг охиридан) хусусийлаштиришдан тушган маблағларни давлат бюджетига сафарбар этиш, хусусийлаштирилаётган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бошқарувнинг самарадорлигини ошириш ва янги мулкий муносабатларнинг тўлиқ амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш асосий вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Натижада, бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик индустрия гигантлари, ёқилғи-энергетика, кимё ва машинасозлик мажмуаларининг ёрдамчи корхоналарини йирик хориж инвесторларини жалб қилиш асосида хусусийлаштириш жараёнлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар миқдори ўзгаришида кейинги йилларда ижобий тенденция кузатилмоқда. Жумладан, хусусийлаштириш жараёнидан тушган маблағлар 2002 йилда 43,6 млрд. сўмни, 2003 йилда 56,1 млрд. сўмни ва 2004 йилда 78,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хорижий инвесторларга сотилган корхоналардан тушган маблағ 2004 йилда 24,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди

Хорижий инвесторларга сотилган корхоналардан тушган маблағ 2004 йилда 24,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 49,8 фоизга ўсди. Бундан ташқари хорижий инвесторларга сотилган 17 та давлат активлари бўйича корхонларни ривожлантириш мақсадларида янги мулк эгалари томонидан 24,7 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш мажбуриятлари ҳам олинди.

1992-2004 йиллар давомида босқичма-босқич олиб борилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида умумий ҳисобда 130 мингга яқин юридик шахслар мулк ва хўжалик юритиш шаклларини ўзгартирдилар. Жумладан, уларнинг 77 мингдан ортиғи юридик мақомда бўлиб, улар базасида 50 мингдан ортиқ турли мулк шаклида бўлган корхоналар яратилди. 2004 йилда биржа, ким ошди савдоси ва танлов орқали 70 мингга яқин давлат мулки объектлари, шундан мулк, мулк ҳуқуқлари (ерга бўлган), акция пакетлари кўринишида 1841 донаси сотилди.

1992-1993 йиллар давомида давлат мулкида бўлган объектларнинг 70 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган бўлса, ислоҳотларнинг мантиқий ривожига кўра, кейинги йилларда хусусийлаштириш жараёнига жалб қилинмаган корхоналар сони муттасил камайиб борди. Жумладан, 1994-1995 йилларда уларнинг улуши 24 фоизни, 1996-1998 йилларда 5 фоизни ва 1999-2004 йилларда 1 фоиздан кам бўлди. Натижада нодавлат секторининг ташкилий-иқтисодий жиҳатдан иқтисодиётдаги улуши 2004 йилга келиб 90 фоиздан ошди.

5.1-жадвал

Давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг якуний босқичи кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Хусусийлаштирилган корхоналар сони	374	1449	1972	1519	1228
Хусусийлаштирилган мулк асосида ташкил этилган давлат мулкида бўлмаган корхоналар сони	327	1238	1800	1452	1228
Ҳиссадорлик жамиятлари сони	152	227	223	75	28
Маъсулияти чекланган жамиятлар сони	117	184	325	396	162
Хусусий корхоналар сони	103	827	1252	981	1038
Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар (млрд. сўм)	14.3	23.2	43.6	56.1	78.4

1992–2004 йиллар давомида 130 мингга яқин хўжалик юритиш субъектларининг мулк шакллари ўзгартирилди

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилган хусусийлаштириш бозор иқтисодиётида катта салоҳиятга эга бўлган мулкдорлар синфини яратиш билан бирга малакали бошқариш кўникмаларига эга бўлган кадрларни тайёрлаш имконини берди. Натижада хусусийлаштиришнинг сўнгги босқичида давлат тасарруфидан чиқарилиши режалаштирилган ва асосан ўзак тармоқларда жойлашган йирик корхоналар мулкини тубдан ислоҳ қилиш учун етарли тажриба тўпланди.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Давлат дастурига кўра, яқин истиқболда Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши белгилаб берилган:

– хусусийлаштиришда асосий эътиборни миқдор кўрсаткичларига эмас, унинг сифат кўрсаткичларига қаратиш. Бунда тармоқларни чуқур реструктуризациялаш ва корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш;

– мулки ислоҳ қилиниши кўзда тутилган корхоналарни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хусусийлаштиришнинг турли восита ва усулларини кенгайтириш. Бунда биринчи навбатда, корхоналарнинг тармоқ ва минтақавий хусусиятлари, хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг мулкини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, уларни тендер асосида сотиш кўзда тутилган;

– тадбиркорликни изчил қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш. Бунинг учун корхоналарни санациялаш ва реструктуризациялашни амалга ошириш, шунингдек, зарар билан ишловчи корхоналарни тугатиш чора-тадбирларини олиб бориш кўзда тутилади;

– аҳолининг кенг қатламларини ҳиссадорлик жамиятларини яратиш жараёнига жалб қилиш ва мамлакат фонд бозорини янада ривожлантириш.

5.3. Рақобат муҳитини шакллантириш

Рақобат муҳитини шакллантириш, хўжалик юритиш фаолиятида монополизм ҳолатининг олдини олиш бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодиётни самарали ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири ҳисобланади.

Рақобат ва монополия тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор муносабатларининг туб белгиларидир. Рақобат ва монополия ягона бир жараённинг қарама-қарши томонларидир. Рақобат бозорларда турли шаклларда намоён бўлади ва турли усулларда олиб борилади. Одатда **тармоқ ичидаги рақобат** (турдош товарлар ўртасида) ва **тармоқлараро рақобат** (турли тармоқлар товарлари ўртасида) шаклларига бўлинади.

Рақобат амал қилиш шарт-шароитларига қараб такомиллашган рақобат, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополия турларига ажралади.

Соф рақобат кўплаб сотувчи ва харидорлар иштирок этувчи ва ўхшаш (стандарт) товар сотиладиган соҳа фаолиятларида мавжуд бўлади. Ўхшаш товарнинг кўплаб сотувчи ва харидорлари мавжудлиги эса уларнинг товар нархига таъсир кўрсатиш имкониятларини бермайди.

Соф монополия соф рақобатнинг тескари ҳолатидир. Бу ҳолатда бозорда ягона сотувчи фаолият кўрсатади ва ишлаб чиқарилаётган товарнинг ўрнини босувчилари бўлмайди. Натижада, товар нархини белгилашда ишлаб чиқарувчи товар нархига таъсир кўрсатишнинг мутлақ имкониятига эга бўлади.

Иқтисодиётда шунингдек, **"табиий монополиялар"** тушунчаси қўлланилади. Табиий монополиялар иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, транспорт, алоқа, коммунал хўжалиги соҳаларида кенг тарқалган бўлиб, одатда, бундай корхоналар давлат мулки шаклида ёки давлат назорати остида фаолият олиб боради. Ҳозирги даврда иқтисодиётда табиий монополиялар фаолият кўрсатишининг асосий сабабларидан бири соҳада рақобат муҳити яратишнинг иложи йўқлиги ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигидир. Табиий монополиялар фаолиятларини тартибга солиш, энг аввало, тегишли товар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари манфаатларининг мутаносиблигига эришиш, корхонанинг иқтисодий асосланган харажатлари тўлиқ қопланишини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мос равишда инвестициялаш шарт-шароитларини яратишдан иборатдир.

Монополистик рақобат, (турланган маҳсулотлар бўйича монополия) нисбатан кўп сонли товар ишлаб чиқарувчиларни ва улар томонидан ўхшаш, лекин, бирдек мос бўлмаган (харидор нуқтаи назарида) маҳсулот таклифини кўзда тутади. Соф рақобатдан фарқли ўлароқ, монополистик рақобат шароитида ҳар бир фирма

маҳсулотнинг сифати, қадоқланиши, чидамлилиги белгилари билан бошқалардан фарқ қилиб турувчи товарнинг махсус турини (турланган маҳсулот) ишлаб чиқаради, деб ҳисоблайди. Монополистик рақобат хизмат кўрсатиш соҳасининг кўп тармоқларига хосдир (мисол учун, ресторанлар, техник хизмат кўрсатиш тизимлари, банк муассасалари). Ишлаб чиқариш соҳаларида эса, компьютерлар, телефон аппаратлари, кийим-кечаклар, алкоголсиз ичимликлар, кир ювиш воситалари ва ҳоказолардир.

Олигополия кўплаб харидорларнинг тармоқ доирасидаги талаби кам сонли ишлаб чиқарувчилар томонидан қондирилувчи бозор таркибидир. Маҳсулот умумий сотуви ҳажмининг 50 ва ундан кўп фоизининг чекланган сонли (кўпинча 3 тадан 9 тагача) йирик фирмалар томонидан қамраб олиниши олигополистик бозорни ташкил қилади. Олигополиялар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар стандартлашган (соф рақобат шароитидаги каби) ва турланган (монополистик рақобат шароитидаги каби) бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида" ги Қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган

Рақобат олиб бориш услубига кўра, нархли рақобат ва нархсиз рақобат турларига ажратилади.

Нархлар воситасида рақобат товарлар ва хизматларни рақобатчилар маҳсулотлари нархларига нисбатан анча паст бўлган нархларда сотишни кўзда тутади.

Нархлар воситасисиз рақобат янада юқорироқ сифатга, чидамлиликка, ишлаш муддатига, унумдорликка эга бўлган товарлар таклифига асосланади.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида рақобат муҳитининг шаклланиши кўп жиҳатдан мулк муносабатларини изчил ўзгартириш суръатларига боғлиқ бўлади. Давлат мулки шаклида бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг устувор ўринга эгалиги рақобат ривожланишини чеклайди. Хусусийлаштириш жараёни қанчалик тез ташкил қилинса, нодавлат корхоналарнинг бозордаги улуши шунчалик юқори бўлади ва бозорнинг рақобат механизми самаралироқ ишлайди.

Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантириш, бозорларда монополистик ҳолатлар олдини олишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шунингдек, "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида", "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", Табиий монополиялар тўғрисида" ва "Реклама тўғрисида"ги қонунлар хизмат қилади.

Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантириш ва монополиядан чиқариш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида Монополияга қарши ва нарх сиёсати Бош бошқармаси ташкил қилинди. 1996 йилга келиб, ушбу

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Қўмитасига айлантирилди ва унга юридик шахс мақоми берилди. 2000 йилнинг 2 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, ташкилот Молия вазирлиги таркибидан чиқарилди ва мустақил тузилма мақомини олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 2 августдаги 300-сонли карори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси тўғрисида Низом"га асосан Қўмитанинг қуйидаги вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланган:

– республикада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун зарур ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни, мустаҳкам ҳуқуқий базани шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи марказ функцияларини амалга ошириш;

– бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи рақобат қонунларини, умумий қабул қилинган меъёрлар ва қоидаларни самарали амалга оширишни таъминловчи монополияга қарши тартибга солишнинг кучли тизимини барпо этиш;

– рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозордаги такомиллашув ва ўзгаришлар чуқурлашишига кўмаклашиш;

– инсофсиз рақобатчилар томонидан товар ва молия бозорларини, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозорини монополлаштириш юзасидан ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш, уларни чеклаш ва уларга барҳам бериш;

– монополияга қарши давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш, монополиядан чиқариш бўйича республика, тармоқ ва минтақавий дастурлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

– монополияга қарши қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши, шунингдек, ўз ваколати доирасида табиий монополиялар субъектлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

– монопол бирлашмалар (корхоналар)нинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрини юритиш;

– реклама ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

– истеъмол товарлари нархлари ва хизматларга тарифлар мониторингини ўтказиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари сотилиши ва хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи инсофсиз рақобатнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

– монопол хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан самарали тартибга солиш ва назорат қилишга, рақобат муҳитини ривожлантиришга, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва реклама фаолиятига йўналтирилган меъёрий-услубий базани такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида рақобат муҳити билан боғлиқ **рақобат** ва **устун мавқе** тушунчаларига катта эътибор берилган ва уларга қуйидагича таъриф берилган: "**рақобат** – хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятини чеклайди"; "**устун мавқе** – ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозорида ёки бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг (бир гуруҳ шахсларнинг) ўзига (ўзларига) рақобатни чеклашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга кириш эркинлигини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавқе"[3].

Қонун Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектнинг (бир гуруҳ шахсларнинг) бозордаги улуши олтмиш беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган ҳолатни сўзсиз устун мавқе, деб эътироф этади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши ўттиз беш фоиздан олтмиш беш фоизгача бўлганда, бу ҳол монополияга қарши давлат органи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улушининг барқарорлиги, бозордаги рақобатчиларга тегишли улушларнинг нисбий миқдори, ушбу бозорга янги рақобатчиларнинг кириши мумкинлиги, муайян товар бозорини тавсифловчи бошқа мезонларга қараб аниқланган бўлса, унинг бозордаги мавқеи устун мавқе, деб ҳисобланади.

---

[3] "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 27.12.1996 й. Ушбу қонунга 20.08.1999 йда ўзгартиришлар киритилган.

Мазкур кўрсаткич бўйича хорижий мамлакатлар амалиётида нисбатан мураккаброқ тизим қабул қилинган бўлиб, бозордаги иштирокчилар сонига қараб уларнинг улушлари белгилаб чиқилган. Хусусан, АҚШнинг монополияга қарши амалиётида бозорнинг монополлашмаганлиги ва унда рақобат шароитлари яратилганлиги Харфиндел-Хиршман индекси (ХХИ) асосида аниқланади. Агар ХХИ индекси 1000 дан кичик бўлганда, бозордаги рақобат даражаси етарли ҳисобланади ва шу кўрсаткич доирасида корхоналарнинг бирлашишларига рухсат берилади. ХХИ дан келиб чиқиб, бозорда қуйидаги ҳолатлар шаклланганда рақобат даражаси хавфидан ҳоли, деб ҳисобланади:

– бозорда 10 ва ундан ортиқ фирма фаолият кўрсатса;
– 1 фирма бозорнинг 31 фоиздан ортиғини қамраб олмаса;
– 2 фирма бозорнинг 44 фоиздан ортиғини қамраб олмаса;
– 3 фирма бозорнинг 54 фоиздан ортиғини қамраб олмаса;
– 4 фирма бозорнинг 63 фоиздан ортиғини қамраб олмаса.

ХХИ кўрсаткичининг 1800 бирликдан ошиб кетиши ҳолатида бозор рақобатли эмас, деб ҳисобланади.

Белоруснинг монополияга қарши кураш ва рақобат тизимини ривожлантириш амалиётида ҳам ўхшаш мезонлар қабул қилинган. Жумладан, ишлаб чиқариш – техника маҳсулотлари бозорида сотувчиларнинг бозордаги улуши 1 корхона учун – 30 фоиз, 2 корхона учун – 54 фоиз, 3 корхона учун – 72 фоиз ва 4 корхона учун 95 фоиз белгиланган.[4]

Ўзбекистон товар бозорларида устун мавқега эга бўлган ҳолатлар ва инсофсиз рақобатни чеклаш ҳамда тўхтатиб қўйиш соҳасида давлат сиёсатини ваколатли орган бўлган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси олиб боради. Мамлакат қонунчилигига биноан, қонунбузарликларга йўл қўйилган тақдирда қуйидаги миқдорларда иқтисодий жазо чоралари белгиланган:

– бошқарув органлари ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга – энг кам иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача;

– жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда.

Ислоҳотлар йилларида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси ўз фаолиятида асосий эътиборни иқтисодиётнинг турли тармоқ корхоналари ва уларнинг тегишли бозорлардаги мавқеларига, бозорлардаги рақобат муҳитининг мустаҳкамланишига, қонун бузилиши ҳолатларини изчил бартараф этишга қаратди. Олиб борилган чора-

[4] Национальная экономика Беларуси. Учебное пособие. Под ред. проф. В.Н. Шимова. Минск: БГЭУ 2005. с.565.

тадбирлар натижасида Қўмита томонидан монопол корхоналарнинг давлат реестрида рўйхатга олинган корхоналар ва маҳсулот турларининг сезиларли пасайиши кузатилди. Жумладан, 1994 йилда монопол мавқега эга корхоналар 984 та ва монопол маҳсулотлар тури 6100 тага тенг бўлган бўлса, 2004 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 350 ва 230 ни ташкил этди.

Агар 1994 йилда монопол корхоналар сони 984 тага тенг бўлган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 350 тани ташкил этди

5.2-жадвал

Ўзбекистонда давлат регистрида рўйхатга олинган хўжалик юритиш субъектлари, монопол корхона ва монопол маҳсулотларнинг 1994-2004 йиллардаги динамикаси

Кўрсаткичлар	1994	1996	1998	2000	2002	2003	2004
Хўжалик юритувчи субъектлар (йил бошида, мингта)	30	102,2	185	181	223,1	260,5	283,9
Монопол корхоналар сони, дона	984	827	660	721	738	386	350
Монопол маҳсулотлар сони, дона	6100	4351	2619	1899	1532	247	230

Иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси ўз фаолиятида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини амалга оширишни изчил давом эттирмоқда. Хусусан, "2002-2005 йиллар ва 2010 йилгача бўлган даврда рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналишлари"ни амалга ошириш доирасида қурилиш материаллари, нефть-газ, коммунал хўжалик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, озиқ-овқат, ёғ-мой, гўшт-сут маҳсулотлари, енгил ва кимё саноати ва бошқа соҳа ва тармоқларни ўз ичига олган 20 та монополиядан чиқаришнинг тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, бугунги кунда жадал амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Қўмита томонидан мавжуд корхоналарни реконструкциялаш, янги корхоналарни барпо этиш, қўшма корхоналарни тузиш ҳамда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун кредитларнинг ажратилишини таъминлашдан иборат бўлган монополиядан чиқаришнинг 14 та минтақавий дастурларини амалга ошириш давом эттирилди. Ушбу дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўтказилиши устун мавқега эга бўлган корхоналар сонининг изчил камайишига олиб келмоқда.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти каби Ўзбекистонда табиий монополияларнинг мамлакат иқтисодиётида ўзига хос ўрнига эга. Мамлакат конунчилигига кўра, **табиий монополия** "товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг

рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас" деб талқин қилинади.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги соҳалар мамлакат қонунчилигида табиий монополия субъектлари деб белгиланган ва уларнинг фаолияти тегишли равишда давлат томонидан тартибга солинади:

– нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш;

– нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали транспортировка қилиш;

– электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш;

– темир йўлларда ташиш;

– сув қувурлари ва канализация хизматлари.[5]

Қонунда портлар ва аэропортларнинг хизматлари ҳам давлат томонидан тартибга солиниши кўзда тутилган. Шунингдек, умумий эркин фойдаланиладиган хизматлар – электр ва почта алоқаси хизматлари бўлиб, фойдаланувчиларга бу хизматлар кўрсатишни рад этиш мумкин эмас, улар электр ва почта алоқасининг бошқа хизматларидан фойдаланишга ўзгартирилиши мумкин эмаслиги қатъий таъкидланган.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган ҳисобланади.

Ўзбекистонда табиий монополия субъектларининг фаолиятларини тартибга солиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

– нархларни (тарифларни) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражасини белгилаш (ўрнатиш) воситасида нархларни тартибга солиш;

– хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва уларни табиий монополия субъектлари реализация қиладиган товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш ва тартибга солиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа усуллар ҳам қўлланилиши мумкин.

Табиий монополия субъектлари фаолиятида нархларни тартибга солиш ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Товарларга нархлар (тарифлар) белгилаш учун табиий монополия субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибга мувофиқ,

---

[5] "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 27.12.1996 й. № 355-і. Ушбу қонунга 20.08.1999 й. 832-1-сон қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган, 3-модда.

ваколатли органга нархларнинг (тарифларнинг) лойиҳаларини ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар. Тегишли ваколатли органнинг нархлар (тарифлар) бўйича қарори табиий монополия субъектлари томонидан улар кучга киришидан камида ўн беш кун аввал оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси мамлакатда рақобат муҳитини янада ривожлантириш мақсадида мавжуд ҳар бир монопол корхона бўйича рақобат сиёсатини ривожлантиришнинг чора-тадбирлар Режа-дастурини ишлаб чиқади ва уни амалга оширади. Жумладан, 2004-2005 йилларга мўлжалланган тадбирлар доирасида алоқа ва ахборотлаштириш, пахта маҳсулотини қайта ишлаш, темир йўлларда ва ҳавода ташиш соҳаларида монопол маҳсулотларга нархларни шакллантириш ва уларни қўллаш тартиби ҳамда харажатларни камайтириш имкониятлари ўрганилди ва мавжуд захиралар аниқланди. Хусусан, харажатларни пасайтиришнинг асосий захиралари "Ўзпахтасаноат", "Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги", "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК тизимларида аниқланди ва белгиланган чора-тадбирларни бажариш бўйича тегишли дастурлар ишлаб чиқилди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув лаборатория жиҳозлари, техник воситалар ва ўқув-кўргазма қўлланмалари ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш Дастурини амалга ошириш юзасидан кўрилган чоралар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот турлари бўйича калькуляциялари қайта кўриб чиқилиб, нархлар пасайтирилди. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси таъминланиши билан бирга, 2003 йилда 781,6 млн. сўмлик бюджет маблағлари иқтисод қилинган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 1,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, 2005 йилда мамлакатнинг коммунал хўжалиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам худди шундай чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори, мамлакатда ресурсларни сотиб олишда мулк шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритиш субъектлари учун тенг шароитларни таъминлашда жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Натижада бугунги кунда мамлакатимиздаги барча кичик ва хусусий бизнес субъектлари ресурсларни, эски, маъмурий усулда тақсимланадиган фонд тизимидан фарқли ўлароқ, ҳеч бир чекловларсиз бозор

механизмлари асосида сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасида рақобат муҳитини янада ривожлантириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни чеклашга бўлган фаолиятларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, хусусан, хусусийлаштириш жараёнидан кейинги даврда янги ташкил этилган корхоналар фаолиятини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш дастурларининг изчил бажарилиб бориши натижасида бозор муносабатлари субъектлари ҳисобланган корхона ва ташкилотларнинг сони муттасил ошиб бомоқда.

5.2-диаграмма

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар сони динамикаси

(йил бошида, минг дона)



Ўзбекистонда 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони 315,9 мингтага етди

Ягона давлат регистрида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони ислоҳотлар йилларида 10 баравардан кўпроқ ошди. Бу эса, йилдан-йилга мамлакат иқтисодиётида рақобат курашининг янада кучаяётганлигидан ва рақобат муҳитининг мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

5.4. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, энг аввало, мамлакатда бозор инфратузилмасининг мавжудлигига ва унинг ривожланиш шарт-шароитларига тўғридан-тўғри боғликдир.

Товар бозорларининг ривожланиши ва бозор муносабатларининг вужудга келиши бозор иштирокчилари бўлган хўжалик субъектларига кенг турдаги хизматлар кўрсатишга ихтисослашган бозор инфратузилмаси ташкилотларига объектив эҳтиёжни яратади. Бозор инфратузилмасининг таркибий ва функционал тузилмаси мураккаб ва бир вақтнинг ўзида барча мавжуд бозорларни ўзида жамлайди ва ушбу бозорлар доирасида фаолият кўрсатади.

Бозор инфратузилмасининг пировард мақсади – мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, микро ва макроиқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш билан бирга унинг миллий ва халқаро бозорларда шаклланаётган ҳолатларга самарали мослаша олиш имкониятларини оширишдир.

Бугунги кунда иқтисодий адабиётларда бозор инфратузилмаси тушунчасига яқин бўлган ижтимоий инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, экология инфратузилмаси ва шунга ўхшаш бошқа тушунчалар кенг муомалага кирган. Бозор инфратузилмасининг улардан асосий фарқли томонлари сифатида унинг қуйидаги белгиларини санаб ўтиш мумкин:

– ижтимоий, ишлаб чиқариш, ва бошқа инфратузилмалар асосан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри функционал боғлиқ ва унинг мақсадларига бўйсундирилган бўлса, бозор инфратузилмасининг ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқлиги билвосита характерга эга;

– бозор инфратузилмаси кўп жиҳатдан товарлар муомаласи ва турли-туман хизматлар (молиявий, воситачилик, савдо, консалтинг, ҳуқуқий ва бошқалар) кўрсатиш соҳалари билан тўғридан-тўғри боғланган;

– бозор инфратузилмаси фаолиятига баҳо бериш, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш **товар ва хизматлар бозорлари, молия бозорлари** ва **меҳнат бозори** доирасида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги босқичида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро айирбошлаш муносабатларини ва уларнинг иқтисодий манфаатларини амалга оширишни бозор инфратузилмаси тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бозор инфратузилмасининг ўзи тегишли унсурлардан таркиб топган бозор муҳити бўлиб, унинг доирасида бозор иқтисодиётидаги барча субъектлар манфаатларининг самарали амалга ошиши таъминланади.

Бозор инфратузилмаси қотиб қолган, ўзгармас *тизим* бўлмай, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ва тегишли иқтисодий тизимнинг фаолият механизмига мос бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмасининг таркиби шаклланиб боради. Бугунги кунда бозор инфратузилмаси амал қилаётган фаолият соҳаларидан келиб чиқиб, унинг турли таркибий унсурлари ривожланди.

Бозор инфратузилмасининг **тартибга солиш** таркиби тегишли тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланувчиларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва рухсат бериш институтларининг йиғиндисидан иборат. Шунингдек, бу таркибга товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятини белгилаб берувчи, бозор муҳитини тартибга солиб турувчи институтлар тизими ҳам киради.

Вақтинча бўш бўлган пул маблағларини жалб этиш ва уларни кредитлашга йўналтириш билан шуғулланувчи ва молиявий воситачи мақомини олган ихтисослашган ташкилотлар бозор инфратузилмасининг **кредит-молия таркиби**ни ташкил этади. Анъанавий банк ташкилотларидан ташқари, бу таркибга молия маблағларини банклардан ўзгача услубда жалб қилувчи ва узоқ муддатга мўлжалланган, мустақил инвестиция фаолиятини олиб боришга ихтисослашган нобанк кредит ташкилотлари ҳам киради. Хусусий пенсия жамғармалари, суғурта, инвестиция жамғарма ва компаниялари ана шундай ташкилотларга мисол бўлади.

Бозор инфратузилмасининг **товарларни сотиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш** таркибини ихтисослашган товар биржалари тармоғи, майда улгуржи савдо базалари, анъанавий товарлар, мавсумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ва ярмаркалари, чакана ва улгуржи савдо тизимлари йиғиндиси ташкил қилади.

Ахборот, реклама, консалтинг, аудиторлик хизматларни таклиф этишга ихтисослашган корхона ва тизимлар ҳам бозор инфратузилмасининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Бозор инфратузилмасининг тартибга солиб турувчи бўлаги бозор иқтисодиёти таркибидаги энг муҳим унсурлардан биридир. Унинг ёрдамида барча бозорлар тизимида сотувчи ва харидорлар ўртасида вужудга келаётган бозор алоқаларининг узлуксизлиги, қайта такрорланиб туриши таъминлаб борилади. Бозор инфратузилмаси ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, асосан, давлатга тегишли ва давлат томонидан яратилган таркиблардан иборат. Уларга тадбиркорлик таркибларини рўйхатга олиш, фаолият кўрсатишига рухсат (лицензиялаш ва патентлаш) бериш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар фаолиятларининг тартиблари, миқдорлари ва йўналишларини ҳуқуқий ва бозор воситалари орқали белгилаб қўйиш, бозор муҳити ва механизмини чеклашларни олдини олиш, монополияга қарши фаолият тизимлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш қонунчилиги ва амалиётлари киради. Бугунги кунда Ўзбекистонда бу борада яхлит тизим шаклланган бўлиб, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, жадал такомиллашиб бораётган бозор таркибларига мос ривожлантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бозор инфратузилмасининг кредит-молия таркиблари замонавий бозор иқтисодиётида молиявий ресурсларни самарали қайта тақсимлаш жараёнларини таъминлашга қаратилган кредит ташкилотлари тизимларидан иборат бўлади. Банклар ва банк тизими бозор инфратузилмасининг фаол ва кенг тарқалган унсурларидан ҳисобланади.

Банк ташкилотлари пул маблағларини жалб қилиб, уларни ўз номидан қайтариб бериш, ҳақ тўлаш шартлари

асосида жойлаштиришга ихтисослашган молиявий воситачилардир. Ҳар қандай мамлакат банк тизими асосини тижорат банклари ташкил қилади. Тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бири бу уларнинг кредитлаш жараёнларидаги воситачилигидир. Кредитлар ажратиш амалиёти орқали иқтисодиёт доирасида молиявий ресурслар қайта тақсимланиши билан бирга, энг асосийси, ресурсларнинг юқори даражада самарали ишлатилиши масаласи ҳал қилинади. Чунки, қарз олувчи ресурсларга катта эҳтиёж сезади ва ундан юқори даражада фойдаланишга интилади. Ўз навбатида, банк ташкилоти кредитнинг қайтишини кафолатлаш мақсадида ваколати доирасида барча зарур чора-тадбирларни кўради. Яъни, кредитнинг қайтариб бериш муддатларини ва унга ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаш билан бирга, банк ихтиёрига қарз олувчининг гаров объекти қолдирилади. Натижада молия ресурслари бозор муносабатларига асосланган хўжалик доирасида тақсимланишида биринчи ўринда унинг фойда билан ишлаши масаласи ҳал қилинади. Пул маблағларининг олди-сотдиси банклар иштирокисиз, фақатгина пул эгалари ва қарз олувчилар ўртасида ҳам амалга ошиши мумкин. Лекин, тижорат банклари воситачилиги вазифасининг моҳияти шундаки, банклар ўз фаолиятлари орқали иқтисодиётда таваккалчилик даражасини пасайтирадилар ва иқтисодиётдаги ноаниқликни бартараф этадилар. Тижорат банклари турли пул эгалари маблағларини жалб қилган ҳолда уларни жойлаштириш йўналишларини диверсификациялайди ва пул эгаларининг ялпи таваккалчилигини камайтиради.

Банкларнинг яна бир муҳим функцияларидан бири иқтисодиётда жамғариш даражасини рағбатлантиришдир. Тижорат банклари ўзгариб турувчи депозит сиёсати (пул эгалари маблағларини жалб қилиш сиёсати) орқали маблағларни банк тизимига самарали сафарбар этадилар. Шунингдек, алоҳида субъектлар ўртасидаги тўловларни амалга ошириш ҳам банкларнинг муҳим вазифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки бўғиндан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки унинг юқори бўғинини ташкил қилади. Қўйи бўғин банкларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган ва банк лицензиясига эга бўлган барча тижорат банклари ташкил қилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тижорат банклари тизими анча барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлди ва мамлакат молия бозори тизимида ресурсларни самарали сафарбар этиш ва тақсимлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш каби муҳим вазифаларни ечишда яқиндан ёрдам берди.

5.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк институтларининг ривожланиши динамикаси

Кўрсаткичлар	1995	2000	2005	2005 йилда 1995 йилга нисбатан, %
Тижорат банклари сони	28	34	32	114,2
Тижорат банклари филиалларининг сони	509	800	805	158,1
Устав капитали ҳажми, млн. сўм	383,0	144000,0	824000,0	

Ўзбекистонда 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, 32 та тижорат банки ва уларнинг 805 та филиаллари фаолият кўрсатди

Ўзбекистон тижорат банклари ва филиалларининг сони барқарорлиги шароитида банк тизимининг салоҳиятидан далолат берувчи жами тижорат банклари устав капитали ҳажмининг муттасил ошиб бориши кузатилади. Шунингдек, банк тизимидаги тижорат банкларининг мулкий таркибларида ҳамсифат ўзгаришлари амалга ошди. Хусусан, ислоҳотларнинг илк даврида аксарият тижорат банклари давлат мулки шаклида бўлган бўлса, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакат банк тизимида 11 та хусусий, 5 та хориж капитали иштирокидаги, 3 та давлат банки ва 13 аралаш мулк шаклидаги тижорат банклари рўйхатга олинган. Бундан ташқари 1122 мини банк ва Ўзбекистон молия тизимида янги ҳодиса бўлган кредит иттифоқлари фаолият кўрсатмоқда.[6]

Мамлакат тижорат банклари, бугунги кунда иқтисодиётдаги молия маблағларини тақсимлаб бериш вазифасидан ташқари, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, унинг базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва давлат билан бизнес субъектлари ўртасида бозор муносабатлари асосидаги янгича алоқаларни йўлга қўйиш билан боғлиқ стратегик масалаларни ҳам ечишга жалб этилган. Жумладан, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш харажатларини банклар томонидан мақсадли молиялаштириш, устувор тармоқларда юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, бўлажак ҳосил ва ер участкалари ижара ҳуқуқларини гаровга олиш эвазига тижоратли кредитлаш механизмлари, банк тизимининг барқарорлигини ошириш мақсадида жисмоний шахслар депозитларини (жамғармаларини) суғурталаш амалиётлари кенг жорий қилинмоқда.

Молия бозори **пул бозори** ва **капиталлар бозорига** бўлинади. Бозорнинг икки қисмга бўлиниши унда сотилаётган молиявий (фонд) ресурсларнинг муомала муддатларига боғлиқ бўлади. Қисқа муддатли (бир йилгача) молия ресурслари билан боғлиқ амаллар пул бозорини, ўрта ва

узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) молия ресурслари амаллари капиталлар бозорини ташкил қилади. Ҳар қандай мамлакат молия бозорининг асосий қисмини қимматли қоғозлар бозори ташкил қилади. Ушбу бозорда муомалада бўлган қимматли қоғозлар турли фаолият кўрсатиш муддатларига эга бўлиб, бозорда олди-сотди амалларининг энг йирик қисмини шакллантиради. Қимматли қоғозлар бозори иқтисодий адабиётларда **фонд бозори** атамаси билан бирга қўлланилиб, молиявий ресурсларни самарали қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Фонд бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар асосан улушли (акциялар) ва қарз мажбурияти (облигациялар) турларига бўлинади. Шунингдек, олди-сотди ва тадбиркорлик фаолиятларидаги таваккалчилик даражаларини пасайтиришга қаратилган ҳосилавий қимматли қоғозлар (фьючерс, опцион ва б.) бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг фонд бозорларида катта салмоққа эга бўлмоқда.

Фонд бозори субъектлари уч гуруҳдан иборат:

1. Эмитентлар. Қимматли қоғозларни эмиссия (муомалага чиқариш) қилиш эвазига молиявий ресурсларни жалб қилувчи акционер корхоналар, бошқа юридик шахслар ва давлат.

2. Инвесторлар. Қимматли қоғозлардан фоиз даромади олишни кўзда тутган ва вақтинча бўш молия маблағларига эга бўлган юридик шахслар, давлат ва аҳолининг кенг қатламлари.

3. Ихтисослашган воситачилар. Ўз навбатида улар фонд бозорининг асосий инфратузилмалари бўлиб, қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси жараёнларида вужудга келувчи курслар ўртасидаги фарқ ёки комиссия (сотиш ва олиш) хизмати ҳақлари уларнинг фойдасини ташкил қилади.

Фонд бозори таркибига кўра, бирламчи ва иккиламчи бозорлардан ташкил топади.

Инвесторлар ўртасида илк маротаба жойлаштиришга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг биринчи ёки такрор эмиссияси ўзида **бирламчи фонд бозорини** мужассамлаштиради. Инвесторларга асосланган қарор қабул қилиш учун қимматли қоғозлар тўғрисидаги тўлиқ ахборотларни чоп этилиши бирламчи бозорнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Қимматли қоғозларнинг эмиссия проспектларини (лойиҳаларини) тайёрлаш, уни ваколатли органларда рўйхатдан ўтказиш, қимматли қоғозлар эмиссияси проспектларига обунани ташкил этиш ва сотилиш жараёнлари ва натижалари тўғрисида ахборотларни ошкор этиш бирламчи бозорнинг асосий мазмунини ташкил этади. Қимматли қоғозларни эмитентлари топшириғига кўра уларнинг номидан эмиссия қилиш ва инвесторлар ўртасида жойлаштириш жараёни **андеррайтинг** деб номланиб, ихтисослашган молия

воситачилари – **андеррайтерлар** томонидан ҳақ олиш эвазига амалга оширилади.

Илгари эмиссия қилинган ва эгалари (инвесторлар) томонидан қимматли қоғозларни қайта муомалага киритиш муносабатларига **иккиламчи фонд бозори** деб айтилади.

Иккиламчи фонд бозори ўз навбатида "уюшган бозор" номини олган фонд биржалари ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари муомаласини қамраб олган "уюшмаган бозор" ёки "кўча бозор"ларидан ташкил топган. Қимматли қоғозларнинг одатда кичик ҳажмлардаги савдоси билан шуғулланувчи фонд магазинлари, брокер фирмалари ва бошқалар уларга мисол бўла олади.

Фонд биржалари молия ресурсларининг юқори даражадаги уюшган бозори бўлиб, унда қимматли қоғозларнинг улгуржи савдоси қатъий белгиланган қоида ва тартиблар асосида амалга ошади. Фонд биржасининг бошқа бозорлардан асосий фарқли томони шундаки, савдо жараёнида товарнинг нақдлиги талаб қилинмайди. Фонд бозоридаги қимматли қоғозлар турларининг кўплиги бозорнинг ривожланганлиги ва ундаги юқори рақобат даражасини кўрсатади.

5.1-чизма

Ривожланган мамлакатларда биржа турлари ва фаолиятларининг таснифланиши

Таснифлаш белгиси	Биржа турлари	Амал қилиш кўринишлари
Биржа савдоси турига кўра	Фонд	Товар-хом ашё
	Товар	Товар-фонд
	Валюта	
Биржанинг ташкилий мақомига кўра	Акционер жамияти	Миллий
	Маъсулияти чекланган ўртоқлик жамияти	Халқаро
	Нотижорат уюшмаси	
	Хусусий	
Биржа савдоси номенклатурасига кўра	Универсал (умумий турдаги)	Тор ихтисослашган
	Ихтисослашган	Кенг ихтисослашган

Ўзбекистон Республикаси фонд бозори инфратузилмаси бугунги кунда тез суръатларда шаклланиб бормоқда. Янги алоқа ва ахборот технологияларининг жорий этилиши соҳанинг янада ривожланиши ва жаҳон молия бозорларига интеграциялашувига кенг имкониятлар яратиб беради.

Мамлакат фонд бозорининг хусусиятларидан яна бири аксарият қимматли қоғозларнинг нақдсиз (бланкасиз) шаклда эмиссия қилинганлигидадир. Қимматли қоғозларнинг нақдсиз кўринишдаги эмиссияси уларнинг муомала харажатларини пасайтириши билан бирга, қалбакилаштириш, йўқотиш ва шунга ўхшаш бошқа хавфлар даражасини кескин пасайтиради.

Бугунги кунда мамлакат фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сақлаш ва муомаласини таъминлаш мақсадида Марказий депозитарий билан бирга 30 дан ортиқ ҳудудий депозитарийлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу депозитарийларда бугунги кунда 526 мингдан ортиқ депонент ҳисоблари очилган бўлиб, уларнинг 510 мингтасида жисмоний шахслар ва 16 мингдан ортиғида эса юридик шахсларнинг қимматли қоғозлари сақланади. Қимматли қоғозларнинг Давлат реестрида 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, умумий қиймати 3111,5 млрд. сўмга тенг бўлган 13558 та акциянинг эмиссияси ва 51,2 млрд. сўмга тенг бўлган 88 корпоратив облигацияларнинг эмиссияси рўйхатга олинган.[7] Натижада Ўзбекистон Республикасининг ялпи қимматли қоғозлар бозори кейинги йилларда тез кенгайиб бормоқда ва 2004 йил натижаларига кўра, унинг ҳажми мамлакат ЯИМ га нисбатан 25 фоиздан ортиқ кўрсаткични ташкил этди.

Ўзбекистонда 2004 йил якунларига кўра, эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг умумий қиймати ЯИМнинг 25 фоизини ташкил этди

Мамлакат қимматли қоғозлар бозорида 2004 йилда умумий ҳажми 146,3 млрд. сўмлик акция ва корпоратив облигациялар сотилган бўлиб, бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 56,8 фоизга кўп бўлди. Қимматли қоғозлар бозори айланмасида асосий ўринни акциялар савдоси эгаллади ва 2004 йилда унинг ҳажми 115,0 млрд. сўмга тенг бўлди ёки умумий бозор айланмасининг 80 фоизига яқинни ташкил этди.

5.4-жадвал

Қимматли қоғозлар бозорида акциялар савдоси ҳажми (млрд. сўм)

Йиллар	Бирламчи бозорда		Иккиламчи бозорда		Жами	
	Сумма	Жамига нисбатан, %	Сумма	Жамига нисбатан, %	Сумма	Жамига нисбатан, %
2002	16,33	39,2	25,41	60,8	41,74	100
2003	53,9	72,2	20,8	27,8	74,7	100
2004	62,08	54,0	52,95	46,0	115,03	100

Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида 2004 йилда ўтган йилга нисбатан сезиларли ўсишга эришилди. Жумладан, бирламчи бозор айланмаси ўтган йилга нисбатан 15,2 фоизга ўсган бўлса, иккиламчи бозордаги ўсиш 2,5 марта кўп бўлди.

"Тошкент" Республика фонд биржаси бугунги кунда мамлакат фонд бозорининг асосий қисмини ташкил қилади. У моҳиятига кўра, иккиламчи бозор бўлиб, унда асосан илгари муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди амалиётлари бажарилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаблиги ва кенг кўламли

эканлиги "Тошкент" фонд биржаси олдида мамлакатда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига яқиндан кўмаклашиш вазифаларини ҳам юклайди. Шу сабабли, бугунги кунда, "Тошкент" Республика фонд биржасида хусусийлаштириш натижасида акционерлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияларини жойлаштириш амаллари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Натижада, "Тошкент" Республика фонд биржаси ўз фаолиятини нафақат иккиламчи бозорда, балки мамлакатимизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни хусусиятидан келиб чиқиб, бирламчи бозорда ҳам давом эттириб келмоқда.

5.5-жадвал

Биржа ва биржадан ташқари бозорларда акциялар савдоси ҳажми (млрд. сўм)

Йиллар	Бирламчи бозорда, жумладан		Иккиламчи бозор, жумладан	
	Биржадан ташқари бозорда	Биржа бозорида	Биржадан ташқари бозорда	Биржа бозорида
2002	5,8	10,53	20,8	4,6
2003	34,2	19,7	8,4	12,4
2004	43,6	18,48	30,19	22,76

Жадвалдан кўриниб турибдики, кейинги йилларда хусусийлаштириш натижасида акционер корхоналар акцияларининг эмиссиялари асосан биржадан ташқари бозорда кенгроқ амалга оширилаётганлиги ва бунда мамлакат фонд биржасининг улуши объектив равишда пасайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, иккиламчи бозордаги акциялар савдосида табиий равишда биржа айланмасининг ўсиб боришини ижобий тенденция деб баҳолаш мумкин. Биржадан ташқари бозорнинг ҳам юқори даражада сақланиб келаётганлиги хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларининг меҳнат жамоаларига тўғридан-тўғри сотилиши ва акцияларнинг кичик пакетларига эга бўлган акционерларнинг биржадан ташқаридаги сотувлари ўз таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси мамлакат валюта бозорининг асосини ташкил этади. Валюта биржаси мамлакатдаги чет эл валютасига бўлган эҳтиёжни таъминлаш билан бирга халқ хўжалигини модернизация қилиш ва таркибий қайта қуриш жараёнларини амалга оширишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар билан таъминлаш ва модернизациялашга қаратилган лойиҳаларга мустақиллик йилларида валюта биржасида устувор конвертациялаш ҳуқуқи берилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда мустақиллик йилларида ишга туширилган

замонавий технологиялар билан таъминланган барча корхоналар асбоб-ускуналари валюта биржаси орқали конвертациялаш билан амалга оширилди.

Ўзбекистон валюта биржасида чет эл валюталари савдоси билан бирга бугунги кунда Давлат қиска муддатли облигацияларини (ДҚМО) сотиш операциялари ҳам амалга оширилади. ДҚМО сотиш эвазига ҳукумат ички бозордаги вақтинча бўш бўлган пул маблағларини жалб қилиш орқали бюджет дефицитини қоплаш имконига эга бўлди.

Ўзбекистонга чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш, чет эллик ишбилармонларнинг фаолиятини ва манфаатларини таъминлаш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистонда фаолият юритаётган ва экспортга маҳсулот етказиб бераётган корхоналар ҳам валюта қонунчилигига биноан валюта биржасида устувор конвертация қилиш ҳуқуқини олишди. Демак, Ўзбекистон валюта биржасининг асосий мақсадларидан бири ўтиш даврида чекланган валюта ресурсларидан унумли фойдаланиш эвазига халқ хўжалигини қайта қуриш ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилгандир.

5.5. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши

Тадбиркорлик фаолияти кишиларнинг таваккал қилиб, мулкий жавобгарлик асосида қонунчилик доирасида ташаббус билан фаолият кўрсатишидир. Бу фаолият капитал ва ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали кўзда тутилган мақсад – фойда ёки тадбиркорлик даромадини олишга қаратилади.

Бозор иқтисодиёти эркин **тадбиркорлик**ка, **сохибкорлик**ка асосланган иқтисодиётдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун иқтисодиётда бозор муносабатлари ҳукмрон бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун иқтисодий фаолиятда эркинлик такозо этилади. Тадбиркорликда нимани қанча ва қандай қилиб ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни қаерда, кимга ва қайси баҳоларда сотиш эркин ҳолда, бозорда шаклланган талаб ва таклиф мутаносиблигига кўра ҳал этилади. Баҳо ҳам эркин шаклланиб, талаб ва таклиф мувозанати асосида амал қилади.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг муҳим шартларидан бири кўп мулкчилик шакллари ва рақобат муҳитининг яратилишидир. Шу сабабли ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларнинг асосини хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ташкил қилади. Тадбиркорлик фаолиятининг тараққий топиши эса, ушбу жараёнларга, уларни амалга ошириш усулига, суръатларига ва кўламига боғлиқ бўлади. Айтиш мумкинки, мулкчиликнинг

турли шаклларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш тадбиркорлик тараққиётининг асосидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик, энг аввало, капитал ҳажмини кам талаб этувчи, қисқа муддатларда фойда келтирувчи тармоқларда кенг ривож топади. Бу эса, **кичик корхоналарнинг** равнақ топишига олиб келади.

Мутахассисларнинг фикрича, Японияниинг жаҳондаги иқтисодий нуфузининг ошишида ва **"япон мўъжизаси"**да кичик бизнес ҳал қилувчи роль ўйнади. Японияда биргина қайта ишлаш саноатида 6,5 млн. кичик корхона фаолият кўрсатиб, улар ушбу соҳадаги жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу корхоналарда 40 млн.дан ортиқ киши банд. Бу иш билан банд аҳолининг 81 фоизи кичик бизнес корхоналарида фаолият кўрсатади демакдир.

АҚШда кичик бизнес фирмалари жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу фирмаларнинг асосий қисми кичик, митти фирмалар бўлиб, улар оила меҳнатига асосланади. Жами кичик корхоналарнинг 80 фоизида иш билан банд бўлганларнинг сони 10 кишидан ошмайди.

Кичик фирмалар АҚШ ЯИМнинг 40 фоизини ишлаб чиқаради. Қайта ишлаш саноатида бу кўрсаткич 21 фоизни, қурилишда – 80, чакана савдода – 86, хизмат кўрсатиш соҳасида 81 фоизни ташкил этади. АҚШ иқтисодиётида илмий-техника тараққиётига оид барча янгиликларнинг ярми ушбу тадбиркорлик шаклига тўғри келади.

Кичик тадбиркорликнинг афзалликлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

– кичик тадбиркорлик бозор талаби ўзгаришига сезувчан бўлади. У янги технология ёки янги маҳсулот ишлаб чиқаришга осонлик билан ўтиши мумкин. Йирик корхоналарда эса бу жараён катта харажатлар ва кўп вақт талаб қилади;

– кичик корхоналарни ривожлантириш маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Йирик корхоналарни бундай миқёсдаги фаолиятлар кучли рағбатлантирмайди;

– кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан бошқариш харажатларининг улуши анча паст бўлади;

– кичик бизнес корхоналари йирик сармояни талаб қилмайди ва сарф қилинган капиталнинг қопланиш муддати қиска бўлади;

– кичик бизнес янги иш ўринларини барпо этиб, ишсизлик муаммосини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди;

– кичик корхоналар жамиятда ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланишига олиб келади;

– тадбиркорликнинг мазкур шакли ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда **тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини** барпо этиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари жумласига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, бошқа меъёрий ҳужжатлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, мамлакат иқтисодиётининг асосини турли шаклларда амал қиладиган мулк ташкил этади. Давлат иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни, барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди. Хусусий мулк, бошқа мулк шакллари сингари, дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Мулкдор ўз хоҳишига кўра, ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва бошқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни 2000 йил 25 майда қабул қилинган

"Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрларни ўз ичига қамраб олади. Унда тадбиркорликнинг қонуний таърифи, унинг субъектлари ва шакллари, ушбу фаолиятни тартибга солувчи умумий қоидалар тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти, шунингдек, ҳуқуқлари ва манфаатларининг давлат кафолатлари ўз аксини топган.

Тадбиркорлик фаолиятининг қонуний асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида 1995 йилнинг декабрида "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. 1997-99 йилларда бу борада яна учта – "Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида", "Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палаталари тўғрисида" ва "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонун (2000 йил 25 май) тадбиркорлар имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди ва унинг мақсадга мувофиқ амалиётга жорий этилиши тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

Тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини яратишда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилнинг 21 январида имзоланган "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш тадбирлари тўғриси"даги фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шундан кейин Президентнинг хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва инвестициялаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида фармони эълон қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кейинги йилларда қабул қилган хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва инвестициялаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга чет эл кредитларини беришни ташкил этиш, кичик ва ўрта корхоналар учун ҳисоботларни камайтириш ва тартибга солиш тадбирлари тўғрисидаги қарорларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда 2004 йилда 1992 йилга нисбатан кичик корхоналар сони 5,2 мартага, унда банд бўлганлар сони 1,6 мартага ўсди

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес ривожланишини 3 босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу даврда кичик ва хусусий бизнес корхоналари сони юқори суръатларда ўсди.

5.6-жадвал

Ўзбекистонда кичик ва хусусий корхоналар ҳамда унда банд бўлганлар сонининг ўзгариши

Йиллар	Кичик ва хусусий корхоналар		Кичик ва хусусий корхоналарда банд бўлганлар	
	Мингта	Ўтган йилга нисбатан фоизда	Минг киши	Ўтган йилга нисбатан фоизда
1992	52,8	177	3728,4	112,2
1993	74,4	140,9	4661,2	125,0
1994	98,5	132,3	5462,9	117,2
1995	142,0	144,1	6577,4	120,4
1996	171,0	120,4	7004,9	106,5
1997	146,7	85,8	3873,7	55,3
1998	165,6	112,9	3548,3	91,6
1999	159,7	96,4	4152,5	117,0
2000	183,0	114,5	4483,8	108,0
2001	201,9	110,3	4842,5	108,0
2002	239,5	118,6	5086,4	105,0
2003	263,8	110,1	5800,0	114,0
2004	277,4	105,1	6038,3	104,1
2004 йилда 1992 йилга нисбатан фоизда	–	525,4	–	161,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1992-1995 йилларда кичик ва хусусий корхоналарнинг сони

айниқса, воситачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик ва хусусий корхоналар юқори суръатларда ривожланди.

Импорт соҳасидаги тадбиркорлик истеъмол бозорини тўйинтиришга қаратилди. Ислоҳотларнинг бошланғич даврида инвестицион товарлар импорти қисқарди. Четдан келтирилган истеъмол товарларини юқори фойда билан сотиш имконияти савдода кичик тадбиркорлар қатлами – «челнок»ларнинг вужудга келишига олиб келди.

Кичик ва хусусий корхоналар ривожланишининг иккинчи босқичи 1996-1999 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда кичик ва хусусий бизнес ривожланиши бир мунча секинлашди. Хусусан, 1996-1999 йилларда кичик ва хусусий корхоналар сони 40 фоиздан кўпроққа қисқарди. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида биринчи босқичга нисбатан акс тенденциянинг вужудга келиши қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

– иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлатнинг инвестицион фаоллиги ошди. Бу эса, молиявий ресурсларнинг давлат сектори фойдасига қайта тақсимланишига олиб келди;

– кичик корхоналар учун воситачилик фаолиятидан олинадиган даромадлар даражаси сезиларли даражада қисқарди. Бунга, бир томондан, макроиқтисодиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, иккинчи томондан, 1996 йилнинг кузидан бошлаб импортни давлат томонидан тартибга солишнинг кучайганлиги таъсир кўрсатди;

– фаол инвестиция сиёсатини юритар экан, давлат, энг аввало, алоҳида тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини қўллаб-қувватлай бошлади. Бунда устуворлик йирик ишлаб чиқаришга берилди.

Кичик ва хусусий бизнес ривожланишидаги бундай ўзгаришлар бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқарди. Мазкур соҳада банд бўлганлар сонининг кескин қисқариши ишсизлик муаммосининг чуқурлашувига олиб келди. Масалан, 1995-1998 йилларда меҳнатга яроқли ёшдаги кишилар сони 8,2 фоизга ўсган бўлса, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 4,1 фоизга ўсди, холос.

Бундан ташқари XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида рўйхатга олинган фермерларнинг катта қисми хўжалик фаолиятини юритишга киришиб кета олмадилар. Бир қатор корхоналар фақат воситачилар билан битимларни енгиллаштириш ва солиқ тўлашдан қочиш учун ташкил қилинди.

Даромадларни қайта тақсимлашда, давлатнинг юқори фаоллиги ва солиқ қонунчилигининг бажарилиши устидан назоратнинг мақсадга мувофиқ йўлга қўйилмаганлиги шароитида, кичик ва хусусий корхоналар секторида солиқ

2,7 мартага кўпайди. Биринчи босқичда бундай тенденциянинг қарор топиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

– илгари яширин ва ярим яширин ҳолатда иш юритган корхоналарнинг очиқ фаолият кўрсата бошлаши;

– кичик хусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ва бунинг натижасида корхона раҳбарлари ва ишчилари томонидан корхоналарнинг сотиб олиниши, корхона активларининг хорижий ва ички инвесторларга сотилиши;

– нисбатан эркин иқтисодий муҳитнинг қарор топиши;

– ўзбек халқининг тадбиркорлик ва ижодкорликни рағбатлантирувчи кўп асрлик анъаналарининг тиклана бошлаши ва ҳоказо.

Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг бошланғич босқичи хусусиятлари ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Хусусан, ўтиш даврида кичик бизнес корхоналари фаолиятида қисқа муддатли амалиётлар стратегик мақсадларга нисбатан устувор ўринга эга бўлди. Чунки, ўтиш даврида макроиқтисодий беқарорликнинг мавжудлиги ва рақобат муҳитининг ривожланмаганлиги туфайли муомала соҳасидаги қисқа муддатли амалиётлар йирик миқдорда фойда олишни таъминлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда кичик ва хусусий корхоналар ривожланишининг бошланғич даврида улар фаолиятида иқтисодий омиллар муҳим аҳамият касб этди. Истеъмол товарлари ва хизматларнинг тўйинмаган бозори юқори фойда асосида бизнес юритиш имконини берди. Ўтиш даврининг бошланғич босқичидаги таркибий номутаносибликлар эса ресурсларни қайта тақсимлашдан катта миқдорда фойда олишга имконият яратди.

Кичик тадбиркорлик корхоналарнинг бошқа шаклларига нисбатан бозор шароитларига тезроқ ва яхшироқ мослашди. Шу сабабли, инфляциянинг юқори даражасига қарамасдан, айнан мана шу соҳа юқори суръатларда ривожланди. 1992-1995 йилларда кичик ва хусусий бизнесда банд бўлганлар сони 1,7 мартага ўсди. Алоҳида меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони бир неча баробарга кўпайди. Айни вақтда, иқтисодиётнинг давлат секторида банд бўлганлар сони сезиларли даражада қисқарди. Хусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг нодавлат сектори фойдасига қайта таксимланишини таъминлади.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг шаклланиш жараёнига нархларнинг эркинлаштирилиши бевосита таъсир кўрсатди. У реал сектор ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган соҳалар даромадлари ўртасидаги тафовутларнинг ошишига олиб келди. Шу сабабли,

айникса, воситачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик ва хусусий корхоналар юқори суръатларда ривожланди.

Импорт соҳасидаги тадбиркорлик истеъмол бозорини тўйинтиришга қаратилди. Ислоҳотларнинг бошланғич даврида инвестицион товарлар импорти қисқарди. Четдан келтирилган истеъмол товарларини юқори фойда билан сотиш имконияти савдода кичик тадбиркорлар қатлами – «челнок»ларнинг вужудга келишига олиб келди.

Кичик ва хусусий корхоналар ривожланишининг иккинчи босқичи 1996-1999 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда кичик ва хусусий бизнес ривожланиши бир мунча секинлашди. Хусусан, 1996-1999 йилларда кичик ва хусусий корхоналар сони 40 фоиздан кўпроққа қисқарди. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида биринчи босқичга нисбатан акс тенденциянинг вужудга келиши қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

– иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлатнинг инвестицион фаоллиги ошди. Бу эса, молиявий ресурсларнинг давлат сектори фойдасига қайта тақсимланишига олиб келди;

– кичик корхоналар учун воситачилик фаолиятидан олинадиган даромадлар даражаси сезиларли даражада қисқарди. Бунга, бир томондан, макроиқтисодиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, иккинчи томондан, 1996 йилнинг кузидан бошлаб импортни давлат томонидан тартибга солишнинг кучайганлиги таъсир кўрсатди;

– фаол инвестиция сиёсатини юритар экан, давлат, энг аввало, алоҳида тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини қўллаб-қувватлай бошлади. Бунда устуворлик йирик ишлаб чиқаришга берилди.

Кичик ва хусусий бизнес ривожланишидаги бундай ўзгаришлар бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқарди. Мазкур соҳада банд бўлганлар сонининг кескин қисқариши ишсизлик муаммосининг чуқурлашувига олиб келди. Масалан, 1995-1998 йилларда меҳнатга яроқли ёшдаги кишилар сони 8,2 фоизга ўсган бўлса, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 4,1 фоизга ўсди, холос.

Бундан ташқари XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида рўйхатга олинган фермерларнинг катта қисми хўжалик фаолиятини юритишга киришиб кета олмадилар. Бир қатор корхоналар фақат воситачилар билан битимларни енгиллаштириш ва солиқ тўлашдан қочиш учун ташкил қилинди.

Даромадларни қайта тақсимлашда, давлатнинг юқори фаоллиги ва солиқ қонунчилигининг бажарилиши устидан назоратнинг мақсадга мувофиқ йўлга қўйилмаганлиги шароитида, кичик ва хусусий корхоналар секторида солиқ

тўлашдан қочиш кенг кўламда кузатилди. Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси томонидан ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, рўйхатдан ўтказилган корхоналарнинг 85 фоизи икки ёклама бухгалтерия ҳисоби юритганлар ва улар ўз даромадларининг атиги 45 фоизини декларация қилганлар, холос.[8] Бунинг натижасида кичик ва хусусий бизнес субъектларидан олинган солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги барча солиқ тушумларидаги улуши 1995 йилда 2,9 фоиздан 1998 йилда 1,8 фоизгача пасайди.

Ўзбекистонда 2004 йилда рўйхатдан ўтган кичик корхоналар сони 277,4 мингтага етди. Бундай фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 237,5 минг ёки 85,6 фоизни ташкил этади

Кичик ва хусусий бизнес ривожланишининг учинчи босқичи 1999 йилдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида қилган маърузасида иқтисодиётни эркинлаштириш ғояси илгари сурилдики, унинг муҳим йўналишларидан бири кичик ва хусусий бизнес ривожланиши учун барча шарт-шароитларни барпо этишдан иборат. Айтиш мумкинки, учинчи босқичда кичик ва хусусий бизнес ривожланишида янги давр бошланди. Кейинги йиллар давомида (1999-2004 йиллар) кичик ва хусусий корхоналар сони қарийб 73,7 фоизга, унда банд бўлганлар сони 45,4 фоизга ўсди.

Фақатгина рўйхатга олинган кичик ва хусусий корхоналар сонининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар республикамизда кичик бизнеснинг ривожланиши борасида тўлиқ тасаввур бермайди, чунки, уларнинг бир қисми йил давомида фаолият кўрсатмаслиги ҳам мумкин.

5.7-жадвал

Ўзбекистонда кичик ва хусусий корхоналар сонининг ўзгариши

Йиллар	Рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий корхоналар сони, мингта	Фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони, мингта	Фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг салмоғи, фоизда
1998	165,6	99,8	60,3
1999	159,7	125,6	78,6
2000	183,0	149,3	81,6
2001	201,9	177,7	88,0
2002	239,5	215,7	90,0
2003	263,8	229,6	87,0
2004	277,4	237,5	85,6
2004 йилда 1998 йилга нисбатан, фоизда	167,5	238,0	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1998 йилда жами кичик ва хусусий корхоналарнинг 60,3 фоизи

[8] Курманбаева Ф., Пугач И.и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы.// Экономическое обозрение. 2000, №3. - стр. 8.

фаолият кўрсатган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 85,6 фоизга етди. Бундай ижобий ўзгариш, энг аввало, ҳукуматнинг кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлари натижасидир.

Кичик ва хусусий корхоналарнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда саноат тармоқларига тўғри келади.

5.3-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида 2004 йилда кичик ва хусусий корхоналарининг иқтисоднёт тармоклари бўйича тақсимланиши

(фоизда)



Ўзбекистонда 2004 йилда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг 53,8 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди

Кичик ва хусусий корхоналарнинг 53,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, қарийб бешдан бир қисми савдо ва умумий овқатланиш ҳиссасига тўғри келади. Кичик ва хусусий бизнеснинг тармоқ таркибида кейинги йилларда бир қатор ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 1999 йил жами кичик ва хусусий корхоналарнинг 47,5 фоизи ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 95,6 фоизга етди. 1999-2004 йиллар давомида саноатдаги кичик ва хусусий корхоналар салмоғи 12,9 фоиздан 10,0 фоизгача, савдо ва умумий овқатланишда 38,4 фоиздан 22,4 фоизгача, қурилишда 7,7 фоиздан 5,4 фоизгача пасайган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуши 23,5 фоиздан 53,8 фоизга ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, савдо ва умумий овқатланишда, илм-фан ва илмий хизматда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони ҳам мутлақ, ҳам нисбий миқдорда камайган. Шунга қарамасдан, савдо ва умумий овқатланишда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони сезиларли даражада сақланиб қолмоқда. Бу соҳанинг кичик ва хусусий бизнес учун жозибадорлиги унга сарфланган харажатлар қопланиш муддатининг қисқалиги ва нисбатан барқарор истеъмол талабининг мавжудлиги билан изоҳланади.

1999-2004 йилларда қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони қарийб 3 баробарга ўсди. Бу аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, ушбу корхоналарнинг асосий қисмини деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади.

Кичик ва хусусий бизнеснинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар унинг иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулотдаги улушининг ўзгаришига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Диаграмма маълумотлари кичик ва хусусий бизнес иқтисодиётда тобора кенгроқ мавқега эга бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Хусусан, кичик ва хусусий бизнеснинг республика ЯИМдаги улуши 2002 йилда 34,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 35,6 фоизга етди. Гарчи саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий бизнес корхоналарнинг умумий сони ўзгармасдан қолган бўлсада, уларнинг ялпи маҳсулотдаги улуши 2002 йилда 14,1 фоиздан 2004 йилда 10,7 фоизгача пасайди.

Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2004 йилда 35,6 фоизга етди

Кичик ва хусусий корхоналари, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида жадал ривожланаяпти. 2004 йилда аграр соҳада фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналар сони 150 мингга етди.

5.4-диаграмма

Кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизмат)даги улушининг ўзгариши

(фоизда)



Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг асосий қисмини фермер хўжаликлари ташкил қилади. Мазкур хўжалик юритиш усулида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 1998 йилга нисбатан (20 минг) 2004 йилда қарийб 5,2 баробарга ошди (103,9 минг) ва уларга бириктирилган ер майдони 2935,4 минг гектарга етди. Бу ҳар бир фермерга ўртача 28,2 гектардан ер тўғри келишини

билдиради. Фермерлик ҳаракатининг бундай жадал ривожланишига иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган жамоа хўжаликларини тугатиш ва уларга тегишли ерларни фермер хўжаликлари ўртасида тақсимлаш ҳақидаги ҳукумат қарорларининг бажарилиши кучли ижобий таъсир кўрсатди. Натижада, кичик ва хусусий корхоналарнинг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги салмоғи 2002 йилда 76,4 фоиздан 2004 йилда 80,9 фоизгача ўсди.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнеснинг истиқболдаги ривожланиши қуйидаги муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ:

– иқтисодиётда, айниқса, қишлоқ хўжалигида кичик бизнес жадал ривожланиши учун ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, унинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги, аҳоли даромадларини шакллантириш, бандлик муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хом ашё, айниқса, кредит ресурсларидан ва маҳсулотни сотиш бозорларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, янги иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдамни кўпайтириш, уларга микрокредитлар беришнинг яхлит тизимини яратиш;

– қишлоқ жойларида хусусий мулкчилик шаклларини ривожлантиришга, шартнома муносабатларининг аниқ ва тушунарли механизмини жорий этиш, шартнома муносабатларининг қатъий бажарилиши устидан назорат ва масъулиятни кучайтириш;

– молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, банкларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлари ҳамда кредит бериш имкониятларини, ўз капиталини кучайтириш, уларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш;

– кичик корхоналарга хизмат кўрсатувчи **бозор инфратузилмаси** субъектларини устувор тарзда ривожлантириш, улар ўртасидаги рақобат муҳитини яхшилаш, замонавий, илғор технологияларни жорий этиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мукаммал технологик жараёнларни устувор ривожлантириш;

– кичик корхоналарга **хорижий инвестицияларни** жалб этиш, хорижий сармоялар иштирокида **қўшма корхоналар** ташкил этиш имкониятини бериш;

– кичик бизнес корхоналари томонидан кредит олишда **гаров тизимини** такомиллаштириш ва ҳ.к.

5.6. Инвестиция сиёсати

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва фаол инвестиция сиёсатини юритиш орқали иқтисодиёт таркибида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида

давлат **инвестиция сиёсати** капитал маблағларнинг тармоқ, технологик, такрор ишлаб чиқариш ва ҳудудий таркибини ўзгартиришга йўналтирилди.

Ислоҳотлар даврида, энг аввало, инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари барпо этилди. Қабул қилинган ва амалда бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, иқтисодий фаолият субъектларига давлат органларининг аралашувини чеклашга қаратилган. Айниқса, хорижий инвесторларга қатор **кафолатлар тизими** тақдим этилган бўлиб, улар миллий, диний ва ҳудудий белгилар бўйича чеклашларнинг мавжуд эмаслигида, ўз маблағларидан эркин фойдаланишлари учун шарт-шароитларнинг барпо этилганлигида, инвесторлар фаолиятига тегишли ахборотлардан эркин фойдаланиш имкониятларининг мавжудлигида ўз аксини топмоқда.

Ишлаб чиқилган имтиёзлар тизими хорижий инвесторлар учун қулай **инвестиция муҳити**ни барпо этади. Мазкур имтиёзлар орасида **республика инвестиция дастури**га киритилган лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарнинг етти йил давомида фойдадан олинадиган солиқдан озод этилишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизидан кўпроғини мамлакатдан ташқарига сотаётган корхоналар фойдасига солиқ ставкаси икки баробардан зиёдроққа камайтирилган.

Ислоҳотлар йилларида давлатнинг инвестиция сиёсати иқтисодиётда муайян **таркибий ўзгаришлар**ни амалга оширишни таъминлади, бозор иқтисодиёти асосларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди ва иқтисодий ўсиш учун зарурий шарт-шароитларнинг барпо этилишига олиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизда 1996 йилдан бошлаб инвестициялар мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

5.5-диаграмма

Ўзбекистонда ЯИМ ва асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари динамикаси

(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, гарчи сўнгги йилларда мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, унинг суръатлари анча пасайди. Агар 1997 йилда **асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми** 1996 йилга нисбатан 17,0 фоизга ошган бўлса, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан инвестиция ҳажмининг ўсиши 5,2 фоизни ташкил этди. Натижада инвестицияларнинг ўсиш суръатлари ЯИМ ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда. Бу эса инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг пасайишига олиб келмоқда: агар 1995 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи 29,3 фоизни, 1996 йилда 31,5 фоизни, 1997 йилда 44,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 20,3 фоизга тенг бўлди. Бундай тенденциянинг сақланиб қолиши яқин келажакда ЯИМ ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2004 йилда 20,3 фоизни ташкил этди

Сўнгги йилларда инвестицияларнинг мулк шакллари бўйича тақсимланишида нодавлат сектори улушининг ўсиши кузатилмоқда. Бу эса ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш мақсадларига мувофиқ келади.

5.8-жадвал

Ўзбекистонда инвестицияларнинг мулк шакллари бўйича тақсимланиши

	2000	2001	2002	2003	2004
Инвестициялар жами	100	100	100	100	100
Давлат сектори	63,9	47,0	40,9	40,4	41,4
Нодавлат сектори	36,1	53,0	59,1	59,6	58,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, агар 2000 йилда жами инвестицияларнинг 63,9 фоизи давлат секторига йўналтирилган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 41,4 фоизгача пасайди. Шунга мувофиқ равишда нодавлат секторига йўналтирилган инвестицияларнинг жами инвестициядаги улуши 2000 йилда 36,1 фоиздан 2004 йилда 58,6 фоизгача ўсди.

Инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий фаолиятга давлат аралашувини пасайтиришга йўналтирилган маъмурий ислоҳотлар натижасида давлат бюджети маблағларининг инвестициялардаги улуши 2000 йилда 29,2 фоиздан 2004 йилда 14,9 фоизгача, ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар улуши 19,8 фоиздан 14,5 фоизгача пасайди.

Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини пасайтириш йўналишидаги солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, тўлов интизомининг мустаҳкамланиши, хусусийлаштириш

жараёнларининг кучайиши жами инвестицияларда **корхоналар маблағлари** улушининг ўсишига олиб келди: агар 2000 йилда корхона маблағларининг жами инвестициялардаги улуши 27,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 16,1 фоиз ўсди ва 43,2 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда 2000 йилда жами инвестицияларнинг 63,9 фоизи давлат секторига йўналтирилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 41,4 фоизга пасайди

5.9-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибининг ўзгариши (%)

Манбалар	2000	2001	2002	2003	2004	2004 й.да 2000 й.га нисбатан ўзгариши
Давлат бюджети	29,2	21,5	25,0	17,4	14,9	-14,3
Корхоналар маблағлари	27,1	31,0	40,0	41,1	43,2	+16,1
Аҳоли маблағлари	12,0	10,3	12,0	13,7	12,4	+0,4
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар	19,8	23,2	15,8	17,8	14,5	-5,3
Бевосита хорижий инвестициялар	3,4	4,8	4,7	7,1	10,0	+6,6
Банкнинг марказлашган кредитлари	5,1	5,9	0,1	0,0	0,0	-5,1
Тижорат банклари кредитлари	1,7	2,2	1,6	1,8	2,3	+0,6
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	1,3	0,1	0,3	0,4	2,4	+1,1
Бошқа қарз маблағлари	0,4	0,9	0,5	0,8	0,3	-0,1

Мамлакатимизда бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2004 йилда республикамиз иқтисодиётига 240,8 млн. долларлик ёки 2003 йилга нисбатан 1,5 марта кўп бевосита **хорижий инвестициялар ва ҳукумат томонидан кафолатланмаган кредитлар** жалб этилди. Бу эса жами инвестициялар ҳажмида бевосита хорижий инвестициялар улушининг 2000 йилда 3,4 фоиздан 2004 йилда 10 фоизгача ўсишини таъминлади.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида **аҳоли маблағларининг** жами инвестициялардаги улуши 12 фоиздан 12,4 фоизгача ўсди. Таъкидлаш жоизки, аҳоли маблағларининг асосий қисми шахсий уй-жой қурилишига сарфланмоқда.

Бюджетдан ташқари фондларнинг жами инвестициялардаги улуши 2000 йилда 1,3 фоиздан 2004 йилда 2,4 фоизгача ўсди. Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари асосан республика аҳамиятидаги автомобиль ва темир йўл қурилишига ажратилмоқда.

Тижорат банкларига нақд пулларни жалб этиш, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача ставкаларни пасайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар жами инвестицияларда тижорат банклари улушининг 2004 йилда

2,3 фоизга етишини таъминлади. Бу эса 2000 йилга нисбатан 1,1 фоиз кўпдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи стратегик аҳамиятга эга ишлаб чиқариш турларининг ривожланишига олиб келди.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган бевосита хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитларнинг умумий миқдори 240,8 млн. долларни ташкил этди

Бу соҳада Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари алоҳида ўрин тутиб, улар мамлакатимиз ёқилғи-энергетика манбаларининг муҳим базаси ҳисобланади. Шунингдек, Навоий ва Самарқанд вилоятларида тоғ-кон саноатини ривожлантиришга йирик капитал маблағлар сарфланганини таъкидлаш лозим (олтин, мис ва вольфрам қазиб олиш).

Йирик инвестиция маблағлари эвазига Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи, Қашқадарё вилоятининг Кўкдумалоқ конида компрессор станцияси ишга туширилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирланди, Шўртан газ-кимё мажмуаси қуриб ишга туширилди, Навоий-Зарафшон газ қувурлари магистрали ётқизилди. Бу чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида нефть ва газ қазиб олиш ҳамда нефтни қайта ишлаш тармоқларининг қудратли салоҳияти барпо этилди.

Энергетика саноати ривожланишига йирик капитал маблағлар ажратилди. Натижада Янги Ангрен ГРЭСининг 7-энергия блоки қуриб ишга туширилди, Сирдарё ГРЭСи модернизация қилинмоқда, Таллимаржон ГРЭС қурилиши давом этмоқда, бир неча юз километрлик электр узатувчи линиялар ишга туширилди.

Таркибий ўзгаришлар шароитида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири машинасозлик соҳаси ҳисобланади. Шу муносабат билан 1995 йилда Андижон вилоятига киритилган капитал маблағлар ҳажми сезиларли даражада ўсди. Мазкур йилда вилоятнинг жами республика иқтисодиётига киритилган инвестициялардаги улуши 22,1 фоизни ташкил этди. Натижада Андижонда "ЎзДЭУавто" автомобиль заводи ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи қатор заводлар қуриб ишга туширилди.

Бу даврда ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг 92,4 фоизи автомобиль саноати ҳиссасига тўғри келди. Самарқанд вилоятида машинасозлик тармоғи ривожланишига ("СамКОЧавто" мини-автобуслари ишлаб чиқариш), Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган корхоналарни таъмирлаш ва модернизация қилишга, Жиззах вилоятида аккумулятор заводини таъмирлашга йирик маблағлар сарфланди.

Навоий, Самарқанд вилоятларида рангли металлургия саноатини ривожлантиришга, Фарғона вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида кимё саноатини, айниқса,

Қўнғирот сода заводини қуришга сезиларли миқдорда инвестиция маблағлари киритилди.

Кейинги йилларда истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга инвестициялар ҳажми ўсди. Шунингдек, транспорт ва алоқа соҳасига, айниқса, Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаларида капитал қўйилмалар ҳажми ошди.

Бундай ўзгаришлар натижасида кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган **инвестицияларнинг тармоқ таркибида** катта ўзгаришлар юз берди.

5.10-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари бўйича инвестициялар таркиби (%)

Тармоқлар	2000	2001	2002	2003	2004	2004 й.да 2000 й.га нисбатан ўзгариши
Жами	100	100	100	100	100	-
Ишлаб чиқариш соҳасига	**57,5**	**63,1**	**57,1**	**63,0**	**64,1**	**+6,6**
Саноат	29,7	38,9	32,4	28,0	28,6	-1,1
Қишлоқ хўжалиги	5,7	5,5	5,8	4,3	3,4	-2,3
Қурилиш	0,5	0,6	0,4	0,4	0,4	-0,1
Транспорт ва алоқа	16,8	14,1	10,0	20,3	23,1	+6,3
Савдо ва умумий овқатланиш	2,9	1,5	1,6	3,3	1,3	-1,6
Бошқа соҳалар	1,9	2,5	6,9	6,7	7,2	+5,3
Ноишлаб чиқаришга	**42,5**	**36,9**	**42,9**	**37,0**	**35,9**	**-6,6**

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган жами инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш соҳасини улуши 2004 йилда 64,1 фоизга тенг бўлди

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2004 йиллар давомида республикамиз иқтисодиётига киритилган жами инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш соҳасининг улуши 57,5 фоиздан 64,1 фоизгача ўсди, ноишлаб чиқариш соҳасининг улуши эса тегишли равишда 42,5 фоиздан 35,9 фоизгача пасайди. Ишлаб чиқариш соҳасига сарфланган жами инвестициялар 2004 йилда 1586,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Транспорт ва алоқа соҳасига сарфланган капитал маблағлар улуши 2000 йилда 16,8 фоиздан 2004 йилда 23,1 фоизгача ўсди. Таъкидлаш лозимки, транспорт коммуникациялари қурилишида замонавий талаблар ва халқаро андозаларга жавоб берадиган магистраллар қурилиши эвазига Ўзбекистонда катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2004 йилда Тошкент-Самарқанд тез юрар автомобиль йўли қуриб битказилди, теле-коммуникация тармоқларини таъмирлашнинг иккинчи босқичи бошланди.

Ҳозирги кунда жами инвестицияларнинг қарийб 1/3 қисми саноат тармоғи ҳиссасига тўғри келмоқда ва таҳлил қилинаётган давр мобайнида саноат тармоғининг жами инвестициялардаги улуши деярли ўзгармасдан қолди.

Қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар улуши 2000 йилда 5,7 фоиздан 2004 йилда 3,4 фоизгача пасайди. Бу пасайиш, энг аввало, донли экинлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва инфратузилма соҳасини қўллаб-қувватлашга сарфланаётган ҳорижий инвестициялар ҳажмининг пасайиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари бўйича хорижий капитал таркибида ҳам бир қатор ўзгаришлар юз берганлигини таъкидлаш лозим. Унинг умумий ҳажми 2004 йилда 596 млн. долларни ташкил этди. Жами хорижий инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш соҳасига сарфланган инвестицияларнинг улуши 2003 йилда 85,7 фоиздан 2004 йилда 82,7 фоизгача пасайди. Бундай пасайиш, энг аввало, жами хорижий инвестициялар таркибида саноат ва қишлоқ хўжалиги улушининг қисқарганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан саноат тармоғининг улуши 46,5 фоиздан 39 фоизгача, қишлоқ хўжалигининг улуши 3 фоиздан 0,7 фоизгача пасайган.

5.11-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби (%)

	2003	2004
Жами	100	100
Ишлаб чиқариш	**85,7**	**82,7**
Саноат	46,5	39,0
Қишлоқ хўжалиги	3,0	0,7
Қурилиш	0,0	0,0
Транспорт ва алоқа	32,1	37,8
Савдо ва умумий овқатланиш	1,1	0,3
Бошқа соҳалар	3,0	4,9
Ноишлаб чиқариш	**14,3**	**17,3**

Транспорт ва алоқа соҳасининг хорижий инвестициялардаги салмоғи 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 5,7 фоиз ўсди ва 37,8 фоизни ташкил этди. Ушбу маблағлар эвазига дизель локомотивлари парки модернизация қилинди, Боинг-767 русумли самолётлар харид қилинди ва миллий узатиш тармоқларини ривожлантириш ишлари давом эттирилди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим ўрин тутади. Бу эса, саноат тармоқларига инвестицияларни кенг миқёсда жалб этишни тақозо этади. Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда республикамиз иқтисодиётига жалб этилган жами инвестицияларнинг 28 фоизи ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Бу инвестицияларнинг асосий қисми ёқилғи-энергетика, металлургия ва енгил саноатга йўналтирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жами саноат тармоғига киритилган инвестицияларнинг 1/5 қисми ёқилғи саноати ҳиссасига тўғри келади ва бу кўрсаткич 2004 йилда 2000 йилга нисбатан деярли ўзгармаган. Таъкидлаш лозимки, 2001-2002 йилларда бу тармоққа сарфланган инвестицияларнинг жами саноат тармоғига киритилган инвестициялардаги салмоғи 29,1-32,3 фоизни ташкил этган. Сўнгги икки йилда ёқилғи саноати улушининг пасайиши йирик инвестиция лойиҳаларининг қуриб битказилганлиги билан изоҳланади.

5.12-жадвал

Саноат тармоқлари бўйича инвестициялар таркиби (%)

Тармоқлар	2000	2001	2002	2003	2004	2004 йда 2000 йга нисбатан ўзгариши
Жами	100	100	100	100	100	-
Электроэнергетика	5,3	3,8	6,4	9,5	9,5	+4,2
Ёқилғи	20,2	32,3	29,1	21,3	20,3	+0,1
Металлургия	9,0	11,5	14,5	22,3	16,4	+7,4
Машинасозлик	13,8	14,6	10,9	3,7	3,2	-10,6
Енгил саноат	7,9	15,9	14,1	21,4	20,7	+12,8
Озиқ-овқат саноати	8,4	5,8	6,0	3,8	5.0	-3,4
Кимё ва нефть кимёси	26,7	9,9	11,1	9,2	7,6	-19,1
Қурилиш материаллари саноати	0,9	1,2	1,2	1,6	2,0	+1,1
Бошқа тармоқлар	7,8	5,0	6,7	7,2	15,3	+7,5

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида электроэнергетика саноатининг жами саноат соҳасига киритилган инвестициялардаги улуши 5,3 фоиздан 9,5 фоизгача ўсган бўлса, кимё ва нефть кимёси соҳасига киритилган инвестицияларнинг улуши 26,7 фоиздан 7,6 фоизгача қисқарган. Электроэнергетика соҳасига киритилган инвестициялар улушининг ўсиши, энг аввало, тармоқда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, хусусан, Сирдарё ГРЭСини модернизация қилиш, Таллимаржон ГРЭСда амалга оширилаётган қурилиш ишларига сарфланаётган йирик маблағлар билан изоҳланса, кимё ва нефть кимёси салмоғининг пасайиши йирик инвестиция лойиҳаларининг якунланганлиги, хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилишининг якунланганлиги, Қўнғирот сода заводини қуришга давлат лимитларининг пасайтирилганлиги каби омиллар билан тушунтирилади.

Сўнгги йилларда машинасозлик тармоғининг жами саноат тармоқларига киритилган инвестициялардаги улуши сезиларли даражада пасайди: агар 2000 йилда машинасозликнинг жами саноат тармоқларига киритилган инвестициялардаги улуши 13,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 3,2 фоиздан иборат бўлди. Бундай пасайиш ушбу тармоққа киритилган хорижий инвестиция-

лар ҳажмининг камайганлиги ва йирик инвестиция лойиҳаларининг якунланганлиги туфайли юз берди.

Саноат тармоқларига киритилаётган жами инвестициялар таркибида енгил саноат алоҳида ўрин тутади. Республикамизнинг енгил саноат тармоқларини ривожлантириш учун хом ашё ресурсларига бой эканлиги, тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун меҳнат ресурсларининг етарлилиги ушбу соҳага йирик миқдорда инвестициялар киритиш имконини бермоқда. Бунинг натижасида ушбу саноат тармоғининг жами саноат тармоқларига киритилган инвестициялардаги улуши 2000 йилда 7,9 фоиздан 2004 йилда 20,7 фоизгача ўсди. Айни вақтда озиқ-овқат саноатининг улуши 2000 йилда 8,4 фоиздан 2004 йилда 3,7 фоизгача пасайди.

5.13-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	2004 й.да 2000 й.га нисбатан ўзгариши
Жами	100	100	100	100	100	-
Қурилиш-монтаж ишлари	58,1	48,2	53,1	48,4	45,6	-12,5
Машина, ускуна, инвентарлар	30,6	39,5	35,1	39,7	43,6	+13
Бошқа харажатлар	11,3	12,3	11,8	11,9	10,8	-0,5

Қурилиш-монтаж ишларининг жами инвестициялардаги улуши 2004 йилда 45,8 фоизни ташкил этди

Кейинги йилларда асосий капиталга киритилган **инвестицияларнинг технологик таркиби**да ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, энг аввало, янги қурилишлар ҳажмининг қисқарганлиги билан боғлиқ. Бунинг натижасида қурилиш-монтаж ишларининг жами инвестициялардаги улуши 2000 йилда 58,1 фоиздан 2004 йилда 45,8 фоизгача пасайди.

Айни вақтда машина, ускуна ва жиҳозлар сотиб олишга сарфланган инвестицияларнинг салмоғи 30,6 фоиздан 43,6 фоизгача ўсди. Бу эса, асосий ишлаб чиқариш фондлари актив қисми эскириш даражасининг пасайишига олиб келади. Таъкидлаш лозимки, машина ва ускуналар сотиб олиш ҳажмининг ўсишига республикамизда **лизинг** муносабатларининг ривожланаётганлиги ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Миллий, иқтисодий, экологик ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи, кенгайтирилган ишлаб чиқариш ва мамлакат аҳолисининг ҳаёт шароитлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берувчи (энергетика, инфратузилма объектлари, транспорт, сув билан таъминлаш, коммуникациялар ва бошқалар), тадбиркорлик, айниқса, хусусий бизнес учун ташкилий-иқтисодий ва техник шароитлар барпо этувчи соҳалар республикамиз инвестиция сиёсатининг яқин келажакдаги устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

VI БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

6.1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти ва зарурияти

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатишида давлат, унинг институтлари ва таркибий тузилмалари муҳим роль ўйнайди. Бунда, бир томондан, бозор қонуниятлари, иккинчи томондан, давлатнинг тартибга солиш механизмлари ўртасидаги нисбат ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. XX аср давомида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг турли босқичларида миллий хўжаликларда баъзан бозор механизми, бошқа даврларда **давлат томонидан тартибга солиш воситалари** устуворлик касб этди. Айрим даврларда иқтисодий жараёнларни бошқаришда ва тартибга солишда **давлатнинг ролини** кучайтириш **концепциялари** устунлик қилган бўлса (ўтган асрнинг 40-йилларидан 70-йилларигача ҳукмронлик қилиб келган кейнсча таълимот), кейинги даврларда иқтисодий ривожланишда **бозор томонидан тартибга солиш механизмини**нинг чекланмаган имкониятлари концепцияси (XX асрнинг 80-90-йилларида катта мавқега эга бўлган монетаризм, неолиберализм ва бошқа иқтисодий назариялар) ҳукмронлик қилди. Собиқ Иттифоқ ва аксарият социалистик мамлакатларда амал қилган бошқарув тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, унда давлат мамлакатдаги барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни директив (бажарилиши мажбурий бўлган) режалар орқали бошқариш, **маъмурий-буйруқбозлик усуллари** орқали тартибга солишдан фойдаланган.

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида давлатнинг тартибга солиш роли нафақат давлат сектори, балки хусусий секторга нисбатан ҳам мунтазам кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ёки маъмурий-буйруқбозликка асосланишидан қатъий назар, уни давлат томонидан тартибга солиш ҳар қандай ҳукумат учун объектив заруриятдир. Давлатнинг **иқтисодий сиёсати** бозор тизимининг муҳим унсуридир. Давлат бевосита ёки билвосита бозорларнинг муҳим параметрларини, алоҳида фирма ва тадбиркорлар фаолиятидаги иқтисодий мўлжалларни белгилаб беради. Мамлакатда умумий иқтисодий маконни шакллантириш, ижтимоий хавфли бўлган фаолиятларни чеклаш ҳам давлат томонидан амалга оширилади.

> Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда, давлат муассасалари томонидан амалга ошириладиган ва мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган қонунчилик, ижроия ва назорат характерига эга бўлган чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати хўжалик юритиш субъектлари ва уй хўжаликлари молияларининг мустаҳкамланишига, миллий капиталнинг жамғарилишига, миллий

товар ишлаб чиқарувчилар учун кредит ресурсларини олишнинг қулайлашишига кўмаклашиши лозим.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг аниқ йўналишлари, шакллари ва қўламлари мамлакатнинг маълум даврдаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан белгиланади.

Давлатнинг иқтисодий соҳани бошқаришдаги асосий вазифаси – бу аҳолининг муттасил ошиб борувчи эҳтиёжларини қондиришга қаратилган моддий ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлашдир.

Иқтисодиётни бошқариш кўплаб мураккаб вазифаларни ечишни кўзда тутади. Бундай вазифаларга миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, ички ресурслардан оқилона фойдаланиш, фан ва инновация фаолиятларини ривожлантириш, хўжалик мажмуасининг мақсадга мувофиқ таркибини шакллантириш, иқтисодиётга ижтимоий йўналтирилган тус бериш, экспортни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқалар киради.

Режали иқтисодиётда давлат марказлаштирилган тартибга солиш имконияти бўлган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқарган. Бунда давлат органлари директив, мақсадли топшириқлар тизими орқали ҳар бир корхона фаолиятининг асосий параметрлари ва унинг хўжалик алоқалари, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва асосий турларидан тортиб то хом ашё етказиб берувчи ва тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларигача бўлган соҳани белгилаб берар эди. Корхоналар ваколатида эса, энг аввало, ички хўжалик масалалари, хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, технологияларни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантиришдаги мустақиллик сақланиб қолган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат иқтисодий соҳани тўғридан-тўғри бошқармайди, хўжалик алоқаларини эса бозор тартибга солиб туради. Давлат томонидан тартибга солиш эса, асосан, мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминловчи соҳалар ёки айрим сабабларга кўра, тартибга солиш механизмлари паст самара берадиган йўналишларда муҳим роль ўйнайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти соф кўринишда ҳеч бир мамлакатда учрамайди. Ривожланган мамлакатлардаги **иқтисодий механизм** ўзаро бир-бирини тўлдирувчи характерда бўлган икки блокдан иборат: бозорнинг ўзини-ўзи тартибга солиш механизми ва давлат томонидан тартибга солиш. Ўз навбатида, давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси турли мамлакатларда турличадир. Масалан, Скандинавия мамлакатларида (Швеция, Нидерландия, Дания) давлат иқтисодий жараёнларга Шимолий Америка мамлакатларига нисбатан фаолроқ таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат томонидан тартибга солишнинг аҳамияти шаклланиб бўлган бозор хўжалигига нисбатан анча юқоридир. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида давлат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, кўп ҳолларда ушбу қарорларнинг ечими ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ушбу шароитларда бозор томонидан тартибга солиш етарли даражада самара билан ишламайди. Режали иқтисодиётдан бозор хўжалигига ўтиш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Шу сабабли, давлатнинг асосий вазифаларидан бири ушбу жараённи тартибга солиш, бозор инфратузилмаси шаклланиши ва такомиллашишини рағбатлантириш ва унинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли бозорларнинг фаолият кўрсатиш шарт-шароитларини яратиш билан чекланиб қолмай, ижтимоий манфаатлар мутаносиблигини ва барқарорлигини таъминлаш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади.

Самарали фаолият кўрсатаётган бозор механизми кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни катта қийинчиликларсиз ечиш имкониятини беради. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини бирлаштириш, илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни рағбатлантириш, маҳсулот сифатини ошириш, харажатларни пасайтириш, товар ассортиментларининг мунтазам янгиланиб боришига эришиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар номенклатурасининг кенгайишини таъминлаш шулар жумласидандир. Афсуски, мукаммал амал қилаётган бозор механизми ҳам жамият ҳаётида юзага келадиган барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам, бозор механизмига бўйсунмайдиган, унинг таъсир доирасидан ташқарида бўлган бир қанча муаммоларни ҳал қилиш давлат зиммасида бўлади.

Режали иқтисодиётдан бозор хўжалигига ўтаётган аксарият мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, муваффақиятли иқтисодий ўсишни давлат тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Худди шунингдек, жамиятнинг фаровонлигини фақатгина бозор механизми орқали таъминлаб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатнинг функциялари иқтисодий жараёнларда объектив тарзда ва мантиқан торайиб борили лозим. Бунинг учун давлат бошқарувининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш ҳамда, асосий эътиборни жамиятнинг ўта муҳим иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга қаратиш керак.

Давлат ихтиёрида эса, энг аввало, қуйидаги вазифалар сақланиб қолиши лозим:

– пул эмиссияси, пул-кредит, солиқ ва бюджет тизимини тартибга солиш дастаклари;

– шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини, мулкдорлар ва хўжалик субъектлари ҳуқуқларининг кафолатланишини таъминлаш;

– барқарор макроиқтисодий ҳолатни шакллантириш;

– умумий мақсадларда фойдаланувчи хизматларни ва моддий неъматларни етказиб беришда минимал ижтимоий кафолатларни таъминлаш (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, коммуникация ва ҳаётни таъминловчи бошқа моддий неъмат ва хизматлар);

– монополияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш ва рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш;

– илм-фанни, инновацион фаолиятни ва ахборот технологияларини ривожлантириш;

– фаол ташқи иқтисодий сиёсат юргизиш, қўшни мамлакатлар билан интеграцион алоқаларни ривожлантириш;

– иқтисодиётнинг юксалиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминловчи умумдавлат аҳамиятида бўлган ишлаб чиқариш, ижтимоий ва экологик инфратузилмаларни шакллантириш;

– ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли гуруҳларини қўллаб-қувватлаш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик тартибга солиш тизимларини такомиллаштириш, экологик муаммоларни ечишда халқаро ҳамкорлик юритиш;

– такрор ишлаб чиқаришнинг оқилона ҳудудий нисбатларини шакллантириш ва минтақалар ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама ривожлантириш;

– мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш;

– бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва қонун устуворлигини таъминлаш, институционал инфратузилмани ривожлантириш;

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бозор иқтисодиётига ўтишда **давлатнинг локомотив роли** янги технологияларни жорий этиш асосида инвестицион фаолиятларни тармоқларни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга йўналтиришда, илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқиш ва қўллашда, инвестициялар ҳажмини оширишда, иқтисодиётни таркибий қайта қуришда кўринади. Глобаллашув шароитида халқаро меҳнат тақсимотида мамлакатнинг юқори ўринларни эгаллаши мақсадида давлат миллий иқтисодиётнинг рақобат афзалликларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради.

Ўтиш даврида давлатнинг мулкни бошқаришдаги роли ниҳоятда маъсулиятли ва нисбатан мураккаброқ бўлади. Энг аввало, ҳукмрон мавқега эга бўлган давлат мулки

монополиясига чек қўйиш, уни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш талаб этилади. Давлат ихтиёрида фақатгина унинг иқтисодий ривожланиши ва миллий хавфсизлигининг асосини белгилаб берувчи корхоналар қолдирилади. Давлат бошқарувининг мақсади эса бозор қонунлари бўлган рақобат, талаб, таклиф, қиймат ва бошқалардан фойдаланган ҳолда, уларнинг самарали ишлаш имкониятларини яратишдир. Бунда давлат ва бошқа мулк шаклида бўлган субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш муҳимдир.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат шаклланган ижтимоий-иқтисодий ҳолат, тўпланган тажриба, танланган ривожланиш модели ва стратегик мақсадлардан келиб чиқиб, ўзгариб турувчи усуллар ва воситалардан фойдаланади.

Давлат томонидан тартибга солиш **ҳуқуқий, маъмурий** ва **иқтисодий** усулларга бўлинади.

Иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солиш ўз ичига турли мулк шаклида бўлган корхоналар ва бозор таркиблари (биржа, банклар, акционер корхоналар) фаолият кўрсатиши меъёрларини таъминловчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, антимонопол тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги воситачилик ва ҳоказоларни қамраб олади. Шунингдек, бозор шароитларига мос бўлган янги солиқ, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қонунлари тизими лозим. Ўтиш иқтисодиётига хос бўлган давлат мулкини хусусийлаштириш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш жараёнларини ҳуқуқий таъминлаш талаб қилинади.

Иқтисодий тартибга солишнинг маъмурий усуллари иқтисодий фаолиятнинг алоҳида соҳалари ёки аҳоли қатламлари учун тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбурий чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Маъмурий чора-тадбирлар орқали, монополистлар ва ижтимоий аҳамияти юқори товарлар нархлари устидан давлат назорати юритилади. Ташқи иқтисодий фаолият тизимида миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳимоя қилиш учун алоҳида товар ёки товар гуруҳлари учун экспорт ва импорт квоталарини ўрнатиш, ташқи савдони лицензиялаш усулларидан фойдаланилади. Маъмурий усуллар асосан атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш соҳаларида кенг қўлланилади.

Тартибга солишнинг яхлит иқтисодий усуллар тизимини яратиш давлатнинг ўтиш давридаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда бюджет-солиқ, пул-кредит, нархлар орқали тартибга солиш, амортизация сиёсатларидан фойдаланилади. Шунингдек, бевосита тартибга солиш усуллари – давлат буюртмаси, квоталар, лицензиялар, бевосита бюджетдан

молиялаштириш ҳам давлатнинг асосий тартибга солиш воситалари ҳисобланади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг алоҳида шакли бўлиб **башоратлаш ва дастурлар ишлаб чиқиш** хизмат қилади. Умуман мамлакат, иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг алоҳида тармоқлари, минтақалар, шунингдек, фаолият турлари ҳам (иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, хусусийлаштириш, бандлик ва ҳоказолар) уларнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфланган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши 2004 йилда 43,6 фоизга тенг бўлди

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш амалиёти ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида ҳам қўлланилсада, бозорга ўтиш даврида иқтисодиётни тартибга солишнинг ушбу усули аҳамиятига кўра ҳар доимгидан юқорирок бўлади. Башоратлаш ва дастурлашда ривожланишнинг стратегик ва тактик мақсад-вазифалари, унга эришишнинг босқичлари ва чора-тадбирлари, уни амалга оширишнинг тегишли воситалари аниқланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизими тўлиқ равишда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, ички ва ташқи омиллардаги эҳтимолдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда унинг барқарор ривожланишига йўналтирилиши лозим.

Бозорга ўтиш шароитида давлат томонидан иқтисодиётни самарали бошқариш вазифасини амалга оширишда муҳим шарт-шароитлардан бири иқтисодий ва сиёсий муҳитда профессионал ҳаракат қила оладиган давлат бошқаруви ва аппарати таркибини шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси мамлакат иқтисодиётини тартибга солувчи олий ижро органи бўлиб, бу мамлакат Конституциясида қуйидагича ўз аксини топган: "Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради."[9]

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Вазирлар Маҳкамаси) мамлакат миқёсида ягона иқтисодий, молия, кредит ва пул сиёсати, шунингдек, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, ижтимоий таъминот ва меҳнатга ҳақ тўлаш давлат сиёсатларини юритади.

---

[9] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2003. 27 бет

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг амалда бўлган тизими функционал-тармоқ ва ҳудудий тамойилларга асосан ташкил этилган бўлиб, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, ўзида 14 та вазирлик, 9 та давлат қўмиталари, 8 та агентлик ва Ўзбекистон Республикасининг ҳукуматига бўйсунувчи 3 та давлат ташкилотини бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига лавозимлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари киради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ҳам ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқарув тизими таркибида тегишли вазирликларнинг ҳудудий ва вилоятларнинг иқтисодий органлари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ва қишлоқ маъмурий органлари муҳим ўрин тутади. Иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани бошқарувчи республика органларидан жойларда солиқ, табиий ресурслар ва атроф-муҳит, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, молия ва статистика масалаларига маъсул тегишли вазирлик ва давлат қўмиталарининг бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида шаклланган иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизими мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида кечаётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда тизимнинг тўлиқ самарадорлигини ошириш йўналишида такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифаси умумдавлат ва минтақавий муаммоларни ечишда тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг самарадорлигини оширишни талаб этади. Бу эса, пировардда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаб беради.

6.2. Пул тизими ва пул-кредит сиёсати

Пул – бу ўзига хос товар бўлиб, у умумий эквивалент, ҳар қандай товар қийматини шартли ўлчовчи восита, мустақил айирбошлаш қийматига эга бўлган иқтисодий категориядир. У бир вақтнинг ўзида ҳам капитал, ҳам молия активлари, шунингдек, мажбуриятларни ўзида мужассам этувчи ҳамда қийматни баҳолаш имконини берувчи универсал ликвидлилик воситасидир.

Пул иқтисодиётнинг энг муҳим молиявий дастаги бўлиб, қиймат ўлчови, айирбошлаш, тўлов ва жамғариш воситаси ҳамда жаҳон пуллари функцияларини бажаради.

Жисмоний шахслар, хўжалик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга ёки миллий иқтисодиётдаги даромадлар ва маҳсулотлар айланмасига кўмаклашиш ва уларни боғлашдаги пулнинг ҳаракатига **пул муомаласи**, деб айтилади. Пулнинг ҳаракати **нақд ва нақдсиз пул муомаласи** шаклида амалга ошади. Нақд пуллардан товар ва хизматлар айланишида ҳамда иш ҳақи, мукофотлар, нафақалар, коммунал хизматларни тўлашда, қимматли қоғозларни харид қилишда ва улар бўйича даромадлар, суғурта бўйича эса қоплама тўловлари ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланилади. Нақд пулларни муомалага чиқариш ёки уларни **эмиссия** қилиш билан Марказий Давлат банки шуғулланади. Нақдсиз пул муомаласи деб қийматнинг нақд пуллар иштирокисиз ҳаракатига айтилади. Кредит ташкилотларидаги ҳисоб рақамлари орқали пул маблағларини кўчириш воситасида ўзаро талабларни қондириш бунга яққол мисол бўлади. Нақдсиз пул муомаласи чеклар, векселлар, пластик карточкалар ва бошқа кредит дастаклари ёрдамида амалга ошади. Ўзининг ҳажмига кўра, нақд пуллар банк ҳисоб рақамларидаги нақдсиз пуллар ҳажмидан анча кичик бўлади. Замонавий шароитларда банкнота ва тангалар барча пул маблағла-рининг тахминан 10 фоизини ташкил этади.

Пул муомаласининг муҳим кўрсаткичларидан бири – бу пул массасидир. **Пул массаси** – бу товар ва хизматлар айланишини, хўжалик субъектлари ва давлатнинг иқтисодий алоқаларини таъминлаб берувчи нақд ва нақдсиз шаклларда бўлган (харид, тўлов ва жамғариладиган маблағлар) барча пул маблағларининг тўпламидир. Пул массаси таркибида хўжалик алоқаларига бевосита хизмат кўрсатувчи **актив қисмини** ва потенциал ҳисоб-китоб воситаси бўла олиши мумкин бўлган пул жамғармалари ва ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар кўринишидаги **пассив қисмларни** ажратиб кўрсатиш мумкин.

Пул базасини Марказий банк томонидан чиқарилган нақд пуллар, банклар томонидан Марказий банкдаги мажбурий захиралар ҳисобидаги маблағларнинг қолдиклари, банкларнинг Марказий банкдаги ва корреспондент ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг қолдиклари ва корхона, ташкилотларнинг кўчирилувчи ва муддатли депозитлари ташкил қилади.

Иқтисодиётдаги айирбошлаш ва тўловларни амалга ошириш учун етарли жами пул массаси банк сектори томонидан яратилаётган пулнинг таклифи ва пул талабига, яъни нобанк секторининг маълум пул миқдорини нақд пул ёки талаб қилиб олгунгача жамғармаларга эгалик қилишига боғлиқ. Пул таклифи ва пулга бўлган талаб пул бозорининг асосини ташкил этади.

Пул таклифини тавсифлашда жаҳон мамлакатлари амалиётида кенг тарқалган пулнинг макро агрегатлари

бўлган M_0, M_1, M_2, M_3, M_4, ва L кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар бир-биридан **ликвидлилиги** нуқтаи назаридан, яъни уларнинг накд пул кўринишига ўта олиш суръатига қараб ажратилади. Ўзбекистонда пул массаси агрегатларининг M_0, M_1, M_2 ва M_3 кўрсаткичларидан фойдаланилади.

M_0 агрегати пул массасининг энг юқори ликвидли қисми бўлиб, тўлов воситаси сифатида тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга. Ўз ичига жисмоний шахсларнинг қўлида ва юридик шахсларнинг кассаларида бўлган банкнота ва тангаларни олади.

M_1 агрегати ўз ичига M_0 агрегатини киритган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларида жорий, депозит ва ҳисоб рақамларидаги бошқа талаб қилиб олгунгача бўлган маблағларни олади.

M_2 агрегати (пул массаси) ўз таркибига M_1 агрегатини киритган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларидаги муддатли депозитларда сақланаётган маблағларини қамраб олади.

M_3 агрегати (кенгайтирилган пул массаси) ўз таркибига M_2 агрегатини киритиб, нобанк кредит ташкилотларда сақланаётган мақсадли жамғармаларни қамраб олади.

Пулнинг таклифи **пул мультипликатори** ёрдамида ҳисобланади ва у орқали пул базаси ўзгарган тақдирда пул массасининг ҳажми қанча миқдорда ўзгариши аниқланади.

Пул массаси, бозордаги товар ва хизматлар ўртасидаги нисбатни, пулнинг харид қилиш қобилиятини белгилайди. Бошқача айтганда, пул массаси деганда сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори тушунилади.

Шунга кўра, нархлар даражаси ошиб бориши билан пулнинг харид қилиш қобилияти пасайиб боради ва унинг тескариси – нархлар даражасининг пасайиши пулнинг харид қилиш қобилияти кўтарилишига олиб келади.

Пул бозорининг яна бир муҳим компоненти – бу **пулга бўлган талаб**дир. Пулга бўлган талаб икки жиҳатда намоён бўлади. Биринчиси, муомала воситаси сифатида, яъни битимларни амалга ошириш учун пулга талаб (трансакцион талаб). Иккинчиси, бойликларни сақлаш воситаси сифатида, яъни, турли хил молиявий активларни сотиб олиш учун пулга талаб (облигация, акция ва бошқалар). Биринчи ҳолат, энг аввало, жамиятнинг умумий пул даромади даражаси билан белгиланади ва ЯИМга пропорционал равишда ўзгаради. Иккинчи ҳолат дивидендлар ёки фоизлар кўринишида даромад олишга интилиш билан белгиланиб, мамлакатдаги фоиз ставкаларига тескари пропорционал равишда ўзгаради.

Пул бозори молиявий бозорнинг бўлаги бўлиб, унинг доирасида пулга бўлган талаб ва пул таклифи фоиз

ставкалари даражасини ёки пулнинг "нархини" белгилайди. Пул бозорининг фаолият кўрсатиши иқтисодиётнинг умумий ҳолати таъсирида кечади ва пул муомаласи тизимининг мувозанатлашувида ўз аксини топади.

Пул тизими деб, ҳар бир мамлакатда тарихий шаклланган ва конунчилик томонидан белгиланган пул муомаласини ташкил этиш шакли ва фаолият кўрсатиш тартибига айтилади. Давлат пул тизимида **пул бирлиги** (сўм, доллар, евро ва бошқ.) **нархлар масштаби**, муомаладаги **пул белгиларининг турлари, эмиссияси, таъминлаш** тартибларини, **нақдсиз тўлов айланмаси шаклларини** ва **миллий валюта курсини** расман белгилайди. Аксарият мамлакатларда қоғоз пуллар ва банкноталар муомаласига асосланган пул тизимлари амал қилади. Бунда нақд пуллар айланмаси соҳасининг торайиб бориши кузатилмоқда.

Пул муомаласини тартибга солиш барча мамлакатлардаги марказий банкларнинг асосий функцияларидир. Унга кўра, Марказий банк нафақат пулнинг умумий миқдорини, балки пул турлари ўртасидаги нисбатларни ҳам кузатиб боради. Айрим ҳолларда Марказий банк пул муомаласини тартибга солиш мақсадида пул бозорига пул белгилари ёки янги қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш йўли билан бевосита таъсир кўрсатади. Амалда эса, бозор иқтисодиёти шароитида Марказий банкнинг пул бозорини тартибга солишининг асосий шакли пул муомаласига билвосита, яъни тижорат банклари ва кредит институтларининг кредит қобилиятига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Кредит – бу капиталнинг маълум муддатга, ҳақ тўлаш ва қайтариш шартлари асосида ссудага беришдаги ҳаракатидир.

Замонавий **кредит тизими** ссуда капиталлари бозорида фаолият юритувчи ва пул капиталини жалб қилиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи турли **кредит-молия институтлари** тўпламидир. Кредит қуйидаги функцияларни бажаради:

– пул капиталини жалб этиш (аккумуляция) ва йўналтириш (мобилизация);

– пул капиталини қайта тақсимлаш;

– харажатларни тежаш;

– капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашувини жадаллаштириш;

– иқтисодиётни тартибга солиш.

Кредит турли хил шаклларда берилиб, унинг **тижорат кредити, банк кредити, истеъмол кредити, ипотека кредити** (кўчмас мулкни гаровга олиш асосида), **халқаро кредит** турлари кенг тарқалган.

Кредит тизими одатда уч бўғиндан иборат бўлиб, Марказий банк, тижорат банклари ва ихтисослашган кредит-молия ташкилотларини ўз ичига олади. Уч бўғинли

кредит тизими асосан аксарият саноати ривожланган мамлакатларга хосдир.

Банк тизимининг ўзи икки бўғиндан иборат бўлиб, Марказий банк ва тижорат банкларидан ташкил топган.

Марказий банк кредит тизимининг ўзагини ташкил этади. Марказий эмиссион банк давлат ихтиёрида бўлиб, ундан макроиқтисодий жараёнлар ва нисбатларни тартибга солишда фойдаланилади. Марказий банкнинг функцияларига қуйидагилар киради:

– банкноталарнинг эмиссиясини амалга ошириш;

– давлат олтин-валюта захираларини сақлаш, бошқа кредит ташкилотларининг захира жамғармаларини сақлаш, иқтисодиётни пул-кредит дастаги ёрдамида тартибга солиш;

– тижорат банкларини кредитлаш, давлат муассасаларига касса хизматини кўрсатиш;

– ҳисоб-китоб ва пул кўчириш амалиётларини юргизиш;

– кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш.

Тижорат банклари универсал характерга эга бўлган кредит институтларидир. Улар томонидан таклиф этилаётган хизматлар бугунги кунда банк маҳсулоти номини олган ва уларнинг кўп турлари мавжуд. Замонавий тижорат банклари ўз мижозларига 300 дан 600 тагача хизмат турларини таклиф этишади. Уларнинг асосийларига жисмоний ва юридик шахсларга ҳисоб рақамларини очиш ва юргизиш, ҳисоб-касса хизмати, пулларни ва пул ҳужжатларни инкассациялаш, жамғармаларни фоиз тўлаш билан сақлашга қабул қилиш, турли мақсадларда кредитлар ажратиш, маблағ эгасининг топшириғига биноан, пул маблағларини ишончли бошқариш, хориж валюталарининг олди-сотдисини амалга ошириш, қимматли тошлар билан амалиётлар олиб бориш, ҳужжатлар ёки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун махсус хона ёки сейфларни ижарага бериш киради.

Банкнинг барча хизматлари **пассив** (банкка маблағларни жалб этиш), **актив** (банк капиталини жойлаштириш) ва турли ташкилотларнинг топшириғини бажаришга мўлжалланган **комиссион** хизматларга бўлинади.

Банк **пассив операцияларни** амалга ошириш орқали вақтинча бўш маблағларни жалб этади ва шу йўл билан ўз ресурсларини шакллантиради. Жамланган маблағлар **актив операцияларни** амалга ошириш орқали уларга эҳтиёжи бўлган фирма ва жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади.

Ихтисослашган кредит – молия муассасалари банк-кредит институтларининг учинчи гуруҳини ташкил этади ва ўз фаолиятларида хўжалик ҳаётининг алоҳида соҳа ва тармоқларини кредитлаш билан шуғулланади. Уларга инвестиция, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, ипотека банклари ва ссуда жамғарма ассоциациялари киради. Ихтисослашган кредит ташкилотлари биргаликда

депозит–чек эмиссияси, тижорат кредити, қисқа муддатли молиялаш ва бошқа амалиётларни олиб борадилар.

Тартибга солишнинг пул-кредит сиёсатини юргизиш давлат ва мамлакат банк тизимининг зиммасига юклатилган. Тартибга солишнинг мақсади, кўрсаткичлари, воситалари пул ва пул-кредит сиёсати доирасида амалга ошади.

Пул-кредит сиёсати деб, пул-кредит тизими фаолияти, пул муомаласи ва ссуда капиталлари бозори кўрсаткичларини тартибга солиб туришдаги давлат чора-тадбирлари тўпламига айтилади.

Пул-кредит сиёсати давлат умумиқтисодий сиёсатининг бўлаги бўлиб (саноат, таркибий, ташқи савдо, инвестиция, солиқ ва бошқа сиёсатлар билан бирга) ҳукумат олдидаги устувор вазифа ва мақсадлар билан белгилаб берилади.

Пул–кредит сиёсатининг пировард мақсадлари иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги, ишсизликнинг паст даражаси, паст инфляция, нархлар барқарорлиги ва барқарор тўлови балансини таъминлаш ҳисобланади. Пул-кредит сиёсати мақсадлари орасида узоқ муддатли (ишсизлик йўқ шароитларида инфляциясиз иқтисодиёт) ва қисқа муддатли (муомалада маълум бир даражадаги пул массаси, банк захиралари ва фоизнинг ҳисоб ставкаларини таъминлаш) мақсадларни ажратиш мумкин.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда **бевосита** (маъмурий) ва **билвосита** (иқтисодий) усуллардан фойдаланилади.

Маъмурий усуллар Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятига нисбатан ўрнатиладиган миқдорий ва сифат чеклашларни назарда тутади. Маъмурий усулларни қўллашда қуйидаги воситалардан кенг фойдаланилади:

– турли ссудалар тақдим этиш ва кредит ресурсларини жалб этишга чеклашларнинг жорий этилиши;

– тижорат банклари томонидан филиаллар ва бўлимлар ташкил этишга чеклашларнинг жорий этилиши;

– турли хилдаги хизматлар кўрсатиш учун комиссион мукофотлар, фоиз ставкалари миқдорини лимитлаш;

– алоҳида турдаги амалиётларни бажариш учун маълум бир банклар рўйхатини белгилаш ва бошқалар.

Пул-кредит механизмининг иқтисодий усуллари тижорат банклари фаолиятига билвосита таъсир кўрсатувчи чора-тадбирларни ўз ичига олади. Иқтисодий усуллар бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларга хос бўлиб, унда ҳар бир иккинчи бўғин кредит муассасаси мустақил пул-кредит сиёсатини юритади ва шу орқали рақобатни рағбатлантиради.

Бевосита тартибга солиш воситалари давлат томонидан кўзда тутилган пул-кредит сиёсати мақсадларига бевосита

режа рақамлари кўрсатилган қоидалар орқали эришишга мўлжалланган. Бу рақамлар ёрдамида нобанк секторида вужудга келган молиявий шароитлар, яъни фоиз ставкалари ва кредитлар назорат қилинади.

Билвосита тартибга солиш воситалари банк ва нобанк институтлари фаолиятига фақат бозор кучлари орқали таъсир кўрсатади. Шу мақсадда Марказий банк муомаладаги пул массаси ҳажмини аниқлаш учун ўз ваколатларидан фойдаланади, иқтисодий субъектларга талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда фоиз ставкалари ўзгаришларига муносабат билдириш имкониятини беради.

Одатда ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида пул-кредит сиёсати кўпроқ билвосита тартибга солиш воситаларига асосланади, чунки, бу мамлакатларда молия сектори етарли даражада ривожланмаган ва рақобат муҳитини шакллантириш учун тегишли тузилмалар мавжуд эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаларига қуйидагилар киради:

– очиқ бозордаги операциялар;
– минимал захира талабларини ўрнатиш;
– тижорат банкларининг қайта молиялаш миқдорлари ва шартларини белгилаш.

Очиқ бозордаги амалиётлар деганда, Марказий банк томонидан тижорат банклари ва аҳолига давлат облигацияларини сотиш ва сотиб олиш йўли билан пул массасини тартибга солиш тушунилади.

Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган давлат облигацияларини тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олишда пул таклифининг ошишига эришилади. Пул массасини қисқартириш зарурияти туғилганда, пул ушбу облигацияларни сотиш йўли билан муомаладан олинади.

Марказий банкнинг очиқ бозордаги амалиётлар ёрдамида банк фаолиятига таъсир кўрсатиш механизми қуйидагича. Марказий банк томонидан тижорат банкларидан қимматли қоғозлар сотиб олинганда, қимматли қоғозлар қиймати суммасидаги пул миқдори, тижорат банкларининг захира-корреспондент ҳисоб рақамларига келиб тушади, яъни минимал захираларнинг меъёрга нисбатан ўсиши юз беради. Бу эса, ўз навбатида кредит амалиётларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради ва пул массасининг ошишига олиб келади. Марказий банк томонидан давлат облигациялари сотилган ҳолатда эса, аксинча, тижорат банклари томонидан захира қилиб қўйилган маблағлар камаяди, банк тизимида кредит ресурслари қисқаради. Бу эса, пировард натижада пул массасининг қисқаришига олиб келади. Марказий банк томонидан мазкур восита

қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги пул массасига таъсир кўрсатишнинг тезкорлигида ўз аксини топади.

Захира талаблари Марказий банк томонидан тижорат банклари учун белгиланадиган депозитларни минимал захиралаш меъёридан иборат. Мажбурий захиралар меъёри оширилганда пул мультипликаторининг аҳамияти пасаяди ва пул таклифи қисқаради. Пул массасига таъсир кўрсатишнинг мазкур воситаси ривожланган мамлакатларда кам қўлланилади, чунки, унинг бозор талабларига мувофиқ келиш даражаси анча паст.

Минимал захиралар иккита асосий функцияни бажаради. Биринчидан, улар ликвид маблағлар сифатида тижорат банкларининг депозитлар бўйича мажбуриятларини таъминлашга хизмат қилади. Мажбурий захиралар меъёрини вақти-вақти билан ўзгартириб туриш орқали Марказий банк иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларининг ликвидлигини мумкин бўлган минимал даражада ушлаб туради.

Иккинчидан, минимал захиралар Марказий банк томонидан мамлакатдаги пул массасига таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади. Маблағларни захиралаштиришни меъёрлаш воситасида Марказий банк тижорат банкларининг актив амалиётларини ва улар томонидан депозит эмиссиясини амалга оширишни тартибга солиб туради. Агар тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралари белгиланган меъёрдан юқори бўлса, у ҳолда улар ссуда амалиётларини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар. Агар муомаладаги пуллар миқдори зарурий эҳтиёжлардан ошиб кетса, маблағларни захиралаш меъёрини ошириш йўли билан Марказий банк **кредит рестрикцияси** (чеклаш) сиёсатини юритади. Бундай сиёсат тижорат банкларини актив амалиётларни қисқартиришга мажбур қилади ва натижада пул таклифи миқдори пасаяди.

Фоиз ставкаси – бу Марказий банкнинг тижорат банкларига кредит бериш ставкасидир. Пул базасини ва пул таклифини ошириш зарурияти пайдо бўлганда, Марказий банк фоиз ставкасини пасайтиради, яъни, кредитни арзонлаштиради ҳамда тижорат банкларининг кредит беришларини рағбатлантиради. Фоиз ставкалари пасайган вақтда тижорат банкларида Марказий банкдан арзонлашган кредит олишга қизиқиш пайдо бўлади. Бундан мақсад вужудга келган кредит ставкаларида ўз мижозларига кредит хизмати кўрсатишни кенгайтириш ва вужудга келган фоиз ставкаси ҳамда арзонлаштирилган фоиз ставкаси ўртасидаги тафовут эвазига даромадларни оширишдан иборат.

Давлат фоиз сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган ҳисоб ставкаси пул-кредит сиёсатининг яна бир муҳим воситаси ҳисобланади. Ҳисоб ставкаси Марказий банк

томонидан расмий фоиз ставкасини белгилаш ва қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Натижада Марказий банк мамлакатдаги пул массасига таъсир кўрсатади, тижорат банкларининг кредитга бўлган талабларини қисқартиришга ёки оширишга ёрдам беради.

Тижорат банклари ўз кредит ресурсларини ошириш мақсадида Марказий банкдан қимматли қоғозларни гаровга қўйган ҳолда қўшимча маблағлар сўраши мумкин. Марказий банк тижорат банкларнинг бундай ҳатти-ҳаракатини ўзи томонидан амалга оширилаётган сиёсат нуқтаи назаридан баҳолайди. Агар, у пул таклифини кенгайтириш сиёсатига мувофиқ келса, у ҳолда тижорат банклари қимматли қоғозларни гаровга қўйиб кредит олишлари мумкин. Мамлакатда пул массасини камайтириш сиёсати юритилаётган бўлса, у ҳолда кредитлар берилмайди.

Пул-кредит сиёсатининг юқоридаги воситалари Марказий банк томонидан инфляция суръатларини пасайтириш, иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, тўлов балансининг мутаносиблигини таъминлаш учун қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм 1994 йил 1 июлда муомалага киритилди

Ўзбекистонда **пул-кредит сиёсати** макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, инфляция даражасини янада пасайтириш ва тўлов интизомини кучайтиришга қаратилган. Марказий банк ўзининг пул-кредит соҳасидаги фаолиятини "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонунга мувофиқ амалга оширади. Мазкур қонуннинг 23-моддасида республикамизда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилган:

– иқтисодий конъюнктурани таҳлил қилиш ва башоратлаш;

– муомаладаги пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини белгилаш;

– пул массаси, шу жумладан, Марказий банкнинг активлари ўзгариши, йиллик қўшимча ўсиш суръатларининг мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш;

– валюта ва фоиз сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантириш;

– пул-кредит сиёсати бўйича асосий мақсадли кўрсаткичларни белгилаш.

1994 йилнинг 1 июлидан миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши билан пул-кредит сиёсати, биринчи навбатда, инфляция даражасини пасайтиришга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, иқтисодиётнинг таянч тармоқларини қўллаб-қувватлашга ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилди.

Ўзбекистонда миллий пул, банк тизими ва пул-кредит сиёсати ривожланишида 4 та босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу босқичда миллий валютани жорий этиш ва икки поғонали банк тизимини шакллантириш учун асос яратилди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонун мамлакат мустақил банк тизимини шакллантириш бўйича бу босқичда амалга оширилган чора-тадбирлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунга мувофиқ, эски Давлат банкининг республика идораси асосида Ўзбекистоннинг Марказий банки ташкил этилди ва унга давлат, **эмиссия ва резерв банки** мақоми берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки мамлакатнинг эмиссия маркази ҳисобланади

Бироқ, бу даврда, гарчи Собиқ Иттифоқ республикалари сиёсий мустақилликка эришган бўлсада, уларнинг иқтисодиёти ягона рубл маконида фаолият кўрсатар эди. Рубл макони доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит соҳаси ривожи назоратини мустақил амалга ошира олмас эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон пул-кредит сиёсати ҳали асосан Собиқ Иттифоқ давлат банки томонидан чиқарилган қоида ва меъёрлар асосида амалга оширилди. 1992 йилдаги республика пул-кредит сиёсати ҳам ягона рубл маконида қатнашиш асосида шаклланган эди.

Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасини муомалага киритиш зарурияти Россияда 1993 йилги янги банкнотлар муомалага киритилиши билан долзарб тус олди. Шундан сўнг, қатор МДҲ давлатлари ҳам ўз миллий валюталарини муомалага киритишлари натижасида, улар ҳудудларида амал қилмай қўйган эски пул массаси Ўзбекистонга оқиб кела бошлади.

Ўзбекистон рубл маконида юзага келган ушбу вазият натижасида жуда қийин ва ноқулай аҳволда қолди, чунки, бошқа республикаларда амал қилмай қолган 1961-1992 йил банкнотлари эвазига республика ҳудудидан турли маҳсулотлар олиб чиқиб кетила бошланди.

Мураккаб иқтисодий шароит Ўзбекистон раҳбариятидан икки муқобил йўлдан бирини – рубл зонасида қолиш ёки миллий валютани муомалага киритишни танлашни тақозо қилди. Макроиқтисодий беқарорлик, юқори инфляция даражаси, молиявий ва иқтисодий номутаносиблик кучайиб бораётган бир шароитда тез фурсатда қарор қабул қилиш лозим эди. Юзага келган вазият ва пул тизими ривожининг юқорида кўрсатилган муқобил вазиятлари таҳлили асосида 1993-1994 йилларда миллий валютани муомалага киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида сифат жиҳатдан янги босқич – мустақил пул-кредит сиёсати шаклланиш босқичини бошлаб берди.

Пул-кредит сиёсати ривожланишидаги **иккинчи босқич** 1994-1996 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда миллий валюта – сўм

муомалага киритилди ва икки поғонали банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон миллий валютаси муомалага киритилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имкониятига эга бўлди. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати биринчи навбатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, инфляция даражасини пасайтиришга ва иқтисодиётдаги тўлов интизомини кучайтиришга йўналтирилди. Бунда 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари банк тизимини ислоҳ қилиш ва уни ривожлантиришга асос бўлди.

Марказий банк давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган пул-кредит сиёсати бўйича ўз фаолиятини ҳар йили қабул қилинадиган "Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари" дастури доирасида олиб боради. Асосий йўналишларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатини юргизиш, мамлакат тўлов тизимини такомиллаштириш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинади.

Ўзбекистонда инфляция даражаси 2004 йилда 3,7 фоиз бўлса, бу кўрсаткич 2005 йил 7,7 фоизни ташкил этди

Марказий банкнинг асосий мақсадларидан бири миллий валютанинг қадрини ошириш бўлганлиги сабабли, инфляцияни пасайтиришга қаратилган пул-кредит сиёсатининг асоси бўлди. Миллий валюта киритилгандан сўнг, республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан олиб борилган қатъий пул-кредит сиёсати инфляция даражасининг муттасил пасайиб бориши учун замин яратди. Нарх-наво ўсишини жиловлашга қаратилган пул-кредит сиёсати ўзининг ижобий самарасини кўрсатди.

6.1-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида 1992-2004 йилларда инфляция даражасининг йиллик ўзгариши

(фоизда)



Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 1992-1994 йилларда истеъмол нархларининг ўсиши ўртача 1000 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич, айниқса, 1994 йилда энг юқори даражага етди. Шу йили инфляция даражаси 1281 фоизни ташкил этди.

Албатта, бундай инфляция биринчи навбатда аҳолининг кам ҳимояланган қатламлари, нафақачилар, талабалар, қатъий белгиланган даромад олувчи хизматчилар турмушига сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, юқори инфляция аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллигини камайтириб, банк тизимининг молиявий ресурсларни бир иқтисодий агентдан иккинчисига ўтказиш қобилиятини сусайтирди. Нарх-наво юқори суръатлар билан ўсаётган пайтда унинг иқтисодиётда ишлатилаётган имкониятлари ҳақида ахборот бериш вазифаси сусайди.

Республика монетар сиёсатидан келиб чиқиб, Марказий банк ўзининг қайта молиялаштириш, мажбурий захиралар, очиқ бозордаги амалиётлар каби пул-кредит сиёсати воситаларидан кенг фойдалана бошлади. Бу чора-тадбирларнинг натижаси ўларок, инфляция даражаси 1995 йилдан бошлаб кескин пасая бошлади.

Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1995 йилда 6,7 фоизни ташкил этди. Унинг энг юқори даражаси февраль ойида қайд этилиб, 17,8 фоизга тенг бўлди. 1996 йилда ўртача ойлик инфляция 4,2 фоизгача пасайди. Мазкур йилда инфляциянинг энг юқори даражаси апрелда (9,8 фоиз) ва энг паст даражаси июлда (3,1 фоиз) қайд этилди. 1996 йилдаги инфляция даражаси макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга эришиш имконини берди. Бундай натижаларга эришишда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш сиёсати муҳим рол ўйнади.

Миллий валюта муомалага киритилган пайтда молиялаш ставкаси 150 фоизни ташкил этар эди. Аммо, миллий валюта муомалага киритилгунга қадар бўлган инфляциянинг инерция кучи шу даражада катта бўлдики, қайта молиялашнинг бу ставкаси ҳам етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Марказий банк инфляцияни камайтириш борасида янада қатъийроқ сиёсат юритиш мақсадида 1994 йил октябр ойидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини 150 фоиздан 225 фоизгача кўтарди. 1995 йил февраль ойида қайта молиялаш ставкаси 250 фоизгача оширилган бўлса, март ойидан бошлаб у 300 фоиз этиб белгиланди.

Инфляция даражасининг пасайтириб борилиши Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг ҳам аста-секин пасайтириб борилиши учун замин яратди. 1995 йилдан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси муттасил равишда пасайтириб борилди, натижада 1996 йилда қайта молиялаш ставкаси 50 фоиздан паст бўлди.

Инфляцияга қарши курашда қайта молиялаш ставкасига ёнма-ён Марказий банкнинг мажбурий захира жамғармасига ўтказиш меъёридан ҳам фаол фойдаланилди.

Инфляция даражаси фаол ўзгариб турган 1994 йил давомида мажбурий захиралар меъёри талаб қилиб олингунга қадар ва 3 йилгача бўлган муддатли депозитлар учун 30 фоиз, 3 йилдан ошиқ бўлган муддатли депозитлар

учун 10 фоиз ҳамда чет эл валютасидаги депозитлар учун 30 фоиз даражасида бўлди.

6.2-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1994-2004 йиллардаги ўзгариши

(йиллик фоизда)



1995-1996 йилларда инфляциянинг пасайиши билан мажбурий захиралар меъёри ҳам тижорат банкларининг реал секторга кредит бериш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида камайтирилди.

6.1-жадвал

Мажбурий захира жамғармасига ўтказиш меъёрлари

(фоиз ҳисобида)

Амал қилиш муддати	Талаб қилиб олгунча ва 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатли депозитлар учун	3 йилдан ошиқ муддатли депозитлар учун	Чет эл валютасидаги депозитлар учун
1993 йил ноябрдан	30	10	30
1994 йил майдан	30	10	30
1995 йил январдан	25	10	25
1996 йил июлдан	25	10	0
1997 йил декабрдан	20	10	0
1998 йил	20	20	0
1999 йил	20	10	0
2000 йил майдан			
2005 йилгача	20	20	0
2005 йил	15	15	8

Шундай қилиб, пул-кредит сиёсати ривожланишининг иккинчи босқичида йиллик инфляция даражаси 1994 йилда 1281 фоиздан 1996 йилда 64 фоизгача пасайди, шу йили ЯИМнинг ўсишига ҳам эришилди.

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсатининг **учинчи босқичи** 1997 йилдан 2000 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда макроиқтисодий барқарорликка эришилди ва самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун реал шарт-шароит вужудга келди.

1997 йилда инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 28 фоизгача пасайди. Ойлик инфляция даражаси ўртача 2,1 фоизга тенг бўлди. 1998 йилда инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 24 фоизни, ўртача ойлик даражаси 1,9 фоизни ташкил этди. Инфляциянинг мазкур даражаси 1999 ва 2000 йилларда ҳам сақланиб қолди.

1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача бўлган даврда қайта молиялаш ставкаси 24 фоизни ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда инфляция даражасининг тез пасайиши сабабли Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ҳам сезиларли даражада туширилди. Жумладан, қайта молиялаш ставкаси 2002 йилда 22 фоизни, 2003 йилда 20 фоизни ташкил қилган бўлса, 2004 йил давомида у икки маротаба ўзгартирилди: июль ойидан бошлаб 18 фоиз ва декабрь ойидан 16 фоиз этиб белгиланди.

Марказий банкнинг мажбурий захира жамғармасига ўтказиш меъёри ҳам барқарорлашди. Хусусан, 2000–2005 йилларда мажбурий захиралар меъёри талаб қилиб олингунга қадар ва 3 йилгача бўлган муддатли депозитлар учун 20 фоиз, 3 йилдан ошиқ бўлган муддатли депозитлар учун 20 фоиз даражасида сақланиб турди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг асосий хусусиятлари ва унинг олдига қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат :

– банк фаолиятини янада эркинлаштириш асосида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш. Бу аҳоли қўлидаги вақтинча бўш маблағларни банк бўлинмаларига жалб этиш имкониятини беради. Бунинг натижасида банкларнинг реал секторни кредитлаш бўйича имкониятлари янада ошади ва банкларнинг корхоналар билан ҳамкорлиги кучаяди;

– ҳар қандай ривожланган иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланган кичик ва хусусий бизнеснинг эркин ривожланишини таъминлаш учун уларни молиявий ресурслар билан таъминлаш тизимини юқори даражада соддалаштириш;

– валюта муносабатларини янада эркинлаштириш бўйича мувофиқлаштирилган ишларни амалга ошириш ва миллий валютанинг ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ конвертациясига эришиш.

6.3. Молия-бюджет ва солиқ тизими

Молия (*financia* – италянча тўлов) бугунги кунда пул тўлови маъносини англатиб, унинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, вазифалари ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизим билан белгиланади. Молия тарихий тушунча бўлиб, давлатчилик пайдо бўлиши билан вужудга келган.

Молия пул тўлови шаклида амалга оширилиши билан бирга унинг пулдан фарқли томонлари мавжуд. Пул, ўзининг асосий вазифасига кўра, умумий эквивалент бўлиб,

унинг ёрдамида товарлар қиймати ўлчанади ва айирбошланади. Молия эса давлат, корхоналар ва аҳоли манфаатлари йўлида пул оқимларини тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Молия ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш, қайта тақсимлаш натижасида пул даромадлари ва жамғармаларини шакллантириш орқали давлат ҳамда корхоналарнинг пулга бўлган эҳтиёжларини қондириш жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу маблағлардан фойдаланиш жараёнларини назорат қилиш молиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, **молияни** пул маблағлари жамғармаларини ёки молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш борасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуаси, деб таърифлаш мумкин. Бундай муносабатлар ёки алоқалар **молия тизими** – яъни пул маблағлари жамғармаларини яратиш ва фойдаланиш бўйича тартиб ва усуллар, шунингдек, турли молиявий муносабат соҳалари тўплами орқали амалга оширилади. Молия тизими ўзида турли бўғин бюджетларини, ижтимоий, мулкий ва шахсий суғуртани, давлат валюта захиралари, корхона, ташкилот ва фирмаларнинг пул маблағларини ва бошқа махсус жамғармаларни жамлайди. Ташкилий жиҳатдан у мамлакатдаги барча молия муассасаларини қамраб олади.

Мавжуд сиёсий ва иқтисодий тизим, хўжалик юритиш анъаналари ва андозаларига қараб турли мамлакатларда молия тизимининг турлича таркиблари шаклланади. Ривожланган мамлакатлар молия тизими ўз ичига тўртта бўғинни олади: давлат бюджети, маҳаллий молия, махсус нобюджет жамғармалари, давлат корпорациялари молияси.

Давлат бошқаруви органлари молияси ўз ичига мамлакат бюджет тизими ва давлат кредитини қамраб олган давлат молиясини ташкил қилади. Мамлакат бюджет тизими давлат бюджети ва давлат нобюджет жамғармалари (биринчи бўғин), минтақалар бюджетлари (иккинчи бўғин) ва маҳаллий бюджетларни ўзида бирлаштиради. Қолган соҳалар молиясига хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли молияси киради. Ўз навбатида, молия институтлари марказий банк, бошқа молия ва кредит институтларидан иборат бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиясини юридик шахслар ўртасидаги (корхоналар ўртасида), юридик шахслар ва давлат, юридик шахслар ва жисмоний шахслар (аҳоли) ўртасидаги ўзаро молиявий алоқалар тўплами ташкил қилади.

Аҳоли молиясини оила даромади, аҳолининг турли шаклдаги харажатлари ва жамғармалари ташкил этади.

Давлат молияси – бу давлат бошқаруви сектори молияси бўлиб, иқтисодиётда барча томондан бирдек истеъмол қилинадиган нобозор хизматларини етказиш, миллий даромад ва бойликни таксимлаш билан шуғулланувчи институционал бирликларни (юридик шахс мақомига эга бўлган, бухгалтерия ҳисоби юритувчи хўжалик бирлиги) ўз ичига олади.

Мазкур бирликларнинг асосий ресурслари бевосита ёки билвосита бошқа секторлардаги хўжалик юритувчилар томонидан тўланадиган мажбурий тўловлардан шаклланади.

Давлат молиясини шакллантириш давлат бошқарув тизими билан белгилаб берилади. Давлат бошқарувининг асосий бирликларига республика, вилоят ва маҳаллий даражадаги қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари, давлат нобюджет жамғармалари, чет элдаги элчихона, консулликлар ва бошқа муассасалар киради.

Ўзбекистон Республикаси миллий молия тизими давлат мустақиллигига эришилган 1991 йилдан шаклланмоқда ва ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда у халқаро андозалар асосида ташкил этилган ва миллий хусусиятларни ҳам ўзида акс эттирган.

Марказлашган режали иқтисодиётдан бозор тизимига ўтиш жараёнида миллий молия тизимини шакллантириш билан бир вақтда мустақил мамлакат давлат институтларининг барча мажмуалари яратиб борилди. Буларга ташқи сиёсат, мудофаа ва хавфсизлик, миллий иқтисодиёт, бошқарув кабилар киради.

Мамлакатнинг моддий, сиёсий асосларини яратиш билан боғлиқ бундай мураккаб жараёнда давлат ва жамиятнинг барча жабҳаларини тутиб турувчи молия тизими ва молиявий сиёсат юритиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Молия сиёсати деганда, давлатнинг ўз вазифаларини бажаришда молиявий ресурсларни самарали сафарбар этишни таъминлаш бўйича мақсади, амалга ошириш воситалари ва чора-тадбирлари мажмуи тушунилади.

Молия сиёсатининг олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

– юқори даражада молиявий ресурслар шаклланишига етарли шарт-шароитларни яратиш;

– молиявий ресурсларни тақсимлаш ва фойдаланишнинг оқилона тартибини жорий этиш;

– иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни молиявий усуллар билан тартибга солиш ва рағбатлантиришни ташкил этиш;

– иқтисодий ривожланиш стратегияси мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, молия механизмини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;

– молиянинг самарали бошқариш тизимини яратиш.

Молия сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас бўлагидир. Унда миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий йўналишлари аниқлаштирилади, молиявий ресурсларнинг умумий ҳажми, манбалари ва фойдаланиш йўналишлари белгиланади, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни молиявий усуллар билан тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, молия сиёсати давлатнинг нисбатан мустақил бўлган фаолият соҳаси бўлиб, ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини юритишнинг муҳим воситасидир.

Молия сиёсатини ишлаб чиқишда жамият ривожланишининг муайян хусусиятларидан келиб чиқиш лозим. Жумладан, ички ва халқаро аҳволни, шунингдек, мамлакатнинг реал иқтисодий ва молиявий имкониятларини ҳисобга олиш шарт.

Мамлакат микёсида молияни бошқариш давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган Президент ва Олий Мажлис томонидан ҳар йилги бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва уни кейинги молия йили учун бюджет тўғрисидаги қонун сифатида тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

Давлат молия сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи муҳим молия муассасаси бу Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва унинг маҳаллий органларидир.

6.1-чизма

Давлат молия сиёсатини амалга ошириш тизими



Бошқарувнинг юқорида келтирилган бўлим ва унсурлари башоратлаш, режалаштириш, тезкор бошқарув ва назорат вазифалари мамлакатнинг бюджет, солиқ тизими доирасида бюджет-солиқ сиёсати орқали амалга оширилади.

Бюджет – бу давлат вазифаларини, мамлакат ёки тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш мақсадида пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг асосий молиявий режасидир.

Содда қилиб айтганда, у давлатнинг бир молия (бюджет) йилига мўлжалланган харажатлари ва уларни қоплаш манбалари кўрсатилган даромадлар сметасидир. Давлат бюджети асосини давлат бошқарув аппарати, қуролли кучлар, соғликни сақлаш, таълим, ижтимоий соҳалар харажатларини молиялаштиришга мўлжалланган, ҳукуматнинг марказлашган пул маблағлари жамғармаси ташкил қилади. Мамлакат ҳудудида амалда бўлган ва ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқий меъёрларга асосланган барча турдаги бюджетлар тўпламига **бюджет тизими** дейилади. Бюджет тизимининг ташкил этилиши ва тузилиши тамойилларига (яхлитлиги, тўлалиги, ҳаққонийлиги, ошкоралиги, мустақиллиги) бюджет тузилмаси, деб айтилади.

Давлат ва маҳаллий бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш бўйича давлат, маҳаллий ҳокимият органларининг қонунчилик томонидан белгилаб қўйилган фаолиятига ***бюджет жараёни*** деб айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Давлат бюджети ўз ичига республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни олади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет сиёсатининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

– иқтисодиётни инқирозлардан ҳоли этиш;

– молиявий барқарорликни таъминлаш;

– инвестицион жараёнларни рағбатлантириш ва иқтисодиётда жамғариш улушини ошириш;

– бюджетнинг моддий соҳа тармоқлари корхоналарига ажратилаётган дотация шаклидаги унумсиз харажатларини камайтириш;

– солиқ тўлаш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва назорат қилиш орқали бюджетнинг даромад базасини мустаҳкамлаш;

– давлат харажатларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан фаол молиявий назорат ўрнатувчи тизимни яратиш;

– давлат қарзи ҳажми устидан назоратни кучайтириш.

Давлат бюджети олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

– ЯИМ ва миллий даромадни қайта тақсимлаш;

– иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш;

– ижтимоий сиёсатни молиялаштириш;

– марказлашган пул маблағлари фондини шакллантириш ва унинг ишлатилишини назорат қилиш.

Иқтисодий ўсишни ва молиявий барқарорликни таъминлаш бюджет сиёсати олдида турган ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ўзига хос бўлган вазифалардандир.

Бугунги кунда давлат бюджети ЯИМни қайта тақсимлашда муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда одатда, ЯИМнинг 20-50 фоизи соликлар ва бошқа давлат даромадлари ҳамда тўловлари шаклида давлат бюджетига сафарбар этилиб, давлат бюджет харажатлари орқали иқтисодиётни ва инвестицияларни тартибга солади ва рағбатлантиради, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга йўналтиради.

Ўзбекистон Республикаси **бюджет тузилмаси** ҳам бюджет тизимининг ягоналиги, тўлалиги, ҳаққонийлиги, ошкоралиги ва унга кирувчи маъмурий-ҳудудий бюджетларнинг мустақиллиги тамойилларига асосланади. Мамлакат бюджет тизимига унинг мустақил бўлаклари сифатида республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари киради.

Ўзбекистон Республикаси жамланган бюджетига Давлат мақсадли жамғармалари ҳам киритилади. 2005 йил 1 декабр ҳолатига кўра, мамлакатда 5 та давлат жамғармалари мавжуд бўлиб, уларга:

– Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

– пенсия жарғармаси;

– иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жарғармаси;

– Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақами;

– мактаб таълими жамғармалари киради.

Мақсадли давлат жамғармаларини тузиш орқали ҳукумат бюджетга киритилмаган харажатларни молиялаштириш манбаларини мазкур нобюджет жарғармаларида шакллантиради.

Бюджет харажатлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан белгиланиб, кейинги молия (бюджет) йилида қонунчиликда белгиланган йўналиш ва ҳажмларда амалга оширилади. Барча маъмурий-ҳудудий бирликлар бюджетларининг мувозанатлашганлиги мамлакат бюджет-молия сиёсатининг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат **бюджети тақчиллигининг** чегаравий миқдорлари кейинги молия (бюджет) йили учун қонун томонидан белгиланади. Жумладан, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисида"ги қарорда "Давлат бюджети ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари Давлат бюджети

тақчиллигининг энг юқори даражаси ЯИМ ҳажмига нисбатан 1,5 фоиз миқдорда белгиланган ҳолда қабул қилинсин" деб таъкидланади.

Республика бюджети Олий Мажлис томонидан тасдиқланса, маҳаллий бюджетларни маҳаллий ҳокимият Кенгашлари тасдиқлайди. Тасдиқланган ва қонун кучига кирган Давлат бюджети ҳукумат томонидан белгиланган муддатларда ва миқдорларда амалга оширилади.

6.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичлари

млрд. сўмда

Йиллар	Даромад		Харажат		Сальдо	
	Млрд. сўм	ЯИМга нисб. %	Млрд. сўм	ЯИМ% нисб. %	Млрд. сўм	ЯИМ% нисб. %
1996	192,9	34,5	203,3	36,4	10,7	-1,9
1997	294,0	29,8	317,8	32,2	23,8	-2,4
1998	438,7	32,3	467,0	34,4	28,3	-2,1
1999	621,8	29,2	658,7	30,9	36,9	-1,7
2000	311,8	28,5	9644,6	29,6	32,8	-1
2001	1265,8	26,0	1329,8	27,0	64,0	-1,0
2002	1882,3	25,2	1949,5	26,1	67,2	-0,9
2003	2342,0	24,2	2376,9	24,6	34,9	-0,4
2004	2749,3	22,5	2743,2	22,9	121,9	-0,4

Ўзбекистонда бюджетнинг ижросида ижобий тенденциялар кузатилаяпти. 2004 йил бюджет тақчиллиги ЯИМ га нисбатан 0,4 фоиз бўлса, 2005 йилда профицитга эришилиб, бу кўрсаткич ЯИМ нинг 0,1 фоизини ташкил этди

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркиби ҳамда динамикасининг 1996-2004 йиллардаги таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакат молия-бюджет тизимида барқарорлик таъминланмоқда. Мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий йўналишлари мамлакатда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида иқтисодиётдаги солиқ юкини изчил камайтиришга йўналтирилди. Хусусан, иқтисодиётдаги солиқ юки даражасининг билвосита кўрсаткичи ҳисобланган давлат бюджетининг ЯИМга нисбатини сезиларли пасайтиришга эришилди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 1996 йили 34,5 фоизга тенг бўлган бўлса, 2004 йили бу кўрсаткич 22,5 фоизни ташкил этди. Мувофиқ равишда давлат харажатлари миқдори ҳам камайиб, 2004 йилда 22,9 фоизни ташкил этди ва мамлакат бюджетининг мувозанати мустаҳкамланди.

Мустақиллик йилларида давлат бюджетининг тақчиллиги нисбатан паст даражада бўлиб, молиявий барқарорлаштириш сиёсати учун мувофиқ келадиган чегараларда ушлаб турилди. 1996 йилдан 1997 йилгача бюджет тақчиллиги 1,9 фоиздан 2,4 фоизгача ўсган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич пасайиб борди; 2001 йилда 1,0; 2002 йилда 0,9; 2003 ва 2004 йилларда эса 0,4 фоиздан ошмади.

Бугунги кунда бюджет тақчиллигини қоплашнинг ноинфляцион усулларидан фойдаланишга катта эътибор

қаратилган бўлиб, Ўзбекистонда унинг режалаштирилган ҳажми мамлакат ЯИМнинг 1 фоизидан ошмаслиги қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бу эса, бюджет тақчиллигининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсирини камайтиради.

Давлат бюджети таркибида **билвосита солиқлар** улушининг 2003-2005 йиллар давомида барқарор равишда 50 фоиздан ошиқлиги, ҳар қандай иқтисодий шароитларда ҳам, бюджетнинг юқори даромадлари даражасини таъминлаб бермоқда. Чунки, товарларнинг нархидан олинадиган бундай солиқларни йиғиш усули ўзининг соддалиги ва самарали томонлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат харажатлари сиёсати давлат бюджетининг етарли даражада мувозанатлашишига имкон бериш билан бирга, миллий хўжаликни модернизациялаш ва ўтиш шароитида аҳолини самарали ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини бажаришга қаратилгандир.

Бугунги кунда бюджет харажатларида юқори улушга эга бўлган йўналиш ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлиб, 2005 йилда унинг улуши жами бюджет харажатларининг 50 фоизидан ошиқни ташкил этмоқда. Айниқса, маориф тизими учун харажатлар юқори бўлиб, барча бюджет харажатлари ичида энг катта улушга (28,6 фоиз) эга бўлди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга қаратилган марказлашган инвестициялар ҳам юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу эса, ўтиш даврининг мураккаб шарт-шароитларига қарамай, мамлакатда ижтимоий барқарорлик, юқори технологияли, жаҳон андозаларига мос келадиган ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш имкониятини бермоқда.

Бюджет даромадлари қисми шаклланишида солиқлар муҳим рол ўйнайди. Солиқлар ҳар қандай давлатнинг иқтисодий пойдевори ва молиявий сиёсатнинг муваффақиятини таъминловчи муҳим воситадир.

Солиқ – бу давлат ёки маҳаллий ҳокимият томонидан жисмоний ва юридик шахслардан мажбурий равишда ундириладиган ва давлатнинг иқтисодий вазифаларини бажаришга йўналтирилган маблағлардир. Солиқларни жорий қилиш ва ундириш давлат қонунчилигига асосан ташкил этилади. Бугунги кунда солиқлар фискал ва иқтисодий (тартибга солиш ва тақсимлаш) вазифани бажаради. **Солиқларнинг фискал вазифаси** давлат пул жамғармаларини шакллантиришнинг асосини ташкил этади. **Иқтисодий вазифаси** эса, миллий даромадни қайта тақсимлаш, ишлаб чиқариш ва инвестициялар жараёнларига, иқтисодиётнинг ўсиш кўлами ва суръатларига таъсир кўрсатишни кўзда тутади.

Солиқларни ундириш белгиланган ставкалар асосида амалга оширилади. **Солиқ ставкаси** – юридик, жисмоний шахслардан олинадиган турли солиқларга ўрнатилган солиқ миқдоридир. Солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва регрессив турдаги ставкалари қўлланилади.

Даромадлар ҳажмининг ўзгаришидан қатъий назар, қатъий белгиланган фоизда солиққа тортишда **пропорционал солиқ ставкаси** қўлланилади. Одатда, қўшилган қиймат солиғи, мулк солиқлари пропорционал ставкаларда ундирилади.

Даромад ўсиб борищи билан бирга юқори солиқ ставкаларининг қўлланишига **прогрессив солиқ ставкалари** дейилади. Прогрессив солиқ ставкалари асосан, аҳоли томонидан тўланадиган даромад солиғига нисбатан кенг қўлланилади.

Барча акциз солиқлари уларни пировард тўловчиси ҳисобланган истеъмолчи учун унинг эгаллаган даромадларига нисбатан **регрессив** характерда бўлади.

Ундириш усулига кўра, солиқлар бевосита ва билвосита турларга бўлинади. Тўловчи томонидан тўғридан-тўғри амалга ошириладиган мажбурий тўловлар **бевосита солиқлар** дейилади. Уларга даромад, фойда, мулк солиқлари мисол бўлади. Товарлар нархига қўшилган ва уни сотиш жараёнида тўланадиган мажбурий тўловларга **билвосита солиқлар** дейилади. Акцизлар бундай солиқларнинг асосий тури ҳисобланади.

Солиқ тизими мамлакат ҳудудида амалда бўлган солиқлар тўплами ва уларни ташкил этишнинг усул ва тамойилларини ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатларда амалда бўлган солиқларнинг миқдори, ставкалари ва ундириш тартибидаги турли-туманликдан қатъий назар, улардаги солиқ тизимлари умумжаҳон амалиёти томонидан қабул қилинган солиққа тортиш тамойиллари асосида ташкил қилинган.

Ҳар қандай мамлакат солиқ тизимининг асосини қуйидаги солиқлар ташкил қилади: аҳоли томонидан тўланадиган даромад солиғи, юридик шахслар томонидан тўланадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мулк солиқлари, акциз йиғимлари ва божхона божлари.

Ривожланган мамлакатларда билвосита солиқларнинг бюджет даромадларидаги улуши 30 фоиздан ошмайди. Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида эса, улар устувор мақомга эга бўлиб, одатда, бюджет даромадларининг 50-70 фоизини таъминлайди. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 2004 йилда 57 фоизни ташкил этди.

Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимини шакллантиришда солиқларнинг асосий улушини корхоналардан эмас, балки аҳолидан ундириш лозим,

деган нуқтаи назардан келиб чиқилади. Бу эса, талабни чеклаш орқали нарх ўсиши ва инфляция суръатларини жиловлаш омили бўлиб хизмат қилади.

6.2-чизма

Солиқ амалиётида қўлланилаётган асосий солиқ турлари



Ўзбекистонда 2004 йил билвосита солиқлар бюджет даромадларининг 57 фоизини ташкил этди

1998 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг **Солиқ кодекси** мамлакат солиқ тизимининг жаҳон талабларига мос равишда фаолият олиб боришига ҳуқуқий асос яратди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган барча солиқлар **умумдавлат ва маҳаллий солиқлар** ва йиғимларга ажратилган.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

– юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– қўшилган қиймат солиғи;

– акциз солиқлари;

– ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– экология солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқларидан тушган маблағлар тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг Марказий бюджетига жамланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетларда жамланади ва уларнинг қуйидаги турлари амалда қўлланилади:

– мол-мулк солиғи;

– ер солиғи;

– реклама солиғи;

– автотранспорт воситаларини олиб-сотганлик учун солиқ;

– савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

– юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;

– автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;

– ободончилик ишлари учун йиғим.

"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, қуйидаги ташкилотлар давлат солиқ органлари, деб белгиланган: Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг давлат солиқ бошқармалари, вилоятларнинг давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари.

Мамлакатда туб ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни модернизациялаш, барқарор иқтисодий ўсишга етарли шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими олдига қўйилган асосий вазифалардир. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида кейинги йилларда мамлакат солиқ тизимида сифат ўзгаришлари амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодиётдаги солиқ юки изчиллик билан камайиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда солиқ юки даражаси (солиқ даромадларининг ЯИМга нисбати) 28,5 фоизга тенг бўлса, бу кўрсаткич 2001 йил йилда 26 фоиз, 2002 йилда 25,2 фоиз, 2003 йилда 24,2 фоиз ва 2004 йилда 22,5 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 1998 йил 1 январдан кучга кирган

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида жамланаётган солиқ тушумларининг таркибида сезиларли ижобий тенденциялар кузатилмоқда.

6.3-жадвал

Бевосита солиқларнинг таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Бевосита солиқлар	**100.0**	**100.0**	**100.0**	**100.0**	**100.0**
Корхоналар фойдасидан солиқ	49.4	39.7	34.4	34.1	29.9
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадидан олинадиган солиқ	-	-	-	-	8.5
Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ	-	7.8	13.1	14.1	10.2
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	44.5	44.9	45.6	46.7	46.2
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадларига қатъий белгиланадиган солиқ	6.1	7.6	6.9	5.1	5.2

Солиққа тортилмайдиган энг кам иш ҳақи имтиёзининг 2002 йилдан буён бекор қилиниши солиққа тортиладиган

даромадлар базасининг сезиларли кенгайишига олиб келди ва натижада, кейинги йилларда даромад солиғи ставкаларининг пасайишига қарамасдан, даромад солиғидан тушадиган маблағларнинг бевосита солиқлардаги улуши нисбатан ўсди.

Корхоналар фойдасидан тўланидаган солиқ ставкалари изчил пасайтириб борилиб, корхоналарнинг соддалаштирилган солиқ тўлаш тизимига (ягона солиқ) ўтиши натижасида мазкур солиқ тўловларининг бевосита солиқлардаги улуши 2000 йилда 49 фоиздан 2004 йилга келиб 29 фоизга тенг бўлди. Бу ижобий ҳол бўлиб, корхоналар солиқ юкининг камайишидан далолат беради.

6.4-жадвал

Билвосита солиқларнинг таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Билвосита солиқлар	**100.0**	**100.0**	**100.0**	**100.0**	**100.0**
Қўшилган қиймат солиғи	47.3	48.8	43.9	39.6	42.5
Акциз солиғи	48.4	46.3	48.3	51.3	48.2
Божхона божи	2.0	2.7	2.9	3.0	3.6
Жисмоний шахслар ягона бож тўлови	2.3	2.2	2.4	3.3	2.5
Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёнғиғи ва газ учун солиқ	-	-	2.5	2.8	3.2

2001 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 18 фоизга пасайтирилиши кейинги йилларда унинг билвосита солиқлардаги улуши сезиларли пасайишига олиб келди. Шунингдек, Ўзбекистонда кенг номенклатурадаги истеъмол молларини (биринчи эҳтиёж молларидан ташқари) акциз солиғига тортиш амалиёти натижасида ушбу солиқ даромадларининг ҳам юқори улушини таъминлаб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш солиқ тизимини соддалаштириш, асосий солиқ ставкаларини пасайтириш ва таклиф этилаётган имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш кабиларни ўз ичига олади. Жумладан, юридик шахслардан фойда солиғи ставкаси 2002 йил 24 фоиз, 2003 йил 20 фоиз ва 2004 йилда 18 фоиздан иборат бўлди. Аҳоли даромадлари солиғи 2002 йил 33 фоиз, 2003 йил 32 фоиз ва 2004 йилда 30 фоизни ташкил этди.

Корхона даромадлари солиғи ставкаларининг аҳоли даромади солиқларига нисбатан юқори суръатларда пасайиши бевосита солиқлар таркибида даромад солиғи улушининг юқори даражасини мунтазам таъминлаб берди. Бу эса, даромадлар яратиладиган асосий бўғин бўлган

ишлаб чиқариш корхоналари учун солиқ юкини енгиллатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш имконини яратди.

6.4. Валюта тизими ва назорати

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимида фаолият кўрсатиши ҳам мамлакат ичида, ҳам давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи давлат тузилмалари, ҳуқуқий ва молиявий институтлар мажмуаларининг мавжудлигини кўзда тутади. Бундай тизимлар, институтлар ва механизмлар тўплами миллий валюта тизимини ташкил этган ҳолда валюта сиёсати, валютани тартибга солиш ва валюта назорати ёрдамида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик ва тактик мақсадларига эришишни таъминлайди. Хориж ва миллий тажрибани умумлаштириш асосида **миллий валюта тизимини** миллий қонунчилик асосида давлатнинг валюта муносабатларини ташкил этиш шакли, деб таърифлаш мумкин. Унинг унсурларига:

– миллий пул бирлиги;

– расмий олтин-валюта захиралари;

– валюта паритети ва валюта курсини шакллантириш механизми;

– валютани конвертация қилиш (айирбошлаш) шарт-шароитлари;

– валюта чекловларининг жорий этилганлиги ёки бекор этилганлиги;

– мамлакатнинг ташқи савдода ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

– миллий валюта ва олтин бозори амал қилиш тартиби;

– мамлакат валюта муносабатларини тартибга солувчи миллий муассасаларнинг мақоми;

– давлатлараро келишувлар доирасида халқаро валюта тизими билан алоқалари киради.

Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг ажралмас қисмидир. Унинг асосини давлатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда иштирок этиш жараёнида валюта даражасига кўтарила оладиган пул бирлиги ташкил этади.

Валюта – қонунда белгиланган асосда халқаро савдо ва молиявий муомалаларда қатнашувчи миллий пул бирлигидир.

Бир мамлакат пул бирлиги нархининг бошқа мамлакат пул бирлиги нархида ёки халқаро валюта бирликларида акс эттирилиши **валюта курси** (валюта тизимининг энг муҳим унсури) деб айтилади. Валюта курси жамиятда кечаётган макроиқтисодий жараёнларга катта таъсир кўрсатади. Валюта курси ёрдамида турли мамлакатларда

ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг нархларини таққослаш мумкин. Шунингдек, миллий товарларнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлиги, экспорт ва импорт ҳажмлари, мамлакат тўлов баланси жорий операциялар ҳисобининг ҳолати ҳам валюта курсининг даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Валюта курсининг динамикаси, унинг тебраниш тезлиги ва даражаси жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлик кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Валюта курслари жаҳон валюта бозорида турли омиллар, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти ҳолати таъсирида бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади. Шунингдек, валюта курси турли мамлакатлардаги инфляциянинг нисбий суръатларига, меҳнат унумдорлиги ва унинг мамлакатлар ўртасидаги нисбатига, ЯИМнинг ўсиш суръатларига, мамлакатнинг жаҳон савдосидаги ўрни ва ролига, капитални олиб чиқиш суръатларига бевосита боғлиқ. Инфляция суръати қанчалик юқори бўлса, мамлакат валютасининг курси шунчалик паст бўлади. Энг аввало, ушбу асос омиллар у ёки бу мамлакатнинг валюта курсини аниқлаб беради. Валюта курсидаги узоқ истиқ-болдаги ўзгаришлар эса миллий иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнлари ва мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ролини ўзида акс эттиради.

Валюта бозори – бу валюта битимлари амалга оширилувчи, яъни, бир мамлакат валютасида белгиланган, номинал валюта курси бўйича айирбошланадиган махсус бозордир.

Валютанинг номинал курси – бу икки давлат валюталарининг нисбий нархи ёки бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида баҳоланишидир. Валюта курси атамаси қўлланилганда, гап ҳар доим номинал айирбошлаш курси ҳақида боради.

Валютанинг реал курси – бир мамлакат товарларини бошқа мамлакат товарларига айирбошлаш мумкин бўлган нисбатни тавсифлайди. Муайян вақтга кўра, миллий пул бирлиги курсининг хорижий валютада белгиланиши **валюта котировкаси** ҳисобланади.

Хорижий валюта бирлигининг миллий пул бирлигидаги нархи ўса бошласа ва кўтарилса, унда **миллий валютанинг қадрсизланиши (девальвация)** кузатилади. Унга тескариси, яъни, хорижий валюта бирлигининг миллий пул бирлигидаги нархи пасайса, унда **миллий валюта қадрининг ошиши (ревальвация)** содир бўлади.

Валюта тартиблари. Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) амалда бўлган таснифига асосан, валютанинг қуйидаги 8 турдаги амал қилиш тартиби белгиланган:

1. Мустақил тўлов воситасига эга эмаслиги (no separate legal tender).

2. Валюта бошқаруви (currency board).

3. Курснинг содда боғланганлиги (conventional pegged arrangament).

4. Коридор доирасида курсни боғлаб қўйиш (pegged rate within horizontal band).

5. Судралувчи боғлиқлик (crawling pegg).

6. Судралувчи коридор (crawling band).

7. Бошқариладиган сузиш (managed floating).

8. Эркин сузиш (independent floating).

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб жаҳоннинг кўп мамлакатларида валюталарнинг **қатъий белгиланган** (фиксациялашган) **курслари** ўрнига **сузиб юрувчи валюта курсларига** ўтилди. Сузиб юрувчи курслар шароитида ҳар бир валюта курси ҳар қандай нарх каби бозордаги талаб ва таклиф билан белгиланади. Талаб ва таклиф валюта курсларининг ўзгариши кучли ва кучли бўлмаган ҳар қандай валютага ўз таъсирини ўтказади.

Валютани тартибга солиш *валюта сиёсатининг ажралмас* қисми бўлиб, мамлакатда валюта муомалаларини амалга оширишнинг тамойиллари, усуллари ва шаклларини ўз ичига олади. Валюта курсининг ўзгариши иқтисодиёт учун сезиларли оқибатлар келтириб чиқиши сабабли, у мамлакат ичкарисида ва давлатлараро муносабатларда ҳам давлат томонидан тартибга солиш объекти сифатида қаралади. Курслар ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш валюта курсларидаги кескин тебранишларнинг олдини олишга, мамлакат тўлов позицияларининг мувозанатлашувини таъминлашга, экспортни рағбатлантиришга, миллий иқтисодиёт ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш кабиларга қаратилган. Ҳукуматнинг валюта курсига таъсир кўрсатувчи чора-тадбирларини билвосита ва бевосита тартибга солиш турларига ажратиш мумкин. Билвосита чора-тадбирларга пул-кредит ва молия сиёсатлари доирасидаги барча ҳатти-ҳаракатлар киради. Бунга миллий валюта курсига муомладаги пул миқдори, фоизнинг реал меъёрлари, инфляция суръатлари мисол бўлади.

Бевосита таъсир кўрсатиш усулларига эса **валюта интервенцияси, дисконт (банклар томонидан олинувчи дисконт – фоиз) сиёсати** ва валюта чекловлари киради.

Марказий банк валюта интервенциясининг мақсади миллий валюта курсининг кескин пасайиб кетиши ёки унинг акси, кескин кўтарилиб кетишининг олдини олишдир. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш керакки, валюта интервенцияси валюта курсига таъсир этишда асосан қисқа муддатлардагина яхши самара беради.

Дисконт сиёсати ҳозирда асосан хориж мамлакатларида кенг қўлланилиб, ҳисоб фоизини ўзгартириб боришни кўзда тутади.

Валюта курсини кўтариш мақсадида Марказий банк ҳисоб фоизини оширади, натижада мамлакатга хориж инвестициялари кириб келиши рағбатлантирилади. Тўлов баланси ҳолатининг яхшиланиши валюта курсини оширишга олиб келади. Агар ҳукумат ўз олдига валюта курсини тушириш мақсадини қўйган бўлса, у ҳолда Марказий банк томонидан ҳисоб фоизининг пасайтирилиши капиталларни хорижий мамлакатларга кўчиришга ва натижада валюта курсини пасайишига олиб келади.

Валюта курсини тартибга солиш усуллари валюта курсини пасайтириш (девальвация) ёки оширишга (ревальвация) қаратилган бўлиши мумкин. Бу эса, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат ва ҳукумат олдига қўйилган мақсадларга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни 1993 йил 7 майда қабул қилинган

Валюта чекловлари деб, қонуний ёки маъмурий тартибда белгиланган, валюта, олтин ва бошқа валюта қимматликлари билан амалиётлар ўтказишни чеклашга йўналтирилган чора-тадбирлар ва меъёрий қоидалар йиғиндисига айтилади. ХВФ томонидан **эркин айирбошланадиган валюталар** деб белгиланган АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва инглиз фунт стерлингига қарши тўлов балансининг жорий амалиётларида валюта чекловлари қўлланилмайди.

Ҳозирги кунда халқаро ҳисоб-китобларнинг 80 фоизи АҚШ долларида амалга оширилади. АҚШ доллари евро ва япон иенаси қаторида захира валютаси мақомига эга.

Валюта назорати валютани тартибга солишнинг ажралмас бўлаги бўлиб, банклар ва нобанк институтлари фаолиятини ўз ичига олади. Мамлакатлар амалиётида валюта назоратининг турли воситалари қўлланилади. Уларга "лидз энд лэгз" амалиётлари бўйича муддатларни чеклаш, хориж валютасида ҳисоб рақамлари очишни тақиқлаш ёки олдиндан рухсат олиш тартиби, ваколатли банкларда фоизсиз импорт депозитларини қўйиш ва бошқалар киради.

Валютанинг эркин айирбошланиш қобилияти (конвертация қилиниши) давлат томонидан қўлланилаётган валюта чекловлари ҳажми ва усулларига тўғридан-тўғри боғлиқ. Валюталарнинг айирбошланиш тартибига кўра, эркин конвертрланадиган, қисман ёки конвертрланмайдиган турлари мавжуд. Эркин конвертрланадиган валюта (ЭКВ) одатда, тўлиқ ички ва ташқи айирбошланиш қобилиятига эга бўлади. ЭКВ бошқа барча валюталарга ҳеч бир чекловларсиз айирбошланади. Бугунги кунда ЭКВ қаторига АҚШ ва Канада долларлари, инглиз фунт стерлинги, евро, япон иенаси ва швейцария франки киради.

Ўзбекистон **миллий валюта тизими** мамлакат пул тизимининг ажралмас қисмидир. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, хусусан, 1993 йил 7 майда қабул қилинган "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонун томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон валюта тизимининг асосини 1994 йил 1 июлда муомалага киритилган сўм ташкил этади. Мамлакатимизда валютани тартибга солиш органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган. Молия вазирлиги эса мамлакат валюта-молия сиёсатини шакллантиришда якиндан иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солиш ваколати доирасида сўмнинг расмий курсини, уни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетиш, олиб кириш, жўнатиш тартиби ва меъёрларини белгилайди, валюта амалиётларини олиб бориш учун лицензияларни беради, валюта биржасида валюта интервенциясини амалга оширади.

Валюта назорати – бу ваколатли органларнинг Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилиги талаблари бажарилиши ва норезидентлар томонидан таъминланишига қаратилган фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикаси валюта назорати органлари Марказий банк, Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси валюта назорати агентлари таркибига тегишли давлат бошқаруви органлари, божхона ва ваколатли тижорат банклари киради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мустақил валюта тизими шаклланган бўлиб, унинг фаолияти биринчи навбатда мамлакат тўлов баланси, сўмнинг барқарорлиги ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга, барқарор иқтисодий ўсишга эришишга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган. Тизимнинг таркибида миллий валюта тизимларига хос бўлган барча унсурлар шаклланган бўлиб, улар валютани тартибга солиш ва валюта назоратининг мазмуни, вазифалари ва механизмларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси **валюта сиёсати** мамлакат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, Марказий банк томонидан Молия вазирлигининг иштирокида ишлаб чиқилади. Валюта сиёсати мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ҳисобга олинган ҳолда, макроиқтисодий, ижтимоий, инновацион, таркибий-инвестиция ва бошқа сиёсатлар билан мувофиқлаштирилади.

Мамлакат валюта сиёсатининг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:

– миллий валютанинг мустаҳкамланиши;

– валюта-молия механизмининг мустаҳкамланиши;

– мамлакат тўлов қобилиятини ошириш;

– мамлакат учун қулай шартларда хориж инвестицияларини жалб қилиш;

– миллий ва хориж капиталининг, улар мамлакат манфаатларига зид ёки акс таъсир кўрсатган ҳолларда, олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик.

6.3-диаграмма

Валюта сиёсати воситалари

Ўзбекистонда 2003 йилдан миллий валюта – сўмнинг эркин конвертацияси таъминланмоқда

Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатининг асосий воситаларига умумий тизимдан ташқари ва тизим доирасидаги усул ҳамда амаллар киради.

Биринчи гуруҳ воситаларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси билан ўзаро боғлиқликни таъминловчи макроиқтисодий унсурлар ташкил этади.

Иккинчи гуруҳга валюта тизими ва айирбошлаш курси назоратининг усулларини танлаш орқали валюта муносабатларини тартибга солиш воситалари киради.

Ички ва ташқи тартибга солиш воситалари ўзаро кучли боғланган. Тажриба шуни кўрсатадики, импортнинг юқори улуши шароитида, сўмнинг девальвацияланиши инфляциянинг ошишига олиб келади. Иккинчи томондан, ҳеч қандай таъминотсиз амалга оширилган кредит эмиссияси сўмни қадрсизлантиради ва ҳукуматни миллий валютани девальвация қилишга ундайди.

Валюта курсини тартибга солиш борасидаги Ўзбекистон ва хориж амалиёти бу борада валюта сиёсатининг уч турдаги стратегияси мақсадга мувофиклигини кўрсатади. Биринчи стратегия – бу тўлов балансининг мувозанатланишини, энг аввало, жорий амалиётлар балансини таъминлаш. Бу мақсадга сузиб юрувчи курс тартиби орқали эришилади ва мамлакатнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги таъминланади. Иккинчи стратегия – харид қилиш қобилияти паритетини ушлаб туриш бўлиб, унга реал курсни мунтазам даражада сақлаб туриш орқали эришилади. Учинчи мақсад номинал айирбошлаш курсини

белгилаб қўйишдир. Бу пул-кредит, солиқ-бюджет, инвестиция ва бошқа сиёсатларни бўйсундириш асосида молиявий барқарорликка эришишни кўзда тутади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган валюта сиёсатида ҳеч қайси бир стратегия соф ҳолда қўлланилмади. Ривожланишнинг турли босқичларида ички ёки ташқи омиллар таъсирида юқорида келтирилган стратегияларнинг алоҳида жиҳатлари ва унсурлари устуворликка эга бўлди.

Ўтган даврларда, мамлакатда олиб борилган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида сўмнинг айирбошлаш курсида нисбий барқарорликка эришилди. Сўмнинг барқарорлиги шароитида инфляция суръатларининг нисбатан юқори даражада сақланиб келиши импортерлар томонидан хориж валютасига бўлган талабнинг ошиб кетишига олиб келди. Натижада валюта бозорида талабнинг таклифдан ошиб кетиши кузатилди.

Расмий курснинг инфляцион таъсирини камайтириш мақсадида маъмурий белгилаб қўйиш, мамлакат валюта захиралари камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида валюта сотиб олиш ва биржада савдо тартиб қоидаларидаги маъмурий назоратнинг кучайтирилиши ўзининг маълум самарасини берган бўлсада, айрим салбий ҳолатлар ҳам кузатилди. Уларга бир нечта айирбошлаш курсларининг жорий этилиши, турдош, ёнма-ён бозорларнинг вужудга келиши ва бошқалар мисол бўлади.

ХВФ билан яқиндан ҳамкорлик, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш босқичига ўтганлиги 2003 йилга келиб Ўзбекистон валюта бозорида тўлиқ барқарорликка эришиш имконини берди. Натижада мамлакатда ягона айирбошлаш курси жорий этилиши билан бирга Ўзбекистон Республикаси ХВФ низомининг VIII моддаси талабларига зид бўлган барча чекловларни олиб ташлади ва халқаро жорий операциялар бўйича миллий валютанинг тўлиқ конвертациясини таъминлади.

6.5. Божхона тизими ва назорати

Ҳар қандай мамлакат жаҳон иқтисодиётида ва жаҳон бозорининг турли сегментларида ҳар хил мавқега эга бўлади. Халқаро савдонинг иштирокчиси миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ташқи савдо муносабатларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун тегишли амалиётлар олиб боради.

Давлатнинг бошқа мамлакатлар билан амалга оширилган савдо муносабатларига мунтазам таъсир кўрсатиш ҳаракатлари ташқи савдо сиёсати, деб айтилади. Ҳар қандай мамлакат томонидан юритиладиган ташқи савдо сиёсати доирасида миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш ва белгиланган ваколатлар доирасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш божхона тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ташқи савдо сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоти тизимига фаол кириб бориш услуби ва даражасига ижобий таъсир кўрсатиш;

– экспорт, импорт ҳажмлари ва ташқи савдо таркибини ўзгартириш;

– мамлакатни зарур ресурслар (хом-ашё, энергия ва ҳоказо) билан таъминлаш;

– экспорт ва импорт нархларидаги нисбатларни ўзгартириш.

Божхона тизимида жорий қилинган меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асослар орқали мамлакатларда ташқи савдо сиёсати юритишнинг икки асосий йўналишлари шаклланган:

– эркин савдо сиёсати;

– протекционизм сиёсати.

Эркин савдо сиёсати (free trade) назарияларида давлатнинг ташқи савдога тўғридан-тўғри аралашмаслиги ва уни тартибга солишда асосан бозор регуляторларидан фойдаланиш кўрсатиб ўтилади. Эркин савдо алоқалари мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлик даражаси кучайишига олиб келиш билан бирга, улар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий хавфларни юмшатади. Эркин савдо сиёсати мамлакатлар учун кўплаб қулайликлар яратсада, халқаро савдодаги айирбошлашдан амалда энг катта фойдани иқтисодий ривожланган давлатлар кўради.

Миллий иқтисодиётни чет эллик рақобатчилардан ҳимоялашга қаратилган сиёсатга протекционизм, деб айтилади. Эркин савдо сиёсатидан фарқли ўларок, протекционизм сиёсатида бозор механизмининг эркин амал қилишига йўл қўйилмайди. Алоҳида мамлакатлар иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлик имкониятларининг жаҳон бозоридаги турличалиги шароитида бозор механизмининг эркин амал қилишидан биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатлар кўпроқ зарар кўради. Нисбатан ривожланган давлатлар томонидан бўлган рақобат йўлида ҳеч қандай чекловлар жорий этилмаслиги миллий иқтисодиётда турғунлик ёки самарасиз иқтисодий таркиб шаклланишига олиб келади.

Протекционизм мамлакатда маълум тармоқларнинг ривожланишига имкон яратади. Аграр мамлакатларда эса протекционизм саноатлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунингдек, протекционизм сиёсати натижасида ишсизлик даражаси ҳам пасаяди.

Протекционизм сиёсатининг узоқ давр давомида қўлланилиши иқтисодий турғунликни келтириб чиқариши мумкин, чунки, чет эл рақобатининг бартараф этилиши миллий тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш жараёнларини сусайтиради.

Протекционизмнинг кенг қўлланилиши иқтисодий автаркия номи билан маълум бўлиб, бунда мамлакат ичида ишлаб чиқишни йўлга қўйиш имкони бўлмаган товарлар импортигагина рухсат берилади, қолган товарлар импорти қатъий чекланади. Экспорт зарур бўлган импортни қоплаш даражасида амалга оширилади. Ҳар қандай импорт миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари билан алмаштирилишни кўзда тутади.

Амалда мамлакатлар томонидан автаркия сиёсати ҳам, эркин савдо сиёсати ҳам соф ҳолда юритилмайди. Протекционизм сиёсати муайян мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб турли даражада олиб борилади. Айрим ҳолларда, алоҳида маҳсулот гуруҳларига нисбатан бир вақтнинг ўзида ҳам протекционизм, ҳам эркин савдо сиёсати юритилиши мумкин.

Жаҳон хўжалигида рақобат кураши кучайиб бораётган замонавий шароитларда миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган протекционизм нафақат ривожланаётган мамлакатларда, балки саноати ривожланган мамлакатлар томонидан ҳам фаол қўлланилмоқда.

Давлатлар протекционизм сиёсатини юргизишда олдиларига қўйилган муайян мақсадлардан келиб чиқиб, ташқи савдо сиёсатининг воситаларини фаол қўллайдилар. Ушбу тадбирлар божхона тизими доирасида амалга оширилиб, тартибга солиш воситаларининг айримлари ёки уларнинг бир нечта турлари биргаликда қўлланилиши мумкин.

Ташқи савдони тартибга солишдаги божхона воситалари асосан икки турга бўлинади:

– маъмурий (тарифсиз) воситалар;
– тарифли воситалар.

Маъмурий воситалар бирор товарнинг экспорти, импорти ёки бутун бир давлат товарларига нисбатан тўғридан-тўғри чекловлар ва таъқиклашларни жорий этишдан иборат. Ушбу воситалар ташқи савдога нисбатан юқори даражада таъсирчан бўлиб, асосан ривожланаётган давлатлар томонидан қўлланилади.

Тарифли воситалар бозор тамойилларига асосланган, бу муносабатларга мос бўлган чора-тадбирлар бўлиб, мамлакатлар ўртасида икки томонлама келишувлар асосида ўзаро ташқи савдода тарифларни жорий этишни кўзда тутади.

Божхона тарифлари. Тарифли тартибга солиш ташқи савдо сиёсатининг анъанавий ва асосий воситаларидан бўлиб, божхона божлари ставкаларининг тизимлаштирилган рўйхати **божхона тарифлари** ҳисобланади. Давлатнинг божхона чегарасини кесиб ўтиш вақтида товарларнинг экспорти ва импортига солинадиган солиққа **божхона божлари** дейилади.

Экспортни ривожлантириш хар қандай мамлакат учун мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, экспорт божлари мамлакатлар томонидан камдан-кам ҳолатларда қўлланилади. **Экспорт божлари** асосан, мамлакат бозорида тақчиллиги юқори бўлган товарларга жорий қилинади. Натижада мазкур товарларнинг мамлакат ташқарисига кўп миқдорда олиб чиқилишига барҳам берилади.

Импорт божлари бугунги кунда ташқи савдони тартибга солишда деярли барча мамлакатлар томонидан фаол қўлланиб келинаяпти. Импортга божхона божларининг жорий қилиниши натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш механизми амал қилиб, бунда хориж товарларининг ички бозорда нарх бўйича рақобатбардошлиги пасайтирилади. Мисол учун, мамлакат ичида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинаётган 1 кг шакарнинг нархи 50 центга тенг. Шакарнинг жаҳон бозорида шаклланган нархи 40 цент. Агар мамлакат ўзининг божхона чегараларини шу товарга нисбатан тўлиқ очса, натижада, нарх бўйича рақобат устунлигига эга бўлган импорт шакарининг кириб келиши миллий ишлаб чиқарувчилар бозорининг торайишига ёки бозордан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Бозорни ҳимоялаш мақсадида импорт қилинаётган шакарга нисбатан 50 фоизли божхона тарифи ставкасининг жорий қилиниши хориж шакари нархининг тўғридан-тўғри шу нисбатда қимматлашишига олиб келади. Яъни, 40 цент (импорт шакар нархи) х 50 % (товар нархига белгиланган импорт тариф ставкаси) = 60 цент (ички бозорда шаклланган янги нарх).

Бож тарифларини жорий қилиш натижасида хориждан келтирилаётган шакар нархининг ички бозорда шаклланган нархларга нисбатан юқори бўлиши мамлакат ва миллий ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор қулайликлар яратади.

Биринчидан, миллий ишлаб чиқарувчилар ўзлари учун қулай бўлган янги нархларда товарларни сотиши натижасида қўшимча фойда олиш имкониятига эга бўлади. Янги шароитда импорт шакарининг 40 центга эмас, балки 60 центга сотилиши бозор қонуниятига кўра, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан адолатли ҳолат, деб ҳисобланади.

Иккинчидан, бож тарифлари таъсирида импортнинг торайиши унинг ўрнини қоплаш мақсадида мамлакат ичида шакар ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишига олиб келади.

Учинчидан, бож тарифини жорий қилиш орқали мамлакат ҳукумати ҳам фойда кўради. Фойданинг ҳажми амалга оширилган шакар импорти қийматининг белгиланган тариф ставкаси кўпайтмасига тенг бўлади. Мисол учун, 50 фоиз бож ставкалари жорий қилиниши шароитида 3 млн. долларлик шакар импорти мамлакат хазинасига 1,5 млн. доллар миқдорида даромад олиб келади. Олинган даромаднинг мамлакат молия тизими доирасида қайта

тақсимланиши пировард натижада мамлакат фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Божхона божлари қуйидаги мезонлар бўйича таснифланади:

1. **Товарларнинг ҳаракат йўналишига кўра** бож экспорт, импорт ва транзит божларига бўлинади.

Импорт божлари миллий ишлаб чиқарувчилар, ички нарх даражаларини ҳимоялаш ва фискал ёки сиёсий мақсадларда қўлланилади.

Миллий товарларнинг чет эл бозорларига кириб боришини мураккаблаштиришга қаратилган **экспорт божлари** мазкур товарга ички бозорда мавжуд бўлган юқори эҳтиёж даврларида ёки фискал мақсадларда қўлланилади.

Транзит божлари камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Транзит божлари бир мамлакатдан бошқасига товар ташишда учинчи бир мамлакат фойдасига унинг ҳудудидан кесиб ўтилганда тўланади. Мисол учун, Россия Федерацияси Европа мамлакатларига газ етказиб беришда Украина ҳудудидан фойдаланганлиги учун унга транзит божини тўлайди.

2. Белгилаш услубига кўра бож адвалор (ad valorem), махсус ва аралаш турларга бўлинади.

Адвалор божлари жаҳон савдо амалиётида энг кенг тарқалган бўлиб, товар нархларига нисбатан фоизларда белгиланади. Бирор-бир товар нархининг 10 фоизи миқдорида божхона божининг белгиланиши бунга мисол бўлади.

Махсус божлар ўлчов бирликларига нисбатан мутлақ кўрсаткичларда белгиланади. Мисол учун, бир бирлик товар учун 20 доллар миқдорида божхона божи белгиланади.

Аралаш божлар юқорида келтирилган икки услубни бир вақтнинг ўзида қўллаш орқали амалга оширилади. Масалан, мамлакатга импорт қилинаётган велосипедларнинг ҳар бир донасига 5 доллардан ва қўшимча равишда унинг нархига нисбатан 10 фоиз миқдорида бож белгиланади.

3. Ставкаларига кўра бож тарифларнинг юқори чегарасини белгилаб берувчи **максимал ставкалар** (давлатлар томонидан мустақил равишда белгиланади), пастки чегарасини белгилаб берувчи **минимал ставкалар** (икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар асосида белгиланади) ва **преференциал (имтиёзли) ставкалардан** иборат.

4. Таъсир кўрсатиш йўналишига кўра бож преференциал ва дискриминация қилувчи турларга бўлинади.

Преференциал божлар одатда, бирор-бир мамлакат ёки маҳсулот савдосида қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида минимал божлардан ҳам паст даражада белгиланади.

Дискриминация қилувчи божлар ўз навбатида қайтарма, компенсацияловчи ва демпингга қарши турлардан

иборат бўлиб, савдода қўшимча тўсиқлар яратиш мақсадида максимал божлардан ҳам юқори даражада тўловлар жорий қилинишини кўзда тутади.

Қайтарма божлари савдо шерикларининг бирор-бир ҳаракатларига жавоб чораси сифатида қўлланилади ва улар томонидан жорий қилинган чекловлар таъсирини камайтиришга қаратилган бўлади.

Компенсацияловчи божлар бошқа мамлакатлар томонидан экспортни субсидиялашга (молиявий қўллаб-қувватлаш) нисбатан чора сифатида қўлланилиб, савдо шароитларини тенглаштириш ва мослаштириш вазифасини бажаради.

Демпингга қарши божлар демпинг ҳолатларига[10] йўл қўймаслик мақсадида, товарнинг бозорда шаклланган нархларини меъёрий (нормал) даражада таъминлаш воситаси сифатида қўлланилади.

5. Иқтисодий мақсадлари ва натижаларига кўра фискал, протекцион ва экспансион бож турлари мавжуд.

Фискал божлар давлат хазинасига максимал даражада даромад келтиришни таъминлаб беради. Товар мамлакатда ишлаб чиқарилмаслигига қарамасдан, унинг импортига божнинг жорий қилиниши уларнинг фискал характерини яққол кўрсатади.

Протекцион божлар миллий саноатни нисбатан рақобатбардош бўлган чет эл маҳсулотларидан ҳимоялаш мақсадида ўрнатилади. Бундай божлар одатда, саноатлаштириш боскичларида ёки айрим тармоқларни ривожлантириш мақсадларида қўлланилади.

Тарифсиз воситалар маъмурий характерга эга бўлиб, қуйидаги уч гуруҳдан иборат:

1) **Квоталаш, лицензиялаш, импорт депозитларини жорий қилиш** ва бошқалар. Бу воситалар ва чора-тадбирлар импортни тўғридан-тўғри чеклаш орқали миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ҳимоя қилишни кўзда тутади.

2) **Божхонада расмийлаштириш тадбирлари**. Булар техник-санитар стандартлар ва меъёрларининг жорий қилиниши, товарнинг қадоқланиши ва маркировкаларга махсус, алоҳида талаблар қўйилиши ва ҳоказолар. Бу талаблар тўғридан-тўғри ташқи савдони чеклашга қаратилмаган бўлсада, амалда жорий қилинган тартиб импорт жараёнининг сезиларли чекланишига олиб келади.

Белгиланган давр оралиғида импорт ёки экспорт қиймати ёки миқдорига нисбатан чеклов ўрнатилишига **квоталаш** дейилади. Квота миқдорининг ўртача йиллик импорт миқдоридан паст белгиланиши импортни чеклашга

---

[10] Демпинг – бозорларни эгаллаб олиш максадида товарларни ўта паст нархларда, айрим ҳолларда, таннархидан паст даражада сотишни ва шу йўл орқали рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқаришни кўзда тутади.

олиб келади. Квота миқдорини 0 га тенг қилиб белгилаш эса эмбарго ҳолатини англатиб, экспорт ёки импортнинг тўлиқ таъқиқланишига олиб келади.

Квоталарнинг глобал ва мавсумий турлари мавжуд. **Глобал квоталар** маълум бир товарни импорт қилишда бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳига нисбатан жорий қилинади. **Мавсумий квоталар** жаҳон савдосида одатда, шоколадлар, пишлоқ, пахта, кофе, пўлат ва бошқа айрим товар турларига нисбатан ўрнатилади.

Экспортни ихтиёрий чеклаш бўйича келишув (voluntary export restrain) квоталашнинг алоҳида бир кўриниши бўлиб, инқироздаги тармоқлар маҳсулотига нисбатан жорий қилинади. Экспортчилар томонидан "ихтиёрий" чекловларнинг қабул қилиниши одатда импортер мамлакатларнинг тазйиқи остида амалга ошади.

Тарифли квоталаш импортни чеклашнинг яна бир кўриниши бўлиб, белгиланган квота доирасидаги импортдан бож олинмайди, ундан ортиқ қисмига эса юқори даражадаги божхона ставкалари қўлланилади.

Квоталар одатда ваколатли давлат органлари томонидан экспорт ва импортни амалга оширишга рухсат берувчи **лицензиялар** асосида тақсимланади.

Лицензияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) белгиланган давр мобайнида тегишли рўйхатга киритилган товарни чекловларсиз олиб кириш ва олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи **автоматик** ёки **бош лицензия**;

б) қатъий белгилаб қўйилган ҳажм, миқдор ва қийматларда экспорт ва импортни амалга оширишга рухсат берувчи **бир маротабали лицензия**.

Импорт депозитлари бу – амалга оширилиши режалаштирилган импорт қийматининг маълум пропорциясида махсус ҳисобларда пул қўйишни англатади. Белгиланган муддат охирида ушбу маблағлар фоиз тўловларисиз қайтариб берилади. Бу амалиёт импортёрнинг депозитга маблағ қўйиши билан боғлиқ қўшимча харажатларни талаб қилади. Қўшимча харажатларни қоплаш одатда импорт нархининг ошишига, пировардда эса импортга бўлган талабнинг ва импортнинг камайишига олиб келади.

Махсус техник ва стандартлар талаблари соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит билан боғлиқ бўлиб, технологиялардаги ўзгаришлар ва тегишли сертификатларни олиш одатда узоқ муддат ва катта харажатларни талаб этади, ташқи савдога билвосита салбий таъсир кўрсатади.

Турли кўринишдаги маъмурий, божхона, гербли, статистика, чегара йиғимлари **қўшимча тўловлар** деб аталиб, божхона божлари каби импортни чеклашга қаратилган бўлади. Одатда бундай йиғимлар, божхона божларини қўллаш сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда, мамлакатлар томонидан кўп томонлама келишувларсиз, мустақил равишда ўрнатилади.

Ташқи савдони тарифсиз чеклаш мақсадида, шунингдек, давлат монополиясини ўрнатиш, импорт товарни ишлаб чиқаришда миллий хом ашёдан фойдаланиш мажбуриятларини белгилаш каби чора-тадбирлар ҳам қўлланилади.

Протекционизм сиёсати божхона тизимлари орқали миллий ишлаб чиқарувчиларни ички бозорда ҳимоялашга қаратилган бўлса, **экспорт субсидияларининг** ажратилиши уларни ташқи бозорда қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Экспортни субсидиялаш давлат томонидан экспортчи учун четга сотилаётган маҳсулотнинг маълум қисми миқдорида, унинг айрим харажатларини қоплаш ёки ички ва ташқи нархлар ўртасидаги фаркни (ташқи нархлар юқори бўлган тақдирда) қайтариб бериш кўринишида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Божхона тарифи тўғрисида"ги қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **ташқи савдо сиёсатини** амалга оширувчи асосий тузилмалардан бири ҳисобланади. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815-сонли Фармонига мувофиқ ташкил этилган. Қўмита фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Низоми ва тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 30 июлдаги 374-сонли қарори хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ваколати Давлат божхона қўмитасига берилган бўлиб, унинг қуйидаги асосий вазифа ва ҳуқуқлари белгиланган:

– ташқи савдода мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва белгиланган ваколатлар доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

– мамлакат бож сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида фаол қатнашиш;

– бож қонунларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш;

– бож ишларини амалга оширишда мамлакат фуқаролари, шунингдек, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

– мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишига кўмаклашиш;

– хорижий давлатларнинг божхона органлари, божхона иши масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотлари фаолиятида қатнашиш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи божхона ишига оид мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

– божхона божлари, солиқлар ва бошқа бож тўловларини ундириш.

Мустақилликка эришилгандан кейинги даврда мамлакатда божхона тизими қисқа муддатларда шаклланди ва унинг фаолияти такомиллашди. Божхона қонунчилигини ишлаб чиқишда асосан ривожланган давлатлар тажрибаси яқиндан ўрганилди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикасининг **ташқи иқтисодий сиёсати**ни божхона механизми орқали тартибга солишда асосан лицензиялаш, квоталаш каби маъмурий характердаги тарифсиз воситалардан фойдаланилган бўлса, кейинги йилларда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи тарифли воситаларга деярли тўлиқ ўтилди. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус белгиланган 16 турдаги товарларга нисбатан лицензиялаш тартиби сақланиб қолган ҳолда, мамлакат экспорти ва импортидаги бошқа барча товарлар божхона тарифлари орқали тартибга солинади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо фаолиятини эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 137-сонли фармойишига кўра ташқи савдони квоталаш бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августида қабул қилинган "Божхона тарифи тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар олиб боришда мамлакатнинг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, турли ташқи савдо тартиблари қўлланиши кўзда тутилган.

Унга кўра, Ўзбекистонда бугунги кунда асосан иккитомонлама келишувлар асосида икки турдаги ташқи савдо тартиблари жорий қилинган: **савдода энг қулай шарт-шароитлар тартиби** (Most favourited nation) ва **савдода миллий шароит тартиби** (National regims). Ушбу савдо тартиблари бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширишда имкони борича хориж товарлари учун қулай шароитлар яратиш орқали, ўз навбатида миллий товарларни ҳам хориж мамлакатлар бозорларида чекловларсиз сотилишини таъминлашга қаратилгандир. Ушбу савдо тартибларининг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиши йўлида қўйилган муҳим қадам бўлиб, келажакда мамлакатимиз учун нафақат икки томонлама келишувлар, балки ЖСТга аъзо бўлган барча мамлакатлар билан кўп томонлама савдо келишувларини олиб бориш ва имзолашни кўзда тутади.

ЖСТга аъзо бўлиш ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси олдига миллий қонунчилик ва божхона назоратларини ташкилот талаблари асосида мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш каби мураккаб ва маъсулиятли вазифани қўяди. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайишига олиб келади ва халқаро меҳнат таксимотида самарали иштирок этишида қўшимча имкониятлар яратади.

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ

7.1. Халқаро савдонинг моҳияти ва зарурияти

Халқаро савдо жаҳон хўжалик алоқаларининг энг дастлабки ва асосий шакли ҳисобланади. Унинг тарихи қадимқадимларга бориб тақалади. Қадимги Миср, Юнонистон, Рим ҳали қулдорлик тузуми давридаёқ бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилган. Инсоният тарихида биринчи марта Шарқ ва Ғарб дунёсини бир-бири билан боғлаган қитъалараро Буюк ипак йўли ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳарларда савдо-сотиқнинг кенг қулоч ёйишига олиб келган эди. Гарчи сўнгги йилларда халқаро иқтисодий алоқаларда товар экспортига нисбатан инвестицияларни бевосита хорижга чиқариш юқори суръатларда ўсаётган бўлса-да, жами жаҳон хўжалик алоқаларининг 4/5 қисми халқаро савдо ҳиссасига тўғри келади. Бу, энг аввало, халқаро савдонинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва халқаро иқтисодий алоқалардаги ўрни билан изоҳланади.

Бугунги кунда жами жаҳон хўжалиги алоқаларининг 4/5 қисми халқаро савдо ҳиссасига тўғри келади

Ташқи савдонинг ривожланиши миллий иқтисодиёт ривожланишига қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатади:

– миллий иқтисодиётнинг ресурслар базаси кенгаяди ва ички бозор торлигига барҳам берилади;

– миллий хўжаликларда такрор ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллашади: оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун имконият юзага келади, ускуналарнинг юкланганлик даражаси ошади, янги техника ва технологияларни жорий этиш самарадорлиги ўсади;

– жамғариш ва саноатлашув имкониятлари кенгаяди, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг ўсиши юз бериб, кишилар даромадлари кўпаяди;

– экспорт ҳажмининг ўсиши янги иш ўринларининг барпо этилишига олиб келади;

– мамлакатнинг халқаро ихтисослашув даражаси ортади.

Халқаро савдонинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, жаҳон хўжалик алоқаларининг барча шакллари – капитал чиқариш, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий-техника ҳамкорлиги халқаро савдо орқали амалга ошади.

Иккинчидан, товарлар халқаро савдосининг ривожланиши пировард натижада халқаро хизматлар алмашинуви даражасини белгилаб беради.

Учинчидан, халқаро савдонинг ривожланиши минтақавий интеграция жараёнлари жадаллашувининг муҳим шарти ҳисобланади ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Тўртинчидан, хорижий инвестициялар ва халқаро ҳисоб-китобларни рағбатлантиради.

Халқаро савдонинг ривожланишига буюк географик кашфиётлардан кейин янги денгиз йўлларининг очилиши

кучли туртки бўлди. Айниқса, саноат, машиналашган ишлаб чиқариш халқаро хўжалик алоқаларини янада ривожлантириб юборди. Янги тармоқлар, ишлаб чиқариш турларининг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ташқари қисмини чет элга чиқариш ва сотиш имконини берди. Шу вақтнинг ўзида кўпчилик мамлакатларда хом ашё ресурсларига эҳтиёж кескин ошди. Энди ташқи олди-сотди ҳаракатларини амалга оширишни уйғунлаштирадиган халқаро бозор зарур бўлиб қолди.

Халқаро бозор – халқаро меҳнат тақсимоти, ташқи савдо ва иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғланган алоҳида давлатлар миллий бозорларининг мажмуидир.

Унинг кўлами фақат ташқи савдо, товар айирбошлаш билан чекланмайди. Сўнгги пайтларда мамлакатлар ўртасида капитал ҳаракати, валюта муносабатлари, ишчи кучи миграцияси, илмий-техника ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда. Кўплаб ташкил этилаётган қўшма корхоналар, эркин иқтисодий зоналар, трансмиллий компаниялар ҳам миллий давлатлар иқтисодиётини жаҳон бозори атрофида бирлаштиради. Инсоният глобаллашув, ягона халқаро иқтисодиёт, жаҳон иқтисодий ҳамжамияти сари бормоқда.

Халқаро савдонинг моҳияти, унинг сабаблари кўплаб иқтисодчилар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Ушбу масалани дастлаб **меркантилистлар**[1] изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Меркантилистлар мамлакат бойлигининг асосини олтин (пул) ташкил этади деб ҳисоблаганлар ва уларнинг ташқи савдо назариялари шу ғояга асосланган. Меркантилистлар фикрича, ташқи савдо мамлакатдаги олтин миқдорини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Шу сабабли мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун имкон қадар маҳсулотларни кўпроқ **экспорт** қилиш ва камроқ **импорт** қилиш зарур, экспорт ва импорт ўртасидаги тафовут эса миллий бойликнинг ўсиши ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва импортни чеклаши лозим.

Кўриниб турибдики, меркантилистлар моҳиятан бир мамлакатнинг иккинчиси ҳисобидан бойишини таклиф этганлар. Шу билан бирга ушбу мактаб вакилларининг хизматлари шундаки, улар биринчилардан бўлиб ташқи савдо муаммоларига эътибор қаратдилар, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини таъкидладилар.

[1]Меркантилизм мактабининг асосий намояндалари Томас Мун (1571-1641), Чарльз Давенант (1656-1687), Джейн Баптист Колберт (1623-1687), Уильям Петти (1623-1687) ҳисобланади.

экспорт ва импортга сарфланадиган харажатларнинг муайян нисбатини асослаб бердилар.

Халқаро савдо назарияси ривожланишига классик-иқтисодчилар сезиларли улуш қўшганлар. XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида буюк инглиз иқтисодчиси Адам Смит ўзининг "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот"[12] номли асарида (1776 йил) мутлақ афзаллик назариясини баён этди. Унинг фикрича, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этаётган мамлакатлар энг кўп фойда оладилар. Бирор бир товар ишлаб чиқаришда **мутлақ афзалликка** эга бўлган мамлакат ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ва уни бошқа мамлакатга сотиши мақсадга мувофиқ. А.Смитнинг асосий хизмати шундаки, у табиий ва орттирилган афзалликларнинг мавжудлиги орқали мамлакатлараро савдо оқимларини тушунтириб берди.

А.Смитнинг мутлақ афзаллик назарияси Д.Рикардо томонидан янада бойитилди. У ўзининг "Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши"[13] (1817 йил) номли китобида **нисбий афзаллик назариясини** яратди. У юқори самарали хўжаликка эга бўлмаган мамлакатда ҳам ташқи савдо қўшимча манфаат келтиришини исботлаб берди. Ушбу назарияга мувофиқ, алоҳида олинган мамлакат бошқа мамлакатга нисбатан кам харажатлар сарфлайдиган маҳсулотларни экспорт қилиши ҳам манфаатли ҳисобланади. Амалда мутлақ харажатлар бошқа мамлакатларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлиши ҳам мумкин. У иқтисодий адабиётларда классик бўлиб қолган Англияда мато ва Португалияда вино ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтиради.

Рикардо келтирган мисолга кўра, Англияда мато ишлаб чиқариш бир йилда 100 киши меҳнатини талаб қилади. Бу матони Португалияга сотиб, Англия ундан вино сотиб олади. Винони мамлакат ичкарисида ишлаб чиқариш эса қўшимча 120 кишини ишлаб чиқаришга жалб этишни талаб этар эди. Шундай қилиб, Англияга винони сотиб олиш фойдали ҳисобланади. Айни вақтда Португалияда шунча миқдордаги мато ва винони ишлаб чиқариш учун мувофиқ равишда 90 ва 80 киши талаб этилади. Португалияда мато ишлаб чиқариш Англияга нисбатан арзон, аммо вино ишлаб чиқаришга нисбатан қиммат. Шу сабабли Португалия учун вино ишлаб чиқариш ва уни Англия матосига алмаштириш фойдали ҳисобланади. Агар бир хил миқдордаги мато ва винони ҳар бир мамлакат ўзи учун ва экспорт учун ишлаб чиқаради, деб фараз қилсак ва уларни ўзаро таққосласак, ташқи савдонинг афзаллигини осон исботлаш мумкин.

---

[12] Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, 618 pp.

[13] David Ricardo. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge University Press, 1951, pp.133-149.

7.1-жадвал

Ташқи савдонинг афзалликлари

Мамлакатлар	Бозор					
	Ёпиқ			Очиқ		
	вино	мато	жами	вино	мато	жами
Португалия	80	90	170	160	–	160
Англия	120	100	220	–	200	200
Жами	200	190	390	160	200	360

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш Португалияда самарали бўлиб, мутлақ афзаллик назариясидан келиб чиқиладиган бўлса, Англияда ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва барча маҳсулотларни Португалиядан сотиб олиш лозим. Айни вақтда мамлакатда барча ишлаб чиқаришни ёпиш мумкин эмас. Шу сабабли Англия хорижда энг арзон бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатади. Мазкур мисолда бундай маҳсулот вино бўлиб, Португалияда вино ишлаб чиқариш учун Англиядаги харажатларнинг 67 фоизи сарфланади, холос. Вино ишлаб чиқаришдан озод бўлган кишилар мато ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлайдилар ҳамда уни ички эҳтиёжларни қондириш ва вино сотиб олиш учун етарли миқдорда ишлаб чиқара бошлайдилар.

Мато ишлаб чиқариш ҳам Англияга нисбатан арзон, аммо Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашишни афзал билади. "Унинг (Португалия) учун ўз капиталидан вино ишлаб чиқаришда фойдаланиш афзалроқ, чунки Португалия ўз капиталининг бир қисмини виночиликдан мато ишлаб чиқаришга ўтказиш эвазига ишлаб чиқарадиган матога нисбатан Англиядан кўпроқ мато сотиб олишга эришади"[14].

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ташқи савдо ҳар иккала мамлакат учун ҳам фойдали ҳисобланади. Агар мамлакатлар ташқи бозорга чиқмасалар Португалияда вино ва мато ишлаб чиқаришга сарфланадиган жами харажатлар 170 бирликни, Англияда – 220 бирликни ташкил этади. Ихтисослашув ва ташқи бозорга чиққандан сўнг Португалияда ишлаб чиқариш харажатлари 160 бирликка, Англияда 200 бирликка тенг бўлади. Иккала мамлакатда илгари эҳтиёжларни қондириш учун 390 меҳнат бирлиги талаб қилинган бўлса, ихтисослашувдан сўнг 360 меҳнат бирлиги керак бўлади, холос. Шундай қилиб, ташқи бозор истеъмол қилинаётган товарларга сарфланаётган харажатларни минималлаштиради.

Нисбий афзаллик назарияси меҳнатнинг қиймат назариясига асосланади. Ҳозирги кунда нисбий афзаллик **муқобил харажатлар** орқали аниқланади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида халқаро савдодаги таркибий ўзгаришлар натижасида табиий

[14] Риккардо Д. Соч., Т.1. – с.117.

афзалликларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги роли сезиларли даражада пасайди. Швед олими Э.Хекшер ва даниялик Б.Олин қайта ишлаш саноати маҳсулотлари билан савдо қилиш сабабларини изоҳлаб берувчи назарияни яратдилар (XX асрнинг 20-30 йиллари). Ушбу назарияга мувофиқ, турли мамлакатлар меҳнат, капитал ва ер билан турли даражада таъминланган бўлиб, уларга бўлган талаб ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатда капитал етишмовчилиги мавжуд бўлиб, меҳнат нисбатан арзон бўлади, ва аксинча, меҳнат ресурслари кам бўлиб, капиталга бой бўлган мамлакатда капитал нисбатан арзон бўлади. Шу сабабли биринчи мамлакатнинг меҳнат сиғими юқори бўлган, иккинчи мамлакатнинг капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотни экспорт қилиши манфаатли ҳисобланади. **Хекшер-Олин назарияси** халқаро савдода кузатиладиган кўплаб қонуниятларни аниқ изоҳлаб беради. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатлар ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисмини ўзларида мўл бўлган ресурслар ташкил этадиган товарларни экспорт қиладилар.

XX асрнинг ўрталарида (1948 йил) америкалик иқтисодчилар П.Самуэльсон ва В.Столпер Хекшер-Олин назариясини янада такомиллаштирдилар. Ишлаб чиқариш омиллари ва техниканинг бир хиллиги, соф рақобат ва товарларнинг тўлиқ сафарбарлиги шароитида халқаро алмашув мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш омиллари нархларини тенглаштиради. Муаллифлар ўз концепцияларини Д.Рикардо модели асосида Хекшер-Олин назариясини тўлдириш орқали асослайдилар ва савдога нафақат ўзаро манфаатли алмашув, балки мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутни қисқартириш воситаси сифатида ҳам қарайдилар.

XX асрнинг 50-йилларида америкалик иқтисодчи В.Леонтьев ўз тадқиқотларида ташқи савдо назариясини янада ривожлантирди. Бу модель иқтисодий адабиётларда **"Леонтьев парадокси"** номи билан машҳур. Хекшер-Олин теоремасига асосланиб, у урушдан кейин Америка Қўшма Штатлари иқтисодиёти меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини кўрсатиб берди. Бу эса АҚШ иқтисодиёти тўғрисидаги илгариги назарияларга зид бўлиб, АҚШ капиталга бой мамлакат бўлганлиги туфайли капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши лозим эди. Таҳлил жараёнига иккидан ортиқ ишлаб чиқариш омилларини, шу жумладан, фан-техника тараққиёти ва меҳнатдаги тафовутларни (малакали ва малакасиз) киритиб, В.Леонтьев юқоридаги парадоксни тушунтириб берди ва шу орқали халқаро савдо назариясига ўз ҳиссасини қўшди.

Кейинги йилларда жаҳон савдоси йўналишлари ва таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бундай

ўзгаришлар жумласига жаҳон савдосида техник тараққиётнинг етакчи ўринга кўтарилганлиги, жаҳон савдо айланмасида ички фирма савдоси улушининг кескин ошганлиги, ишлаб чиқариш омиллари билан тахминан бир хил таъминланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган бир-бирига ўхшаш товарлар савдоси салмоғининг ўсиб бораётганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу ўзгаришларни фақат халқаро савдонинг классик назариялари орқали тушунтириш мушкул. Бу эса, мавжуд назарияларни янада ривожлантиришга ва мукобил назарий концепцияларни ишлаб чиқишга туртки бўлди.

XX асрнинг 60-йилларида америкалик иқтисодчи Р. Вернон **маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясини** илгари сурди. Бу назарияда Р.Вернон тайёр маҳсулотлар халқаро савдосини уларнинг ҳаёт босқичлари орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Мазкур назарияга кўра, маҳсулотнинг ҳаёт цикли тўртта босқични ўз ичига олади: жорий этиш, ўсиш, пишиб-етилиш ва пасайиш.

Биринчи босқичда мамлакат (кўп ҳолларда ривожланган мамлакат) ичкарисида пайдо бўлган эҳтиёжга жавоб сифатида янги маҳсулот яратилади. Шу сабабли биринчи босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кичик серияли характерга эга бўлиб, ишловчилардан юқори малака талаб қилади ва асосан ишлаб чиқариш ушбу маҳсулотни яратган мамлакатда жамланади, ишлаб чиқарувчи эса қарийб монопол мавқега эга бўлиб, маҳсулотнинг кичик қисми ташқи бозорга чиқарилади.

Ўсиш босқичида маҳсулотга бўлган талаб ошади, уни ишлаб чиқариш кенгаяди ва аста-секин бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлайди. Маҳсулот стандартлашади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кураши кучаяди ва унинг экспорти ҳажми ошиб боради.

Пишиб-етилиш босқичида йирик серияли ишлаб чиқариш устувор ўринга эга бўлади, рақобат курашида нарх омили биринчи ўринга чиқади ва бозорларнинг кенгайиши ҳамда технологияларнинг тарқалишига қараб маҳсулотни яратган мамлакат рақобат афзалликларига эга бўлмай колади. Ишлаб чиқариш аста-секин ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди, чунки, бу мамлакатларда арзон ишчи кучидан стандарт ишлаб чиқариш шароитида самарали фойдаланиш мумкин.

Пасайиш босқичига ўтиш даражасига қараб маҳсулотга бўлган талаб, айниқса, ривожланган мамлакатларда, пасая бошлайди, ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланаётган мамлакатда тўпланади ва маҳсулотни яратган мамлакат соф импортерга айланади.

Маҳсулотнинг ҳаёт цикли назарияси кўплаб тармоклар эволюциясини ҳаққоний акс эттиради, аммо, халқаро савдо ривожланиши тенденцияларини тўла изоҳлаб бера олмайди. Кўплаб товарлар (ҳаёт цикли қиска товарлар, транспорт

харажатлари юқори товарлар, тор доирадаги потенциал истеъмолчиларга мўлжалланган, сифат бўйича кескин табақалашган товарлар ва бошқалар) маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясига мувофиқ келмайди.

XX асрнинг 80-йилларида П. Кругман, К. Ланкастер ва бошқа бир қатор иқтисодчи-олимлар халқаро савдо назариясига муқобил назарияни таклиф этдилар. Бу назария **миқёс самарасига** асосланади. Бу самаранинг моҳияти шундан иборатки, муайян технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитида узоқ муддатли ўртача харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан қисқариб боради, яъни, оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисод қилиш имконияти юзага келади.

Ушбу назария муаллифлари фикрича, кўплаб мамлакатлар ишлаб чиқариш омиллари билан деярли бир хил нисбатда таъминланганлар. Шу сабабли улар оммавий ишлаб чиқариш самараси мавжуд бўлган тармоқларга ихтисослашишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотни кам харажатлар сарфлаган ҳолда ишлаб чиқариш имкониятини беради. Миқёс самараси амалга ошиши учун бозор етарли даражада катта бўлиши лозим. Бунда эса халқаро савдо катта рол ўйнайди, чунки, у товарларни сотиш бозорини кенгайтириш имконини беради.

Шу билан бир қаторда, миқёс самарасини амалга ошириш, одатда соф рақобат тамойилларининг бузилишига олиб келади, чунки, у ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва фирмаларнинг йириклашуви билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, бозор таркибининг ўзгаришига олиб келади. Натижада улар ёки олигополистик, ёки монополистик рақобатга асосланган бозорларга айланадилар.

Ташқи савдонинг моҳнятини ёритиб беришга қаратилган назарий қарашлардан бири М.Портернинг **рақобат афзалликлари назарияси** ҳисобланади. Ушбу назарияга мувофиқ, халқаро бозорда мамлакатлар эмас, балки фирмалар рақобатлашадилар. Шу сабабли фирма рақобат афзалликларини қандай шакллантириши ва унда мамлакатнинг ролини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро алмашувда мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига "рақобатбардошлик ромби" деб аталувчи, тўртта бир-бирига боғлиқ, қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Ишлаб чиқариш омиллари шароитлари (мамлакатда асосий ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги).

2. Миқёс самарасини келтириб чиқарувчи ички талаб шароитлари.

3. Бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини қўлловчи тармоқларнинг (кластерларнинг) мавжудлиги.

4. Фирма стратегияси ва унинг ички тармоқ рақобатидаги ўрни.

Шундай қилиб, халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

7.2. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти

Фан-техника тараққиёти натижасида жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув ва хўжалик фаолиятининг **байналмилаллашуви** жараёнлари кучаймоқда, **ташқи иқтисодий фаолият** миллий хўжаликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Бундай шароитда муайян мақсадга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувига, **экспорт салоҳиятини** кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг аниқ натижаларига боғлиқ. Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш XXI аср бошида мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ташқи савдони эркинлаштириш иқтисодиёт очиклик даражасининг ўсишига, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ва рақобатбардошликнинг кучайишига, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишнинг ички имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бунинг ёркин мисоли Ўзбекистоннинг **халқаро иқтисодий ташкилотлар** фаолиятида кенг иштирок этаётганлигидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, **Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти** каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Бундан ташқари, иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча унсурлари янгидан ташкил этилди. Хусусан, иқтисодий ислоҳотларнинг бошларида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди ва у кейинчалик Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига айлантирилди, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкига асос солинди, шунингдек, бошқа ташқи иқтисодий алоқалар муассасалари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида" (2000 йилда янги таҳрирдаги), "Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойиллари тўғрисида", "Хорижий инвестициялар тўғрисида", "Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатларда ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг асосий қоидалари ва тамойиллари, унинг субъектлари ва объектлари, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қонуний асослари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги қонуни 2000 йил 26 майда қабул қилинган

Республикамиз ўз экспорт салоҳиятини оширишда ички имкониятлари ва қиёсий афзалликка эга бўлган маҳсулотларига таянади. Экспорт салоҳиятини ошириб бориш эса барқарор валюта тушумларини таъминлашга, жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда аввало, анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига сарфлашга ва шу орқали иқтисодиётнинг бир томонлама, хом ашёга асосланганлигига барҳам беришга ҳаракат қилинмоқда. Аммо, анъанавий экспорт маҳсулотлари хом ашё бўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон иқтисодиёти ташқи **бозор конъюнктураси** ўзгаришига кучли боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса, барқарор валюта тушумларига эга бўлишга салбий таъсир кўрсатаяпти.

7.2-жадвал

Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси динамикаси
(млн. АҚШ доллари)

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
1994	5299,4	2689,9	2609,5
1995	6001,7	3109,0	2892,7
1996	9311,3	4590,2	4721,1
1997	8910,5	4387,5	4523,0
1998	6816,9	3528,2	3288,7
1999	6346,5	3235,8	3110,7
2000	6212,1	3264,7	2947,4
2001	6401,6	3264,7	3136,9
2002	5700,4	2988,4	2712,0
2003	6689,2	3725,0	2964,2
2004	8669,0	4853,0	3816
2004 йда 1994 йга нисбатан % да	163,6	180,4	146,2

Маълумки, Ўзбекистон экспортининг асосини пахта толаси, олтин, рангли металлар ва энергия манбалари ташкил этади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бир хил турдаги маҳсулотни катта миқдорда экспорт қилиш иқтисодий жиҳатдан ноқулай ҳисобланади, чунки, бундай ҳолатда мамлакат иқтисодиёти бир хил турдаги маҳсулот экспортига боғланиб қолади.

Мамлакатимиз экспорти ва импорти динамикаси уларнинг хом ашё бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга таъсирчанлиги юқорилигини кўрсатади.

Ўзбекистонда 1994–2004 йилларда ташқи савдо айланмаси 63,6 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 80,4 фоизга, импорт ҳажми 46,2 фоизга ўсди

7.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1994-2004 йилларда Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси 63,6 фоизга ўсган. Таҳлил қилинаётган даврда экспортнинг устун даражада ривожланиши кузатилади. Хусусан, 1994-2004 йилларда Ўзбекистонда экспорт ҳажми 80,4 фоизга ва импорт ҳажми 46,2 фоизга ошган. Ушбу давр оралиғида мамлакатда экспорт ҳажми гоҳ юқори суръатларда ўсган, гоҳ пасайган. Хусусан, 1994-1996 йилларда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси юқори суръатларда ривожланган: ташқи савдо айланмаси 75,8 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 70,6 фоизга, импорт 80,9 фоизга ўсган.

Ўзбекистон ташқи савдоси ҳажмига 1994-1996 йилларда ижобий таъсир кўрсатган асосий омиллардан бири мамлакатимизнинг асосий экспорт товарлари бозорларида Ўзбекистон учун қулай конъюнктуранинг шаклланганлигидир. Хусусан, 1995-1996 йилларда пахта толасига бўлган ўртача экспорт нархлари 1994 йилга нисбатан 11-13 фоизга юқори бўлган бўлса, пахта маҳсулотлари бўйича бу кўрсаткич 1,5-2,4 мартани, минерал ўғитлар бўйича 25-110 фоизни ташкил этган.

7.3-жадвал

Ўзбекистон асосий экспорт маҳсулотларига бўлган нархларнинг 1994-1996 йилларидаги динамикаси[15]

Йиллар	Пахта толаси	Олтин	Тозаланган мис	Пахтадан тайёрланган матолар	Азот	Фосфат	Табиий газ
1994	100	100	100	100	100	100	100
1995	113	98	132	156	124	68	77
1996	111	101	88	235	209	125	85

Ушбу даврда мамлакатимиз экспортининг ошишига ташқи савдо географиясида юз берган ўзгаришлар ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ташқи савдо айланмасида узоқ хориж мамлакатлари улушининг ўсиши экспорт динамикасида ўз аксини топди ва ташқи савдода **бартер операцияларига** барҳам берди (Ўзбекистондан экспорт қилинган пахта толасининг 1992 йилда 53 фоизи, 1993 йилда 50 фоизи ва 1994 йилда 35 фоизи бартер операциялари асосида амалга оширилган эди).

[15] Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: Теоретико-методологические аспекты. Т.: 2004. – с.80.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1994-1996 йилларда Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг ўсишига ички омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Чунончи, 1994 йилнинг июль ойидан **миллий валюта**нинг муомалага киритилиши ва "сўм" алмашув курсининг сезиларли даражада пасайиши экспорт ҳажмини ошириб бориш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирди. Агар 1994 йил 1 январда АҚШ долларига нисбатан расмий алмашув курси 1,247 сўмни ташкил этган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 25 сўмни ташкил этди. Бунинг натижасида ЯИМ дефлятори 1329 фоизни, истеъмол моллари индекси 1132 фоизни ташкил этгани ҳолда сўмнинг долларга нисбатан қадрсизланиши 2005 фоизга тенг бўлди[16].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1997-2002 йилларда Ўзбекистон ташқи савдо динамикасида пасайиш ҳолати кузатилиб, бу пасайиш ҳам экспорт, ҳам импортнинг пасайиши ҳисобига юз берган. Хусусан, 2002 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 1996 йилга нисбатан 39 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 34,9 фоизга, импорт ҳажми 42,6 фоизга пасайган.

Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг камайишига олиб келган асосий омил республикамиз хом ашё экспорти товарлари бозорларида нархлар даражасининг пасайиши ҳисобланади. Чунончи, 1996 йилда асосий экспорт товари ҳисобланган пахта толасининг нархи 16 фоизга, 1997 йилда яна 14 фоизга, 1998 йилда 8,5 фоизга пасайди. Жаҳон пахта бозорида 1995 йилда 1 тонна ўзбек пахтасининг ўртача сотилиш нархи 1754,2 долларни ташкил этган бўлса, 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 979,5 долларгача, яъни 44 фоизга пасайди[17].

Худди шундай ҳолатни олтин ва мисга нисбатан ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, 1996-2001 йиллар давомида олтиннинг нархи 30 фоизга пасайган бўлса, 1996-2002 йилларда миснинг жаҳон нархи 45 фоизга пасайди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 1998 йилда фақат пахта толаси, олтин ва мис нархларининг пасайиши ҳисобига мамлакатимиз 170-180 млн доллар, кейинги тўрт йил давомида эса ўртача ҳар йили 200 млн доллар кам экспорт даромадларига эга бўлган.

Хом ашё нархларининг пасайишига турли омиллар таъсир кўрсатди. Бу омиллар орасида 1997 йилда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида бошланиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олган **молиявий инқироз** асосий ўрин тутади. Ушбу инқироз натижасида тўқимачилик саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада қисқарди. Бу эса, пахта толасига бўлган талабнинг кескин пасайишига олиб келди.

---

[16] Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: Теоретико-методологические аспекты. Т.: 2004. – с.81.

7.1-диаграмма

Жаҳон бозорида пахта толаси ва олтин нархларининг ўзгариши (1995=100)



Пахта бўйича Халқаро Маслаҳат Қўмитаси берган маълумотларга кўра, 2001/2002 йил мавсумида **Котлук А** индексининг қиймати сўнгги ўттиз йилдаги ўртача нархнинг 50 фоизини ташкил қилди, холос. Агар инфляция даражасини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бу умуман пахтачилик тарихидаги энг паст нархдир. Хусусан, 2001 йил октябрь ойида Котлук А индексининг қиймати 35 центгача, яъни сўнгги ўттиз йилдаги энг паст даражага тушиб кетди.

Бундан ташқари, 2000 ва 2001 йилларда об-ҳаво шароитларининг ноқулай келиши туфайли пахта толаси ишлаб чиқариш ва экспортининг жисмоний ҳажми ҳам сезиларли даражада пасайди. Агар 1996 йилда 1042 минг тонна пахта толаси экспорт қилинган бўлса, 2000-2001 йилларда бу кўрсаткич 800 минг тоннани ташкил этди, холос.

Жаҳон бозорида олтин нархларининг пасайишига ҳам Осиё иқтисодий инқирози салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари олтиннинг **захира активлари** сифатидаги ролининг пасайиши ва еврозона ташкил этиш жараёнлари Европа Марказий банклари томонидан олтин таклифининг сезиларли даражада ошишига олиб келди. Айни вақтда, Америка ва Осиё бозорларида унга бўлган талабнинг пасайиши олтин нархларининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди ва бир унция олтиннинг нархи 300 доллардан пастроқни ташкил этди.

Жаҳон мис бозорида нархларнинг пасайишига Осиёдаги иқтисодий инқироз жараёнлари салбий таъсир кўрсатди. Ушбу инқироз натижасида маиший электроника, электротехника саноатида ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада пасайди. Бу эса, мисга бўлган талабнинг қисқаришига олиб келди. Гарчи Ўзбекистонда мис экспортининг жисмоний ҳажми сезиларли даражада ўсган бўлса-да (1997-1998 йилларда 30 фоизга ўсган), жаҳон нархларининг пасайиши валюта тушумининг сезиларсиз даражада ўсишини таъминлади.

Энергия манбалари (нефть ва газ конденсат) бозорида 1997-1998 йиллардаги нархларнинг кескин пасайиши 2000-2001 йилларда ўсиш тенденциясига алмашган бўлса-да (2000 йилнинг охирида 1996 йилга нисбатан нархлар 25 фоизга юқори бўлган), ушбу маҳсулотларнинг жисмоний ҳажми тескари йўналишда ўзгарди: 1997 йилда энергия манбалари экспортининг жисмоний ҳажми кескин ошган бўлса, 1999-2000 йилларда сезиларли даражада камайди. Натижада энергия манбалари экспортидан олинган экспорт тушумлари 2000 йилда қарийб 5 баробарга пасайди.

Минерал ўғитлар бозорида нархлар нисбатан барқарор сақланган бўлса-да, 2001 йилда 1996 йилга нисбатан минерал ўғитлар экспортининг жисмоний ҳажми қарийб 60 фоизга қисқарди. Бунинг натижасида ушбу маҳсулотлар экспортидан олинган валюта тушуми қарийб 3 баробарга камайди. Бунинг энг асосий сабаби мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланган Хитой XX аср 90-йилларининг ўрталарида ўз ишлаб чиқаришн эвазига эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистонда 2005 йилда ташқи савдода 1317,5 млн. долларлик ижобий сальдога эришилди

Мамлакатимиз экспортига салбий таъсир кўрсатган омиллардан яна бири 1998 йилда Россияда юз берган иқтисодий инқироз ва Россия рубли **девальвацияси** ҳисобланади. Бунга жавобан Ўзбекистондан бошқа барча МДҲ давлатлари ўз миллий валюталари девальвациясини амалга оширдилар. Натижада, МДҲ мамлакатларида ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигининг пасайиши оқибатида мамлакатимиз экспорт ҳажми сезиларли даражада пасайди.

2003 йилдан бошлаб мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Хусусан, 2003 йилда ташқи савдо айланмаси 2002 йилга нисбатан 17,2 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 24,6 фоизга, импорт ҳажми 9,2 фоизга ўсди. 2004 йилда мазкур ижобий тенденция яна давом этди. Чунончи, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 29,6 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 30,3 фоизга, импорт ҳажми 28,7 фоизга ўсди. Бунда асосий хом ашё товарларига бўлган жаҳон нархларининг ўсиши катта рол ўйнади.

Олтин нархларининг ўсиши 2002 йилданоқ бошланган эди. Мазкур йил давомида унинг нархи 30 фоизга ўсди. 2003 йилда эса яна 35 фоизга ўсди. 2004 йилнинг охирида эса олтин нархлари сўнгги 16 йилдаги рекорд даражага етди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, 2004 йил декабрь ойининг бошида 1 унция олтиннинг нархи жаҳон бозорида 449 долларни ташкил этди. 2003 йилда бу кўрсаткич 330 долларга тенг эди[18].

2003 йилда Ўзбекистон пахта экспортида асосий ўрин тутувчи пахта толасининг нархлари ҳам ўсиш тенденциясига

[18] Российское информационное агентство (РосБизнесКонсалтинг) 10.12.2004 г.

эга бўлди. Айникса, 2003 йилнинг кузидан бошлаб пахта толасининг нархи юқори суръатларда ўса бошлади. Бунинг энг асосий сабаби жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талабнинг ошиши ва асосий пахта ишлаб чиқарувчи мамлакатлар – Хитой ва АҚШда ҳосилдорлик даражасининг паст бўлганлиги ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон 1994 йилда ташқи савдода 80,4 млн долларлик ижобий сальдога эришган бўлса, 2004 йилга келиб мазкур кўрсаткич 1037 млн долларга етди. Бунинг натижасида мамлакат **олтин-валюта захиралари** 2003 йилда 1,743 млрд долларга етди. Бу эса 6,9 ойлик мамлакат импортини қоплаш имкониятини беради[19]. Ташқи савдода **ижобий сальдо** миқдорининг ошиши мамлакат ташқи қарзларини тўлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Натижада республикамизнинг **ташқи қарзлари** 2001 йилда 4,6 млрд доллардан 2003 йилда 3,8 млрд долларгача қамайди[20].

2003 йилда Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари 1,743 млрд. долларга етди

Экспорт таркибини диверсификациялаш ва экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини ошириш мамлакатлар олдида турган энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда экспорт таркибини диверсификациялаш зарурияти шу билан тушунтириладики, экспорт асосини ташкил этувчи маҳсулотлар (олтин, мис, энергия манбалари) тикланмайдиган ресурслар гуруҳига киради. Гарчи Ўзбекистонда мавжуд олтин ва мис захиралари ҳозирги ишлаб чиқариш ҳажми сақланиб турган шароитда яна 50-60 йилга етса-да, улар экспортини ошириб бориш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Ўзбекистон экспортида пахта толасининг салмоқли ўринга эга эканлиги ҳам экспорт таркибини диверсификациялашни талаб қилади, чунки, бир томондан, пахтанинг қишлоқ хўжалиги экини сифатида об-ҳаво шароитларга боғлиқлиги ва жаҳон бозорида хом ашё товарлари нархлари тебраниш даражасининг юқорилиги уни экспорт қилишдан олинадиган даромадларнинг беқарор бўлишига олиб келади, иккинчи томондан, пахта ишлаб чиқаришнинг ер-сув ресурсларига боғлиқлиги уни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бориш имкониятини чеклайди. Саноат тармоқларининг ривожланиши, йўл ва инфратузилма тармоқларининг ишга туширилиши, аҳоли сонининг ўсиб бориши натижасида уй-жойлар қурилиши пахта майдони ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, ташқи савдо таркибини диверсификациялаш икки йўналишда амалга оширилади: биринчидан, ташқи савдонинг географик таркибини диверсификациялаш, иккинчидан, унинг товар таркибини такомиллаштириш.

---

[19] World Development Indicators. 2004. – The World Bank, pp.180
[20] Ўша ерда, 293-бет.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан, Ўзбекистон ташқи савдо географиясини диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд. Хусусан, республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, собиқ Иттифоқ даврида вужудга келган ва ишлаб чиқариш ҳамда товарлар экспортида хом ашё маҳсулотлари устуворлиги билан тавсифланувчи, иқтисодиёт таркибининг бир ёқламалигига олиб келган, самарасиз иқтисодий алоқалардан воз кечиш вазифаси кун тартибидаги асосий вазифалардан бирига айланди. Бундан ташқари, ягона тўлов тизимининг бузилиши ва собиқ Иттифоқнинг турли республикаларида жойлашган корхоналар ўртасида ўзаро тўловларни амалга оширишда кийин-чиликларнинг вужудга келиши, ушбу корхоналар тўлов қобилиятларининг кескин пасайиши, инфляциянинг юқори суръатларда ўсиши ҳам бу соҳадаги муаммонинг чуқурлашувига олиб келди. Мана шундай шароитда собиқ Иттифоқ корхоналари билан самарасиз иқтисодий алоқаларга барҳам бериш ҳамда узоқ хориж мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланар эди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятда МДҲ мамлакатларига нисбатан узоқ хориж мамлакатларига устуворлик беришини шаклланган экспорт таркиби ҳам тақозо этиб, экспортнинг асосий қисмини жаҳон бозорида барқарор талабга эга бўлган хом ашё ресурслари ташкил этар эди.

Иккинчи томондан, мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур **таркибий ўзгаришлар**, шунингдек, импортни диверсификациялаш сиёсатини амалга ошириш ва импорт сиёсатига бозор тамойилларининг жорий этилиши шароитида асосан ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган замонавий техника ва илғор технологияни импорт қилиш зарурияти ҳам мамлакатимиз импорти таркибида узоқ хориж мамлакатлари улушининг ўсишига олиб келди.

7.2-диаграмма

Ўзбекистоннинг мамлакатлар гуруҳи бўйича ташқи савдо айланмаси, фоиз ҳисобида

Юқоридаги омиллар таъсирида сўнгги йилларда ташқи савдонинг географик таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Агар 1994 йилда ташқи савдо айланмасининг 58 фоизи МДҲ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 34,6 фоизга тенг бўлди. Узоқ хориж мамлакатларининг салмоғи эса 1994-2004 йилларда мувофиқ равишда 42 фоиздан 65,4 фоизга ўсди.

Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларида МДҲ мамлакатлари улушининг пасайиб, узоқ хориж мамлакатлари улушининг ошишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

– МДҲ мамлакатларида иқтисодий инқироз ва ушбу мамлакатларда тўлов қобилиятининг пасайиб кетиши;

– товарларни ўзаро етказиб бериш бўйича ҳукуматлараро савдо битимлари салмоғининг пасайиши;

– янги техника ва илғор технологияларни узоқ хориж мамлакатлари, энг аввало, ривожланган мамлакатлардан сотиб олиш имкониятининг юқорилиги;

– экспорт тушумларини эркин алмашинадиган валютада олиш мақсадида ривожланган мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини амалга оширишга устуворлик берилиши ва ҳ.к.

Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида узоқ хориж мамлакатларининг улуши 2004 йилда 65,4 фоизни ташкил этди

Албатта, ташқи савдо айланмасида узоқ хориж мамлакатлари улушининг ўсиб бориши Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари фаоллашиб бораётганлигидан, унинг жаҳон хўжалик алоқаларига кириб бораётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай тенденцияларнинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Гап шундаки, Ўзбекистон географик жойлашуви нуқтаи назаридан **анклав давлат** бўлиб, бевосита денгиз йўлларига чиқиш имкониятига эга эмас. Бу эса ташқи иқтисодий фаолиятида транспорт харажатларининг юқори бўлишига олиб келади. Шу сабабли, қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади ва рақобатбардошлик даражасининг ошишига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари Россия, Қозоғистон ва Украина ҳисобланади. 2004 йилда жами экспортнинг 14,9 фоизи Россия, 3,8 фоизи Қозоғистон, 2,3 фоизи Украина ҳиссасига тўғри келган бўлса, жами импортда мазкур мамлакатларнинг улуши мувофиқ равишда 24,0; 6,3 ва 4,5 фоизни ташкил этди.

Узоқ хориж мамлакатлари орасида Буюк Британия (7,9 фоиз), Эрон (6,9 фоиз), Туркия (4,1 фоиз) ва АҚШ (3,1 фоиз) мамлакатимиз экспортида сезиларли ўринга эга бўлса, импорт таркибида АҚШ (10,3 фоиз), Жанубий Корея (9,2 фоиз), Германия (7,1 фоиз), Хитой (7,0 фоиз) юқори салмоққа эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон **ташқи иқтисодий фаолиятининг товар таркиби** ҳам сезиларли даражада ўзгарди.

7.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспорти товар таркибининг ўзгариши динамикаси, %

Йиллар	Пахта толаси	Озиқ-овқатлар	Кимё маҳсулотлари ва пластмассалар	Энергия манбалари	Қора ва рангли металлар	Хизматлар	Машина ва ускуналар	Бошқалар	Жами
1992	47,9	3,2	4,0	14,8	9,4	0,0	9,4	11,3	100
1993	50,0	2,9	4,7	19,5	6,0	1,9	9,1	5,9	100
1994	56,4	4,1	3,0	14,2	4,0	5,2	8,1	5,0	100
1995	48,4	4,7	2,5	11,7	4,7	7,7	2,0	18,3	100
1996	38,1	4,5	2,4	6,0	3,5	8,3	2,8	34,4	100
1997	36,0	3,8	1,7	12,0	4,6	8,2	6,3	27,4	100
1998	38,6	3,2	1,5	7,9	5,1	8,8	4,1	30,8	100
1999	27,3	6,4	3,1	11,5	4,3	9,5	3,2	34,7	100
2000	27,5	5,4	2,9	10,3	6,6	13,7	3,4	30,2	100
2001	22,0	3,9	2,7	10,2	7,0	14,6	3,9	35,7	100
2002	22,4	3,5	3,0	8,1	6,4	15,9	3,9	36,8	100
2003	19,8	2,7	3,1	9,8	6,4	14,4	5,9	37,9	100
2004	18,1	3,8	4,7	12,4	8,6	11,8	7,4	33,2	100
2004 й.да 1992 й.га нисбатан ўзгариши, +, –	–29,8	0,6	0,7	–2,4	–0,8	11,8	–2,0	21,9	

Мустақиллик йилларида пахта толасининг жами экспортдаги салмоғи 2,6 мартага пасайди ва 2004 йилда 18,1 фоизни ташкил этди

Жавдал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимиз экспорт таркибида бир қатор ўзгаришлар юз бериб, ушбу ўзгаришларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

– пахта толаси мамлакат экспортининг асосий моддаси сифатида сақланиб қолаётган бўлса-да, унинг улуши мустақиллик йилларида 2,6 мартадан зиёдроққа пасайди (1992 йилда 47,9 фоиздан 2004 йилда 18,1 фоизгача);

– мамлакат экспорт ҳажмида асосий ўринни эгаллаган бошқа товарлар: энергия манбалари, машина ва асбоб-ускуналар, рангли ва қора металлар ҳисобланиб, уларнинг улуши 1992 йилга нисбатан бирмунча пасайди (таҳлил қилинаётган давр мобайнида энергия манбаларининг улуши 14,8 фоиздан 12,4 фоизгача, машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 9,4 фоиздан 7,4 фоизгача, рангли ва қора металларнинг улуши 9,4 фоиздан 8,6 фоизгача);

– мустақиллик йилларида экспорт таркибида янги модда – хизматлар пайдо бўлди ва унинг жами экспортдаги улуши 2004 йилда 11,8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон экспортининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, озиқ-овқатлар, машина ва асбоб-ускуналар, шунингдек, бошқа тайёр

маҳсулотлар экспортини ошириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Жадвал маълумотларидан яна шуни кўриш мумкинки, унда ҳалигача хом ашё маҳсулотлари сезиларли ўринга эга. Бундай ҳолат бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

– хом ашё маҳсулотлари қийматида тайёр маҳсулотларга нисбатан қўшилган қиймат салмоғи паст бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин;

– жаҳон хом ашё маҳсулотлари бозори конъюнктураси, тайёр маҳсулотлар бозоридан фаркли ўларок, бекарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, хом ашё маҳсулотларининг нарх ва даромадлар бўйича талаб эластиклиги паст. Шу сабабли бу ҳолат макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати миллий иқтисодиётни чуқур қайта ишлашга қаратилган иқтисодий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига хом ашё етказиб берувчи сифатида эмас, балки ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши юқори бўлган мамлакат сифатида интеграциялашувини таъминлашдан иборат.

7.3. Импорт таркибини такомиллаштириш

Ташқи савдонинг мақсадга мувофиқ ривожланиши кўп жиҳатдан **импорт таркибини оптималлаштириш** масаласининг ижобий ҳал этилишига боғлиқ. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, XX асрнинг 60-йилларида ривожланган мамлакатларда жами импорт қилинган маҳсулотларнинг 31,1 фоизи озиқ-овқат, хом ашё ва ёқилғи, 67,5 фоизи тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 13,7 ва 82,4 фоизни ташкил этди[21].

Бундай тенденциянинг шаклланиши, жаҳон хўжалик тизимида юз бераётган ўзгаришлар билан изоҳланади. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши саноатлашган мамлакатларни товарлар экспортига нисбатан **капитал экспортини** жадал суръатларда ривожлантиришга мажбур

[21] Мировая торговля: статистическо-энциклопедический словарь. И.Н.Устинов – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2002. – с. 139.

қилди. Ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучининг арзонлиги ва ишлаб чиқаришни хом ашё манбаларига яқинлаштириш зарурияти кўплаб ишлаб чиқариш турларининг бу мамлакатларда ташкил этилишига олиб келди. Натижада, ривожланган мамлакатлар импорти таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши ўсди.

Бундан ташқари **трансмиллий корпорациялар (ТМК)нинг** жаҳон хўжалигидаги роли ошди. Саноати ривожланган давлатларда, айнан, ТМКларнинг хориждаги фаолияти мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари мазмуни ва йўналишини белгилаб беради. Бу мамлакатлар ташқи савдосида ТМКларнинг хориждаги ўз филиаллари билан товар алмашинуви катта улушга эга. XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида ички фирма савдоси АҚШ ташқи савдосининг 14-20 фоизини, Япония ташқи савдосининг 23-29 фоизини ва ГФР ташқи савдосининг 24-28 фоизини қамраб олди[22]. Албатта, бу ҳолат ривожланган мамлакатлар импорти таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ислоҳотлар йилларида озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон жами импортидаги улуши 36,8 фоиздан 6,8 фоизгача пасайди

Ривожланган мамлакатлар импорти таркибида хом ашё ресурслари улушининг пасайишига олиб келган омилларга мазкур мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасининг ортганлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўйилган протекционистик тўсиқларни киритиш мумкин. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва миллий қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларига юқори бож тўловлари белгиланган. Бунинг натижасида озиқ-овқат маҳсулотларининг жами импортдаги улуши 1960 йилда 13,9 фоиздан 2000 йилда 7,1 фоизгача пасайган.

Бугунги кунда республикамизда ўтиш иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ва таркибий ўзгаришлар йўналишларидан келиб чиққан ҳолда импорт таркибини такомиллаштириш соҳасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг натижаси ўларок, мустақиллик йилларида импортнинг товар таркибида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди.

7.5-жадвал маълумотлари кўрсатадики, ислоҳотлар йилларида озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон жами импортидаги салмоғи сезиларли даражада пасайди: агар 1992 йилда жами импортнинг 36,8 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 6,8 фоизга тенг бўлди. Бу, энг аввало, озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасидир.

---

[22] UNCTAD. World Investment Report 2003, p.18

1990 йилда Ўзбекистонда 3572 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 1,8 мартага ўсди ва 6319,2 минг тоннага етди. Агар 1990 йилда Ўзбекистон 1899 минг тонна ғалла импорт қилган бўлса, бугунги кунда республикамиз амалда дон мустақиллигига эришди.

7.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси импорти товар таркибининг ўзгариши динамикаси, %

Йиллар	Озиқ-овқатлар	Кимё маҳсулотлари ва пластмассалар	Энергия манбалари	Қора ва рангли металлар	Хизматлар	Машина ва ускуналар	Бошқалар	Жами
1992	36,8	7,5	25,5	8,1	0,0	9,2	12,9	100
1993	34,2	8,2	28,0	9,9	0,3	10,4	9,0	100
1994	31,5	7,6	13,5	8,5	0,3	16,2	22,0	100
1995	17,7	9,4	1,9	5,7	5,0	57,3	14,6	100
1996	29,4	12,5	1,1	6,7	0,2	35,8	14,3	100
1997	19,3	12,5	0,6	7,5	7,5	45,9	6,7	100
1998	15,6	12,4	0,5	9,2	5,0	47,2	10,1	100
1999	13,1	11,7	2,1	7,9	8,7	44,8	11,7	100
2000	12,3	13,0	3,8	8,6	8,5	35,4	17,8	100
2001	10,8	10,6	1,9	10,9	10,3	41,2	14,3	100
2002	12,5	15,1	1,3	8,0	10,6	41,4	11,1	100
2003	9,9	12,8	2,7	7,9	10,2	44,4	12,1	100
2004	6,8	12,5	2,1	10,3	11,1	46,0	11,2	100
2004 йилда 1992 йилга нисбатан ўзгариши, +, -	-30,0	5,0	-23,4	2,2	11,1	36,8	-1,7	

Мустақиллик йилларида энергия манбаларининг жами импортдаги улуши 25,5 фоиздан 2,1 фоизгача камайди

Импорт таркибидаги яна бир муҳим ўзгариш шундан иборатки, мустақиллик йилларида энергия манбалари импорти сезиларли даражада камайди. Агар 1992 йилда жами импортнинг 25,5 фоизини энергия манбалари ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб, бу кўрсаткич 2,1 фоизга тенг бўлди.

Бундай натижага мамлакатимиз ёқилғи мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, амалга оширилган мақсадга мувофиқ чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда табиий газ қазиб олиш 1991 йилда 41,9 млрд. куб метрдан 2003 йилда 57,6 млрд. куб метргача, яъни 1,4 мартага ўсган бўлса, нефть ишлаб чиқариш 1991 йилда 2,8 млн. тоннадан 2003 йилда 8,9 млн. тоннагача, яъни 3,2 мартага ўсди.

Юқоридаги ўзгаришлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимиз дон ва ёқилғига бўлган эҳтиёжларини асосан миллий ишлаб чиқариш эвазига қоплямоқда.

Импорт таркибини оптималлаштириш борасида эришилган ижобий натижалардан яна бири жами импортда машина ва асбоб-ускуналар улушининг 1992 йилда 9,2 фоиздан 2004 йилда 36,8 фоизгача ўсганлиги ҳисобланади. Бу ҳолат республикамиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган миллий иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва модернизациялаш стратегиясига мувофиқ келади.

Маълумки, замонавий ускуналар ва технологиялар **миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг** асосий шартларидан бири бўлиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни барпо этишга ва шу орқали валюта тушумларини кўпайтириш, истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдиришга имконият яратади.

Ўзбекистон импорти таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 1992 йилда 9,2 фоиздан 2004 йилда 36,8 фоизгача ўсди

Ўзбекистон импорт таркибида юз берган муҳим ўзгаришлардан яна бири хизматлар улушининг сезиларли даражада ўсганлиги билан боғлиқ. Бу, энг аввало, МДҲ мамлакатлари ҳудудида маҳсулотларни транспортларда ташиш тарифларининг сезиларли даражада қимматлашуви натижасида юз берди. Мамлакатимизнинг денгиз йўллари ва асосий савдо ҳамкорлардан узоқда жойлашганлиги республикамизда ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, мамлакатимизнинг ташқи бозорларга чиқиши учун янги транспорт коридорларини ривожлантириш бугунги кундаги энг асосий масалалардан ҳисобланади.

7.4. Хорижий инвестицияларни жалб этиш

Бевосита хорижий инвестициялар миллий жамғармалар даражасидан юқори инвестицияларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш базасини янгилаш билан бирга технологик ускуналар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини импорт қилиш, жаҳонда машҳур компанияларнинг **савдо белгиларидан, ноу-хаулардан, ТМК**ларнинг маҳсулот экспортини кенгайтириш учун жаҳон бозорларига кириб бориш каналларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Мазкур замонавий ишлаб чиқариш омиллари ҳар доим ҳам жаҳон бозорларида сотилмайди ва кўпинча бевосита хорижий инвестицияларни ўзлаштириш билан бирга сотиб олинади. Айни вақтда, жаҳон хўжалигида глобаллашув ва байналмилаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг афзал жиҳатларидан бири шуки, миллий иқтисодиётда ТМКнинг фаолият кўрсатиши маҳаллий корхоналар фаолияти самарадорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Талаб-таклиф

занжирида **хорижий инвестиция иштирокидаги компаниялар (ХИИК)** ва маҳаллий корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқалар қанчалик зич бўлса, маҳаллий корхоналарнинг ХИИКнинг мавжудлиги ҳамда улар билан рақобатдан қўшимча (билвосита) ижобий самара олиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, автомобиль, кимё, электроника саноатида ХИИКларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши инвестицияларни қабул қилган мамлакатга технологиялар, маркетинг ва бошқаларни жалб этишга нисбатан кўпроқ самара беради[23].

Хорижий инвесторлар жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг юқори рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ўз **шўъба корхоналари**да, шу жумладан, маҳаллий эҳтиёт қисмлар етказиб берувчилар, **интеграциялашган ишлаб чиқариш схемалари** ва унга ёндош ишлаб чиқариш турларини жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширадилар. Бу эса, ўз навбатида маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигига ўз ижобий таъсирини кўрсатиб, уларнинг экспорт салоҳиятини оширади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш мажбурияти нафақат мамлакат, балки маҳаллий корхоналарга ҳам фойда келтиради. Бу корхоналар маҳсулотларининг бир қисмини экспорт қилар экан, бунинг ҳисобига ўзлари ҳам жадал суръатларда ривожланадилар.

Бевосита хорижий инвестициялар бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан иккита муҳим афзалликка эга: биринчидан, улар узоқ муддатли характерга эга, шу сабабли қисқа муддатли капиталларнинг чиқиб кетиши ва кириб келиши учун шарт-шароитларни вужудга келтирмайди. Бу эса, жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналмилаллашуви шароитида макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туриш учун муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, бевосита хорижий инвестициялар **тўлов мажбуриятларини** вужудга келтирмайди ва шундан келиб чиққан ҳолда ташқи қарзларнинг вужудга келиши ёки ошишига олиб келмайди. Бу, айниқса, ташқи қарз жиддий муаммо бўлган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, бевосита хорижий инвестициялар жалб этиш инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар учун фақат фойда келтириши тўғрисидаги фикр ҳақиқатдан анча йироқ. Амалиётда баъзи ҳолларда инвестиция қабул қилаётган мамлакат ва хорижий инвесторлар манфаатлари бир-бирига мувофиқ келмайди. Инвестиция қабул қилаётган мамлакат ҳукумати иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ҳаракат қилади. Хорижий инвесторнинг асосий мақсади

[23] T.Moran. Foreign Direct Investment and Devolopment: The New Policy Agenda for Devoloping Countries and Economies in Transition. – Institute for International Economics, Washington, D. - C.2000

эса ўз маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ва фойда ҳажмини оширишдан иборат. Шу сабабли, ҳар доим ҳам ХИИК ва инвестициялар қабул қилаётган мамлакатлар манфаатлари бир-бирига мувофиқ келмайди.

ХИИКлардан олинадиган "салбий самара" турли хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Маълумки, йирик хорижий корхоналар экология тўғрисидаги қонунни айланиб ўтишлари ёки уни қабул қилишга халақит қилишлари мумкин. Яна шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, йирик хорижий корхоналар кучли миллий корхоналар барпо этишга тўсқинлик қилишга интиладилар.

ТМКлар ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда монопол мавқега эга бўлишга ҳаракат қиладилар ва кўп ҳолларда мамлакат ҳукумати олдига ўз маҳсулотлари ва хизматлари учун алоҳида ҳуқуқларни жорий этиш талабини қўядилар. Бу эса, ўз навбатида иқтисодий тараққиётнинг жадаллашувига салбий таъсир кўрсатади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоги 1994 йилда 2,6 фоиздан 2004 йилда 15,1 фоизгача ўсди

Хорижий инвестициялар даражаси ва уларнинг концентрациялашуви мамлакатлар ўртасида бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Бразилияда бевосита хорижий инвестицияларнинг 84 фоизи 4 та энг йирик фирма улуши 50 фоиздан кўп бўлган тармоқларга тўғри келади. Мексикада бу кўрсаткич 83 фоиз-га етади.

Кўп ҳолларда ХИИКлар сезиларли даражадаги лоббистик кучга эга бўладилар ва ўз бизнесларини муҳофаза қиладилар (масалан, Мексикада IBM, Венгрияда Сузуки, Польшада ФИАТ), бу эса, умуман, мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай хавф айниқса, табиий-иқтисодий ресурсларга бой мамлакатлар учун юқори бўлади. Масалан, Марказий Африка мамлакатлари узоқ йиллар мобайнида ўз табиий бойликларидан фойдаланишда ТМКларга алоҳида ҳуқуқ тақдим этиб келдилар, аммо, бу ҳолат улар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кучли ижобий таъсир кўрсатмади.

ТМКлар миллий корхоналарга нисбатан ўзлари учун ноқулай чеклашларни айланиб ўтишда кенг имкониятларга эга. Улар ўз фаолиятларини бир мамлакатдан иккинчисига катта қийинчиликларсиз кўчириб ўтказишлари мумкин. Шунингдек, ТМКлар миллий корхоналарда мавжуд бўлмаган имтиёзларга ҳам эгадирлар. Масалан, улар **трансферт** (ички) молиялаштиришни амалга ошира оладилар. Бундан ташқари ТМКлар истиқболли йўналишларга маҳаллий корхоналарга нисбатан тез мослаша оладилар. Чунки, улар жаҳон бозори **конъюнктуралари** тўғрисида кўпроқ маълумотларга ва йирик молиявий ҳамда ташкилий салоҳиятга эга.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инвестициялар қабул қилаётган мамлакатлар ҳукуматларининг асосий вазифалари бевосита хорижий инвестициялар

жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни рағбатлантиришдангина иборат эмас, балки тегишли инвестиция сиёсати орқали бевосита хорижий инвестицияларнинг салбий таъсирларини имкон қадар камайтириш ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётига қўшаётган ҳиссасини оширишдан иборат.

Хорижий инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар инвесторларга ресурслардан фойдаланиш ва миллий бозорга кириб келиш имкониятини тақдим этади. Бу эса, инвесторларга ўз фойдасини ошириш учун кенг имкониятлар яратади. Буларнинг барчаси биргаликда мамлакатнинг **инвестиция иқлимини** ташкил этади.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар кириб келишига ижобий таъсир кўрсатаётган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– арзон ва малакали ишчи кучининг мавжудлиги;

– республикамизнинг табиий-иқтисодий ресурларга бой эканлиги;

– мамлакатимиз табиий-иқлим шароитларининг йирик миқдорда қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқаришга имкон бериши;

– миллий бозорнинг истиқболли эканлиги;

– мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мавжудлиги;

– қулай меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланганлиги ва ҳ.к.

7.6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Рўйхатдан ўтказилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони	1246	1878	3055	3554	3445	3301	3400	3301	3400	3539	3742
Бевосита хорижий инвестициялар оқими ҳажми (млн. АҚШ доллари)	70	352	169	275	133	111	105	108	58	40	57
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми (млрд. сўм)	1,7	6,2	42	125	177	267	386,7	611,7	1049,5	1441,3	1958,4
ХИИКнинг ЯИМдаги улуши, %	2,6	2	7	12	13	13	10,9	12,5	14,7	14,9	15,1
ХИИКда банд бўлганларнинг жами банд аҳоли сонидаги улуши, %	0,3	0,4	0,6	0,9	1	1	1	1	1	1,1	1,1
ХИИК экспорти (млн.АҚШ доллари)	2	73	192	400	336	372	452	417	443	564	785,2
ХИИК импорти (млн.АҚШ доллари)	39	421	1579	1778	21118	1028	761	937	705	858	1165,7
ХИИКнинг жами экспортдаги улуши, %	1	2	4	9	10	11	14	13	15	15	16,2
ХИИКнинг жами импортдаги улуши, %	6	15	33	39	34	33	26	30	26	29	30,5

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бевосита хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишдаги роли ўсиб бормоқда.

Хусусан, 1994 йилда ХИИКларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,6 фоизи ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб мазкур кўрсаткич 15,1 фоизга етди. Улар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 1994 йилда 2 млн долларидан 2004 йилда 785,2 млн долларгача, мамлакат жами экспортидаги улуши 1 фоиздан 16,2 фоизгача ўсди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ХИИКларнинг жами импортдаги улуши сезиларли даражада сақланиб қолмоқда. Агар 1994 йилда бундай корхоналарнинг жами импортдаги салмоғи 6 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб ушбу кўрсаткич 30,5 фоизга етди.

"ЎзДЭУавто" корхонаси 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 18556 та автомобиль кўп экспорт қилди

Маълумки, бевосита хорижий инвестициялар жалб этишнинг асосий мақсадларидан бири **экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш**дан иборат. Аммо Ўзбекистонда ҳозирга қадар ХИИКлар импортининг экспортга нисбатан юқори бўлаётганлиги ушбу вазифанинг етарли даражада бажарилмаётганлигини кўрсатади. Хусусан, 2004 йилда мазкур корхоналар томонидан амалга оширилган импорт операциялари экспортга нисбатан 1,5 мартага кўп бўлган.

ХИИКлар экспортининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унда машина ва асбоб-ускуналар (28,4 фоиз), хизматлар (5,0 фоиз), озиқ-овқат (3,9 фоиз), энергия манбалари (3,6 фоиз) асосий ўринни эгаллайди.

7.7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ХИИКлар экспортининг товар таркиби, %

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	0	0	4,8	2,4	1	3,3	2,3
Озиқ-овқат	2,2	8,3	7,4	4,4	4,1	4,2	3,9
Кимё маҳсулотлари	2,7	1,4	1,5	2,6	2,1	2,3	2,6
Энергия манбалари	0,1	3,3	3,7	4,7	2,9	3,4	3,6
Қора ва рангли металлар	0,3	0,3	0,3	0,2	0,5	0,8	0,7
Машина ва асбоб-ускуналар	34,1	17,8	16,0	21,1	16,5	19,4	28,4
Хизматлар	4,7	5,1	3,9	4,4	3,8	4,4	5,0
Бошқалар	55,9	63,8	62,4	60,2	69,1	62,3	57,0

Машина ва асбоб-ускуналар экспортида "ЎзДЭУавто" корхонасининг енгил автомобиллари салмоқли улушга эга бўлиб, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 18556 та автомобиль кўп экспорт қилинди. Россия автомобиль бозорида "Нексия" ва "Матиз" экспорти 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 1,7 мартага ўсди. Натижада "ЎзДЭУавто" корхонаси Россияда

сотилган хорижий маркадаги автомобилларнинг умумий сони бўйича тўртинчи ўринни эгаллади.

Мазкур корхона экспорти ҳажмининг ошишига мамлакатимизда амалга оширилаётган локализация дастурига асосан бутловчи қисмларни мамлакат ичкарисида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш натижасида машиналар таннархининг пасайиши ижобий таъсир кўрсатди.

Юқоридаги ўзгришларга қарамасдан 2004 йилда 1998 йилга нисбатан машина ва асбоб-ускуналар экспортининг жами ХИИКлар экспортидаги салмоғи 34,1 фоиздан 28,4 фоизгача пасайганлигини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, машина ва асбоб-ускуналар экспортининг асосий қисмини битта корхона маҳсулотлари ташкил этиши унинг жами экспортдаги улушининг бекарор бўлишини таъминлайди. Юқоридаги жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, 1998-2004 йиллар орасида машина ва асбоб-ускуналарнинг хорижий инвестицияли корхоналар экспортидаги улуши 16 фоиздан (2000 йилда) 34,1 фоизгача (1998 йилда) ўзгарган.

ХИИКлар экспорти таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш натижалари бир қатор муаммоларни ҳам ажратиб кўрсатиш имкониятини беради. Хусусан, республикамизда бир йилда 5 млн. тоннадан ортиқроқ мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига қарамасдан озиқ-овқат маҳсулотларининг ХИИКлар экспортидаги салмоғи атиги 3,9 фоизни ташкил этади, холос.

Айни вақтда жами экспорт ҳажмида хом ашё маҳсулотлари жами экспортнинг тахминан 2/3 қисмини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, хорижий инвестицияли корхоналарни барпо этишдан асосий мақсад қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган, истеъмолга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ХИИКлар импортида асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар эгаллайди. Агар 1998 йилда мазкур корхоналар томонидан амалга оширилган импорт операцияларининг 57,4 фоизи машина ва асбоб-ускуналар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 56,3 фоизни ташкил этди.

7.8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ХИИКлар импортининг товар таркиби, %

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Озиқ-овқат	13,6	11,9	12,9	8,8	15	15,1	12,0
Кимё маҳсулотлари	13,8	12,4	20,5	13,3	13,2	12,4	13,9
Энергия манбалари	0,4	0,4	0,8	0,6	0,6	0,4	0,5
Қора ва рангли металлар	4,6	5,4	5,1	5,9	4,4	5,4	6,0
Машина ва асбоб-ускуналар	57,4	57,9	47,4	62,5	57,5	55,4	56,3
Хизматлар	1,3	4,0	1,1	1	1,1	2,7	4,5
Бошқалар	8,9	8,1	12,2	7,9	8,2	8,5	6,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, импорт таркибида **инвестицион товарлар** асосий ўринни эгаллайди, чунки, хорижий инвестицияли корхоналар Низом капиталига асосий қўйилмаларни (60 фоизга яқин) ускуналар, технологиялар ва бошқа моддий активлар шаклида амалга оширганлар. Бу товарлар импортига бож тўловлари жорий этилмаган.

ХИИКлар импортида машина ва ускуналарининг юқори улушга эга бўлиши ўтиш иқтисодиёти шароитида мақсадга мувофиқ бўлиб, миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашга, ишлаб чиқаришга энг илғор техника ва технологияларни жорий этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Хорижий инвестицияли корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар истеъмол товарлари импортини қисқартириш ва экспорти ҳажмини оширишга, пахта толаси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган юқори технологияли ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга, шунингдек, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт асосларини барпо этишга қаратилди.

Хорижий инвестицияли корхоналар импортида кейинги ўринларни кимё маҳсулотлари (2004 йилда 13,9 фоиз) ва озиқ-овқат маҳсулотлари (12 фоиз) эгаллайди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларига (балиқ, соя бошоғи, ўсимлик ёғи, гўшт, гўшт маҳсулотларига) илгари амал қилган **нолли ставка** ўрнига 5-10 фоизлик импорт божи ставкаларининг жорий этилиши натижасида ХИИКлар импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 2003 йилда 15,1 фоиздан 2004 йилда 12 фоизгача пасайди.

Хорижий инвестицияли корхоналар импорти таркиби динамикасини таҳлил қилиш натижалари ҳам баъзи бир муаммоларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Хусусан, республикамиздаги қулай табиий-иқтисодий шарт-шароитларга қарамасдан мазкур корхоналар импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг 12 фоиз улушга эга бўлиши хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

VIII БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг XX аср охиридаги асосий тенденцияларидан бири бу **глобаллашув**дир. Илгари *миллий хўжаликлар ўртасидаги муносабатлар* кўпрок минтақавий ташкилотлар ёки давлатлараро иккиёқлама шартномалар асосида ривожлантирилган бўлса, иқтисодиётнинг умумбашарий тус олиши натижасида бу жараён янада чуқурлашиб, мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлик даражаси ортди. Глобаллашув аввало, ривожланган мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларда намоён бўлиб, у кейинчалик ўз ичига ривожланаётган давлатлар миллий хўжалигини ҳам қамраб олди.

8.1. Глобаллашув жаҳон хўжалиги ривожланишида янги босқич

Глобаллашувнинг луғавий асоси инглизча global – жаҳонга оид ёки умумжаҳон, деган маънони англатиб, дунё ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги замонавий жараёнларни умумлаштирувчи маънони беради. Глобаллашув дунёнинг турли давлатлари тараққиётида ўзининг ижобий ва баъзан салбий таъсирини кўрсатмоқда. Глобаллашув тушунчаси давлатлар ўртасида товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳисобланган меҳнат, капитал, моддий, инновацион ресурслар ва тадбиркорлик қобилиятларининг эркин ҳаракати таъминланиши билан изоҳланади.

Глобаллашувнинг моҳияти жаҳон хўжалигининг байналмилаллашуви билан янада кенгайди. **Байналмилаллашув** миллий хўжаликлар фаолиятининг, хусусан, бирор мамлакатдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иқтисодий ўсиш жараёнларининг бир нечта мамлакат резидентлари иштирокида, кўпмиллатли асосда амалга оширилишини билдиради. Бошқача айтганда, трансмиллий компаниялар фаолияти миллий хўжаликларнинг тараққий этишида салмоқли таъсирга эга бўлади.

Глобаллашув жаҳон хўжалиги ривожланишининг тарихий жиҳатдан тадрижий натижасидир. Глобаллашувнинг замонавий белгилари қуйидагилардан иборат:

– янги хорижий валюта ва капиталлар бозорининг шаклланиб, ривожланиши; бу бозорлар узлуксиз фаолиятда бўлиб, бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли молиявий марказлари ўртасида йирик молиявий ва валюта операцияларини амалга ошириш имконияти мавжуд;

– янги воситалар ва дастаклар орқали операцияларнинг тезлигини ва ишончлилигини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги; Интернет тармоғи, уяли телефон алоқаси, ахборот тизими ва бошқалар;

– янги институционал тизимнинг шаклланганлиги; Жаҳон Савдо ташкилоти, трансмиллий корпорациялар, нодавлат ташкилотлари ва ҳ.з.

– янги қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги;

иккитомонлама ва кўп томонлама савдо, хизматлар ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш бўйича шартномаларнинг тузилиши ва бу шартномаларнинг миллий давлатлар томонидан амал қилиниши мажбурийлиги ёки миллий қонунчиликнинг уларга мувофиқлаштирилиши.

Глобаллашувни объектив заруриятга айлантирган, жаҳон хўжалигида кейинги 25-30 йилда чуқурлашган ҳамда бир вақтнинг ўзида бир нечта ёки ўнлаб давлатларни қамраб олган муаммолар мавжуд. Улар халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларда, ижтимоий ҳаётда пайдо бўлган, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда шаклланган глобал муаммолар ҳисобланади.

Жаҳонда термоядро уруши хавфи, террорчилик ва экстремизмнинг авж олиши, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасидаги тафовутларнинг ортиб бориши, дунёнинг баъзи минтақаларида аҳоли ўсиш суръатларининг юқорилиги ва миллий давлатларнинг бу жараённи етарли даражада тартибга солиш имконияти чекланганлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, инсон ҳаёти учун энг зарур ресурслар – озиқ-овқат, энергия манбалари, хом ашёларнинг баъзи минтақаларда танқислиги ана шундай муаммолардан ҳисобланади.

Глобаллашув муайян мамлакатдаги **ишлаб чиқариш кучларининг** сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига ўтиши билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий-иқтисодий воқеликнинг халқаро доирада интеграциялашиши ҳамдир.

Глобаллашув хўжалик юритувчи бирликларнинг халқаро миқёсда кенгайиши ва жаҳон хўжалигида салмоқли мавқени эгаллаши, товарлар, хизматлар, иш кучи, янги технология ва капиталнинг халқаро миқёсда эркин ҳаракатланиши, инвестициялар, молия-хўжалик, миллий қадриятлар, маданият ва санъат каби йўналишларда ҳукуматлар, алоҳида олинган ташкилотлар, миллат ва элатлар фаолиятининг миллий давлатлар доирасидан чиқиб, эркинлаштирилиши, инсон капитали, хусусан интеллектуал капиталнинг дунёнинг тараққий этган марказларига кўчиб ўтиши жараёнларини ҳам билдиради.

Илғор технологияларнинг жадал ривожланиши ва ахборот алмашувининг қулайлашиши, совуқ урушнинг ва сиёсий қутблашувнинг барҳам топиши, транспорт хизматининг кенг миқёсда тараққий этиши ва мамлакатлар ўртасида юк ташиш ва йўловчи қатновининг ортиши кабилар ҳам глобаллашув жараёнини тезлаштирган омиллардан ҳисобланади.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олиб, пировардда алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятининг турли минтақалари билан яқиндан боғланишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, янги бозорларнинг (капитал, валюта ва суғурта бозори) илғор янги воситалар –

турли **ахборот тизимлари**, интернет, уяли алоқа орқали янада узвий интеграциялашишини ҳам таъминлади.

Глобаллашув дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш суръатлари ва йўналишларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ишчи кучидан фойдаланиш, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, инсон омилига капитал сарфлаш соҳаларини кенг қамраб олади, натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, меҳнат унумдорлиги ўсади, рақобатнинг кескинлашиш тенденциялари кучаяди.

Глобаллашувнинг иқтисодий жиҳатлари бир қанча йўналишларда, хусусан, халқаро савдо, инвестициялар, молиявий ва технологик глобаллашувда яққол намоён бўлади. Айтиш мумкинки, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳар қандай мамлакатнинг глобаллашув жараёнида фаол иштирок этиши ва ундан юқори даражада манфаат кўришининг асосий шартларидан биридир. Иқтисодий эркинлик, жамиятнинг юқори даражада демократик фуқаролик жамиятига айланиши глобаллашувнинг муҳим ижобий натижаларидан ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигидаги глобаллашув Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиши ва минтақавий интеграция жараёнларида фаол бўлишини тақозо этади. Чунки, янги шарт-шароитлар миллий иқтисодиётнинг ташқи омиллари имкониятларидан самарали фойдаланишни, иқтисодий ўсишнинг динамиклигини таъминлашни, **халқаро бозор ресурсларини** (молиявий, технологик, бошқарув кабилар) оқилона жалб этишни шарт қилиб қўймоқда.

Глобаллашув миллий хўжалигини қисқа даврларда шакллантирган ва ривожлантираётган Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиёти олдига долзарб ва кенг қамровли вазифаларни қўяди. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда жаҳон хўжалигининг капитал ва илғор технологиялар соҳасидаги салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда сифатли, рақобатбардош товар ва хизматларни дунё бозорига таклиф қилиш муҳим аҳамият касб этади.

8.2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг омиллари ва тенденциялари

Халқаро иқтисодий интеграция алоҳида олинган мамлакатлар хўжалик-иқтисодий ва сиёсий тизимининг ўзаро бирлашиши ва қўшилишини билдирувчи жараён бўлиб, бунда оқилона меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш натижасида турли даражадаги ҳамкорлик алоқалари иқтисодий ва ижтимоий самара беради, ҳамда барқарор иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилади.

Иқтисодий интеграция жараёнлари пировардида такрор ишлаб чиқариш, хўжалик, илмий-ишлаб чиқариш ва савдо алоқалари узвий характер касб этади, интеграцион ҳамкорликка аъзо ҳар бир мамлакат ўзи учун қулай шарт-шароитларга эга бўлади.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалигининг узоқ тарихий тараққиёти натижаси бўлиб, бир нечта босқичларда ривожланди.

Биринчи босқичда турли мамлакатлар ўртасида **эркин савдо** муносабатлари шаклланган ва божхона чекловлари, экспорт квоталари бекор қилинган бўлса, кейинги босқичда эркин иқтисодий зоналар шакллантирилиб, бунга бир нечта давлатлар аъзо бўлганлар. **Эркин иқтисодий зоналар**да нафақат товар ва хизматлар савдоси олдидаги тўсиқлар олиб ташланган, балки саноат ишлаб чиқариши, банк, суғурта хизмати ва технологиялар савдо сотиғида ҳам эркин муносабатларга шарт-шароит яратилган.

Учинчи босқичда аъзо давлатлар ҳудудида **умумий бозор** шакллантирилиб, бу амалда миллий бозорларнинг ўзаро қўшилишини билдирди. Умумий бозор қоидаларига кўра, ишчи кучи, капитал, товар ва хизматларнинг миллий бозорлар ўртасида эркин ҳаракатланиши таъминланди, давлатлар ўртасидаги иқтисодий чегараларга барҳам берилди. Умумий бозор тарихан биринчи марта Европада шакллантирилган бўлиб, расман бу бозорнинг барпо этилганлиги 1957 йилда тасдиқланган.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг кейинги – тўртинчи босқичи иқтисодий ва **валюта иттифоқи** доирасида ривожланган бўлиб, бу тизимда давлатлар ўртасида молия, пул муомаласи ва банк хизмати соҳасида интеграциялашув рўй берган. Жумладан, Европа Иттифоқига аъзо 15 давлатдан 12 тасида ягона пул бирлиги – **евро** 2001 йилдан тўла амал қила бошлади ва миллий пул бирликлари муомаладан чиқмоқда. Ҳозирда Европа Иттифоқида ягона солиқ тизими, миллий бюджетлар билан ёнма-ён ягона бюджет тизими жорий қилинган.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг сўнгги босқичида давлатлар ўртасида сиёсий бутунликни таъминлаш тенденциялари кучайиб, интеграцион бирлашмага аъзо давлатлар халқаро ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга нисбатан ягона ёндошувини ишлаб чиқадилар, умумий сиёсий муносабатларини шакллантирадилар. Бу кейинги ўн йилликда Европа Иттифоқининг сиёсий ташкилий тузилмалари (Европа парламенти, Европа комиссияси, ЕХХТ кабилар) фаолиятида яққол намоён бўлаяпти.

Халқаро интеграцион алоқаларнинг йўлга қўйилиши аъзо мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари учун моддий, молиявий, меҳнат, илмий-техник ва инновацион ресурслардан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш имкониятларини ҳам яратади. Бундан ташқари, миллий бозорларнинг яқинлашиши ва қўшилиб кетиши натижасида товар ишлаб чиқарувчилари миқёс самарасидан фойдаланадилар, ижтимоий ва экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятлари юзага келади.

Жаҳон хўжалиги ривожидаги кейинги даврда меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашиши, ахборот алмашиш тезлигининг ортиши ва кўламининг кенгайиши, алоқа ва транспорт хизматларининг байналмилаллашуви интеграцион алоқаларни янги, сифат босқичига олиб чиқмоқда.

XX1 аср бошига келиб, жаҳон хўжалиги миллий хўжаликлар ва минтақавий интеграцион бирлашмаларнинг маълум маънода халқаро иқтисодий ташкилотлар, трансмиллий компаниялар, молия-саноат гуруҳлари ҳамда миллий ҳукуматлар томонидан тартибга солинадиган муносабатлари тизимидан иборат бўлмоқда. Иқтисодиётнинг байналмилаллашуви, жаҳон бозорларининг шаклланиши, миллий хўжаликларнинг бир-бирига яқинлашиши ва қўшилиб кетиши объектив тарихий мазмун касб этаяпти.

Ўтган асрда халқаро иқтисодий муносабатлар жадал ривожланди ва миллий хўжаликларнинг тараққиёт йўналишларига жиддий таъсир кўрсата бошлади. Товар ва хизматлар савдоси, капитал чиқариш ва киритиш, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий-техника ҳамкорлиги ва ишчи кучи миграцияси каби йўналишларни қамраб олган ташқи иқтисодий алоқалар миқдор ва сифат жиҳатидан кескин ўсди, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви ва байналмилаллашуви доираси кенгайди. Айниқса, **трансмиллий капиталнинг** фаолияти миллий хўжаликлар тизими ривожланишига жиддий таъсир кўрсата бошлади. Кейинги йилларда жаҳоннинг ялпи маҳсулоти ўсиш суръатларига нисбатан ялпи экспорт ҳажми ўсиш суръатлари юқори бўлмоқда. Масалан, 1991-2002 йилларда жаҳонда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, жами экспорт ҳажмининг ўсиш суръатлари 5,6 фоиздан иборат бўлган.[24] Бу глобаллашув жараёнлари жадаллашаётганлигини ва кўплаб мамлакатларда ташқи иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилаётганлигини билдиради.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиб боришида илмий-техника тараққиёти ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришда қўллашнинг роли ортиб бораяпти. Замонавий фан, техника ва технология тараққиёти янги турдаги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш миқёсини шу даражада кенгайтириш имкониятини бермоқдаки, натижада, бир томондан, миллий бозорлар торлиги муаммоси келиб чиқмоқда, минтақавий бозорларни кенгайтириш ва халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш зарурати янада ортмоқда, иккинчи томондан эса, мамлакатларнинг илмий-техника соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишлари долзарб вазифага айланмоқда.

Халқаро меҳнат таксимоти ҳозирги даврда тармоқлар бўйича ихтисослашишни эмас, балки тармоқичи ишлаб

[24] Дайнеко А.Е. Важнейшие тенденции развития мировой экономики // Белорус. экономика: анализ, прогноз, регулирование. Эко. бюллетень НИЭИ Минэкономики РБ. 2003. №1С.4.

чиқаришга ихтисослашишни тақозо этаяпти. Автомобиллар, компьютерлар ва бошқа маиший техникаларни ишлаб чиқаришда бир неча мамлакатлар ўзаро кооперация алоқаларини биргаликда ташкил этмоқдалар.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг жадаллашишига ахборот ва коммуникация воситаларининг ривожланиши ҳам катта ижобий туртки бўлмоқда. Натижада, янги техника ва технологиялар, илмий ишланмалар ва янгиликлар дунёнинг исталган минтақасига ёки давлатига қисқа муддатларда етиб бормоқда ва кенг тадбиқ этилмоқда, бу капитал ва ишчи кучининг мобиллиги даражасини ҳам оширмоқда.

Ўтган асрнинг охирги ўн йилликларида халқаро иқтисодий муносабатлар ривожида **молия капиталининг** роли ортди. Жаҳон молия бозори марказларининг минтақавий ва халқаро иқтисодий интеграцияни ривожлантиришдаги аҳамияти уларнинг йирик хусусий ва давлат инвестицион лойиҳаларини амалга оширишга қулай молиявий шарт-шароитлар яратиши билан боғлиқдир. Турли молиявий дастакларнинг ортиб бориши халқаро молиявий тизимнинг такомиллашишига ва миллий чегаралардан ташқарида молиявий муносабатларнинг ривожланишига олиб келди.

Халқаро валюта бозорининг институционал таркибий қисми бўлган банклар, валюта биржалари, брокерлик идоралари, бошқа молиявий муассасалар дунёнинг исталган нуқтасида фаолият юритиш имкониятига эга бўлаяптики, бу халқаро иқтисодий интеграциянинг янада ривожланишига шарт-шароит яратаяпти. Лондон, Нью-Йорк, Токио, Франкфурт-на-Майн, Сингапур каби жаҳон валюта бозори марказлари нафақат ўзлари жойлашган минтақаларда, балки бошқа минтақаларда ҳам интеграцион алоқаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда халқаро иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиши бир қатор обьектив омилларнинг таъсири билан изоҳланади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

– халқаро меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва кооперациянинг чуқурлашиши;

– илмий-техника тараққиётининг жадаллашиши, ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;

– минтақавий интеграцион алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва кенгайиши;

– хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви;

– трансмиллий компаниялар ва молия-саноат гуруҳларининг ташкил топиши.

Халқаро меҳнат тақсимоти алоҳида олинган мамлакатнинг маҳсулот ва хизматлар турларини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашишини билдиради. Мамлакатлараро ихтисослашув ва кооперация бўлганлиги сабабли миллий

иқтисодиётнинг байналмилаллашуви содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, трансмиллий корпорациялар, молия-саноат гуруҳлари ва бошқа ташкилий-ҳудудий тизимлар шаклланишига олиб келаяпти.

Илмий-техника тараққиётининг замонавий босқичида компьютер ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш эвазига ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви янги сифат босқичига ўтди. Мамлакатлар ўртасидаги илмий ва илғор технологик маҳсулотларнинг айирбошланиши жадаллашди. Янги технологияларни ишлаб чиқариш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсда янги компаниялар, илмий-тадқиқот лабораториялари ва марказлари, молия-саноат гуруҳлари шаклланди ва ривожланди.

Глобаллашув жараёнида илгари шаклланган интеграцион бирлашмалар фаолияти такомиллашган бўлиб, ундан ташқари янги тузилмалар пайдо бўлди. Агар Европа Иттифоқи, НАФТА, ОПЕК, МДҲ каби интеграцион ташкилотлар фаолияти кенгайган ёки чуқурлашган бўлса, Жаҳон банки, Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро Молия корпорацияси каби халқаро иқтисодий ташкилотларнинг функциялари кенгайди, уларнинг миллий иқтисодиётлар ривожланишидаги роли ошди.

Глобаллашув жараёнининг кейинги босқичида жаҳон бозори ва унинг сегментларининг аҳамияти ортмоқда. Булар жаҳон товар ва хизматлар бозори, капитал, қимматли қоғозлар, меҳнат, ахборот ва янги технологиялар, илмий ишланмалар (патент ва лицензиялар), валюта ва пул-кредит бозорларидир. Қайд этилган бозорлар ўзаро боғланган ва минтақавий ҳамда континентал доирада мураккаб амал қилиш тизимини ташкил этади. Натижада ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳадаги меҳнат тақсимоти ана шу бозорларнинг амал қилиш хусусиятлари ва йўналишлари таъсирида чуқурлашди.

Глобаллашув жараёнидаги жадал ривожланиш тенденциясига эга йўналишлардан бири бу – трансмиллий компаниялар фаолиятининг кенгайиши ва миллий иқтисодиётлар тараққиётидаги таъсири кучайганлигидир. **Трансмиллийлашиш** – бу хусусий фирмалар доирасида амалга ошаётган давлатлараро интеграциялашиш ҳисобланади.

БМТ ёндошувига кўра, трансмиллий компаниялар мақоми қуйидаги компанияларга берилади:

– фаолият тури ва юридик мақомидан қатъий назар, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда шуъба корхонасига эга компаниялар;

– ўзларининг хорижий фирмалари фаолиятини мувофиқлаштириб, бошқариб турган компаниялар.

БМТ экспертлари ана шундай компанияларни аниқлашда **трансмиллийлашиш индекси** кўрсаткичидан фойдаланади. Бу индекс компания умумий кўрсаткичларида

(жами бандлар, сотиш ҳажми, активлари ва бошқ.) хорижий фаолият натижаларининг (хориждаги банд аҳоли, сотиш ҳажми, активлари ва бошқалар) улуши кўрсаткичларининг ўртачасини ҳисобаш орқали аниқланади. Дунёнинг энг йирик 100 трансмиллий компанияси бўйича ҳисобланган индекс 22-95 фоизни ташкил этади.

Маълумки, трансмиллий компаниялар фаолияти миллий иқтисодиётларни географик жойлашувига кўра эмас, балки такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро мослиги ва уйғунлигидан келиб чиқиб бир-бирига боғлайди. Ҳозирги кунда дунёда 40 мингдан ошиқ трансмиллий компаниялар фаолият кўрсатади, шундан 500 таси жаҳон хўжалигида, хусусан, миллий иқтисодиётлар тараққиётида салмоқли мавқени эгаллайди.

Мазкур 500 ТМК дунё ишлаб чиқаришининг қарийб 50 фоизи ва савдосининг тахминан 60 фоизини назорат қилади. Жумладан, бу ТМКлар дунё буғдой, кофе, маккажўхори, тамаки, ёғоч материаллари, темир рудаси савдосининг 90 фоизини, мис ва боксид савдосининг 85 фоизи, қалай ва чой савдосининг 80 фоизи, табиий каучук ва нефт хом ашёси савдосининг 75 фоизини назорат қилмоқда.

Трансмиллий компанияларда йирик капиталнинг жамланиши бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга техник ва технологик тараққиёт суръатларини жадаллаштиришга имкон бераяпти. Шу сабабли янги техника ва замонавий технологиялар патенти ва лицензиялари ҳажмининг қарийб 80 фоизи улар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳар бир тармоқда 2-3 ТМК жаҳон бозорида ҳукмрон мавқени эгаллайди. Масалан, йилига 16 минг дона йўловчи самолёти сотиладиган ва умумий ҳажми деярли 1 трлн. АҚШ долларига тенг дунё бозорида американинг "Боинг" ва Европанинг "Эйрбус индастри" компаниялари ҳукмрон мавқега эгалар.

8.3. Интеграциянинг шакллари ва механизми

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, интеграцион жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланиши нисбатан узоқ даврни қамраб олади. Бу жараёнларнинг амал қилиш механизми эса, мантиқий кетма-кетликда боскичма-боскич шаклланади.

Интеграцион муносабаталарнинг амал қилиши асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

– товар ва хизматлар халқаро савдоси;
– ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик;
– халқаро илмий-техника ҳамкорлиги;
– минтақавий интеграцион бирлашмаларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Халқаро савдо дунёдаги барча мамлакатларнинг ташқи савдосини қамраб олувчи жамлама тушунча бўлиб, халқаро товар-пул муносабатлари соҳаси ҳисобланади. Бу бозорда

харидор ва сотувчилар сифатида давлат, давлат корхоналари, трансмиллий компаниялар, халқаро ташкилотлар, турли фирмалар, алоҳида жисмоний шахслар фаолиятда бўлиши мумкин.

Мамлакатлар ўзаро интеграцион алоқаларининг асосини **товар ва хизматлар савдоси** ташкил этади. Шу сабабли улар мазкур савдо алоқаларини эркинлаштириш, ўзаро қулай савдо шарт-шароитлари яратиш, протекционистик воситаларга барҳам бериш, тарифли савдо тартибини такомиллаштириб бориш, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш кабилар орқали интеграцион муносабатларини тартибга солиш ва рағбатлантиришга ҳаракат қиладилар.

Интеграциянинг муҳим механизмларидан яна бири ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштиришдаги **халқаро ҳамкорлик** ҳисобланади. Бунинг асосида алоҳида товарлар гуруҳи, товар ёки товарнинг эҳтиёт қисмини ишлаб чиқаришда тармоқ ва тармоқчи ихтисослашуви ётади. Бошқача айтганда, у ёки бу мамлакат юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш ва харажатларини имкон қадар камайтириш учун муайян ишлаб чиқариш йўналишига ихтисослашади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий шакллари товар ишлаб чиқариш ва сотишдаги кооперация, корхоналарга биргаликда эгалик қилиш (қўшма корхона), қурилиш соҳасидаги концорциумлар ташкил этиш кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик интеграцион алоқаларда ўзининг барқарорлиги ва доимийлиги билан, лойиҳаларни кенг қамраб олиши билан ажралиб туради. Узоқ муддатли шартномалар асосида бундай ҳамкорликни нафақат ривожланган давлатлар ўртасида, балки тараққиёт даражасида тафовут катта бўлган саноатлашган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам ривожлантириб бориш имконияти кенг ҳисобланади.

Халқаро интеграцияда **илмий-техника ҳамкорлигининг** аҳамияти сўнгги ўн йилликларда ортиб бормоқда. Чунки, илмий-техника тараққиёти миллий хўжаликларнинг жадал ривожланишига, ижтимоий-маиший муаммоларни нисбатан тез ҳал қилишга имконият яратмоқда.

Илмий-техника ҳамкорлиги илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини амалга ошириш, техник ва муҳандис ходимлар гуруҳини шакллантириш ва қўшма лойиҳаларда қатнашиш, илмий-тадқиқот марказлари, лабораториялари, бюролари ташкил этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш кабиларда намоён бўлмоқда.

Айни вақтда, дунё мамлакатларининг илмий, илмий-техник ва инновацион салоҳияти жаҳоннинг муайян марказларида тўпланиб қолиши тенденцияси кучаймоқда. Бу марказлар асосан, АҚШ, Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё (Япония, Жанубий Корея кабилар) ҳисобланади. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида илмий-техника

тараққиётини жадаллаштириш ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш олдига юқори инновацион салоҳиятни, юқори илмий малакали ходимларни, чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотлар мажмуасини шакллантириш талабини қўймоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатларнинг ахборот таъминоти ва алмашинувида, илмий-инновацион инфратузилмани ривожлантиришда ҳамкорликда ишлашларини тақозо этаяпти.

Мамлакатлар ўртасидаги товар ва хизматлар савдосини кенгайтириш, ишлаб чиқариш кооперациясини таъминлаш, илмий-техника ҳамкорлигини чуқурлаштириш уларнинг ҳудудий жиҳатдан яқин бўлишини объектив заруратга айлантирган. Шу сабабли, ривожланиш даражасидан қатъий назар, баъзи мамлакатлар ҳудудий интеграцион алоқаларни шакллантирган.

Интеграция йўналишига кўра иккига бўлинади. Улардан биринчиси, минтақа, иккинчиси, халқаро миқёсдаги интеграциядир. Интеграциянинг ана шу кўринишлари ўзаро тўлдирувчанлик хусусиятига эга. Минтақавий ва халқаро интеграциядан мақсад иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мамлакатларнинг манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Мамлакатларнинг географик жойлашган ўрни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва шу каби бошқа омиллар интеграциянинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан интеграциялашаётган мамлакатлар, аввало, минтақавий интеграцияни устун такомиллаштириб борадилар. Бунга Европа Иттифоқи, Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди (NAFTA), Осиё – Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатларнинг минтақа миқёсида интеграциялашуви орқали халқаро интеграция ривожланиб бориши учун тегишли шарт-шароитлар яратилиб борилади. Чунки, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо минтақавий интеграциянинг ривожи учун асос бўлгани сингари, минтақавий интеграция ҳам халқаро интеграция ривожланиши учун хизмат қилади.

Минтақавий доирада интеграциялашаётган мамлакатлар, аввало, ўзаро ташқи савдони чеклашга қаратилган квота каби тўсиқларни бартараф қиладилар. Шундан сўнг, ягона божхона тизими шаклланади, минтақавий интеграцияга аъзо мамлакатлар учун бир хил бож ставкалари жорий этилиб, унинг тўла амал қилишига эришилади. Бу жараён мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг ривожланишини янада рағбатлантириш учун, солиқ тизимидаги имтиёз ва турли чекловларни бекор қилиш мақсадида, интеграцион ҳудудга кирувчи давлатларда солиқ ставкаларининг яқинлаштирилишини ҳам тақозо этади.

Божхона божлари ва солиқ ставкаларининг яқинлаштирилиши ёки тенглаштирилиши ҳудудий доирада

ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, миқёс самарасига олиб келади. Интеграцион ҳудудга кирувчи мамлакатларнинг бирортасидаги истеъмол ҳажмининг кўпайиши, ишсизликнинг ортиши, даромадлар миқдорининг ўзгариши каби тенденциялар қолган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, интеграцион бирлашма доирасида институционал механизмнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Европа Иттифоқининг сиёсий-ташкилий тузилмалари (Европа парламенти, Европа комиссияси, ЕХҲТ кабилар), иқтисодий-ташкилий тизими (ягона пул бирлиги, ягона бюджет, иқтисодий қўмиталар) фаолияти бунга яққол мисол бўлади.

8.1-чизма

Жаҳондаги баъзи интеграцион бирлашмаларнинг таркиби ва шакллари, 2004 йил ҳолати

Интеграциялашув шакли	Интеграцион бирлашманинг номи	Интеграцион бирлашманинг ташкил топиш санаси	Интеграцион бирлашмага аъзо давлатлар сони
Эркин савдо зоналари	1. Европа Эркин савдо Уюшмаси (ЕЭСУ)	1960	4
	2. Шимолий Америка эркин савдо Уюшмаси (НАФТА)	1994	3
Божхона иттифоқлари	1. ЕИнинг Туркия билан шартномаси	1963	20+1
	2. Араб умумий бозори (АСМ)	1964	7
Умумий бозор	1. Жанубий Конус умумий бозори (МЕРКОСУР)	1991	4
	2. Форс қўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши	1981	6
Иқтисодий иттифоқлар	1. Европа Иттифоқи	1957	20
	2. Бенилюкс иқтисодий иттифоқи	1948	3
Эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш арафасида бўлганлар	1. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН)	1967	10
	2. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги	1989	21

Ўзбекистон аъзо бўлиб кирган интеграцион бирлашмаларнинг ҳам шаклланган ва ривожланаётган механизми мавжуд. ЕврАзЭС, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, улар амал қилишининг иқтисодий механизмлари ҳам ривожланмоқда. Бироқ, айтиш керакки, бу интеграцион тузилмалар босиқчма-босқич ривожланиб бориши, миллий хўжаликларнинг туб иқтисодий манфаатларига тўла жавоб бериши ва миллий давлатчилик асосларига зид бўлмаслиги мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, улар муваффақиятли амал қилмайди, давлатлар ўртасидаги интеграцион муносабатлар такомиллашмайди.

8.4. Ўзбекистон ва Марказий Осиё

Фан-техника тараққиёти натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувининг чуқурлашуви мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига, бир ҳудудда жойлашган мамлакатлар ўртасида **интеграцион алоқаларнинг** фаоллашувига олиб келмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳудудий интеграция ташкилотларига аъзо мамлакатларнинг глобаллашув шароитларига мослашиши, халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланиши самарали тарзда кечмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси турли халқаро ва ҳудудий интеграцион ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш орқали мамлакатимизда мавжуд табиий-иқтисодий, меҳнат ва молиявий ресурслардан, халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан самарали фойдаланишга, жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти** каби халқаро ва ҳудудий интеграция ташкилотларига аъзо бўлиб кирди. Бу эса республикамиз учун долзарб ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон учун Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, кўп йиллик тарихий ривожланиш давомида Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари шаклланган. Мамлакатлар иқтисодиёти асосий ва етакчи тармоқларининг ўхшашлиги, уларнинг яхлит ҳудудий бирликка эга эканлиги, сув ва энергетика манбаларининг ягоналиги ва улардан биргаликда фойдаланиш зарурияти, ягона транспорт ва коммуникация тизимининг мавжудлиги, экологик муаммоларнинг ўхшашлиги минтақа республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий бўлишини таъминлайди. Минтақа халқларининг диний, маданий, тил, урф-одат, анъана ва маънавий бирлиги эса ҳамкорлик алоқаларининг янада чуқуррок ва ҳар томонлама бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб мустакалликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётга бозор муносабатларини жорий қилиш ва жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини эгаллаш ғоялари Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини бирлаштиришни тақозо қилмоқда.

Минтақа давлатлари орасида ўзаро манфаатдорлик ва ихтиёрийликка асосланган ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш барча республикаларда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим шартлардан биридир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мустақилликнинг дастлабки йилларидан Марказий Осиё республикалари

раҳбарлари томонидан минтақа мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида 1994 йил апрелда **ягона иқтисодий ҳудуд**ни барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши минтақада ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича қўйилган жиддий амалий қадам бўлди. Бу шартномани имзолашдан кўзда тутилган асосий мақсад товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг минтақа бўйлаб эркин ҳаракатини таъминлаш, келишилган солиқ, бюджет, нарх, божхона ва валюта сиёсатини юритишдан иборат эди.

Минтақа давлатлари раҳбарлари 1996 йил 5 апрелда ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларидан фойдаланиш, Марказий Осиё минтақасида газ қувурларини қуриш ва ишга тушириш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон 1998 йил 17 мартда Сирдарё ҳавзасининг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги узоқ муддатли шартномани имзоладилар. Бир йилдан сўнг бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди ва 1998 йил 26 мартда мазкур республика ҳам Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги шартноманинг тўлақонли аъзосига айланди.

Мазкур йилнинг ўзида ушбу "тўртлик" давлатлари **Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлиги ташкилотига** асос солдилар. Бу ташкилот доирасидаги вазифаларни ҳал этиш учун Давлатлараро Кенгаш, Бош вазирлар, ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари Кенгаши, ташкилотнинг ишчи органи – Ижроия қўмита каби институционал тузилмалар ташкил этилди. Бундан ташқари аъзо давлатларнинг улушлари ҳисобига Марказий Осиё банки барпо этилди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари 1999 йилнинг июнь ойида Бишкекда Божхона иттифоқини тузишга эришиш тўғрисидаги фикрни илгари сурдилар. Бир йилдан сўнг эса Душанбеда "Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигининг 2005 йилгача мўлжалланган интеграцион ривожланиш Стратегияси"ни тасдиқладилар. Ушбу ҳужжатда ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар иқтисодиётлари интеграцияси ҳар бир мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ва хавфсизлик эҳтиёжларидан келиб чиқадиган объектив жараён эканлиги таъкидланди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари 2001 йил 28 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган учрашув чоғида минтақавий интеграция шакллари ва механизмларини такомиллаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигини **"Марказий Осиё ҳамкорлиги**

ташкилоти" (МОҲТ)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Алмати шаҳрида 2002 йил 28 февралда бўлиб ўтган учрашувда эса Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари "Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти"ни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. Учрашув чоғида МОҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлиги доирасида қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ҳаракатда бўлмаган ҳужжатларни бекор қилиш таклифи билан чиқди. Бу даврга келиб ташкилот доирасида 243 та ҳужжат имзоланган эди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан товар айланмаси ҳажми 2004 йилда 838,2 млн. долларни ташкил этди

8.1-жадвал

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан товар айланмаси динамикаси (млн АҚШ доллари)

	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркманистон	Марказий Осиё бўйича жами
1995 йил					
Товар айланмаси	455,9	102,4	229,1	249,1	1036,5
Экспорт	238,1	68,3	156,6	159,4	612,9
Импорт	217,8	34,1	73,0	98,7	423,6
Сальдо	20,3	34,2	83,6	60,7	189,3
2000 йил					
Товар айланмаси	316,4	144,9	120,2	193,5	775
Экспорт	100,8	50,9	100,9	175,4	428,0
Импорт	215,6	94,0	19,3	18,1	347,0
Сальдо	- 114,8	- 43,1	81,6	157,3	81,0
2001 йил					
Товар айланмаси	312,9	125,8	106,2	164,9	709,8
Экспорт	118,0	76,4	85,7	138,4	418,5
Импорт	194,9	49,4	20,5	26,5	291,3
Сальдо	- 76,9	27,0	65,2	111,9	127,2
2002 йил					
Товар айланмаси	263,3	111,6	117,0	76,4	568,3
Экспорт	81,8	76,6	101,1	64,6	324,1
Импорт	181,5	35,0	15,8	11,8	244,1
Сальдо	- 99,7	41,6	85,3	52,8	80,0
2003 йил					
Товар айланмаси	295,2	76,4	145,8	89,6	607,3
Экспорт	99,1	50,1	121,5	75,6	346,3
Импорт	196,1	26,3	24,3	14,0	260,7
Сальдо	- 97,0	23,8	97,2	61,6	85,6
2004 йил					
Товар айланмаси	425,9	68,1	184,8	159,4	838,2
Экспорт	184,7	43,6	147,2	143,8	519,3
Импорт	241,2	24,5	37,6	15,6	318,9
Сальдо	- 56,5	19,1	109,6	128,2	200,4
2004 йилда 1995 йилга нисбатан, %					
Товар айланмаси	93,4	66,5	80,7	64,0	80,9
Экспорт	77,6	63,8	94,3	95,6	84,7
Импорт	110,7	71,8	51,5	96,9	75,3
Сальдо	-	-	-	-	-

Шундай қилиб, МОҲТ кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган минтақавий форумга айланди. Чунончи, 2002 йил 5-6 октябрда Душанбеда

МОҲТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув давомида, минтақавий интеграция жараёнларидан ташқари, Афғонистон билан боғлиқ муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, ушбу учрашув чоғида Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий инқироз оқибатлари ва **Оролни қутқариш Халқаро фонди** фаолияти таҳлил қилинди.

МОҲТ раҳбарларининг кейинги учрашувларида ҳам минтақавий интеграция жараёнларини фаоллаштириш, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатларда мавжуд энг долзарб муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Гарчи, минтақа республикалари давлат раҳбарлари учрашувларида жуда кўп мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилинаётган бўлсада, уларнинг ҳаётга татбиқини мақсадга мувофиқ даражада деб бўлмайди. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топмоқда. Муайян ҳудудда интеграцион жараёнлар амалга ошаётганлигини, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини кўрсатувчи иккита муҳим кўрсаткич мавжуд: биринчиси – мамлакатлар ўзаро ташқи савдо алмашинуви ҳажми, иккинчиси – ўзаро товар алмашинувининг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги улуши. Иккинчи кўрсаткич интеграция нуқтаи назаридан бирмунча муҳимроқ бўлиб, у мамлакатларнинг бир-бирига нисбатан очиклик даражасини, бошқача айтганда, мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини ифодалайди.

Минтақада кечаётган интеграцион алоқалар динамикасини Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси 2004 йилда 1995 йилга нисбатан 19,1 фоизга қисқарган. Жумладан, таҳлил қилинаётган давр мобайнида экспорт ҳажми 15,3 фоизга, импорт ҳажми 24,7 фоизга пасайган. Бу пасайишнинг бир қатор сабаблари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

– сунъий, режали баҳолардан бозор баҳоларига ўтиш ташқи савдо алоқалари самарадорлигига баҳо бериш тизимининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. Бунинг натижасида иқтисодий ислоҳотларга қадар самарали ҳисобланган жуда кўп алоқалар самарасиз бўлиб қолди. Шу билан бирга Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бири нафақат минтақа ёки МДҲ доирасида, балки узоқ хориждан ҳам ҳамкор танлаш имкониятига эга бўлди. Бу эса мамлакатларда товарлар оқимининг қайта тақсимланишига олиб келди. Натижада минтақа республикалари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми пасайди;

– минтақа республикаларида амалга оширилаётган иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш сиёсати

ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, **иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва модернизациялаш** янги техника ва технологияларни кенг миқёсда сотиб олишни тақозо этади. Бундай техника ва технологияларни эса фақат узоқ хориж мамлакатларидан сотиб олиш мумкин;

– минтақа мамлакатлари иқтисодиётлари таркибининг ўхшашлиги ўзаро савдо алоқалари ҳажмининг қисқаришига олиб келган сабаблардан яна биридир. Гап шундаки, минтақа мамлакатлари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг аксарияти (ёқилғи-энергетика ресурслари, қимматбаҳо металлар, пахта толаси ва бошқалар) барча республикаларда ишлаб чиқарилади;

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан ташқи савдо алоқаларида ижобий сальдо 2004 йилда 200,4 млн. долларга тенг бўлди

– мамлакатларда амалга оширилаётган импорт ўрнини босиш сиёсати натижасида кўплаб эҳтиёжларни ички ишлаб чиқариш эвазига қоплаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ғалла ва энергетика мустақиллигига эришиш дон ва ёқилғи ресурслари импортининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бу маҳсулотларнинг аксарият қисми Марказий Осиё мамлакатларидан сотиб олинар эди.

Бироқ, яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқалари 2002 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2002 йилга нисбатан 2004 йилда ташқи савдо айланмаси 47,5 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 60,2 фоизга, импорт ҳажми эса 30,6 фоизга ўсган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларидаги ижобий ҳолат шундан иборатки, республикамиз ушбу мамлакатлар билан ташқи савдода **ижобий сальдога** эга. Агар 1995 йилда ушбу ижобий сальдо 189,3 млн долларни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 200,4 млн долларга етган. Фақат Қозоғистон Республикаси билан ташқи савдо алоқаларида **салбий сальдо** шаклланган ва 2004 йилда бу кўрсаткич 56,5 млн долларга тенг бўлган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларидаги ўзгаришлар натижасида минтақа мамлакатлари билан ўзаро савдо алоқаларининг жами савдо алоқаларидаги салмоғида тегишли ўзгаришлар юз берди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо айланмасининг жами товар айланмасидаги улуши 1995 йилда 19,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 10,7 фоизга тенг бўлди. Жумладан, таҳлил қилинаётган давр мобайнида Марказий Осиёга экспорт қилинган

маҳсулотларнинг жами экспортдаги улуши 17,3 фоиздан 9,7 фоизгача, импортнинг улуши 14,6 фоиздан 8,3 фоизгача пасайди.

8.1-диаграмма

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан товар айланмасининг жами товар айланмасидаги салмоғи

(% ҳисобида)



Марказий Осиё мамлакатларининг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши 2004 йилда 10,7 фоизни ташкил этди

Бундан ташқари интеграцион алоқаларнинг жадаллигини кўрсатувчи иккинчи кўрсаткич – ўзаро савдо алоқаларининг ЯИМдаги улушида ҳам пасайиш кузатилади. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро савдо ҳажмининг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши 1,2-1,4 фоизни ташкил этади, холос. Ваҳоланки, XX аср 90-йилларининг бошида мазкур кўрсаткич 6-6,5 фоизга тенг эди.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига боғлиқлиги пасаймоқда. Бу эса минтақа бозоридан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун қатор афзалликларга эга.

Биринчидан, республикамиз географик нуқтаи назардан **анклав давлат** ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистондан бевосита денгиз йўлларига чиқиш имконияти мавжуд эмас. Бу, ўз навбатида, транспорт ҳаражатлари билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда маҳсулот таннархи ва унинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эса катта транспорт харажатларини талаб қилмайди.

* Иккинчидан, Марказий Осиё Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар учун йирик бозор ҳисобланади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган тайёр

товарлар **энергия ва материал сиғимининг** юқорилиги, сифат даражасининг нисбатан пастлиги уларнинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тайёр маҳсулотларни узоқ хориж мамлакатларига сотиш анча мураккаб. Ички бозор етарли даражада тўйинмаган Марказий Осиё мамлакатларида эса Ўзбекистон тайёр маҳсулотлари рақобатбардош ҳисобланади.

Учинчидан, минтақа мамлакатларида бир турдаги товарларни катта миқдорда ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Пахта, мева, сабзовот, кўмир, газ, нефть, олтин минтақадаги давлатларнинг деярли барчасида ишлаб чиқарилади. Ана шу тармоқларда маҳсулот миқдори ва сифатини белгилаш бўйича келишувларга эришиш, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш бўйича ягона сиёсатни юргизиш мақсадга мувофиқ. Агар минтақадаги республикалар жаҳон бозорига алоҳида чиқсалар, улар ўзаро рақобатчиларга айланадилар, уларнинг биргаликда чиқиши мамлакатлар иқтисодиётининг **бозор коньюнктурасига** боғлиқлигини пасайтиради ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Тўртинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик муносабатларининг фаоллашувига олиб келади. Натижада йирик маблағлар талаб этувчи улкан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий ресурсларни бирлаштириш имконияти юзага келади.

Таъкидлаш лозимки, савдо алоқалари минтақада интеграцион алоқалар ривожланиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Савдо алоқаларининг ривожланиши эса Марказий Осиёда боқичма-боқич эркин савдо зоналари, божхона иттифоқи, умумий бозор ва ягона иқтисодий ҳудуд шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларининг фаоллашуви ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатади:

– минтақада интеграция жараёнларининг чуқурлашуви натижасида, энг аввало, **миллий хўжаликларнинг тармоқ таркиби** такомиллашади, чунки иқтисодий ҳудуд доирасида моддий ишлаб чиқаришнинг самарали тармоқларини танлаш ва капитал қўйилмаларни иқтисод қилган ҳолда импорт қилиш мақсадга мувофиқ бўлган маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришдан воз кечиш имконияти пайдо бўлади;

– минтақавий интеграцион ташкилотга аъзо бўлиб кирган ҳар бир мамлакатда замонавий ихтисослашган ишлаб чиқариш тармоқлари шаклланади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва сифати яхшиланади;

– фан ва техника соҳасида ягона сиёсат юритиш ва интеграциянинг чуқурлашуви натижасида фан-техника

тараққиётини жадаллаштириш ва унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади;

– минтақа доирасида товарлар умумий бозорининг шаклланиши натижасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ошади. Йирик миқдорда ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича ягона экспорт сиёсати юритиш натижасида эса уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеи яхшиланади, жаҳон бозори конъюнктурасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун имконият пайдо бўлади;

– Марказий Осиё бўйича хизматлар умумий бозорининг шаклланиши **горизонтал иқтисодий алоқалар** ривожланишини таъминлайди, қўшма корхоналар, бирлашмалар, фирмалар тузиш имконияти яхшиланади. Натижада янги, самарали хўжалик алоқалари вужудга келади ва ривожланади;

– меҳнат ресурслари умумий бозорининг шаклланиши натижасида мамлакатлараро ишчи кучи ҳаракати фаоллашади, кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошади, бандлик таркиби такомиллашади.

8.5. Ўзбекистон ва МДҲ

МДҲ мамлакатлари билан **икки ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларини** ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз дастлабки йилларданоқ Ҳамдўстлик ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг *муассисларидан бири сифатида қатнашди.*

Ўзбекистон 1992 йилда МДҲ га аъзо бўлиб кирди

1991 йилнинг декабрь ойида Беларусь, Украина ва Россия Федерацияси давлат раҳбарлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини барпо этиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу битимда Собиқ Иттифоқнинг халқаро ҳуқуқ ва геосиёсий тизим сифатида барҳам топганлиги ва МДҲ ташкил топганлиги эълон қилинди. Белорусь, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон ва Украина МДҲга аъзо бўлиб кирдилар. 1992 йилда Арманистон, Молдова, Қирғизистон ва Ўзбекистон, 1993 йилда Озарбайжон ва Грузия МДҲга аъзо бўлди.

МДҲ фаолиятининг дастлабки йилларида (1991-1994 йилларда) Ҳамдустликка аъзо мамлакатларда миллий манфаатлар устувор ўринга эга бўлди. Бунинг натижасида ўзаро ташқи савдо алоқалари сезиларли даражада заифлашди, МДҲ мамлакатларининг аксарияти узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга устуворлик бердилар. Экспертлар фикрича, Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги хўжалик алоқаларининг бузилиши натижасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 фоизга камайди.

МДҲ доирасида қабул қилинган дастлабки энг муҳим ҳужжат **Иқтисодий иттифоқ** тўғрисидаги Шартнома

ҳисобланади (1993 йил сентябрь). Мазкур ҳужжатда иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг қуйидаги асосий босқичлари белгилаб берилди:

– давлатлараро (кўп томонлама) эркин савдо уюшмаси;

– божхона иттифоқи;

– товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи умумий бозори;

– валюта (пул) иттифоқи.

1994 йилнинг апрелида **эркин савдо зонаси**, 1994 йилнинг октябрида **тўлов иттифоқи** ва Иқтисодий иттифоқнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи сифатида **Давлатлараро иқтисодий қўмита** (ДИҚ) ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Узоқ тарихий ривожланиш мобайнида юзага келган чуқур интеграцион алоқалар, ишлаб чиқаришнинг мамлакатлар бўйича ихтисослашуви, корхона ва тармоқлар даражасидаги кенг тармоқли кооперация, умумий инфратузилманинг мажудлиги МДҲ ташкил топишининг объектив асоси ҳисобланади.

МДҲ мамлакатларида ҳар йили жаҳон электр қувватининг 10 фоизи ишлаб чиқарилади

МДҲ улкан табиий, меҳнат ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, улар МДҲга аъзо мамлакатларга йирик рақобат афзалликларини тақдим этади ва жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашга имконият яратади. Ер шари ҳудудининг 16,3 фоизи, жаҳон аҳолисининг 5 фоизи, жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 10 фоизи МДҲ ҳиссасига тўғри келади. Ҳамдўстлик ҳудудида жаҳон бозорида талаб юқори ҳисобланган табиий ресурсларнинг йирик захиралари мавжуд. Фақат Россияда аниқланган нефть захиралари жаҳон нефть захираларининг 13 фоизини ташкил этади. Озарбайжонда бу кўрсаткич 10 фоиздан кўпроққа, Қозоғистон ва Туркманистонда қарийб 10 фоизга тенг. Россияда жаҳон газ захираларининг 35 фоизи жойлашган бўлса, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда биргаликда қарийб 20 фоиз газ захиралари жойлашган.

Тошкўмир ва қўнғир кўмир ишлаб чиқариш бўйича Россия, Украина ва Қозоғистон жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Олмос, боксит, мис, никель, кобальт ва қўрғошин рудаларининг асосий захиралари Россияда жойлашган бўлса, темир рудалари, бокситлар ва мис рудаларининг йирик захиралари Украина, Қозоғистон ва Грузияда жойлашган. Россия ва Белорусда энг йирик ўрмон ҳудудлари (ер шаридаги ўрмонларнинг тўртдан бир қисми) ва калий тузининг энг йирик захиралари мавжуд[25].

Европа ва Жанубий-Шарқий Осиёни туташтирувчи энг қисқа қуруқлик ва денгиз (Шимолий Муз океани орқали) йўли МДҲ ҳудудидан ўтиб, у XXI асрда энг муҳим глобал иқтисодий марказга айланади.

---

[25] Козик Л.П., Кохно П.А. СНГ: реалии и перспективы. М.: Изд. дом «Юрид. мир ВК», 2001. – с.52

МДҲнинг рақобатбардош ресурслари жумласига, шунингдек, арзон ишчи кучи ва энергия ресурсларини киритиш мумкин. Ҳамдўстлик бўйича ҳар йили жаҳон электр қувватининг 10 фоизи ишлаб чиқарилади ва бу иқтисодий ўсиш учун муҳим шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

МДҲга аъзо мамлакатлар иқтисодий интеграциясининг стратегик мақсадлари халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперациясини ривожлантириш, Ҳамдўстликка кирувчи барча мамлакатлар аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳисобланади.

Гарчи, МДҲ доирасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш соҳасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, унга аъзо мамлакатлар иқтисодиётларининг интеграциялашуви паст даражада қолмоқда. Собиқ Иттифоқда республикаларо товар айланмаси иттифоқдош республикалар жами ташқи савдо айланмасининг 69 фоизини, Европа Иттифоқида унга аъзо мамлакатлар ўзаро ташқи савдо айланмасининг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 62 фоизни ташкил этса, МДҲда бу кўрсаткич 28 фоизга тенг, холос.

МДҲ аҳолисининг 9 фоизи, ЯИМнинг 25 фоизи, ялпи саноат маҳсулотининг 2 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади

Ҳамдўстликка аъзо алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятлари турлича. Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Россия алоҳида ўринга эга. МДҲ аҳолисининг ярмидан кўпроғи, ЯИМнинг 70,1 фоизи ва саноат маҳсулотининг 51 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади.

МДҲ аҳолисининг 9 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг 2,5 фоизи, ялпи саноат маҳсулотининг 2 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

8.2-жадвал

Алоҳида кўрсаткичлар бўйича МДҲга аъзо давлатларнинг салмоғи (%)

Мамлакатлар	Ҳудуди	Аҳоли		ЯИМ		Саноат маҳсулоти		Экспорт (ЯИМга нисбатан % да)		Импорт (ЯИМга нисбатан % да)	
		1991	2003	1991	2002	1991	2002	1990	2002	1990	2002
МДҲ бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-	-	-	-
Беларусь	1,0	3,7	3,6	4,1	3,2	5,0	5,4	46	70	44	74
Россия	77,2	52,6	52,1	67,7	69,9	61,8	61,4	18	35	18	24
Украина	2,7	18,4	17,1	14,5	14,0	19,2	17,8	28	56	29	52
Қозоғистон	12,3	5,9	5,4	4,2	5,2	4,1	6,0	-	47	-	46
Озарбайжон	0,4	2,6	3,0	1,3	1,5	1,5	1,9	44	44	39	51
Арманистон	0,1	1,2	1,2	0,8	0,6	0,8	0,7	35	30	46	47
Грузия	0,3	1,9	1,5	0,9	0,7	1,1	0,8	40	27	46	39
Қирғизистон	0,9	1,6	1,8	0,9	0,5	0,8	0,5	29	39	50	43
Молдова	0,2	1,6	1,3	1,3	0,4	1,2	0,7	49	54	51	79
Тожикистон	0,7	1,9	2,4	0,6	0,4	0,6	0,5	28	58	35	72
Туркманистон	2,2	1,3	1,7	0,7	1,2	0,6	2,4	-	47	-	47
Ўзбекистон	2,0	7,3	9,0	3,0	2,5	3,3	2,0	29	38	48	34

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, МДҲ давлатларининг аксарияти мустақилликни қўлга киритгач, ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришга эришдилар. Экспорт ва импортнинг ЯИМдаги улушининг ўсиши фикримиз далилидир. Хусусан, Белорусда экспортнинг ЯИМдаги улуши 1990 йилда 46 фоиздан 2002 йилда 70 фоизгача, Россияда 18 фоиздан 35 фоизгача, Украинада 28 фоиздан 56 фоизгача, Ўзбекистонда 29 фоиздан 38 фоизгача ўсган.

Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан ташқи савдо айланмасининг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 1995 йилда 38,4 фоиздан 2004 йилда 25,5 фоизгача пасайди. Бироқ, экспорт бўйича бу кўрсаткич 34,5 фоиздан 37,7 фоизгача ўсди. Импорт бўйича эса 43,5 фоиздан 17,3 фоизгача пасайди. Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдода ижобий сальдога эга бўлиб, 2004 йилда бу кўрсаткич 94,8 млн долларни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда бу ижобий сальдо ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

МДҲ давлатларининг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши 2004 йилда 25,5 фоизни ташкил этди

8.3-жадвал

Ўзбекистон экспорти ва импортининг МДҲ давлатлари бўйича тақсимланиши
(жами экспортга нисбатан % ҳисобида)

		Экспорт		
2000	3,1	16,7	4,7	11,4
2001	3,7	15,8	4,7	10,2
2002	2,7	10,6	5,4	8,9
2003	2,7	12,3	3,9	7,1
2004	3,8	14,9	2,3	10,5
		Импорт		
2000	7,3	15,8	6,1	9,0
2001	6,2	19,2	7,1	4,7
2002	6,7	22,0	4,5	3,7
2003	6,6	23,3	4,6	3,8
2004	6,3	24,0	4,5	3,8

Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари орасида асосий савдо ҳамкорлари Россия, Қозоғистон ва Украина ҳисобланади. Хусусан, 2004 йилда жами экспортнинг 3,8 фоизи Қозоғистон, 14,9 фоизи Россия ва 2,3 фоизи Украина ҳиссасига тўғри келган бўлса, импорт бўйича мазкур кўрсаткич мувофиқ равишда 6,3 фоиз, 24 фоиз ва 4,5 фоизга тенг бўлган.

МДҲ доирасида қабул қилинган битимлар ва шартномаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги тамойилларга амал қилинмоқда:

– интеграцион алоқаларни ривожлантириш ихтиёрийлик асосида, ҳам икки ёқлама, ҳам кўп томонлама шартномалардан фойдаланиш ёрдамида босқичма-босқич амалга оширилмоқда;

– ҳудудий интеграция ўзаро манфаатдорликка асосланмоқда ва ҳамкор давлатларга зиён етказмасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда;

– зарурият туғилганда, МДҲ аъзоларига уларнинг масъулияти остида ва аниқ иқтисодий натижаларни кўзда тутиб жамоавий ёрдам кўрсатилмоқда;

– ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий ислоҳотлар рағбатлантирилмоқда ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда;

– мамлакатлараро муносабатларда бозор субъектлари орасидаги горизонтал алоқаларга устуворлик берилмоқда, микродаражадаги интеграцион алоқаларни, иқтисодий ҳамкорликнинг янги-янги шаклларини кенг кўламда ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

МДҲ доирасида иқтисодий интеграцияга тўсқинлик қилаётган асосий муаммо ташкилий-ҳуқуқий асос ва Ҳамкорликка аъзо мамлакатлар ўзаро ҳаракат механизмининг такомиллашмаганлиги ҳисобланади. Шунингдек, МДҲга аъзо мамлакатлар иқтисодий салоҳиятининг турли даражада эканлиги, алоҳида мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовут, миллий қонунчилик ҳужжатларининг мувофиқлаштирилмаганлиги каби омиллар ҳам интеграция имкониятларининг чекланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон экспортининг 2004 йилда 14,9 фоизи, импортининг 24 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келди

Эркин савдо зоналарини ташкил этиш, тўлов иттифоқини шакллантириш, ягона коммуникация ва ахборот маконини барпо этиш, илмий-техника ва технологик ҳамкорликни такомиллаштириш асосида умумий иқтисодий маконни шакллантириш орқали МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни янада ривожлантириш мумкин. Аъзо мамлакатларнинг инвестиция салоҳиятлари интеграцияси ва Ҳамдўстлик доирасида капитал оқимини самарали йўлга қўйиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

IX БОБ. ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

9.1. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва асосий йўналишлари

Бозор иқтисодиёти кишиларнинг ўз меҳнат қобилиятларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи иқтисодий тизимдир. Лекин ҳамма ҳам бозор шароитида меҳнат қилиб, даромад кўриш имкониятига эга бўлавермайди. Қолаверса, аҳолининг меҳнат ёшига етмаган ва меҳнат қобилиятини йўқотган тоифалари мавжуд. Аҳолининг бундай қатламларига мансуб қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга зарурат туғилади. Бу вазифани давлат ва турли ижтимоий ташкилотлар бажаради. Мамлакатимизда бозор ислоҳотларининг дастлабки йилларидан давлат ўз олдига кучли ва таъсирчан ижтимоий сиёсат юритиш вазифасини қўйди.

Бундай сиёсатни юритишнинг асосий сабаблари қуйидагилар:

– бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида товарларнинг нархи доимий равишда ошиб, бу аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Давлат ҳаётий зарур маҳсулотларнинг маълум гуруҳига қатъий нарх белгилаш орқали турмуш даражаси пасайишининг олдини олди;

– Ўзбекистон аҳолиси таркибида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмаганларнинг улуши юқори ҳисобланади ва улар доимий равишда давлатнинг моддий ёрдамига эҳтиёж сезади;

– ислоҳотлар даврида янги, бозор шароитларга мослаша олмасдан баъзи корхоналар иш фаолиятини тўхтатади ёки самарасиз ишлаётган корхоналар фаолиятига барҳам берилади. Бу ушбу корхоналар ишчи ва ходимларининг ишсиз қолишига олиб келади. Натижада ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш зарурати вужудга келиши табиий.

Давлат ижтимоий сиёсати амалда асосан икки кўринишда намоён бўлади: ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот.

> Ижтимоий ҳимоя мустақилликнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш даврида Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиш ва миллий хўжаликда амал қиладиган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ҳатто, сиёсий чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб, хусусан, аҳолининг ёши, саломатлиги, ижтимоий ҳолати ҳамда ҳаёт кечиришнинг зарур воситаларига эга бўлмаганлиги сабабли ёрдамга муҳтож қатламига давлат ва жамоат ташкилотлари ва жамғармаларининг ёрдами ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини тўхтовсиз ошириб бориш, қашшоқланишнинг олдини олиш, аҳоли турли қатламлари ўртасидаги таълим олиш, маданият ва санъат ютуқларидан фойдаланиш, касб малакасини ошириш ва даромадларни таъминлаш жиҳатидан

тафовутларни камайтириш, инсон тараққиётининг узлуксизлигини таъминлаб боришдан иборат.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий шакллари эркин ижтимоий-иқтисодий фаолиятни таъминлаш, иш билан бандлик, ўқиш ва таълим олиш, даромадларни кафолатлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимояси ва истеъмол кафолатини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг кам таминланган қатламларига турли имтиёзлар ва тўловлар жорий этиш кабилардан иборат.

Ривожланган, саноати тараққий этган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими такомиллашган бўлиб, Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда мустақиллик даврида қатор ижобий силжишларга эришилди.

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларидаёқ ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари яратилиб, унинг асосий тамойиллари Конституцияда белгилаб берилди.

Янги иш жойларини яратиш дастурлари, инфляциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, кичик ва хусусий бизнеснинг эркин фаолияти учун яратилаётган шарт-шароитлар, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тадбирлари, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши, фуқаролар ўз-ўзини бошқаришининг маҳалла тизимини ривожлантириш, энг кам иш ҳақи миқдорининг ошириб борилиши, давлат секторидаги ишчи ва ходимлар иш ҳақининг ошириб борилиши ижтимоий ҳимоя тизимининг таркибий қисмларига айланиб бормоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизими кейинги йилларда такомиллаштирилиб, аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан унинг манзилли ва мақсадли тизимига ўтилди. Бу тизимда маҳаллалар ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Маҳалла тизимига ўтилгач, 1999 йилда ушбу тизим орқали кам таъминланган оилаларда жами 3 млн. киши ва кўп болали оилаларда 6,5 млн. киши (бу мамлакат аҳолисининг қарийб 40 фоизи) моддий ёрдам олган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 44 фоиздан ошди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг миллий дастур даражасига олиб чиқилиши бу тизимнинг муайян йўналишларига ҳар йили устуворлик берилишида кўринади. Аёллар, болалар, қариялар, кўп болали оилалар, соғлом авлодни вояга етказиш мақсадларида масалан, 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Болалар йили", 2002 йил "Қарияларни қадрлаш йили", 2003 йил "Обод маҳалла йили", 2004 йил "Меҳр-мурувват йили", 2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" ва 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинди ва тегишли дастурлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг янги концепцияси" ишлаб чиқилган бўлиб, бундан кейин ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам нафақа

таъминоти, болаларга нафақа тўлаш, ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни тиббий анжомлар ва доридармонлар билан таъминлаш, ишсизларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам кўрсатиш шаклида амалга оширилиши назарда тутилган.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири давлат томонидан, хусусан, бюджет маблағлари ҳисобидан кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган, боқувчисини йўқотганларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бу давлат ижтимоий таъминоти тизими бўлиб, ўз ичига ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни қамраб олади.

Ижтимоий таъминот бевосита давлат ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағлар, ҳомийлар ва бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, унинг миқдори, таркиби, ёрдам кўрсатиш тартиби ва йўналишлари қонуний белгиланган, анъаналарга асосланган ва халқаро тажрибада синалган тартиб-қоидаларга кўра шаклланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1,3 млн.га яқин нафақадагилар ва ногиронлар 18 турдаги имтиёздан фойдаланмоқда

Кексалик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар ҳамда ногирон болаларга, болаликдан ногиронларга, ишламаган ёлғиз ногиронлар ва кексаларга белгиланган ижтимоий тўловлар ижтимоий таъминотнинг асосий шаклларидир.

Қария ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, жумладан, ногиронларни "Мурувват" уйларига, ёлғиз қарияларни "Саҳоват" уйларига жойлаштириш, муҳтожларни тиббий анжомлар ва харакатланиш воситалари билан таъминлаш, ногирон болаларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш, санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар жорий этиш, жамоат транспортларида юриш имтиёзлари бериш, турар жой, солиқ ва маиший хизматларнинг имтиёзли шаклларини жорий этиш кабилар республикамизда ижтимоий таъминотнинг кенг тарқалган кўринишлари ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг ҳуқуқий асосларида нафақа таъминотининг давлат томонидан кафолатланганлиги белгилаб қўйилган бўлиб, унинг муҳим тамойиллари 1993 йил 3-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида"ги Қонунида ифодаланган. Унга кўра нафақалар миқдори меҳнат стажи ва иш ҳақига узвий боғланган. Бугунги кунда қарийб 1,3 млн.га яқин нафақадагилар ва ногиронлар 18 турдаги имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Мустақиллик йилларида давлат ижтимоий таъминотидан фойдаланувчилар сони ортиб бораётган бўлиб, бу ўз навбатида иқтисодиётнинг жадал ривожланишини ва шунга мувофиқ давлат бюджети даромадларининг ошириб борилишини тақозо этади.

9.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида нафақадагилар сони ва таркиби *(минг киши)*

	1990	1995	2001	2004	1990-2004 йй. лари ўзгариши, %
Нафақадагилар, жумладан:	2159,0	2396,6	2671,4	2788	129,0
Ёши бўйича	1576,5	1771,7	1857,4	1931,1	123,0
Ногиронлиги бўйича	285,8	404,5	585,0	623,4	218,0
Боқувчисини йўқотганлар	224,5	220,4	229,0	233,5	104,0
Ижтимоий нафақа олувчилар, жумладан:	98,5	193,4	258,8	283,0	286,0
Болаликдан ногиронлар	73,4	129,9	229,9	253,0	342,0
Ёлғиз қариялар	20,9	45,0	21,3	22,2	105,0
Ёлғиз ногиронлар	7,5	11,3	3,5	3,8	353,0

Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш ва бу соҳада давлат бошқарувини оқилона ташкил этиш мақсадида ташкилий-маъмурий ислоҳотлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, ислоҳотларнинг дастлабки босқичида қатор нодавлат ва нотижорат ижтимоий жамғармалар ташкил этилди. 2001 йил 13 февралда олдинги Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги бирлаштирилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги шакллантирилди. Жойларда давлатнинг ижтимоий таъминот сиёсатини юритишда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 12 вилоят ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, 213 та туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари, 26 та "Мурувват" ва 8 та "Саҳоват" уйлари, Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати, Тошкентда "Нуроний", Фарғонада "Олтиариқ", Тошкент вилоятида "Товоқсой", Наманганда "Косонсой" санаторийлари, Ногиронларни тиббий – ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази, 180 дан ортиқ тиббий-экспертиза комиссиялари, 3 та ногирон болалар учун касб-ҳунар билим юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлат билан бир қаторда бир қанча ижтимоий жамғарма ва ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Ижтимоий жамғармалар фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда мулкий улуш қўшиш орқали шакллантирилган ташкилотлар бўлиб, уларнинг асосий мақсадлари хайрия, ижтимоий, маданий ва маърифий фаолият юритиш орқали жамият ижтимоий тараққиётига ҳисса қўшишдан иборатдир. Мамлакатимизда қонун доирасида фаолият юритаётган, адлия вазирлигидан

рўйхатдан ўтган ижтимоий жамғармалар сони ҳозирда 50 дан ошади. Ижтимоий жамғармалар ўз фаолиятлари орқали жамиятдаги ижтимоий барқарорликни ва тараққиётни таъминлашга салмоқли таъсир кўрсатади.

9.2-жадвал

Ижтимоий ҳимоя ва таъминот тизимини ривожлантиришнинг бюджет кўрсаткичлари (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2003 амалда	2004 амалда	2005 режа
I. Бюджет харажатлари, мақсадли жамғармаларсиз	2376, 9	2 743,2	3464,1
1.Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлаш харажатлари, жумладан:	1331,4	1 305,4	1 738 ,9
1.1 маориф	623,0	753,4	991,5
1.2 соғлиқни сақлаш ва спорт	228,7	282,2	377,8
1.3 фан,маданият ва ОАВ	45,9	51,3	77,3
1.4 ижтимоий таъминот	9,5	10,8	13,9
1.5 аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фаркни қоплаш	286,5	21,7	16,0
1.6 оилаларга, жумладан болали оилаларга нафақалар	137,8	167,1	212,9
Жами харажатлар	3180,9	3 679,6	4884,1

9.2. Меҳнат бозори ва бандлик

Маълумки, меҳнат бозори муайян меҳнат қобилиятига эга ишчи кучининг олди-сотдиси амалга ошадиган бозор ҳисобланади. Бу бозорнинг асосий иштирокчилари ишчи кучини ёлловчилар - тадбиркор, корхона ва давлат ҳамда меҳнат лаёқатига эга аҳолидир. Тадбиркор ишчини ёллаш билан ундан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритса, аҳоли ўз меҳнат қобилияти эвазига ҳаётий зарур восита ва маҳсулотларни харид қилиш имкониятига эга бўлади. Бозор ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлганидек, Ўзбекистон меҳнат бозори амал қилишида ҳам миллий омилларнинг таъсири сезилади.

Меҳнат бозори иккита муҳим иқтисодий вазифани бажаради. Биринчиси, бозорда одамлар ўз меҳнати эвазига даромадга эга бўладилар. Бу даромад сарфланган куч ва энергияни қайта тиклашга етарли бўлиши лозим. Иккинчиси, меҳнат бозори мамлакат аҳолиси меҳнатидан самарали фойдаланиш, уни бошқариш ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида мақсадга мувофиқ тақсимлаш имконини беради. Мамлакатимизда меҳнат бозорини ривожлантиришда ана шу вазифаларни тўлиқ бажаришга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги муносабат иш ҳақи миқдорига таъсир кўрсатувчи энг муҳим бозор механизмидир. Аммо, ҳали Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги қонуний

боғланиш аста-секинлик билан шаклланмоқда. Шу сабабли бозорда кузатилиши керак бўлган ўзгариш, яъни, иш ҳақининг умумий ставкаси кўтарилиши ва шунга мос меҳнатга бўлган умумий талабнинг камайиши ва таклифнинг ортиши тенденцияси яққол намоён бўлмайди.

Меҳнат бозорини масалан, товар бозоридан ажратиб турадиган асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– меҳнат бозори иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари узоқ давом этади. Хом ашё ёки озиқ-овқат товарлари бўйича харидор ва сотувчи ўртасидаги бозор муносабати пул берилиб, товар олиниши билан тугайди. Меҳнат қобилиятини олиб сотиш жараёни эса ишлаб чиқариш жараёни тугашигача давом этади;

– меҳнат бозорига меҳнат шароитлари ва корхонадаги ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади. Кишилар ўз меҳнат қобилиятини сотар экан, меҳнатнинг мураккаблиги ва соғлиққа таъсири, меҳнат жамоаси аъзоларининг ўзаро муносабати қандайлиги билан қизиқади;

– меҳнат бозорига жамиятда амал қилиб турган қонунчилик тизими, турли давлат ва ижтимоий ташкилотлар ҳам таъсир кўрсатиб туради. Касб - ҳунар жамоалари, давлатнинг бандлик сиёсати, кадрлар тайёрлаш дастурлари, тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг уюшмалари, касаба уюшмалари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда 2005 йил бошида меҳнат ресурслари 14 млн. кишидан ошди. Бу аҳолининг қарийб 54 фоизи демакдир

Ўзбекистонда меҳнат бозори тарихан қиска ривожланиш даврини босиб ўтмоқда. Бозор муносабатларининг шаклланиб, ривожланиши билан меҳнат бозорида ҳам ижобий ва баъзи салбий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу хусусий мулкчиликнинг тараққий этиши, иқтисодиётга давлат аралашувининг чекланиб бориши, ишчи кучи миграциясининг кучайиши, ишсизлик даражасининг ортиши ва ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилиши кабилар билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда меҳнат бозорининг кўлами, ривожланиши ва ундаги асосий ўзгаришларни аҳоли сони, меҳнат ресурслари миқдори, иқтисодий фаол аҳоли сони, бандлик ва ишсизлик даражалари кўрсаткичлари ифодалайди.

Ўзбекистонда 2005 йилда бошида жами аҳоли сони 26 млн. 100 минг кишини ташкил этган бўлса, шундан қарийб 54 фоизи, ёки 14 млн. 21 минг киши меҳнат ресурслари ҳисобланади. Меҳнат бозорининг кенглиги меҳнат ресурсларининг миқдорига боғлиқ. Меҳнат ресурсларининг манбаси эса мамлакатнинг аҳолисидир. Аммо аҳолининг фақат меҳнатга ярокли қисмигина меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Иқтисодий фаол аҳолининг миқдори ва сифати, унинг йиллар давомидаги ўзгариши мамлакатнинг иқтисодий қудратини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардандир. Меҳнат

ресурслари ва иқтисодий фаол аҳоли сонининг ошиб бориши миллий хўжаликнинг такрор ишлаб чиқариш салоҳиятининг ҳам ортиб боришини ифодалайди.

Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли сони 2004 йил охирида 9 млн. 946 минг кишидан иборат бўлди. Шундан 99,6 фоизи ёки 9 млн. 911 минг киши иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлди.

Иқтисодий фаол аҳолининг асосий қисми, яъни 67,7 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлиб, шундан саноатда 13 фоиз, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 31,0 фоиз, қурилишда 8,2 фоиз ва савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 8,7 фоиз аҳоли меҳнат қилмоқда. Иқтисодий фаол аҳолининг ўтган йилга нисбатан жадал ўсиши қурилиш (5,9 фоиз), транспорт ва алоқа (5,5 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (5,2 фоиз), уй-жой ва коммунал хўжалиги, маиший хизмат (5,5 фоиз), соғлиқни сақлаш (5,3 фоиз) каби соҳаларда кузатилди. 2004 йилда нодавлат секторида жами фаол аҳолининг 77,0 фоизи меҳнат қилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда 76,8 фоиздан иборат бўлди.

Ҳозирда Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг қарийб 68 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат қилмоқда

9.3-жадвал

Ўзбекистонда жами банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши

минг киши

Иқтисодиёт тармоқлари	2003	2004	Ўзгариш, %
Жами банд аҳоли	9589,0	9910,6	103,4
Моддий ишлаб чиқаришда	6537,0	6710,6	102,7
-саноат	1223,3	1283,9	105,0
-қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3063,0	3067,6	100,2
-транспорт ва алоқа	304,0	320,8	105,5
- қурилиш	763,3	808,1	105,9
-савдо ва умумий овқатланиш	815,0	857,6	105,2
-бошқалар	368,4	372,6	101,1
Номоддий ишлаб чиқариш	3052,0	3200,0	104,8
-транспорт ва алоқа	128,8	140,2	108,9
Уй-жой, коммунал хўжалиги, маиший хизмат	285,4	301,1	105,5
Соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот	654,4	689,0	105,3
Таълим, маданият, фан ва санъат	1257,4	1321,0	105,1
Молия ва кредит	50,4	52,8	104,8
бошқалар	675,6	695,9	103,0

Қуйидаги жадвал маълумотлари 1993-2004 йилларда республика меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ифодалайди. Хусусан, таҳлил даврида ишлаш эҳтиёжи бўлганларнинг ишга жойлашиш даражаси ортиб борган бўлиб, 1993 йилда бу кўрсаткич 61 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 76,2 фоиздан иборат бўлган. 2004 йилда жами 425 минг киши иш сўраб мурожаат қилган бўлса, шундан 323,7 минг киши ишга жойлаштирилган. Ишга жойлашганларнинг 57,2 фоизи 16-30 ёшдадир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигининг маълумотига кўра 2004 йилда "Бандлик" давлат дастурини амалга ошириш доирасида 481 минг янги иш ўринлари яратилган (бу кўрсаткич 2003 йилда 429,6 мингни ташкил этган.) Шундан 42 фоизи корхона ва ташкилотларда, 31 фоизи кичик ва хусусий корхоналарда, 37 фоизи эса якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган.

Аҳолини иш билан таъминлашда меҳнат биржаларининг роли аҳамиятлидир. Меҳнат биржалари фаолиятининг жадаллашиши, инвестицион ва бандлик дастурларининг амалга оширилиши ҳамда хусусий тадбиркорликнинг фаоллашиши натижасида иш билан таъминлаш даражаси ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич 1993 йилда 61,0 фоиз, 1995 йилда 62,4 фоиз, 1998 йилда 66,2 фоиз, 2002 йилда 71,9 фоиз ва ниҳоят 2004 йилда 76,2 фоизни ташкил этди.

9.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Расмий маълумотлар, минг киши

Йиллар	Расмий иш сўраганлар	Ишга жойлашганлар	Ишга жойлашганларнинг жами рўйхатдан ўтганлардаги улуши, %	Расмий ишсизлар сони
1993	191,6	116,7	61,0	20,1
1994	214,1	124,9	58,4	24,8
1995	246,2	153,5	62,6	25,4
1996	275,4	178,8	64,9	27,5
1997	298,8	197,4	66,0	28,8
1998	313,8	207,9	66,2	33,3
1999	387,9	246,4	63,5	34,3
2000	421,4	280,6	66,6	35,4
2001	462,8	318,0	68,7	37,5
2003	430,5	317,4	73,7	32,2
2004	425,0	323,7	76,2	34,9

Меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг талабдан ортиқ бўлиши натижасида ишсизлик юзага келади. Ишсизлик меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли сабабларга биноан ишсиз қолишини билдиради. Ўз касби, малакаси ва ҳоҳиш истагига тўғри келадиган иш ва иш жойини тополмайдиганлар доимо учраб туради.

Ишсизлик даражасига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларга аҳолининг табиий ўсиши, ишчи кучи миграцияси, иқтисодиётга капитал маблағларнинг жалб қилиниши, иқтисодий инқирозлар, экологик ўзгаришлар ва урушларни киритиш мумкин.

Шаклланаётган бозор шароитида меҳнат бозорининг хусусияти шундаки, унда ташкилий меҳнат бозори ва яширин меҳнат бозори ёнма-ён амал қилади. Ташкилий

меҳнат бозори бандлик хизмати тузилмалари томонидан тартибга солинади ва бошқарилади. Яширин меҳнат бозори эса тартибсиз, қонун ва қоидаларга бўйсунмаган шаклда амал қилиб, унда иш берувчиларнинг аксарияти меҳнат муносабатларида ишловчилар манфаатларини паймол қилади.

Ўтиш даври мамлакатларида ташкилий ва яширин (тартибсиз) меҳнат бозори миқёсининг ўзаро нисбати ўртача 5:1 ни ташкил этмоқда.

Ишчи кучига таклифнинг талабдан ошиб бориши, меҳнат хавфсизлиги талаблари ва шароитларининг пасайиши кабилар ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозорининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат бозори ривожланишининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлаяпти:

1. Ишсизлар сонининг ортиши;
2. Ишчи кучи тармоқ таркибининг ўзгариши;
3. Ишчи кучи экспортининг кучайиши;
4. Ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиши;
5. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳудудий тафовутларининг ортиши;
6. Яширин ишсизликнинг ортиши;
7. Расмий ва норасмий ишсизлар сони ўртасидаги тафовутнинг ортиши.

Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожлантириш ва бошқариш механизмини такомиллаштиришда меҳнат бозори институтлари фаолиятини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг ***бандлик сиёсати*** меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишсизликнинг олдини олишга қаратилган. Бу сиёсат ишсизлик даражасига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳамдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлиқ бандлик эмас, самарали бандликни таъминлаш долзарб муаммодир. Масалан, иқтисодий фаол аҳолининг 100 фоизини иш билан таъминлаш мумкин. Лекин, уларнинг меҳнати самарасиз бўлса, меҳнат унумдорлиги пастлигича қолаверади. Самарали бандликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш қуйидагиларни назарда тутади:

– қўл кучига асосланган меҳнатдан механизациялашган ва автоматлашган меҳнатга ўтиш;

– умумий иш вақтини камайтириш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш;

– мавжуд иқтисодий фаол аҳолининг фирмалар, тармоқлар ва минтақалар ўртасида оқилона тақсимланишига эришиш;

– жами банд аҳоли таркибида малакали ишчи кучи улушини орттириб бориш;

– аёлларни ўз оналик вазифаларидан маҳрум қилмаган ҳолда иқтисодий фаолиятга жалб қилиш.

Самарали бандликни таъминлашга меҳнат биржалари ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Меҳнат биржаси бу – тадбиркор ва ишчи ходимнинг ишчи кучини олди-сотди қилишларида воситачилик ролини бажарувчи махсус муассасадир. Меҳнат биржаларининг асосий вазифалари ишсизларни ишга жойлаштиришга воситачилик қилиш, ишини ўзгартирувчилар учун бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот бериш, ёшларни касбга йўналтириш, ишсизлар сонини рўйхатга олиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш кабилардан иборат.

Мамлакат фуқароларининг фаровонлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичларни аҳоли турмуш даражаси ва унинг яшаш шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳаёт сифати ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич тарихий категория бўлиб маълум вақт оралиғида фуқароларнинг моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлигини ўзида акс эттиради.

Турмуш даражаси ўзида асосан моддий характерда бўлган яшаш стандартлари мажмуасини қамраб олса, унинг сифати эса инсоннинг шахс сифатида ва ижтимоий жиҳатдан юксак қадриятларга эришиш даражаси билан боғлиқ бўлади. Уларга инсоннинг ахлоқий-руҳий сифатлари, саводхонлик ва маданий даражаси, саломатлиги, меҳнат қилиш, турар жой ва дам олиш шарт-шароитлари, иқтисодий шароитларнинг қулайлиги, эҳтиёжлар ва уларни қондириш даражаси ва бошқалар киради. Миқдор кўрсаткичларда ўлчанадиган моддий неъматлар жаҳон андозалари мезонларидан келиб чиқиб сифат жиҳатдан баҳоланиши ҳам мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли мамлакатларда қўлланилаётган турмуш даражаси миллий концепцияларининг алоҳида хусусиятларини умумлаштирган ҳолда уларнинг қуйидаги умумий компонентларига эътибор қаратади: соғлиқ, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, таълим, бандлик ва меҳнатни ташкил қилиш, ҳаётий қулайликлар, ижтимоий таъминот, кийим-кечак таъминоти, дам олиш ва бўш вақт, инсон ҳуқуқлари.

Аҳоли турмушининг сифати тушунча сифатида кенг маънодаги 4 йўналишдаги кўрсаткичларни ўзида қамраб олади: аҳолининг сифат кўрсаткичлари, аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий хавфсизлик, атроф-муҳитнинг сифати.

Биринчи йўналиш аҳолининг сифат кўрсаткичлари: демография, аҳолини такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, оилаларни шакллантириш қобилиятлари, таълим ва касбий маҳорат даражалари.

Иккинчи йўналиш – аҳолининг турмуш даражаси ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичларини бириктиради. Сифат кўрсаткичлари гуруҳига аҳоли саломатлиги аҳволи, озиқланиш сифати, таълим ва маданий аҳволи, турар жой, меҳнат шароитларининг сифати, бўш вактни ўтказиш ва дам олиш шароитлари сифати, оилавий ҳаётнинг фаровонлиги киради. Миқдор кўрсаткичлари гуруҳига аҳолининг реал даромадлари ва реал харажатлари, иқтисодий фаоллиги, аҳолининг соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, дам олиш, инфратузилма хизматлари билан таъминланганлиги, аҳолининг уй-жой ва бошқа мулк билан таъминланганлиги, ижтимоий таъминот кўрсаткичлари киради.

Учинчи йўналиш жисмоний ва мулкий хавфсизлик даражасини, жамият ва давлатнинг аҳлоқий-сиёсий соғломлиги сифатларини қамраб олган.

Тўртинчи йўналиш ўзида ҳаво ва сув ҳавзаларига антропоген (инсон фаолияти натижасида) таъсир кўрсаткичлари, тупроқ қатлами ва ўрмон ҳолати кўрсаткичларини олади. Аҳоли турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларининг юқорида келтирилган тўплами Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоблар тизимидан ўрин олган (сифат кўрсаткичларидан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳига кирувчи қуйидагилар бўйича маълумотларни бериб боради: аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари, аҳоли жон бошига пул даромадлари ва харажатлар, товар ва хизматларни сотиб олишга мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлар, белгиланган ўртача ойлик иш ҳақи (ишчига), белгиланган ўртача ойлик пенсия миқдори.

Ушбу кўрсаткичлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби ва динамикасини ҳам кузатиб боради.

9.4. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва харажатлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, кишиларга ўз салоҳиятларини намоён қилиш ва ўз меҳнати эвазига муносиб турмуш даражасини барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ижтимоий барқарорликни таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда аҳоли даромадларини муттасил ошириш, унинг таркибини максадга мувофиқ такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, даромадлар миқдори қанчалик кўп бўлса, зарурий эҳтиёжларни қондириш, саломатликни сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот

олиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш имкониятлари шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда **давлатнинг даромад сиёсати** мамлакатнинг умумиқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли даромадларини кўпайтириш, инфляция даражасини пасайтириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликнинг барча турларини, айникса, кичик ва хусусий тадбиркорликни устун даражада ривожлантириш, аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқ, эркаклар ва аёллар, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва минтақалар ўртасидаги тафовутнинг ошиб кетишига йўл қўймасликка қаратилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар нафақат Ўзбекистон аҳолиси реал даромадларининг ошишига, балки даромадлар ва харажатлар таркибини такомиллаштириш бўйича қатор ижобий ўзгаришларга эришишга имконият яратди.

Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг 2004 йилда 83,7 фоизини пул даромадлари ташкил этди

Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон аҳолиси даромадлари таркибида пул даромадларининг улуши ўсмоқда. Бу эса аҳоли тўловга қобил талабининг ошаётганлигидан далолат беради. Агар 2003 йилда пул даромадларининг жами даромадлардаги улуши 82,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 83,7 фоизга етди. Шунга мувофиқ равишда натурал кўринишдаги даромадлар улуши 17,8 фоиздан 16,3 фоизгача пасайди.

9.5-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари таркиби (%)

Кўрсаткичлар	2003			2004		
	Республика	Шаҳар	Қишлоқ	Республика	Шаҳар	Қишлоқ
Жами даромадлар	100	100	100	100	100	100
Пул даромадлари	82,2	93,9	74,2	83,7	93,8	76,8
Иш ҳаки	28,6	39,2	21,4	29,6	39,9	22,5
Ижтимоий трансфертлар	15,7	17,3	14,6	15,8	17,1	15,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлар	18,0	7,9	24,9	17,4	5,8	25,3
Мулкдан олинган даромадлар	1,4	2,6	0,5	1,2	1,3	1,1
Тадбиркорлик даромадлари	13,1	17,3	10,3	15,2	21,4	10,9
Бошқа пул даромадлари	5,4	9,6	2,5	4,5	8,3	1,9
Натурал кўринишдаги даромадлар	17,8	6,1	25,8	16,3	6,2	23,2

Бундай ижобий тенденция қишлоқ аҳолиси даромадлари таркибида **иш ҳаки, ижтимоий трансфертлар ва**

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар улушининг ўсганлиги натижасида юз берди. Хусусан, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан иш ҳақининг жами қишлоқ аҳолиси даромадларидаги улуши 21,4 фоиздан 22,5 фоизгача, ижтимоий трансфертлар улуши 14,6 фоиздан 15,1 фоизгача, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромадларнинг улуши 24,9 фоиздан 25,3 фоизгача ўсди.

Қишлоқ аҳолиси пул даромадларининг ўсишига қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ривожлантиришга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимининг такомиллаша бошлаганлиги, барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошганлиги, кам таъминланган аҳоли қатламларини (бундай аҳоли қатламларининг 2/3 қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади) ижтимоий ҳимоя қилишда адресли ёрдам кўрсатиш тизимининг такомиллашганлиги ва бошқа омиллар ижобий таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда умумий даромадларда **тадбиркорликдан олинган даромадлар**нинг улуши 15,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу республикамиз аҳолисининг бозор иқтисодиёти шароитларига мослашиб бораётганлигидан ва давлат томонидан тақдим этилаётган имкониятлардан кенг фойдаланилаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси даромадлари таркибида сезиларли тафовутлар мавжуд. Гарчи, пул даромадларининг жами даромадлардаги улуши 2003 йилда 74,2 фоиздан 76,8 фоизгача ўсган бўлса-да, қишлоқ аҳолиси даромадлари таркибида натурал шаклдаги даромадлар сезиларли салмоққа эга. Чунончи, 2004 йилда қишлоқ аҳолиси даромадлари таркибида натурал шаклдаги даромадлар улуши 23,2 фоизни ташкил этган бўлса, шаҳар аҳолиси даромадларида бу кўрсаткич 6,2 фоизга тенг бўлган.

Шаҳар аҳолиси даромадларининг қарийб 40 фоизи иш ҳақи ҳисобига шаклланган, қишлоқ аҳолисида бу кўрсаткич 22,5 фоизни ташкил этган, холос. Айни вақтда, қишлоқ аҳолиси даромадлари таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар сезиларли ўринга эга бўлиб, қишлоқ аҳолиси жами даромадларининг чорак қисмидан кўпроғи ушбу даромадлар тури ҳиссасига тўғри келади.

Шаҳар аҳолиси даромадларининг катта қисмини тадбиркорликдан олинган даромадлар ва бошқа пул даромадлари ташкил этади. Хусусан, 2004 йилда жами даромадларнинг қарийб 1/3 қисми айнан тадбиркорликдан олинган даромадлар ва бошқа даромадлар ҳиссасига тўғри келди. Қишлоқ аҳолисида бу кўрсаткич 12,8 фоизга тенг бўлди, холос.

2004 йилда аҳоли даромадларининг ўсиш суръатлари 2003 йилга нисбатан бироз пасайди. Агар 2003 йилда аҳоли

даромадлари 2002 йилга нисбатан 24,9 фоизга ошган бўлса, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 17,6 фоизга ўсди.

Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг ўсишига **иш ҳақи ва нафақалар** миқдорининг ошиши кучли таъсир кўрсатди. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ишчиларининг ойлик иш ҳақи, барча турдаги **пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар** миқдорини оширишга қаратилган Давлат сиёсати, шунингдек, "Меҳр ва мурувват йили" мақсадли дастурининг амалга оширилиши иш ҳақи миқдорининг 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 18 фоиз, ижтимоий трансфертларнинг 32,8 фоиз ўсишига олиб келди.

Ўзбекистон аҳолисининг пул даромадлари 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 17,6 фоизга ошди

9.6-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли пул даромадлари таркиби (%)

	Пул даромадларига нисбатан		Ўтган йилга нисбатан	
	2003	2004	2003	2004
Жами пул даромадлари	100	100	124,9	117,6
Иш ҳақи	26,9	26,9	128,3	118,0
Пенсия, нафақа, стипендиялар	11,4	12,9	115,9	132,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлар	29,7	29,1	127,1	115,5
Тадбиркорликдан олинган ва бошқа даромадлар	32,1	31,1	123,6	113,9

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аҳоли даромадлари таркибида ижтимоий трансфертлар улушининг ўсиши аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасидаги тенгсизликнинг қисқаришига олиб келди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2004 йилда 2003 йилга нисбатан тадбиркорликдан олинган даромадларнинг ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайган. Бу, энг аввало, юридик ва жисмоний шахслар томонидан савдо фаолиятини амалга ошириш ҳамда уларни рўйхатга олишни тартибга келтириш, шунингдек, тижорат фаолиятига мўлжалланган товарларни импорт қилувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олишни тартибга келтириш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида норасмий секторнинг қисқариши билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, бундай чора-тадбирлар натижасида якка тартибдаги тадбиркорларнинг ЯИМдаги улуши қисқарди, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ЯИМдаги салмоғи ўсди.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиш тенденциялари **аҳоли харажатлари ҳажми ва таркиби**да ҳам ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Хусусан, истеъмолга сарфланган харажатларнинг жами харажатлардаги салмоғи 2003 йилда 78,7 фоиздан 2004 йилда 76,9 фоизгача пасайди. Айни вақтда банклардаги қўйилмалар, қимматли қоғозлар ва валюта сотиб олиш кўринишидаги аҳоли жамғарма-

ларининг улуши сезиларли даражада ўсди ва 2003 йилда 9,2 фоиздан 2004 йилда 14,3 фоизга етди.

9.7-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли пул харажатлари таркиби (%)

Йиллар	Аҳолининг пул даромадлари	Шундан пул харажатлари: Истеъмол харажатлари	Мажбурий тўловлар ва бадаллар	Банклардаги қўйилмалар, қимматли қоғозлар ва валюта сотиб олиш	Пул қолдиғи
2003	100	78,7	7,8	9,2	4,3
2004	100	76,9	7,8	14,3	1,0

Ўзбекистонда аҳоли пул харажатларининг 2004 йилда 76,9 фоизини истеъмол харажатлари ташкил этди

Уй хўжаликлари жамғармаларининг ўсиши ҳисобига жорий истеъмолни молиялаштириш ҳажмининг қисқариши **аҳолининг жамғаришга мойиллиги** ва инвестицион фаоллигининг ошаётганлигидан далолат беради. Бунинг натижасида 2004 йилда аҳоли маблағларининг жами инвестициялардаги улуши ўсди. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар билан солиштирганда, аҳоли харажатлари таркибида истеъмол харажатлари улушининг ҳали ҳам юқори эканлигини таъкидлаш лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳоли истеъмол харажатларининг 50 фоизидан кўпроғини озиқ-овқат маҳсулотлари ва 20 фоизга яқинини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Агар 2004 йилда 2003 йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотларининг жами харажатлардаги салмоғи сезиларсиз даражада ўсган бўлса (51,8 фоиздан 52 фоизгача), ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 19,5 фоиздан 18,6 фоизгача пасайди.

9.8-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли харажатлари таркиби (%)

Йиллар		Аҳоли харажатлари	Шундан истеъмол харажатлари: Озиқ-овқат товарлари	Ноозиқ-овқат товарлари	Хизматлар	Бошқа харажатлар	Нонстеъмол харажатлар
2003	Республика	100	51,8	19,5	12,3	0,6	15,8
	Шаҳар	100	50,6	19,5	14,2	0,6	15,1
	Қишлоқ	100	53,3	19,5	10,1	0,5	16,6
2004	Республика	100	52,0	18,6	13,0	0,4	16,0
	Шаҳар	100	50,4	18,3	15,5	0,4	15,4
	Қишлоқ	100	53,7	19,0	10,2	0,5	16,6

Аҳоли харажатлари таркибида ҳаётий муҳим эҳтиёжларни таъминлаш билан боғлиқ хизматлар – уй-жой ва коммунал хўжалик хизматлари, транспорт, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларига сарфланган харажатлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Пул асосида хизмат кўрсатиш бўйича ижтимоий мажмуа тармоқлари фаолият соҳасининг кенгайиши, шунингдек, **уй-жой ва коммунал хўжалик-**

ларига дотацияларнинг қисқариши (иситиш, электр қуввати, газ ва сув таъминотига тарифларнинг ўсиши) натижасида хизматларга сарфланган харажатларнинг жами харажатлардаги улуши 2003 йилда 12,3 фоиздан 2004 йилда 13,0 фоизгача ўсди.

Хизматларга сарфланган харажатлар улушининг ўсиши, энг аввало, шаҳар аҳолисининг уй-жой ва коммунал хизматларга сарф-харажатлари ошганлиги билан боғлиқ.

Гарчи, аҳоли даромадлари ва харажатлари таркибида ижобий ўзгаришлар кузатилаётган бўлса-да, аҳоли даромадларида республика минтақалари бўйича сезиларли тафовутлар мавжуд.

9.9-жадвал

Ўзбекистон минтақалари бўйича аҳоли жон бошига пул даромадлари (минг сўм)

	2000	2004
Ўзбекистон Республикаси	95,9	295,3
Қорақалпоғистон Республикаси	60,5	158,4
Андижон	111,9	282,4
Бухоро	86,6	259,3
Жиззах	54,1	187,9
Қашқадарё	72,4	229,8
Навоий	115,7	450,7
Наманган	64,7	182,6
Самарқанд	75,2	202,8
Сурхондарё	64,9	217,2
Сирдарё	74,2	215,1
Тошкент	90,0	311,6
Фарғона	105,1	271,6
Хоразм	74,1	196,5
Тошкент шаҳри	240,6	904,1

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича минтақалар ўртасидаги тафовут ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича энг юқори (Тошкент шаҳри) ва энг паст (Жиззах вилояти) кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат 4,4 мартани ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу нисбат (Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичлари ўртасидаги) 5,7 мартага тенг бўлди.

Агар 2000 йилда Жиззах вилояти бўйича аҳоли жон бошига пул даромадлари республика ўртача кўрсаткичининг 56,4 фоизини ташкил этган бўлса, 2004 йилда энг паст кўрсаткичга эга Қорақалпоғистон аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича республика ўртача кўрсаткичининг 53,6 фоизига эришган, холос.

Бугунги кунда фақат учта минтақа – Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятлари аҳоли жон бошига пул

даромадлари бўйича республика ўртача кўрсаткичидан юқори натижага эришган. Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида эса аҳоли жон бошига пул даромадлари республика ўртача кўрсаткичининг 60-70 фоизини ташкил этади, холос.

Албатта, аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича минтақалар ўртасида тафовутнинг катта бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли ушбу тафовут даражасини қисқартириш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ўзбекистон минтақалари бўйича аҳоли жон бошига пул даромадлари ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келаётган асосий омиллар сифатида заиф ривожланган минтақалар иқтисодий салоҳиятининг пастлиги, айрим минтақаларда аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлиги, минтақаларда иқтисодий ислоҳотларнинг турли суръатларда кечаётганлиги, минтақалар табиий-иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланилмаётганлиги ва бошқа омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича Ўзбекистон минтақалари ўртасидаги тафовут даражасини қисқартириш иқтисодий ва бозор механизмларидан мақсадга мувофиқ нисбатда фойдаланишни тақозо этади. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар даврида тўпланган тажриба шундан далолат берадики, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражалари ўртасидаги тафовутларни фақат марказлашган дотациялар ва субсидиялар ҳисобидан ҳал этиб бўлмайди. Бундай шароитда ажратилган маблағларнинг катта қисми оқилона сарфланмайди, улардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади.

Шу сабабли минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутни қисқартиришда нисбатан заиф ривожланган минтақаларга ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши учун марказлашган маблағлар ажратиш билан бирга жойларда бозор муносабатлари ва тадбиркорликнинг ривожланиши, минтақада мавжуд табиий-иқтисодий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ГЛОССАРИЙ

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ тармоқлар йиғиндиси. У уч катта соҳани ўз ичига олади: қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигининг ўзи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ тармоқлар гуруҳи.

Акциядорлик жамияти – пайчиликка асосланган ва акция чиқариш йўли билан ташкил этилган фирма.

Аҳолининг турмуш даражаси – кишиларнинг ҳаёт шароитларини ифодаловчи кўрсаткичлар йиғиндиси.

Барқарорлик – ишлаб чиқариш самарадорлигининг узоқ муддат давомида сақланиб туриши.

Биржадан ташқари бозор – ташкилий-савдо тизимларида амалга ошириладиган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорининг бир қисми.

Бизнес – кишиларнинг фойда олиш мақсадидаги иқтисодий фаолияти.

Бошқариш стратегияси – фирманинг моддий ва меҳнат ресурсларини бошқаришнинг доимий қабул қилинган умумий қоидалари ва тамойиллари.

Бошқарув технологияси – бошқарувни амалга оширишнинг мантиқий кетма-кетлиги.

Бюджет йили – давлат бюджетининг амал қилиш муддати.

Бюджет камомади (дефицити) – бюджет харажатларининг даромадларидан ошиб кетиши.

Венчур капитал – янги бизнесга унинг бошланғич, тикланиш даврида инвестиция қилишга мўлжалланган капитал.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва харажатларининг молиявий режаси.

Давлат бюджети даромадлари – бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантирувчи солиқ ва носолиқ тўловлар.

Давлат бюджети харажатлари – бюджетнинг давлат вазифаларини бажаришга йўналтирилган пул маблағлари.

Давлат облигациялари – давлатнинг қарз мажбуриятини билдирувчи қимматли қоғоз тури.

Диверсификация – ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш.

Дисконт сиёсат – марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартириш ва тижорат банклари ҳамда бошқа кредит муассасаларига кредит бериш билан боғлиқ сиёсати.

Ер фонди – давлат ҳисобида турган, миллий чегаралар доирасидаги қуруқлик, ички сув, ороллар ва денгиз қирғоқларини қамраб олувчи умумий майдон.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти – акциялари фонд бозорида эркин сотилмайдиган акциядорлик жамияти.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси – барча турдаги ёқилғи-энергетика хом ашёсини қидириш, қазиб олиш, ташиш, қайта ишлаш ва пировард фойдаланиш ҳамда истеъмол қилишни таъминловчи корхоналар, транспорт инфратузилмалари иншоотлари мажмуаси.

Ижтимоий-ахлоқий маркетинг – сотувчи, харидор ва жамият манфаатларини мувофиқлаштиришга қаратилган маркетинг тамойили.

Инвестиция – узоқ муддатли капитал қўйилма, сармоя.

Инвестицион иқлим – муайян мамлакатда хорижий капиталнинг таваккалчилик даражасини ва ундан самарали фойдаланиш имкониятларини белгилаб берадиган сиёсий,

иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маиший ва бошқа омиллар ва шарт-шароитлар йиғиндиси.

Инновация – техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги янгиликлар ва бу янгиликларнинг иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши.

Ислом банки – фоизсиз банк хизматлари кўрсатиш фаолиятининг асосий тамойили ҳисобланган банклар.

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – муайян даврда истеъмолчилар томонидан сотиб олинган товар ва хизматлар бозор қийматининг ўзгариши.

Истеъмол саватчаси – бир киши ёки оиланинг ойлик (ёки йиллий) меъёрий истеъмоли даражаси ва таркибини ифодаловчи товарлар йиғиндисининг қиймати.

Ихтисослашган банк – маълум банк хизматини кўрсатувчи кредит ташкилоти.

Ички қарз – мамлакат ичида давлат облигациялари сотиш билан қарз олиш.

Иқтисодий ўсиш – бир йил давомида реал ЯИМ ёки киши бошига ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг ўзгариши.

Иқтисодиётнинг байналмилаллашуви – миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги иштироки даражасининг ортиши, кенгайиши.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш даражасининг пасайиши.

Капитал – кенг маънода даромад келтирувчи қиймат ёки товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун инсон томонидан яратилган ресурслар.

Кредит таъминоти – кредит олишда қўйилиши кўзда тутилган гаров объекти.

Марказлашган кредитлар – бюджет ҳисобидан ажратилаётган кредитлар.

Маркетингни режалаштириш – корхонанинг муайян йўналишлардаги ҳаракатларини белгилаш.

Макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий инқирозга барҳам бериш, иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичларни муайян даражада сақлаб туриш, иқтисодиётни соғломлаштириш.

Макроиқтисодий кўрсаткич – мамлакат иқтисодиётини бирор-бир томонини тавсифловчи умумий кўрсаткич.

Миллий бойлик – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ифодаловчи муҳим интеграл кўрсаткич. У ўз ичига табиий, қайта тикланмайдиган ресурсларни, ҳамда яратилган, амалда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида фойдаланилаётган барча моддий ва маънавий бойликларни қамраб олади.

Миллий ҳисоблар тизими – иқтисодиёт ривожланишини макродаражада тавсифлаш ва таҳлил этиш учун фойдаланиладиган замонавий ҳисобот тизими.

Номинал даромад – аҳолининг пул даромадлари бўлиб, унда товарлар ва хизматларга бўлган нархлар, инфляция ва солиқлар ҳисобга олинмайди.

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти – акциялари фонд бозорларида эркин сотиладиган акциядорлик жамияти.

Паблик рилейшнз – фирманинг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш учун оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш.

Пул-кредит сиёсати – муомаладаги пул миқдорини тартибга солиш воситаси.

Реал даромад – аҳолининг пул даромадлари бўлиб, унда товарлар ва хизматларнинг реал нархлари ва солиқлар ҳисобга олинади.

Саводхонлик даражаси – аҳолининг маълумотлилик даражасини ва интеллектуал савиясини ифодаловчи кўрсаткичлар йиғиндиси.

Самарадорлик – ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ва унга кетган харажатлар ўртасидаги нисбат.

Самарали бандлик – аҳолининг ўз касби, малакаси ва бошқа имкониятларига мос бўлган иш билан таъминланиши.

Саноатнинг рақобат устунлиги – саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини таъминлаб берувчи ўта муҳим ишлаб чиқариш омили

Секвестрлаш – бюджет харажатларини кескин камайтириш чораси.

Стратегик режалаштириш – фирманинг узоқ истиқболга мўлжалланган мақсадларига эришиш йўлларини ва усулларини ишлаб чиқиш.

Тадбиркорлик – кишилар, уларнинг гуруҳи ёки компаниялар томонидан янги бизнесни ташкил қилиш ёки мавжудларини кенгайтиришга қаратилган, ташаббускорликка асосланган фаолият.

Ташқи қарз – ташқи бозорда давлат облигацияларини сотиш билан қарз олиш ёки кредитлар олиш.

Трансфертлар – аҳолини ижтимоий ҳимоялашга бюджетдан ажратилаётган маблағлар.

Тўла бандлик – меҳнат ресурсларининг иш билан тўла таъминланганлиги.

Универсал банк – барча банк хизматларини кўрсатувчи кредит ташкилоти.

Устав фонди – фирмани таъсис этувчиларнинг доимий қўйилмаларини ўзида акс эттирувчи моддий ва пул маблағлари йиғиндиси.

Устувор тармоқлар – миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларига салмоқли ижобий таъсир кўрсатувчи, ижтимоий самараси юқори бўлган, ялпи рақобатбардошлик даражасини оширувчи тармоқлар.

Фирма фаолиятини режалаштириш – қўйилган мақсадга мувофиқ фирма фаолиятини амалга ошириш йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш.

Фискал сиёсат – солиқ ва давлат харажатлари сиёсати.

Фонд бозори – кимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси амалга ошириладиган бозор.

Электрон бизнес – корхона ва ташкилотларнинг электрон тармоқлар воситасида ва унинг доирасидаги фаолияти.

Эмиссия – пул ва кимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

Эмиссия проспекти – янги акцияларни чиқариш тўғрисидаги ахборотларни чоп этиш.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – бир киши ёки бир оила томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бир йил давомида мамлакат ичкарисида резидентлар ва норезидентлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор баҳосидаги ифодаси.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – бир йил давомида мамлакат корхоналари ёки миллий капитал томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор баҳосидаги ифодаси.

Яшаш минимуми – кишининг биологик эҳтиёжлари учун зарур бўлган ойлик истеъмол харажатлари.

Н.Тўхлиев, Қ.Ҳақбердиев,
Ш.Эрмаматов, Н.Холматов

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ

«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти, 2006

Муҳаррир *Н. Холматов*
Компьютерда саҳифаловчи ва рассом *А. Ёқубжонов*
Техник муҳаррир *М. Олимов*

Босишга рухсат этилди 30.03.2006. Қоғоз бичими 60x90 1/16.
Times гарнитураси. Офсет қоғози. Шартли босма табоқ 17,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,1. Адади 1 000 нусха.
06-573 сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти.
700129, Тошкент, Навоий, 30.

«O'zbekiston» нашриёт матбаа ижодий уйи.
700129, Тошкент, Навоий, 30.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

МИЛЛИЙ ХЎЖАЛИК МАЖМУАЛАРИ: РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ